

84/59/7  
\$ 59

АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ

кусса  
Зульмат  
маликаси



Азамат ҚОРЖОВОВ

# ЗУЛМАТ МАЛИКАСИ

Қисса

Тошкент  
IJOD-PRESS  
2016

УЎК: 821.512.133-31  
КБК: 84(5Ў)7  
Қ59

Қоржовов, Азамат

Зулмат маликаси: (қисса) / А.Қоржовов. –Т.:  
IJOD-PRESS, 2016. – 216 б.

УЎК: 821.512.133-31  
КБК: 84(5Ў)7

Бошқаларнинг орзу-истаклари билан ҳисоблашмаслик, худбинлик, жабр-зулм яхшилик келтирмайди. Меҳрга тўймаган инсон ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаса-да, ҳаётнинг ўзи зулмкорларни жазолайди. Худди эзгуликни мусаффо табиат, инсон қонигаги генлар, ҳатто тилсиз жониворлар ҳам мувозанатда сақлаб тургандек...

Азамат Қоржововнинг “Зулмат маликаси” номли ушбу қиссасида турмушга эрта узатилган кўнгли ярим етим қизнинг қисмати, қабристонда туғилган қизалоқнинг онасига ўхшамаслиги, зулматли кечаларни нурафшон этган муҳаббат хусусида ҳикоя қилинади. Ёруғлик албатта галаба қозонади. Унгача эса тун бағрида турли афсоналарга сабаб бўлмиш инсонлар ўз бахтларини ахтарадилар.

**Тақризчи:**

М.ЙЎЛДОШЕВА – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
аъзоси, ёзувчи

ISBN 978-9943-994-40-9

**Abdulla Qodriy nomidagi  
viloyat AKM**

INV № 168645-2018

“IJOD-PRESS” нашриёти, 2016

## МУҚАДДИМА

Умр асл ва мажозий маънолардаги кундуз ҳамда кечадан иборат. Ёруғлик ва қоронғилик, эзгулик ва ёмонлик, оқ ва қора, савоб ва гуноҳ деб минг йиллар аввал ҳам ёзилган. Бироқ сиз ўқиётган қиссамда кундузни фақат яхшилик, кечани эса ёмонлик фасли демоқчи эмасман. Кундузлари атрофдагилар билан жилмайиб гаплашадиган, ширин гапларни қизганмайдиган, масжидга борадиган, аммо кечаси тундлашадиган, ҳатто майхонага кирадиган одамларни кўрганмисиз? Аксинча, кундузи дунё ишлари билан, кечаси ибодат билан машғулларни-чи? Қуёш ботиб, қоронғилик ёйилгач, кимдир эзгуликка, кимдир ёвузликка эш бўлади, зулмат ичида ҳам яхшилик ва ёмонлик баравар яшайди.

Қиссамнинг қаҳрамони Гўрхол деган қиз. Исмига эътироз билдиришга шошилманг. У ҳақда илк бора 2009 йилда кичик қисса ёзганман, матбуотда чоп этилган. Кейинчалик бобларининг ўрнини алмаштириб, бир оз қайта ишлаб, “Гўр қизи” номли китоб ҳам нашр эттирдим. Гўрхол – зулмат қўйнидаги мазорда туғилган қиз. Асраб олган отаси қўйган исми ким ҳам ўзгартирарди дейсиз. Уша қисса гўр қизининг онасининг ҳаёти, қабристондаги туғруқ ва бир неча йилдан сўнг одамлар овлоқдаги кулбада яшаётган қизалоқ ҳақида милицияга хабар бергач, Гўрхолнинг давлат қарамоғига топширилиши билан хотима топди. Аввал-бошдан қиссани “Гўрхолнинг туғилиши”, “Гўрхолнинг муҳаббати” каби икки қисмга бўлмоқчи эдим, афсуски, ўшанда фақат биринчи қисминигина ёза олдим. Орадан бир неча йил ўтса-да, Гўрхолнинг кейинги ҳаётини ёзиш истаги тинчлик бермади.

Шуни таъкидламоқчи эдимки, “Гўр қизи” совуқ ном экани ҳақида танқидлар эшитдим. У ҳолда “Гўруғли” ҳам одамни ўйлантириб қўйган бўларди. Мен ўша танқидчиларнинг изидан бормайман, яъни уларнинг

тирноқлари орасидан кир ахтармайман. Вазифам янги-янги асарлар ёзиш, деб ўйлайман. Ким қандай даражадаги ёзувчи эканини вақт кўрсатади. Унгача санъат тарозиси ва ўқувчилар тарозиси биз — қаламкашларнинг адабий вазнимизни ўлчаб тура қолсинлар. Муҳими, ёвузликни тарғиб этмаслик, бепарда асарларга қўл урмаслик, доимо изланишда бўлиш, савияни оширишга ҳаракат қилиш эмасми? Биров кам ёзади, биров кўп. Юзта романдан битта ҳикоя қудратлироқ чиққан майдонга баъзи қаламкашлар: “Битта ҳикоя ёзганлар қадрланар экан деб шапалоқдай ҳикоя ёзиб қўя қолгандим”, деб қадам босишади. Аслида гап на жанрда, на муаллифнинг қаерда ишлашида. Асарларимга қизиқарли воқеаларни замин қилиб оламан. Бу заминда устоз адиблардек боқий гуллар ўстира олмасам, менинг айбим. Ҳар бир қалам эгасидан улуг ёзувчи чиқмайди, ҳар бир асар боқий эмас.

Шундай қилиб, зулматли кечаларнинг бирида деразам оҳиста чертилади. Дастлаб туш кўраётганга ўхшайман. Яна ва яна чертилади. Ўрнимдан туриб, пардани сураман ва шарпани илғайман. У Гурҳол бўлади. Мен хаёлотим билан яшайман. Хаёлотим ҳақиқий ҳаётга кўчади...

## ГҲРХОЛНИНГ ОНАСИГА СОВЧИ КЕЛДИ

Гурҳолнинг фаройиб тарихи анча йиллар бурун, у ҳали дунёга келмасдан бошланган эди. Уша куни ўнқир-чўнқир асфальт йўл ёмғирдан қорайиб, ҳалқобларга тўлиб қолди. Кимдир аллақаердан маккажўхорининг сўлиган сариқ поясини ташиб келмоқда. Хувиллаган боғлардан қиш мўралаб тургандай туюлади. Одам ўз-ўзидан чарчаб кетади. Яккаш тушкунликка тушгандай, бошқалар эса хуш-хандон, ишчан кайфиятда кўринади. Аслида эса ҳамма ҳам сўлим ёз, тўйлар мавсуми бўлмиш эрта куз, октябрь қуёши ва албатта пишиқчилик мавсуми тугаб-битганидан эзилади.

Табиат қишни етаклаб келишдан аввал ана шундай

хафагазак кунларни бошга солади. Бунга қарши ҳеч ким курашмайди: на халқ, на давлат. Замонлар келиб қишлоқлар ўрни экинзорларга айланиб, дунё аҳолиси шаҳарларга қамаб қўйилгунча давом этаверади бу туйғулар. Бироқ ўша замонларгача кўп бор. Ҳозир эса мактаб ўқувчилари пахта даласидан она қишлоқларига қайтишди, бугун қайсидир дала ўртасидаги хароб кулбада ўтин ёқилди, қабристонда қарғалар ғуж-ғуж ўйнади, бир қишлоқда тўй режаси тузилди. Ёқимсиз кунлардаги тўй...

Автобуслар кечки қуёшга тобланаётгандай кўча бошида сарғиш биқини ва кир ойналарини кунботарга қаратиб тўхтади. Кўчалар ола-ғовур бўлиб кетди. Пахтадан қайтганлар озода кийинган бўлсалар-да, кир-чир, увун-тўдага ўхшардилар. Йигитлар ўз йўлига, эҳтимол, қизлар ҳам эркакча эски қўйлақларни кийиб, олдини тугиб олганлари учунми, калишларидан қалин пайпоқлар чиқиб турганиданми, шундай кўринишарди.

Аммо ораларидаги бир қиз ростдан қам хароб кийинганди. Ишлик кийинганлар ичида унинг қанақа оиладан эканлигини пайқамаслик мумкин. Қизгинани ҳеч ким кутиб олмади, бағрига босмади. Этак билан боғланган шалоқ йиғма каравот ва тугунини кўтарганча қовоғини уюб, лой кўчалардан бирига кирди. Юкини инқ этмай кўтариб кетаётганига қараганда меҳнатда пишган қиз эди.

— Зебигул! — чақирди ўқитувчи. — Душанба кунидан мактаб, эшитдингми?

Қиз бош силкиди ва йўлида давом этди. Темир дарвоза олдида тўхтаб йиғма каравотдан этакни ечиб ола бошлади. Шу пайт ит ҳурди ва қаримсиқ киши бўй кўрсатди.

— Ассалом, — деди қиз юмушида давом этаркан.

Эркакдан садо чиқмади, ғайирлик билан қизни кузатиб турди. Қиз йиғмакаравотни бушатиб, дарвозага суяб қўйди:

— Раҳмат.

Хунук бир хотин чиқди-да, эрини ҳовлига киритиб юборгач, алжишга тушди:

— Қандайсан, Зеби? Пахтани яхши тугатдингми? Раскаладушкамизни йиртиб қўймадингми? Менга ёрдам берсанг сенга бошқа нарсаларниям бериб тураман. Янгиликни эшитдингми ўзи? Тоғанларникига ҳали борганинг йўғ-а? Сенга совчи келди! Вой, нега анқаясан? Совчи деяпман, совчи! Тоғанлар сени узатишмоқчи, тоғнинг орқасидаги қишлоққа!

— Узатишмоқчи? Мен... — дедию Зебигулнинг қўлоёғидан мадор кетди. Етмиш кун ичида чарчамаган эди қиз бояқиш.

— Эрга тегиб кетаверганинг маъқул. — Хотин Зебигулнинг ортидан эргашиб қулоғига гап қўйишда давом этди: — Нима қиласан бировларникида миннатли ош ичиб?! Эрнинг уйи ўз уйинг, ҳеч ким бегона қилмайди. Мана, бошқалардан мисол... Масалан, мендан! Қаердан келин бўлиб тушганман, биласанми? Қўшковутдан! Қўшковут қаерда, бу ерлар қайда?! Эҳ-ҳе! Ҳозир шу уй меники! Қишлоқ меники! Сен ҳам кўникиб кетасан. Эрингнинг уйи ҳам, қишлоғиям сеники бўлиб қолади. Энг муҳими, қариндошларингнинг миннатидан қутуласан. Қариндош тўйда керак, жанозада керак. Лекин уларникида бир умр яшаб бўлмайди. Менинг энг ёмон кўрганим — қариндошнинг миннати. Шунинг учун доим масофа сақлайман.

— Улар миннат қилишган эмас, — деди қиз паст овозда.

Зебигул оёғини судраб босар, дуч келган ҳалқобларни кечиб ўтар, хотин эчкидай сакраб калишини асрар, қиздан кўз узмай кўлмак ва лойларга ботмай келаётганига қойил қолса буларди.

— Энди-и... сен шундай дейсан-да, Зеби. Ким ҳам туз еган жойига тупуради?! Билсанг... сени совчиларга жуда мақтадим. Ота-онаси ўлиб кетган, туғишган тоғалари аварияга учраб, бир кунда жанозалари бўлган, қизни янгалари сиғдиришмагач, онасининг

амакиваччалариникида ўсган, роса қийинчилик кўрган қиз, дедим.

— Нима кераги бор эди бу гапларнинг, — астойдил оғринди қиз.

— Эсим қурсин, Зебижон, мақтайман деб ёмонлаб қўйибман-а?! Лекин барибир оилаларингнинг бошига тушган фожиани эшитарди. Олдинроқ билгани яхши. Лекин сенга жуда қизиқиб қолишди. Уларга меҳнаткаш келин керак, ишлари кўпга ўхшайди. Зеби, сенга иш дегани нима? Тушгача тинчитиб ташлайсан.

— Эрга тегмоқчимасман.

— Жийда-пийданинг тагидан ўтганмисан? Вой, эрга тегмай нима қиласан?

— Мактабда ўқияпман-ку.

— Юрагимни ёриб юбординг-е, шундай демайсанми? Ҳозир унаштириб қўйиласан, баҳорга томон ёки мактабни тугатган кунинг опкетишади. Ёмонми?

— Уларни танимасам... — таслим бўла бошлади қиз.

Дарқақиқат, таслим бўлмасликдан-да ўзга чораси йўқ эди. Бу хотин тақдир савдосини қийворади. У ҳозир Зебигулга меъёрдан ошиб парвона бўлмоқда эди. Шундан далолатки, тоға зотининг хотини: “Шу етимчани тезроқ кўндириб, кетсин эр-перга тегиб”, деган. Деганми, тамом. Зебигулга қаттиқ гапириб юбормайин, гапирсам ҳам, гапирмасам ҳам совчиларнинг раъйини қайтармайман, мендан аввалроқ ўзига тушунтириб қўйинглар, қабилида буйруқнамо гап қилинган.

Зебигул ҳаммасини тушунди. Агар шу кўчага кирмаганимда ҳеч гап бўлмасмиди, деб ортига алам билан қараб қўйди. “Нега ҳеч гап бўлмас экан? — деди дарров. — Мендан сўраб ўтирармиди? Охирги вақтларда тоғам кунини зўрға кўрадиган ҳолга тушди. Болалари катта бўлмоқда, ҳақиқатан мен ортиқчаман. Куёв томон қанақа оила экан? Нега олис бир қишлоқлик танимаган-билмаган етим қизни келин қилишмоқчи? Куёвнинг тўрт мучаси соғмикан? Ё... иккинчи хотин бўлармиканман?..”

Қўшни қишлоқда бир қизни иккинчи хотинликка

олишгани хусусида гап-сўзлар юрарди. Айтишларича, куёвнинг учта фарзанди бор эмиш, хотини бир неча йилдан бери касал ётганмиш.

— Танимасанг танишасан! Мен эримни танибмидим? Кўриб маймун деганман. Маймунлигиям билинмай кетаркан. Сеники ойдайга ўхшайди, совчилар менгаям расмини кўрсатишди.

— Тоғам нима деса шу, — иложсиз қолган Зебигул бошқа ҳеч нарса деёлмади.

Шу кунгёқ қизлар орасида дув-дув гап тарқалди: Зебига тоғнинг диртидаги бир эркақдан совчи келганмиш, тоғасининг хотинига узоқроқ қариндош эмиш, ўша одамнинг биринчи хотини ўқиган қиз экан, бунақа қолоқ қишлоқда яшамайман, деб кетиб қолганмиш, тўй янги йилдан кейин бўлармиш...

Зебигул кўп маълумотларни синфдош қизлардан эшитди. Ичимдан топ, писмиқ янгаси унга миқ этиб оғиз очмасди. “Зеби, сизга одам келди, тоғангиз бермоқчи”, деди, холос.

Кўп ўтмай совчилар яна қадам ранжида қилишди. Куёвни ҳам етаклаб келишган экан, иккиси чеккадаги хонада учрашдилар.

— Яхшимисан? — деди бўлажак куёв аллақандай ҳиссиз оҳангда.

Зебигул бошини кўтарди. Қаршисида сочи тўкила бошлаган ўтгиз ёшдан ошган дўнгпешона эркақ турарди. Яноқ суяклари туртиб чиққан, кенг елкали. Худди ҳозир ўн тонна тошни ташиб келтиргандай ҳорғин қиёфада.

— Менинг отим Аҳмар, — таништирди ўзини, — деҳқончилик қиламан... ерим бор... уй-жойим... Сен ҳақингда кўп нарса эшитдим. Менга тегсанг, бахтли бўласан.

— Нега совчи юбордингиз? — сўрашга журъат этди қиз, аммо кўзларини гиламдан ололмади. Савол хайрихоҳликдан анчайин йироқ бўлиб, кўнгилдаги алам ва изтиробларни чангитиб ташқарига чиққан эди.

— Энам сени танлади... ўзингга менга ёқдинг.

— Мактабда ўқишимни билмасмидингиз?

— Биламан.

Зебигул бошқа гапиришни истамеди. Назарида, бу одамга гап уқтириб бўлмасди; ўзининг истакларидан бошқа ҳеч нимани кўрмаётгани аниқ эди.

— Мен борай, — деб қиз эшик сари юрганди, эркак жундор қўлини шарт узатиб билагидан тутди. Зебигул умрида бу қадар даҳшатга тушмаган эди. Яхшиям, қичқириб юборишдан номус кучи сақлаб қола олди.

— Қўйворинг, — юлқинди қиз.

— Нега бунча қўрқасан? Қўлингни тут, узук тақмоқчиман.

— Сизга тегмайман... — Қиз унинг кўзларига ғазаб билан нигоҳ ташлади.

Аҳмар куч билан узукни тақди. Бу — катта кўзли рус тилла узуги эди.

— Тоғаннинг раъйига қарши борасанми? — қизнинг қўлини бўшатди у. — Шунча йил боққан, кийинтирган, катта қилган...

Аччиқ-аччиқ гаплар гапирди. Зебигулнинг кўзига ёш қуйилди. Чиндан миннат оши оғудан ёмон эди. Ҳамма миннат ҳақида гапиради. Улар сени гўдақлигиндан боқиб олишди, энди истакларига қарши борасанми, дейишади. Лоақал онаси тирик қолса бўлмасмиди? Бутун бошли сулолани қарғаб, ҳалокатга гирифтор этган муллавачча ким экан? Қачонлардир учратармикан дуоибад қилган ўша кимсани?

— Сиз... уйланган экансиз-ку, — деди Зебигул.

— Ўлай агар, унга тегинмаганман, — Аҳмарнинг кўзлари совуқ йилтиради, оғзининг икки чети намланиб, пахта ташлади. — Қўлимни теккизмаганман. Иккинчи хотин қилиб олаяпти, деб қўрқаяпсанми? Тўйдан кейин дарров кетиб қолган у. Ўқишда юриб қўйган экан. Қайирилиб ҳам қараганим йўқ. Шундан сўнг шаҳарга бормаган, ҳатто мактабни битирмаган тоза келин топамиз, деб энам ҳоли-жонимга қўймади.

— Мендан бошқалар ҳам бор-ку.

— Сен топилиб қолдинг, — гапга нуқта қўйди куёв.

Зебигулнинг нидосига ҳеч ким қулоқ солмади. Синфдош қизлар ичида биринчи бўлиб турмушга чиқиш унинг чекига тушганди. Қиш келди. Гупиллаб қор ёққан кунларнинг бирида фотиҳа тўй бўлиб ўтди. Қиз бечора бўлажак куёвнинг қорасини ўшандан сўнг қайтиб кўрмаган эса-да, кечалари алаҳсираб чиқарди. Ўзидан ўн беш ёш катта, аввал уйланган, бутунлай нотаниш бир одамга хотин бўлишни тасаввур қилолмасди. “Пешонам бунчалар шўр бўлмаса, бутун умрим зулматда ўтади”, деб йиғлаб юрган кунлари йиғмакаравот бериб турган тетикгул хотин келиб қолди.

— Қалайсан, Зеби? — деди у яшнаб. — Ярашибдими?

— Нима?

— Вой-ей, хаёл қурғур қаёқда? — Хотин устки кийимини ечиб, янги кўйлагини кўз-кўз қилди. — Қудалар мени ҳам мато билан сийлашди, қўшни қишлоқдаги тикувчига тиктириб олдим. Зўр-а? Нега қайси куда деб сўрамайсан? Сенинг қайнонангларда, ахир! Шу қизни битириб берсанг кўйлак деганди, мана, ваъдасида туришди, жуда лафзли одамлар экан. Тоғангнинг хотинига ҳам зўр нарсалар беришгандир?

Зебигул ҳафсаласизлик-ла нари кетди. Буни ёлпатак хотин “ўшаям одамми?” мазмунида тушунди.

— Тоғангнинг хотини бўлса ҳам эна вазифасини бажарди-ку! Энди, эна бўлмагандан кейин...

— Ҳали ҳеч нарса деганим йўқ-ку, янга.

— Нима, бизларни ёмон кўрасанми?

Зебигул турли мақомга йўрғалайдиган хотинга қаттиқ тикилди.

— Мақсадларингизга эришдиларингиз, яна нима керак мендан? — деди илк бор дадил овозда. — Ҳар гапда берган нонни миннат қиласизлар. Тўғри, ҳеч кими йўқ етимман! Бу “одам эмассан” деганимас-ку! Шу қишлоқдан ёки отамнинг қишлоғидан тенгим топиларди, подачи бўлса ҳам.

Хотин илжайиб, қўлини кўксига қўйди. Кўзлари ўйноқлаб узр сўради.

— Ул-а, шунча дардинг ичингда экан, аввалроқ ёрилмайсанми? — деди жўрттага.

— Боринг, гапирманг менга, — терс ўгирилди қиз.

Гап урчийдиган кун эди. Узунқулоқ гап-сўзлар етиб келди: куёвнинг энаси жуда бадфеъл экан, ҳеч ким қизини бермагани учун узоқдан келин ахтаришга тўғри келганмиш, уйлари мазоротнинг ёнгинасида бўлгани учун кечаси ҳар хил овозлар эшитилармиш, аввалги келини қўрққанидан эси оғиб қолибди, ҳозир жиннихонада ётганмиш.

Қизнинг юзидан кулги йўқолди, кўзларига ҳасрат уя қурди. У ҳақиқий бахтсизликнинг таъмини энди кўрган каби карахт бўлиб қолганди. Кечқурун тоғасининг хотини секин гап очди:

— Зеби, сизни қизим ўрнида катта қилсам, орқамдан гапирибсизми?

Қиз ялт этиб янгасига қаради. Сўнг нигоҳи тоғасига, тоғаваччаларига ва ахийри бўсафага қаратилди. Буни кўзини олиб қочиш деб атаб бўлмасди, албатта.

— Орқангиздан кимга гапирибман?

— Кимга гапирганингни ўзингиз биласиз-да. Мен кавлаштириб ўтирмайман. Фақат... одамга алам қиларкан, шунинг учун бетингизга айтдим. Тоғангизнинг сизда гапи борийди. — Бека шундай деб эрига юзланди. — Гапиринг!

Тоғанинг қовоғи очилмади.

— Зеби, гапимнинг бошида айтиб қўяй, биз сени ортиқ сақлаб ўтиролмаганимиз учун совчи келгандан рози бўлдик. Бу “куёв ёмон” деганимас. Тоғамлар мендан қутулибди-да, деган хулосага ҳам келма. Бошида сени боқиб олишга бекорга рози бўлмаганман. Индамасам болалар уйидаям катта бўлардинг. Шу қизни ўзим тарбиялайман, ўраб-чирмаб эгасига топшираман, деганман. Жойи жаннатда бўлгир амакиваччам яхши эди. Норози бўп кетиш... билмадим...

Зебигул чайналаётган тоғасининг дардини энди тушунди.

— Норозимасман, — деди мунғайиб.

Зебигулнинг юраги увишди. Гүё уни борса келмас маконга жунатишаётгандек қўрқув остида қолди. Худо бор-ку, деб юпанди, ўзига паноҳ тилади. Аҳмарга қаттиқ гапирмадиммикан, деб ҳам чўчий бошлади. Зеро энди унинг эгаси Аҳмар эди.

Кунлар исигач, эрта баҳорда қуда томон тўйни тезлатди. Тарихнинг афсоналарга айланган улкан ғилдираги сирли ғижирлади. Ўша куни Зебигул бир нотинчликни сезиб мактабдан қайтдию кўча эшик кесақисига суяниб қолди. Аҳмарнинг уйидан тўй учун ул-бул юборилган бўлиб, ҳовлида хотин-халаж ғимирлаб юришарди. Шунча йил яшаган хонадондан айрилиб, бегона жойга кетишни эмас, эндиликда мактабга умрбод қайтиб боролмасликни ўйлади қиз бечора. Мактаб умр чорраҳасидаги шундай бир иншоот эдики, ундан бош олиб чиқиш, олислаб кетиш ҳаёт ҳақидаги энг ғамгин қўшиқларни армуғон этарди. Мактабдан айрилган инсон боласи, ҳечқурмаса, бир марта бўлса ҳам ачинарди ўтиб кетган гуллар фаслига.

— Қиз бола палахмоннинг тоши, — дейишди қўшни аёллар. — Қаёққадир учиб тушасан. Тушган жойингда бир умр тошдай қотиб яшайсан. Шунинг ўзи аёл бахти. Ҳар кимнинг ҳам ажрашувлардан сақласин, қўша қарисин.

— Тўйда қуруқ қўйманглар бизни, — оғзини тўлдириб шанғиллади тетикгул хотин.

## ҲАЛОКАТГА УЧРАГАН ОИЛА ТАРИХИ

Тоғанинг хотинига қариндош бўлмиш саксон ёшли кампир эшак миниб келди. Зебигул пешвоз чиқди, тушишга кўмаклашди. Кампир қават-қават кийим кийган бўлса-да, баҳор совуғида музлаб қолаёзганди.

Қоқсуяк қўллари-ла қизга осилганда қалтираб кетди. Кейин “иҳ-ҳиҳ-ҳи” деб кулган бўлди-ла, Зебигулнинг пешонасидан ўпди. Лабларининг музлиги иссиқ вужудни сескантириб юборди. Одат шунақа деб ўзини меҳрибон кўрсатгандан нима фойда: эринмасдан тоғанинг ҳамма боласини ўпиб чиқди. Сўнг:

— Айланайин қўзиларимдан, — деди-да, атрофга кўз югуртирди, аммо пешонасига лаб босилмаган бошқа ҳеч ким қолмаган эди.

У тоғага ҳам, хотинига ҳам ёқмади. Нима қилсин, балки умрининг охирида зериккани учун келгандир, балки дунёда ҳали ҳам бурунги меҳр-оқибат ҳукм сураяпти, деб ўйлагандир.

Меҳмон ўтирган хонага Зебигулнинг-да оёғи тўртмади. Бироқ юмуш билан кириб-чиқаркан, ҳар сафар кампирнинг бир нималарни вайсашидан қутулганига шукр қиларди.

Кечки овқатдан сал олдинроқ қўшниларни чақиришди, эртанги тўй учун сабзи тўғраш керак эди. Аёллар кампир ўтирган хонага кириб, қиз узатиш икир-чикирларидан гаплаша бошлашди, келинчакка янга тайинланди. Сеп, сарпо, қалин пули ҳақида гап-суз бўлаётганини Зебигул у ёқ-бу ёққа ўтганда эшитиб қолар, ўзи ҳам бир буюм қатори тилга олинаятганидан ўкинарди.

Кейинги гал кирганида кампир ғалати тикилиб қолганини сизди. Зебигулни биринчи бор кўргандай митти кўзларини ўқдай қадади. Ёнидан ўтаётганида этагидан секин тортди.

— Чечанг билан тоғанг жуда савобга қолди, — деди у. — Сени бир парчалигингдан катта қилиб, мана энди куёвга бераяпти. Уларга раҳмат айт.

Зебигул бу кампир ҳам эски гапни чайнаяпти, деб хаёлидан ўтказди. Аммо кампир кутилмаганда кўзларини ўйнатиб шивирлади:

— Булар кетсин, сенга бир воқеа айтиб бераман. Отанг, энанг, туғишган тоғанглр ҳақида, хўпми? Қари момонг ўлимидан олдин бир яхшилик қилсин.

Қиз сеҳрлангандай қотиб турарди. Қақир-қуқир юмушлар тиниб, чироқлар ўчирилгунча қулоғи тагида кампир қайта-қайта шивирлаб турди гўё.

— Момом ётган хонага тўшак соволаман, — деди тоғанинг хотинига.

Сабри чидамаётган бўлса-да, негадир Зебигул шошилмади, қўлини чўққа тутиб, бироз исинди. Вақт ярим кечадан оққан. Бедор юлдузлар дунёда фақат одамзод уткинчи, демоқчидай катта-катта, сирли жимирлайди. Аксига олиб, баргсиз дарахтлар шамолда гувиллаб, қиз кўнглига қўрқинч сола бошлади.

— Кимсан? — сўради кампир эшик очилган заҳоти.  
— Зебимйсан?

— Ҳа, момо, менман.

— Худой сени сийласин, болам, бу уйда охирги марта ётаяпсан, — деди кампир. — Балки аданаётгандирман, ҳадемай болаларинг билан келиб кетарсан... Лекин мени тополмайсан, тупроқ тагида оёқ узатиб ётадиган вақтим келди.

Зебигул уни юпатишни истамасди. Ким ўлим мавзусида гапирсин дебди. Ваъда берган воқеасини сўзласин, қанчалик интиқ бўлиб кутаяпти, ахир.

— Отанг, энанг ҳақида гапираман, дедим, нимага сўрамайсан, эшитганмисан?

— Мулла қарғаган деган гапни эшитганман. Ишонгим келмай юрарди.

— Биров айтиб берган бўлсаям менчалик билмайди. Ке, бугун ҳаммасини билиб қўя қол. Эртан узоқларга келин бўп кетасан, қайтиб кўришмаймиз.

— Уларнинг фожиа билан ўлгани ростми?

— Рост. Боя хотинлар “Зеби куёвга дарров кўнди, тушунган қиз экан” деганда, бирдан энанг кўз олдимга кеп кетди, айланай. У жуда чиройли қиз эди, сенга ҳуснидан бир мисқол ўтган. Тагин бу кампир қариндошимиз бўлмаса, оиламизни қаёқдан билади, дема. Мен билмаган битта нарса қолди, уям бўлса нариги дунё. — Кампир тили тагига нос ташлади ва

деворга ёстиқ суяб, ўтирди. — Уй-жойлари Байроқлида эди. Мактабни битирган йили Баҳодирхон деган мулла йигитдан совчи келди. Мулла йигит анча узоқдан бўлса ҳам қишлоққа тез-тез келиб тургани учун энангга ошиқ бўп қолган экан. Бир йил эмас, беш йилдан бери яхши кўраркан мулласи тушмагур. Ўша пайтда муллалар кам эди, айниқса, ёш-яланглар орасида. Тақдир тақозасини қараки, энангга энг донгдор раиснинг эркатой ўғли ҳам ошиқу беқарор бўлган. Тагин раиснинг ўғлини ичингда қарғаб ўтирма. У сенинг отанг. Қараса, муллавачча чаққонлик қилиб қизни илиб кетгудай шашти бор. Бир куни отанг ўртоқларини тўплаб, зиёфат беради. Йигитларнинг кайфи ошгач, душманни шарманда қилиш режасини ўйлаб топишади. Бу ўта қабиҳ, ўта кўрқинчли қасос эди. Бечора муллаваччани кийимсиз ҳолда дарахтга осиб кетишади, ахта кўчқордай қонга белаңган эди. Энди муллавачча уйланоилмас, бола-чақа орттироилмасди. Шўрлик йигит ўлмайди, отангнинг ўртоқларидан бири “раис бова қамоқдан чиқарарди” деган ишонч билан ҳамма айбни бўйнига олади-да, қамалиб кетади. Орадан уч йил ўтади. Мулла йигит ҳеч кимга қорасини кўрсатмайди. Кимдир у олис вилоятлардаги тоғларда чўпонлик қилиб юрганмиш дейди, кимдир Бухорода таҳсил олаётганмиш, деб гап тарқатади. Энг ёмони кейин маълум бўлади. Муллаваччанинг отаси-вафот этишдан аввал шундай дейди: “Ўғлимни бахтиқаро қилганларга мен индамадим, чирогим ҳам ал-қасос деб пичоқ кўтармади. Биз уларни қарғадик, етти пуштига етадиган қилиб қарғадик. Ўша бадкирдорлар улганларидан сўнг ҳам қарғиш ёғилишдан тўхтамайди...”

Тўй бўладиган қиз кўрпани бурни қадар тортиб, хунук кампирнинг хунук ҳикоясини тингламоқликдан ўзга чора тополмади. Бегона одамларнинг эмас, ўз отонасининг ачинарли қисматномаси эди бу.

— Байроқли қишлоғига бир зумда мишмиш етиб келади, — давом этди момо. — Раис бова, яъни отангнинг отаси ҳам мишмишни эшитади. Шўро одами

нима дерди? “Энангни палон қилай, эчки соқол” деб бир сўкадию унутиб юборади. Айбни бўйнига олиб қамалиб кетган йигитни ростдан ҳам қамоқдан чиқаришга бел боғланади. Мулла йигитни бичган раис ўғли, яъни отанг ялло қилиб юарди.

Момо носини туфлаш учун ўтирган жойидан оғир кўзғалди. Гидамни кўтариб тагига туфлаб юбориш одатидан Зебигул хабардор эди, дарров туфдонни узатди. Парданинг очиқ жойидан сирли туннинг бир бўлаги кўришиб турар, шамол ҳалиям гувиллаб ёғар, ташқарига қараган одам негадир гўристонни эсларди. Зебигулнинг юраги зил-замбил қайғу тошлари орасида эзилди. Эртага тўйи. Ота-онаси Байроқли қабристонига совуқ гўрда ётибди, ҳеч қачон қайтмайдилар, ҳеч қачон яккаю ёлғиз қизининг дардига дармон бўлолмайдилар. Эртага никоҳ тўй. Ҳали бешик тўйлар, хатна тўйлар, ўғил уйлантириш, қиз узатиш, эҳ-ҳе, қанча-қанча туғилган кунлар бор. Уликлар ҳаммасидан жудо қилинган. Қизнинг ҳаёти сўниб-битгунча улар йўқ... йўқ... Етмиш йил, саксон йил... Яна қанча яшар экан у?

— Энам раҳматли ўша воқеадан сўнг турмушга чиққанми? — сўради Зебигул.

— Қайси воқеадан сўнг?

— Муллавачча шарманда қилинди деяпсиз-ку...

— Ҳа, бир йил ўтиб отанг билан дабдабали тўйи бўлди. Ошиқ мулланинг падари вафот этаётганда сен бир ёшга кирмаган жимитдеккина қизча эдинг.

— Энам... энам ўша мулла йигитни яхши кўрганми?

— Ҳамма гап шунда-да, болам. Энанг раиснинг ўғлига ҳечам руйхушлик бермаган, кўнглини мулла йигитга берган. Мулла йигит деганда чопон кийган, салла ўраган мутаассиб бир одамни тушунма. У доим костюмда юрадиган, бошидан ўзбекона дўппи тушмайдиган ўктам йигит эди. Қадди-қоматига, юришига кўзинг тушса ҳавас қиласан. Намозни қанда қилмасди. Қуръон ўқиганини эшитганимда йиғлаганман. Кўзларидан илоҳий меҳр-муҳаббат аримагани учун аёллар “вой-ей,

анави муллаваччанинг кўзига қарашга одам қўрқади”, дейишарди.

Зебигул ғамли тарихга ғарқ бўлиб борарди. Бу кунларни кўрмаслиги мумкин эди, агар отаси ваҳшийликка қўл урмаганида, онаси мулла йигитга турмушга чиққанида... Уйлаб қоларди: “Бир одамнинг ёмонлиги учун нега мени ҳам, авлодларимни ҳам қарғади экан? Отамнинг гуноҳлари учун биз ўз умримиз, бахтимиз, қонимиз билан товон тўлаймизми? Мана, беш-бегона эркакка хотин бўлаяпман, ҳали олдинда нималар кутиб турибди, билмайман, билмайман...”

У муллавачча ҳақида аввалроқ эшитганида негадир келажакда учрашиб қоладигандек ҳис қиларди ўзини. Мен ҳам қарғайман, дерди. Ҳозир эса бирдан фикри ўзгарди. “Агар учратсам кечирим сўрайман, қарғишини қайтариқ қилмагунча пойида тиз чўкиб ялиниб-ёлворавераман, — деди ичида. — Энамга бўлган муҳаббати ҳаққи кечиради. Бизда нима айб? Нега мен ва болаларим бахтсизликка учрашимиз керак? Етимликда кўрган азобларим камми? Бироқ орадан йигирма йил ўтган. Йигирма йилдирки, дом-дараксиз муллани топишнинг ўзи амримаҳол. Тасодифан учраб қолиш хомхаёлдан бошқа нарса эмас...”

— Кейин нима бўлди? — деди Зебигул фожиани олдинроқ эшитган бўлса ҳам.

— Қарғиш ўз ишини бошлади. Жиноятни бўйнига олиб, кесилиб кетган йигитга қарғишнинг биринчи ўқи тегди. Уни қариндошлари қамоқдан олиб келишадиганда гилдирак ёрилиб, мошин рўпарадан келадиган самосвалга урилади. Йигит мажақланиб кетади. Кейин раис бовангнинг уйини Москвадан келган журналист расмга олади. Катта машмаша бошланади. Бованг қамалиш арафасида томирини кесиб, ўзини-ўзи ўлдиради. Биз билмайдиган ишлар кўп-да, бекорга ўзини ўлдириб, тўнғиз қавмида кетармиди. Шундан сўнг отанг билан энанг жанжаллашадиган одат чиқаради. Ўртада ҳеч нима йўқ эди: на бойлик, на меҳр-муҳаббат. Ҳатто

энангни шумқадам деб ҳаммасига сабабчи қилишган. Энангни охирги марта кўрганымда сени кўтариб йиғлаб кетаётганди. Бир аҳволда қадам ташлайди, кўзлари кўкарган, юзи тирналган. Менга салом ҳам бермади. Ишонасанми, уч кундан сўнг ўз-ўзидан ўлиб қолди. Эшитишимча, қоқ туш пайти экан. Эшик-деразани ёпиб, қора парда тутиб, синиқ ойнани қоронғи уйдаги палос устига қўйибди-да, энкайиб соч тарайверибди, тарайверибди. Улигини кўрганлар камида бир сутка соч тараган дейишган. Сочлари юлиниб-юлиниб ойна устида ётганмиш. Ўзи эса худди намоздагидай сажда қилиб жон берганмиш. Астағфирулло дейиш керак, қизгинам. Буларнинг бари муллаларнинг қарғишига бориб тақалади. Ишқилиб, сени Худойим ўз паноҳида асрасин. Қарғиш озмунча одамни қон қақшатдими!

— Отамни пичоқлаб ўлдирган, деб эшитганман, сизнингча, ким ўлдирган бўлиши мумкин?

— Қотил топилмаган. Бегона одам ўлдирмагани аниқ. Қотил унинг жўралари орасида. Ҳа, жўрабозлик шу даражага етганки, ахийри, бир каср чиққан. Мелиса ур-сур қилиб улфатларини қамоққа тикади, айбдор топилмайди. Иннайкейин улфатлар балодан қутулганларини ювиш учун базму жамшид уюштирадилар. Мол, қўй, эчки, товуқ гўшти турганда ит сўйиб ейдилар. Зах камерада ўтириб маза қочди, деганми, бизга маълум эмас. Кўп ўтмай ҳаммалари қутуриб ўлишади. Сен тоғанларнинг кўлида қолгансан. Кўнглингга олма-ку-я, тоғанлар ҳам яхши одамлар эмасди. Баъзилар мақтайди, лекин мен ишонмайман. Яхши бўлса, нега сени мол-мулксиз боқиб олишга рози бўлишмади? Дарров пулнинг жанжалини бошлашди. Отангнинг қолган-қутган нарсаларини ўзлаштиришга қасд қилдилар. Оқибати нима? Яна ўлим. Жаҳл устида ичиб олишиб мошинда аварияга учради икковиям. Ўша кунлари тоғаларингнинг хотинлари сени бурда-бурда қилиб ташлашга рози эди. Яхшиям, булар сени асраб олдилар. Шунинг учун айтаман-да, Зеби, раҳмат айт. Маана, катта қилди, эрга бераяпти. Куёв

нотаниш бўлса, танидасан. Энг муҳими, мулланинг қарғиши сендан нари кетсин, илойим, нари кетсин.

Кампир Зебигулга тикилиб қолди. Нимқоронғида кўзлари мушукникидай ёнди. Қиз кўрпани маҳкам қучгани учун худди ялмоғиз олдида қўрқувдан дир-дир титраб ўтиргандай эди.

— Ўша мулла ҳозиргача тирик, — деди кампир. — Қаердадир ёлғиз яшайди. Бечора нима қилсин? Энди умрбод уйланолмайди. Отанг ҳам шу даражада шафқатсизлик қиладими!.. Эҳ, зўравонликлари қандай қимматга тушишини билганларида эди... Муллавачча бечора одамларнинг кўзига тик қараёлмай узоқ-узоқларга бош олиб кетган.

— Нега уни тирик деяпсиз? — қизиқиши ортди Зебигулнинг. — Шунча йилдан буён... балки аллақачон ўлиб кетгандир? Йигитлик номусига чидаёлмай ўзини ўлдиргандир?

— Йўқ, унинг имони кучли эди, Худони таниган одам ўзини ўлдирмайди. Ўз қишлоғининг қабристониди мазори бўлишни хоҳлайдиган мулла эди. — Кампир башоратгўйлардай такрорлади: — У тирик. Топиш аслида қийин ишмас. Оиласи йўқ, эскичадан хабари бор эллик ёшлардаги эркакни ахтариш керак.

— Мен ахтармоқчимасман, — деди Зебигул.

— Сенга ахтар деганим йўқ. Хотинлар “Зеби куёвга дарров кўнди” деганда энангни эслаб, шуларни гапириб бериш кўнглимга келди. Энанг ҳеч қачон кўнмасди.

— Нимага кўнмасди?

— Шундай яшашга, эртан келадиган куёвингга ўхшаш одам билан турмуш қуришга.

— Тушунмадим, момо, мен кўнмаслигим керакмиди?

— Сен нотўғри иш қилолмадинг. Оилангга теккан қарғиш шунинг учун сени четлаб ўтар. Мен фолчи эмасман, бахтли бўп кетишингга умид қиламан... Бир нарса айтсам, чўчимайсанми, қизим?

Зебигул секин ўгирилиб ётди. Кампирга кўз қадаб ўтириш азоб эди, бардоши ҳам етмасди.

— Йўқ, — деган заиф товуш чиқди қиздан.

— Сенга қарасам, кўзимга нуқул гўр кўринади, очик гўр. Қўрқма, у меники шекилли. Қулоғимга чақалоқ йиғиси эшитилгандай туюлаяпти... Униси ҳам мен бўлсам керак... Бир вақтлар чақалоқ эдим, ўлганимдан кейин ҳам чақалоқдай ётаман-да...

Орага жимлик чўкди. Бироқ табиат ҳамон безовта эди. Оғирлигига инсон ақли бовар қилмайдиган даражада, қучоққа сигмас она сайёра абадий само қўйнида яна бироз айланса тонг отади. Бу тонг Зебигулга никоҳ тўйини, никоҳ тўйи билан бирга қўрқинчга қорилган янги ҳаёт келтиради. Мавҳум келажак эшиги очилади ва қиз унинг туманли бағрига сингиб кетади.

— Момо, — чақирди Зебигул бошини хиёл буриб. — Мени қарғиш урмаслиги учун нима қилишим керак?

— Оғир иш бор, бажара олармикансан?

— Ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқиши учун энг оғир ишга ҳам тайёрман, — деди бўлажак келинчак.

— Ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқса, дейсанми? — сўради кампир.

— Ота-энамнинг ўлимнинг сабаблари, уларни қарғиш ургани, авлод-аждодимизни муллалар лаънатлагани... ҳаммаси... — деди Зебигул. — Ёлғон бўлса қанийди, момо!

— Буларнинг бари бўлган воқеалар-да, айланай! Қандай қилиб ўтган ишни орқага қайтарасан?

— Ҳеч қандай чораси йўқми? Оғир иш бор, бажарасанми, дедингиз-ку?

— Сени қарғиш урмаслигининг бир йўли бор. Қарғишдан сени сақлаш мумкин. Авлодларингни ҳам.

— Қандай йўли? Айтинг, момо!

Кампир тамшаниб, айтар гапини бирпас ўйлади. Сўнг бошини чайқади.

— Қўй, сени бу йўлга бошлаб, балога қолмайин тагин.

— Сизлигингни бировга айтсам, тилим кесилсин.

— Қасам ичма! Қасам ёмон. Ундан кўра қулоқ сол! Шу бугун қочиб кетиб, Баҳодирхон муллани топасан, қаердан

бўлса ҳам топасан. Бир умр овқатини пишириб, оёғини ювиб, уйини супуриб, кир-чирини чайиб яшайсан. Бир умр гапирмайсан. Гунг хизматкор бўласан. У сени қўнғироқча' чалиб чақиради.

— Муллани қаердан топаман?

— Билмайман, — деди кампир. — Мен фолбин ҳам, сеҳргар ҳам эмасман, ҳаётимда кўрган-кечирганларимдан хулосамни гапираяпман. То мулланинг ажали охиригача етгунча хизматини қилсанг, сендан рози бўлиб ўлади. Кейин тенгингни топиб, турмуш қуриб, умрингнинг охиригача тинч, бахтли, хотиржам яшайсан. Бировни норози қилмаган одам бахтсизликка учрамайди.

— Яшаш жойини билмасам, ярим кечаси далада сандироқлаб юраманми? Бошқа чораси йўқми, моможон?

— Ёки эртага узалиб кетасан-да, олти-етти йилни ўтказиб, болангни унга берасан.

— Нега боламни бераман?

— Куёвингнинг оти нима?

— Аҳмар.

— Аҳмардан бола кўрсанг, дастёр бўлиб қолганида, муллани топиб, хизматига топширасан. Мулла сенинг болангдан рози-ризо бўлса, қарғишнинг қора куяси ювилибгина кетади.

Зебигул индамай қолди.

— Нима қарорга келдинг? — сўради кампир.

— Ўйлаяпман, — жавоб берди Зебигул.

Бу гап Зебигулнинг кампирга айтган сўнгги гапи эди. Тўй ўтгач, чиндан ҳам момо вафот этди. Бироқ у буғубор чақалоққа сираям ўхшамади. Ияги туртиб чиққан, кўз косалари ўпирилиб тушган қоқсуяк вужуд ўлим етгач, янада қартайиб қолганди.

## ТҶЙ

Куёвнавкарлар соат ўн бирда келишди. Машиналарнинг рақамлари қўшни вилоятники эди. Меҳмонлар ўзаро

шивирлашиб олисадаги тоққа қараб-қараб қўйишди. Тоғнинг ортидан бу ерларга келиб қолишганига ўзлариям ишонмаётгандек эди.

Ичкари хонада уч синфдош қиз Зебигулга тикилиб ўтирарди. Улар келинчакни узатиб кетгунча дугоналик қилишга розилик билдиришган, учови ҳам отаси бўшбаёв оилалардан эди. Қолган синфдош қизлар оила бошлиқлари ва мактаб маъмуриятининг тақиқидан қўрқиб, қорасини ҳам кўрсатишмаганди.

Куёвнавкарлар қандайдир оч нигоҳ билан қизларни ахтара бошлашди. Улар тўйларда келинчакнинг орқасидан келгувчи дугоналарига хиралик қилишга ўрганиб қолганлардан эди. Дарвоқе, фақат келинни олиб кетишга келдик, деса биров ишонмасди. Дугоналарнинг оғзида дув-дув гап: Зебигул қандай қилиб ҳалитдан оиланинг бекаси, бир эрнинг хотини, келгуси йил бир боланинг онаси бўларкан?

Синфдош қизларнинг оталари худди қўшмачи ҳақида гапираётгандай гижинишарди. “Аблаҳ, ҳеч ким индамайди деб шу ёшда ҳам эрга берадими? Бунақаларга қарши қонун бор, жиддий олса эрга берганни қамаб юборади. Энг ёмони, қизларни бузади бунақа эрта эр кўрганлар!..”

Никоҳ ўқиш учун кекса бир муллани чақирди. Зебигул барча қизлар мулла олдида умрларида бир марта — никоҳ ўқиладигандагина ҳаяжонга тушишини ҳис этди ва беихтиёр яна ошиқ мулла ҳақида ўйлади. “Мен ҳали яна бир мулла қаршисида суғ босиб ўтираман, — хаёлидан ўтказди у. — Ўша... энамни севиб қолган одам бўлади. Қарғишини қайтариб олади. Қайтариқ қилмагунча ўтиравераман...”

Мулла розилигини сўради, куёвдан сўнг Зебигул эшитилар-эшитилмас “Ҳа”, деди. Куёв иккиси битта косадан сув ичишди, фотиҳа тортилди. Шундан сўнг паранжига ўралган қизни янгалар етаклаб чиқишди. Ота ўрнида тоғани қучди, тоғанинг хотини ўпиб хайрлашди.

Қишлоқ аҳли Зебигулдан кўз узмади: йиғлайдими, йўқми, деб яқинроқ сурилди, қулоқлар динг бўлди. Келинчакнинг кўнгли бузилиб, кўзлари филт-филт ёшга тўлди. Шунча эркак, хотин-халаж уни қурбонлиққа бериб, томоша қилиб турган бурунги замон халойиғини эслатди.

Ҳеч ким чеҳрасини очмади. Зебигул қайғу билан узатилди. Йўл узоқ эди. Толиққан келинчак минг истиҳола ила қимирлаб қўйди, Аҳмар қучоқлагудай суяниб ўтирган эмасми, қўлидан секингина тутди. Зебигул ўлганининг кунидан чидаб ўтирарди. Ахийри бўлмади: қўлини силтаб ташлаб, нарироқ сурилган эди, куёвнинг авзойи ўзгарди. Тегманозик, калондимоқ ва мутакаббир кимса эканини Зебигул бошидан сезганди. Шу одам билан бир умр қандай яшайман, қандай кўникаман, деб ич-ичидан куюнди.

— Менга қара, — деди Аҳмар қулоғига, — бугундан бошлаб менинг тан маҳрамимсан. Бутунлай меникисан.

Келинчакни баттар ваҳима босди. “Газ-24” ванфиллаб олдинга интилар, ҳайдовчи ва куёвжўра нарх-наводан гаплашиб борар, янгаси эса (бу янгани Зебигул яхши танимас, бошқа қишлоқдаги қандайдир қариндошларининг келини эди) бурчакка тиқилиб, қовоқ солганча атрофни томоша қилиб кетарди.

Йўл азоби — гўр азоби бўлди келинчакка.

Тўй одмигина ўтди. Одамлар териб-териб айтилган, тўйга келганлар ҳам аллақандай ҳиссиз, тушкун кишилар бўлиб, нари-бери ўтириб, дарров жўнаб қолишди. Бунга Аҳмарнинг аввал уйлангани, эндиликда гўдайиб ёш қизга совчи қўйгани ваз қилиб кўрсатилаётгани Зебигулнинг қулоғига чалинди. “Аввал уйланган бўлса менга нима? — деди хаёлан. — Биринчи тўйни роса дабдабали қилиб ўтказишгандир? Мол-қўйи кўпга ўхшайди. Бу тўйниям совиган ошга айлантиргунча салгина ҳурматимни қилмабдилар-да...”

Икки соат ўтиргач, келин-куёв тўй тўрини тарк

этишди. Маст-аласт куёвнавкарлар орасида оғзи каттаси бор экан, баланд овозда деди:

— Аҳмар! Ҳой Аҳмар кал! Келин ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган ёш қизча-ку! Ўл-э, одамман деб юрибсанми?!

— Сенинг хотининг энанг билан ёшли-да, шунга ичинг куяяпти, бўрдоқи! — чақиб олди Аҳмар ҳам.

Аёллар тўнғиллашди:

— Шуям ҳазилми, тентаклар? Ким сизларни оилали, кап-катта эркаклар дейди?!

Шу билан бир амаллаб чимилдиққа етиб олишди. Зебигул эшик қоқиб турган янги ҳаёт ҳақида ўйлаш фурсати келганини, ҳатто ўйлашга кечикканини англаб етди. Йиғи нима? Эр уйида йиғлашга ҳақ-ҳуқуқ йўқ эди. Айниқса, қайнона кўриб қолсами! Зебигул сабаб-бесабаб йиғлаганлар бехосият ҳисобланишини дугоналаридан эшитган, бир фалокат бўлса “қадами оғир келди” деб қувиб юборишларидан қўрқа бошлаганди.

Чимилдиққа яқинлашган куёвга бадқовоқ янги деди:

— Сизга бир соат вақт. Менга натижасини кўрсатсангиз бўлди, тушундингизми? Тўғрисини айтсам, йўл юриб чарчаганман, тинчгина ухлай.

— Меники биринчисимас, — деди куёв.

Учрашувда қасам ичиб айтган гапини Зебигул эслади: “Ўлай агар, унга тегинмаганман...” Алалхусус, Зебигул куёвнинг иккиюзламачилиги хусусида индамади. Уни бу ерга ҳамма нарсага кўнадиган қилиб жунатишганди.

## БАХТСИЗ КЕЛИНЧАК

Бир ой ўтар-ўтмас Зебигул эрига кўникиб қолди. Энди унга ҳеч ким етимга қарагандай қарамасди. Қўшнилар учраб қолса худди уйнинг эгаси билан гаплашаётган сингари ўзларига тенг кўриши келинчакка хуш ёқарди. Қабристон ҳақидаги қўрқинчли гаплар ҳам ёлғон экан: яқин-атрофда ҳеч қандай мазор кўринмасди.

Бироқ тўйдан олдин эшитганларининг ярими чин эди. Қайнона илоннинг инида бир кеча тунаб чиққан тили заҳар кампир экан. Гап келганда ўглини ҳам ҳаромзодага чиқариб қўярди. Қўшниларни шундай пастга уриб гапирардики, Зебигул хижолатдан ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Қўшниларининг яшаш тарзи тоғасиникидан авло эди-да.

Тўйдан анча-мунча қарзга ботишган экан, бир куни шунинг жанжали бўлди.

— Ишлаб пул топмайсан дейсиз, — гап қайтарди Аҳмар онасига, — обериб қўйган машинангиз борми? Кира қип юрганлар отасининг пулига олган машинани! Аввалги қудангизга ўчакишиб ростдан ҳам мактабни битирмаган ёш қизга уйлантирдингиз. Шохим чиқдими?

— Нима, сени тагли-тугли жойдан уйлантиришим керакмиди? Қайси бой қизини беради, а?!

— Айтдим-ку сизга тенг-тенги билан, деб. Мана!

— Нафасингни ел олсин!

Она-болага жанжаллар одат эди. Ҳақиқий можаро тақвимдаги қайсидир санада пойлаб турганини Зебигулнинг кўнгли сезиб, ўзига омонлик тиларди. Орадан бир йил ўтгач, фарзандсизлик ташвиши қора саҳифаларини очди. Аҳмар даладан аллақандай жиззаки бўлиб қайтар, хотини билан деярли гаплашмас, аламини мол-қўйдан олиб, аямай саваларди. Зебигул шу калтакларни ўзи емаганига шукр қиларди.

Кечагина эрини ёқтирмай юрган хотинга дунё вафо қилмади. Уйланган эркакка турмушга чиқиб, илтифот кўрсатгандай, бунинг учун энди эри умрбод тили қисилганича яшаши керакдай ҳис этарди ўзини. Туғмаётгани туфайли тарози палласи эркак томон оғди-кетди. Энди Зебигулдан бошқа айбдор йўқ эди хонадонда.

Бир куни қисир сигирни сўйишди. Озғин бўлгани учун бозорга олиб бориш бефойдалиги аниқ эди. Шундоқ қолдиришса қиш бўйи сомонга, емга шерик. Сўйишдан

ҳам айтарли барака топиб бўлмасди-ю, ҳарҳолда оёқлай сувтекин кетганидан кўра калла-почаси, бирон кило гўшти тузламага қолади, еб ётишади.

Қассоб гўштни бозор нархидан арзонроққа олди. Қайнона қарганиб-қарганиб гоҳ оғилга киради, гоҳ уйга. Зебигулга у ўзининг уйи қайси эканлигини унутиб қўйгандай туюлди. Бошини кўтармасдан пиқ этиб кулганча калла тозалашда давом этди. Афсуски, қайнона омадсиз кулгини пайқаб қолди. Ҳовлида ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Қайнона таққа тўхтади, бир неча сонияда шундай қизариб-бўзардики, қон босими ошиб ўлиб қолмасайди деб қўрқарди одам. Келинининг бошига важоҳат билан келиб, сув аралаш қон ҳалқобчасини сачратиб юборди.

— Вой, — дея Зебигул қайнонасига ялт этиб қаради. Хали кулгиси ариб улгурмаган эди бечоранинг.

— Сен... тентакнинг боласи, нимага устимдан кулаяпсан?! Эс-песинг жойидами ё манавининг ўрнига сен — қисирни сўйиш керагийдими? А?! Гапир, эшшак!

Ҳақоратлар камлиги етмагандай туртиб юборилган келин юзтубан йиқилишига сал қолди.

— Кулганим йўқ... — мингиллади Зебигул ўрнидан туриб, бир қадам ортга тисланар экан.

— Қасам ич! — ўшқирнишни қўймади қайнона. — Бугундан қолмай де! — Кейин у энг даҳшатли, энг жирканч гапни айтди: — Ёруғ дунёда туғолмай қоронғи гўрда, зулматда туғай де! Айт! Айтасан!

Қутуриб кетган қайнона корсондаги ичак-чавоқларни олиб қамчи ўрнида келинини савалай бошлади. Зебигул уч-тўрт қадам қочди. Қайнона унга етолармиди. Ичак-чавоқларни жон-жаҳди билан улоқтириб, яна қарғади:

— Ёш бошинг билан гўрга кир, бехосият! Шу кулганингга ўлигининг устида ўтирай!

Ўрнида бошқа бўлганида ўша заҳоти ота уйига кетарди ёки баъзи келинларга ўхшаб тенгма-тенг жанжаллашарди. Зебигул ўшанда қайнонасига инсоф тилади, холос. Бир

кулганимга шунчами, деб кечаси билан йиғлаб чиқди. Кўзини юмди дегунча қайнонаси қичқирарди: “Ёруғ дунёда туғолмай қоронғи гўрда, зулматда туғай де! Айт! Айтасан!..”, “Ёш бошинг билан гўрга кир, бехосият! Шу кулганингга ўлигингнинг устида ўтирай!”

Сигир сўйилган кундаги жанжал қайнонанинг мутлақ ҳукмронлигини қўлга киритиб берди. Авваллари келинини менсимасдан гапирар, койиб берар, “хе, ўл-э, гаяк” деб қарғар, аммо барибир “етимча”, “қисир”, “туғмас” дейишга ботинолмасди. Энди оғзига бутунлай эрк бериб қўйди. Зебигул қуллик занжирларига чирмалиб борарди. Четдан кузатган одам, келин шу кампирнинг камида чолини ўлдириб, боласини гўрга тикқан, шунинг учун маломатга қолибди, деб ўйлаши тайин эди.

Турмушининг иккинчи йили тоға ўзи катта қилган жиянини эслаб қолди. Озиб-ёзиб меҳмонга бола-чақаси билан келди. Зебигул нешонасида шундай ёруғ кун борлигини кутмаганди.

— Бизни унутиб юбординг, — деди у бахтиқаро жиянга.  
— Мундоқ ҳайитларда ҳам бормайсан.

Зебигул самимий оҳангларни туймаган эса-да, қувончдан терисига сиғмаётганди. Нон, мева-чева ташиб, оёғи олти, қўли етти бўлиб чопди. Ота-онаси тирилик келгандек эди гўё. Таассуфки, шундай кунда ҳам қайнона хурсандчиликнинг белига тепди.

— Зеби, — деди ошхонага чиқиб, — келин бун тушганингдан бери уйимга қанча меҳмон келди, биронтасида бундай қувонмагандинг, бундай югурмагандинг. Барибир ўзингникилар-да, а?! Майли, бошимизга етимни келин қилиш ёзилган экан, қўлимиздан нимаям келарди.

Келин ерга қараб жим эшитди. Бахтига чой қайнаб қолди. Тақдирдан кўп нолимаслик керак: фурсат келганда битта чойни қайнатиб ёмондан нари қилиши мумкин.

Тумшайиб ўтирган қайнона хиёл ўтиб тоғага ёрилди:



— Қуда, гап бундай. Менинг орзу-ҳавасим кўп, сизнинг ҳам.

— Тўғри, дунёда ҳамманинг орзу-ҳаваси бор, — деди тоға.

Кампир унга олайиб қаради.

— Гапга қулоқ солинг, унақа қилманг, — деб давом этди. — Кенжа ўғлим билан қолганимдан хабарингиз бор. Ҳонаҳой, бешик тўйни сўроқлаб келгансиз, яширмай, тан олаверинг. Лекин ҳали ҳеч хабар йўқ. — Тоға ўзини тушунмагандек тутганди, кампир очиқча гапирди: — Боладан хабар йўқ, боладан! Шу вақтгача жиянингизнинг бўйида бўлиши керагийди. Нима қилсам экан деб бошим қотиб юрибди. Ким ўйлабди дейсиз унинг касали борлигини.

— Дўхтирга кўрсатинг, айб кимдалигини айтишади. Бефарзандликнинг давоси топилган-ку, қуда хола.

— Шу кетишда кетса ажрашади-ёв.

Тоға хотинига қаради, хотини тоғага. Мечкай болалар дастурхондагиларни ейишдан тўхтаб, беихтиёр анграйишди.

— Қани, ҳаммаларинг Зеби опангларнинг олдига, ошхонага бориб ўйнаб келинглари-чи, — деди тоға.

Болалар ўтирган жойларида ўзларидан ушоқ қолдирганча бирин-кетин чиқиб кетишди. Кампир асабий тебрана бошлади. Аҳмар эса ҳалиям ердан бош кўтармай кайфиятсиз ўтирарди. У ҳам чиқиб кетмоқчи эди, аммо миясининг бир четидаги соғлом цехлар ақл дудини пуркаганча гуриллаб ишламоқда эди.

— Ажрашса битта тўйга куясизлар, — муддаога кўчиб қўя қолди тоға. — Мен Зебига қайтиб келма, деганман. У энди сизларники. Аввал қай даражада бизники бўлган бўлса, шу даржада оилангиз аъзоси. Мен кимман? Ҳатто туғишган тоғаси ҳам эмасман. Мажбуран узагганим йўқ. Мана, хотинимнинг кўзи тирик. Уни қора тортиб бориб, келин қиламиз деб туриб олдингизлар. Тўғрисини айтсам, Зебини кўришга келмоқчи эмасдим. Ўлиб

кетган ота-энаси тушимга кириб, сиз ҳозир айтган гапларни айтди. Арвоҳларга ишонасизми? Уйингиз билан қабристоннинг ораси қанча?

— Астағфирулло, бу нима деганингиз, қуда? — ранг-қути учди кампирнинг. — Худойга ишонган, намозхон аёлга шу гапни айтдингизми?

— Энди-и, агар ишонсангиз...

— Ишонаман, нега ишонмай?! Уйимга мазоротнинг нима дахли бор экан? Мазорот эшакда бир соатда борса бўладиган узоқликда, ундан ғам еманг. Арвоҳлар гапларимни мендан олдин гапирганига-ку умуман тушунмадим. Сиз ота-энасининг арвоҳини ўртага қўшиб, Зебини бизникида қолдирмоқчисиз. Шунини очиқ айтиб қўя қолсангиз бўлмайдимми?

— Бир марта эмас, бир ойдан бери тушимга киради, — деди тоға. — “Қизимдан хабар ол, ажрашиб кетмасин, боласини эсон-омон туғсин”, деб ҳоли-жонимга қўймайди. Арвоҳларга ишонсангиз, худди ота-энаси кўриб тургандай муомала қилинг, демоқчиман. Мазорни тез-тез кўриб турган одам сал бўлса ҳам босилади. Зеби қийинчилик кўрган, ўксиган, эрта сағир қолган қиз. Уни хафа қилишнинг охири яхши эмас. Бундай гуноҳдан, масалан, мен қўрққаним учун шу ерда ўтирибман. — Тоға сезиларли даражада асабийлашди ва: — Сиздан шунақа... ажрашишини эшитишга келиб зарилми? — деб гапига нуқта қўйди.

— Йў-ўқ, — деди кампир чўзиб. — Ажрашиб кетса сизларга қийин. Мени кўп авраманг.

Тоға аччиқ кулди. Қиличбозликни машқ қилаётган ёш шаҳзода тасодифан қулни ўлдириб қўйганда дийдаси қаттиқ кекса ҳукмдор шундай кулиши мумкин эди. Кампир сергак тортди. У ютқазганини тушуниб етди. Албатта, бунинг учун Зебигулга нафрати янада ошди.

— Шунча йил боққан қизингиз кўчада қоларкан-да, — юзини терс бурди мезбон.

— Қуда хола, бу гапларни нега менга айтаяпсиз? — деди

тоға. — Желин сизники, тамом! Бировларнинг келини кўчада қолгани билан ишим йўқ. Мени тошбағир деб ўйламанг. Ўзимнинг муаммом ўзимга етади. Меҳмонга кедиш ниятим йўғийди, айтдим-ку сабабини.

“Омин” деб жойидан туриб кетмасайди, деб тоғанинг хотини юрак ҳовучлаб ўтирарди. Эрининг тушини ўзича таъбир қилган ва оиласига қарғиш тегишидан қўрқаётган эди.

— Ҳеч ким уни қийнаган эмас, зўр юрибди, — ниҳоят гапга қўшилди Аҳмар.

— Айтаман-да, — чой ҳўплади тоға. — Уриш-жанжалдан нима фойда?! Юраверсин хизматларингизни қилиб! Фарзанд масаласига келсак, айтадиганимни айтдим. — Тоға ўзини мажбурлаб кулимсиради. — Қуда хола, икки йил бўлдими, йўқми, бунча ваҳима қилмасангиз. Фарзанд бераман деса, қўша-қўша беради. Бешик опкемас экан, деманг. Опкеламан!

Меҳмондорчилик худойидай ўтди. Йўл олислигига қарамай тоғанинг оиласи тунашни хоҳламади. Зебигул уларни қир адоғигача кузатиб қўйди. Негадир ўпкаси тўлди, йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб, қилт этмай турди. Тоғанинг оиласи бир чақирим нарига етиб, ортига қараганида қир ёнида бир нима қорайиб кўринди. Куйган дарахт танасими, Зебигулми, фарқига боришмади.

— Қаёқдана келдим! — деди тоға гижиниб. — Сенинг уруғинг-да! Ифлослиги бор!

— Менинг уруғим? Ҳечам-да! — хотин болаларини қичаб юришга ундади. — Ҳамманг чувалашмай бало бормиди?! — Кейин эрига ғазаб билан боқди. — Уруғ суриштирманг! Мен ҳам уруғ суриштирсам чидайсизми?

Бироз юрганларидан сўнг тоға сўкинди.

— Язнамнинг оғайнилари! Меникимас! — бобиллади хотини.

Қоронғи тушиб, катта йўлга етиб олганларида тоға уф тортди.

— Лекин қизиқ одамлар экан, — деди у. — Сенинг уругинг эмас, тўғри айтасан.

— Сузма қилиб, ис чиқариб юбораман, ёмон тушлардан қутуласиз, — енгил тортди хотини.

Шу куни улар уйга ярим кечаси бир амаллаб етиб келишди ва қуданикига иккинчи қадам босмасликка қасам ичишди.

## ЖИЙДАЗОРДАГИ МУЛЛА

Ҳақ гап айтилса номард ҳам кўнглининг бир четида тан олади. Зебигулнинг қайнонаси ўғли ва келинини дўхтирга кўрсатиш ҳақида ўйлаб кўрмаганди. Ичига гулгула тушди. Зебигулни ҳайдаб юборгани билан ҳеч нарсага эришолмасди. Келинининг кими бор? Ҳатто болалиги ўтган уйга ҳам сиғмайди. Даволатишга бирон яқинидан бир сўм ундириб бўлмаса.

— Етим! — деди қайнона гижиниб. — Етим! Етим!..

Келинини олдига солиб дўхтирга борди. Касаллик Зебигулдан чиқишига тўлиқ ишонарди. Бироқ дўхтирлар ундан жиддийроқ ҳеч нима топишолмади.

— Шамоллаш деганларинг нимаси? — қайнонанинг кўнгли тўлмади. — Келиним касалми? Очиқ айтаверинглар.

— Туғмайди дейишимизни хоҳлаяпсизми? — Шифокор оловланди. — Айтаяпман-ку бўйида бўп кегали деб. Эртага ўглингизниям опкенг, қани, бир текширайликчи, айб кимда? Қанақа қайнонасиз-а?! Келин ҳам одам, ахир!

Шундан сўнг Зебигул укол ола бошлади. Аммо узоқ кутилган хушxabардан дарак бўлмади. Дори-дармонларга пул ажратиш тўхтатилди. Ана-мана дегунча яна бир йил ўтди. Қайнона қанчалик заҳар сочмасин, ҳайдаб юборишга уринмасин, Аҳмарнинг бу ерда кўп яшолмаган биринчи хотини унга Зебигул текин чўри эканини эслатиб турарди. “Майли, сув ташийман, — деганди

ўша келин Аҳмарнинг онасига, — сигир соғаман, лекин мол боқмайман, таппи қилмайман, ўтин ёрмайман. Агар оғзингиздан яна бир марта қарғиш чиқса ёки орқамдан гап саситсангиз, кетаман!” Зебигул эса ҳеч қачон шарт қўймайди, қўёлмайди, кўзига тик қаролмайди.

— Хизматимни қилаяпти деб неварасиз ўтиролмайман, — деди бир куни қайнона дугона кампирга, — боламни бошқага уйлантиришим керак. Пешонам шўр экан, бу келин ҳам ўнгли чиқмади.

— Эскича қилдирдингизми? — сўради дугонаси.

— Э, эскичадан мақсад нима? Пул олади бахшисиям, мулласиям. Эскича рост бўлганида бовайим тирик қоларди-да. Бахшининг исириқ тутунига бўғилиб ўлиб кетгандай туюлади ҳозиргача. Тушларимдаям қув-қув йўталиб чиқади бечора.

— Ҳа, ўпка кетгандан кейин бовай одам қоладими? Сизга маслаҳатим, арзон муллага боринг. Пул бермасангиз ҳам бўлади.

— Ким экан у арзон муллasi?

— Соримтепада мулла бор экан. Бир-иккитаси бориб боласини ўқитган экан, яхши бўп кетибди.

— Тавба денг-е. Соримтепада мазоротдан бошқа нима бор? Пахтазор, экинзор, жарликлар. Одам яшайди деб эшитмаганман.

— Ким сизга одам яшайди деяпти? Соримтепа мазоротидан кейин пахта даласи Чўянгача чўзилиб кетган. Чўянга етмасдан, бир шайит жой борибди. Эшитганмисиз?

— Эсимда қоптими?

— Менга қаранг, айтгандай, Аҳмарнинг жўраси ҳар куни эрталаб Соримтепадан ўтади, шунга илашиб олингизлар.

— Қайси жўраси?

— Аптовуз ҳайдагичи. Юк ташийдиган аптовузини кўрмаганмисиз? Деразаси йўқ.

— Нимага кўрмаганман, кўрганман.

— Ҳар куни эрталаб районга бировларнинг юкини таниб беришга жўнайди. Соримтепага тушиб қолиб, тут ёқалаб кетаверасизлар. Аввалги еттинчи биргад. Бузимнинг уйи каерда десангиз, пахтага сув қўйиб юрганлар курсатади.

— Бузим? Тавба қилди! Бузим дегани шайит жойнинг оти-ку.

— Худди уша жойда анча йилдан бери бир одам яшармиш. Мохов деб ҳеч ким яқинлашмабди. Кейинчалик қарасалар касалга ўхшамайди. Бир-иккита сувчилар танишиб ҳам олибди. Отини айтмасмиш. Умуман, жуда ҳам гап экан. Қуръонни шунақа ўқирмишки, сувчилар “эски замонлардаги шайхларнинг авлоди” деб тўймаъракаларда гап гарқатибди. Ҳозир ҳамма уни Бузим дермиш. Бир бола тутдан йиқилиб ўладиган бўлганда, дуо ўқиб сёққа тургазиб юборибди. Шундан кейин кулбасига одамлар оқиб бораверибди. Уни топиш ҳам осон эмас экан. Қаерлардадир сафарларда юрармиш. Агар топсангиз яхшилаб илтимос қиласиз, ўқиб ташлайди келинингизни.

Қайнонанинг оёғи тортмади. Бузим деганни жулдурвоқи кийимда, телба тасаввур қилди. Нима каромат кўрсатоларди, деб жини суймай юрди. Кўнларнинг бирида қўшни қишлоқдаги опаси маърака қилдию ўзариб кайтди. Етти йилдан бери фарзанд кўрмаётган қўшни келин ҳомиладор эмиш. Бузимни ресса мақъётганмиш. Иккита муаммо ҳал қилинса бас экан. Биринчиси, Бузимни кулбасидан топиш. Иккинчиси, дуо ўқишга кўндириш. “У сал телбароқ кўрилади, — деди опасининг қўшниси. — Унча-мунча гапга тушунамайди. Пулга-ку қайрилиб қарамайди...”

— Бошқа келин Зеби гарангдай ишчан чиқадими, йўқми, — деди кампир ўзига-ўзи. — Ке, шу Бузим тентакка ҳам бир обораи. Болали бўп кетса бахти бор, уйимда қолади. Бўлмаса... мол-қўйни сотиб Аҳмаржонни яна улантираман. Харажатдан қочиб болам бефарзанд утсинми!

Эрталаб қайнона-келин йўлга отланишди. Ҳар эҳтимолга қарши қайнона таёқ оливолди. Соримтепага яқинлашганда ўнқир-чўнқир асфалг йўл ўнгга эниб кетарди. Автобусдан шу ерда тушиб қолишди.

— Эна, қишлоқ кўринмаяпти-ку, — деди Зебигул бироз юрганларидан сўнг.

— Ана, — қабристонни кўрсатди қайнона, — ўнта қишлоқнинг одами ётибди, жимгина. Қани, ўтир, бир омин қип қўяйлик. Қайнотанг ҳам шунда. Ҳув анави сарғайиб турган дўнгни кўраяпсанми? Ҳамманикидан баланд. Бечора зўр одамийди.

Зебигул қайнотасининг қабрини тусмоллаб ҳам тополмаган бўлса-да, ёлғондакам “ҳа” деди. Кампир узундан-узоқ дуо ўқиди. Охирида ўғлига бола ҳам тилади. Қадоқ қўлларини серажин юзига шундай ишқадики, шиғиллаган овоз эшитилди.

— Муллага бораяпмизми ўзи? — ям-яшил гўзаларни, янтоқзор дўнгликларни ортда қолдираётган қайнонасидан сўради келин.

— Ўл-а, бунча эзмаланиб сўрайвердинг! — жеркиб берди кампир. — Ол анов таёқни! Ит-пити бўлса, икковлашиб қайтарамиз.

Қуриган дарахтга болта ураётган кўзойнакли кишига дуч келишди.

— Ҳорма, — деди кампир.

Дарахт кесаётган киши ҳозир сўкиб бермоқчидай афт-ангори буришиб қаради.

— Чўянданмисан? — сўради қайнона.

— Йўқ.

— Танимай турибман.

— Танимайсиз, — пўнғиллади у ва дарахтга болта уришда давом этди.

— Ҳов, танимай нимага танимас эканман? Шу ерларда туғилганман, шу ерларда уламан. Мен Қорақишлоқданман. Мозоротимиз бир ҳаммамизнинг.

— Мақсадга ўтинг. Бузимнинг жойини сўрамоқчимисиз?

— Ҳа. Буни қаёқдан била қолдинг? Аёлиёлар кўпайиб кетди.

— Авлиёлар эмас, авомлар кўпайди, — деди дарахт кесувчи зардаси қайнаб. — Қаерда бирон кароматнинг мишмиши чиқса, чопиб келишади. Песига шифо сўраган қайси, чўлоғини тузатмоқчи бўлгани қайси! Кечадан бери манави қуриган дарахтга болта уриб эмас, Бузимни сўраган хотин-халажга йўл кўрсатавериб чарчадим.

— Айтақол, — ялинди кампир. — Суриштира санг опанг бўп чиқаман, айланай. Бузим жийдазорни муштдайлигимдан биламан. Бузим муллани ўша ердан топамизми?

Ҳалиги киши кўзойнагининг устидан қаради. Зебигул унинг ғалати одам эканига эмас, қайнонасининг оғзидан ширин сўз чиққанига лолу ҳайрон эди.

— Дардингиз оғирга ухшайди. Майли, боринг ўша тентакнинг олдига. Ҳув ана, жийдазор ичида, — болтаси билан кўрсатди дарахт кесувчи.

Дала ўртасида қалин жийдазор ғуж бўлиб кўринди. Жийда орасида гол ҳам кўзга ташланади. Қачонлардир бу ерлар ўзлаштирилаётганда бульдозерлар Бузим шайитини омон қолдирган эди. Зебигул овлоқ ва бехосият маконни қароргоҳ қилиб олган мулла ҳақида билгач, оёқлари чалишиб кетди. Боягина кампирнинг имиллаб юришидан ичида нолиган эди, энди етолмай эгатда чўккалаб қолаёзди.

— Юрсанг-чи! — дағдаға қилди қайнона. — Ғўзани пайҳон қиляпсан деб ҳозир бақиради.

— Эна, қўрқаяпман, — зорини айтди Зебигул.

— Нимадан қўрқасан? Куппа-кундузи-я?! Юр дейман! Сени деб келаяпман!

Зебигул зўр-базўр қадам ташлаб борарди. “Бу ўша, — деди ичида. — Ўша мулла! Уруғ-аймоғимиз билан қарғишга гирифтор қилган, йигирма йилдирки дом-дараксиз кетган мулла! Мана, у қаерда яшаркан! Тақдирнинг ўзи бошлаб бораяпти мен бояқишни. Энди

нима қиламан? Таниб қолса ўқимайман дейдими? Ҳалиям қасос ўти сўнмаган бўлса-чи? Отам мажруҳ қилган, севгилисидан айирган, умрбод овлоқда яшашга маҳкум этган...”

Бузимни топиш осон эмаслиги Зебигулга умид бахш этди. У титраб-қақшаб жийдазорга етиб келди. Тўй арафасидаги меҳмон кампир айтганидек, бу ерда мулланинг хизматини қилиб яшашга ёки фарзандини қулликка беришга иродаси етмасди. Қарғишнинг қайси саҳифаси ўзига тегишли экан? Қайнонаси томонидан кўчага қувилиб, дарбадарликда ўлишми? Балки Аҳмарга турмушга чиққанининг ўзи қарғиш урганидир?

Кун ботиш томонда йўлак кўзга ташланди.

— Мулла боваю-ю! — хирқироқ товушда чақирди қайнона. — Уйдამисиз? Ҳў-ўв, мулла бова-а!..

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Лойсувоқ кулбада ит ҳам яшамайдиганга ўхшарди.

— Кирайлик-чи, жин урармиди! — тетиклашди кампир. — Шунча йўл юриб келдик, индамай қайтиб кетаверамизми? Кечгача бўлсаям кутамиз. Юр, Зеби! Таёгингни ташлама!

Улар ҳувиллаган жийдазорга қўрқа-писа қадам босиб, гуваладан кўтарилган шиферсиз кулбага етдилар. Эшик ва дераза алмисоқдан қолган эди. Қайнона эшикни қоқсуяк қўли билан тақиллата бошлади. Шу пайт орқа томонда итнинг ириллаши эшитилди. Зебигул ўгирилиб қараганида одам бўйи келадиган, кўзлари қонга тўлган қоп-қора ит сўйлоқ тишларини кўрсатиб яқинлашмоқда эди. Зебигул итни ҳайдаш тугул таёқни бир бора силкитолмади, қўлидан сирғалиб тушиб кетди. Ит важоҳат билан кампирнинг бўғзидан тишлади-да, бир силтаб тагига босди. Аҳмарнинг онаси қичқиришга-да улгуролмади. Зебигул қонга беланган қўллар жон талвасасида ерни тирнаётганини кўрди. Ит эса баттар қутуриб, кампирнинг томоғидан чуқурроқ тишлади. “Одам ейдиган ит бор экан-да, — деган хаёл

утди Зебигулнинг бошидан. — Бизнинг замонда... кўз унгимда... Ҳозир менга навбат келади! Дарров ўлиб қолсам керак... Тезроқ ўлсам яхшийди...”

Зебигул даҳшатдан қотиб қолганди. Қичқириш тугул сичқоннинг чийиллашича овоз чиқмади ундан. Кўзлари одам бўйли қора итни, ўлаётган қайнонасини кўриб турарди...

Ит ҳамон ириллар эди. Ҳозиргина содир бўлган даҳшатли воқеа рўё эканини англади. Қора ит одам бўйи эмас, нари борса, иккита мушукдек келарди. Қайнонаси Зебигулни туртди. Сўнг:

— Узингни егир, шу итданам қўрқасанми? — деб қарғади.

Зебигул қайнонасига талмовсираб қаради. Воқеа хаёлот эканига ишониб-ишонмай кампирдан нари қочди.

— Тур кет! Тур-е! — кампир итга таёқ ўқталди. Кейин аламини келиндан олиб, бор овозича койий бошлади. Назарида, келини жийдазорга кирганданоқ эси оғиб қолган эди.

Бир кесак учиб келиб кулбанинг эшигига тарсиллаб урилди, майда бўлаклари Зебигулнинг юзига сачраб, чимиллатди. Ит ғойиб бўлди, Зебигул ҳушига келиб, жавдираб боқди атрофга. Қайнонаси томон гандираклаб юрди.

— Эна-а... — деди ёқимсиз, бўғиқ товушда.

Кампир кесак отган одамни ахтариб атрофга алангларкан, келинини силтаб ташлади. Қалин жийдазордан кулба эшигига кесак отиш учун яқинроқда туриш лозим эди. Шундай ҳам экан. Бир-бирига ёпишиб ўсган рўпарадаги уч жийда ортида бир шарпа қимирлади. Қоп-қора костюм кийган киши кўринди. Кўйлагига дазмол босилмагани, анча вақтдан бери соқол олмагани билинди. Яқинроқ келганида, у озода либосларда экани, соқолига сартарош қайчиси зеб бергани маълум бўлди. Зебигул мулланинг кўзларига қаради. Гарчи уша муллаваччанинг сувратини кўрмаган эса-да, кўзларидан кимлигини ўқиб олишига

ишонди. Кексая бошлаган сирли киши экан у, синчиклаб тикилишга қуввати етмади.

— Кимсизлар? — сўради мулла. Овозида жаҳл, чарчоқ, тушкунлик, хасталик, шулар билан бирга аллақандай жозиба ҳам бор эди.

Кампир салом берган эди, ҳалиги киши ҳадик билан бош силкиди.

— Нега келдингиз? — деди иккисига бир-бир қараб.

— Сизни эшитиб келдик, мулла бова, — ялтоқланди кампир. — Яхшилигингиз биздан қайтмаса Олло таоладан қайтсин! Мен асли шу ерданман, бир вақтлар Қорақишлоққа келин бўп тушганман. Мана энди ўзимнинг келиним бор... келинларим бор... Буниси кенжаси...

— Мен Бузимман, мулламасман, — деди у. — Нима, муллаларингиз йўқми?

— Бор... Биз шифо истаб келдик.

Бузимнинг оёғи остида қуриган шох қисирлаб синди. У гавдасининг оғирлигини чап оёғига солиб, оқсоқлангандек бир қадам ташлаб терс ўгирилди, жийдага қўл тиради, боши эгилди.

— Бу... келинингизми?

— Келиним, мулла бова.

— Мени мулла эмас, Бузим деяверинг, — Эркак кулбаси томон юрди. Ҳақиқатан у оқсоқланар эди. Эшикни итариб юборганди, шарақлаб очилди.

— Сизни Бузим дейишга тилим бормайди, — деди кампир. — Бузим ёмон сўз. Минг марта тавба қилдим, ёмон сўз. Биз биламиз, ўшанда бола эдик, эшитганмиз. Бу ерда, ҳа, айнан шу ерда Бузим деган насл-насаби, миллати номаълум бир одамни сўйишган. Халқ фатво берган, халқ сўйган. Осмондан этакка осилиб тушган дейишадими-ей, ердан қўзиқоринга ўхшаб чиққанми-ей, аниғини ҳеч ким билмаган, жуда хунук одам бўлган. Сап-сариқ! От ияк! Бургут бурун! Кўм-кўк шиша кўз! Илоё, бандасини кечирсин. Шундан кейин бу ерда унинг

арвоҳини бир неча марта кўрганлар бор. Ўлдириб ҳам кутулолмаган бизнинг оталаримиз.

Бузим бўсағада миқ этмай эшитди. Кейин хиёл бурилиб, сўради:

— Бу ростданам келинингизми?

Кампир Зебигулга ажабланиб қаради.

— Буми? Бу... Зебигул, менинг келиним. Нега ҳадеб сўраяпсиз, мулла... кечирасиз, Бузим? Барибир Бузим дедим-а? Ўзингиз айтдингиз, Бузим деймиз-да сизни.

— Бузим деяверинг, — шундай деб у ичкарига кирди, эшикни ёпмади.

Кампир келинини ургудай судраб кулбага киритди, таёғини ташлашни жўрттага унутди. Кулба эгаси кўрпача устига чордона қуриб ўтиришга улгурганди. “Омадимиз келди”, деб ўйлади қайнона. Аммо кимнинг омади келди, ҳали қоронғи эди.

— Бузим сариқ бўлганми? — кампирга синчиклаб қаради кулба эгаси.

— Ҳа, шунақа деган оталаримиз.

— Кўзлари кўм-кўк денг...

— Эшитганимни айтдим.

— Биринчи Жаҳон уруши даврида келиб қолганми?

— Босмачи, Гермон, фронтни биламан, Биринчи Жаҳон уруши қайси, ақлим етмаса мен кампирнинг.

— Кофир бўлганми?

— Кофирлар унинг олдида сувдай тоза.

— Мен келгинди эмасман, — деди Бузим. — Кофир ҳам эмасман.

— Шу ерликмисиз? Сизни аввал танимаганмиз-ку?

— Ўзбекистондаги ҳаммани танийсизми?

— Йўқ.

— Келинингиз гапирадими?

— Гапирмайдиганни келин қилмайман, ўғлим соппа-соғ.

— Тилим бор деб кўп қарғар экансиз.

— А? Менми? Йўқ...

— Фолчи деб ўйламанг, қаргаганларингизни кўп эшитганман.

Кампирнинг туси ўзгарди. Жаҳли чиқа бошлаганини Зебигул сезиб, қайнонасига сабр тилади, чунки кулда яна бироз қолишни истарди.

Бузимнинг нигоҳидан илоҳий каломлар сизиб чиқаётгандай туюларди. У неча бор “келинингиз” деб гапирган бўлса, ҳар сафар сесканиб тушган эди Зебигул. Ҳозир худди мулла ўзининг кўзларига тикилиб турган каби қалтирай бошлади.

Сеҳрли нигоҳ кампирни ювош тортгизиб қўйди.

— Келини ўқитмоқчимисиз? — сўради жимликка нуқта қўйиб Бузим.

— Худодан бола сўрадик, боласи йўқ буларнинг. Ўғлим қирққа кираяпти.

— Бола бўлмаса нима қилмоқчисиз?

Кампир Зебигулга қаради, кўзлари пирпираб, мўлтиради. Бузим сабрсизлик билан жавоб кутарди.

— Ажрашиб кетмасин дейман-да, — деди қайнона.

Бузим нигоҳини бурди, Зебигул зулматда порлаган нурдан кўзларини олиб қочди.

— Қизим, асли қаердансиз? — саволга тутди Бузим.

Зебигулнинг юраги така-пука бўлиб ўтираркан, ростини айтсам кимнинг фарзанди эканлигимни билиб қўяди, деб ёлғонлади:

— Қорақишлоқнинг ўзиданман. Илтимос, бахтимга... ўқиб юборинг.

— Ўқиш менга ҳеч нарсамас, — ипакдай майин товушда сўзлай бошлади Бузим, — хоҳлаганингизча ўқийман, лекин сиз рост гапираяпсизми?

— Рост, рост! — деди қайнонаси.

Келинининг ёлғони унга маъқул тушган эди. Негаки, Бузим боядан бери ниманингдир ҳидини олганини кампир пайқади.

— Ўртага қайнона қўшилаяпти, ҳаммасини ўзингиз гапириб бермайсизми? — бўш келмади Бузим. — Дуоларни

ўқишимдан аввал ростингиз анча муҳим. Тўғриси айтсам, сиз... сиз менга кимнидир эслатаёпсиз. Бунинг устига сизни ёмон бир аломатлар ўраб турганини кўраяпман. Агар...

Зебигул ич-ичидан музлаб, қайнонасига қаради. У ота-онамни қарғаган муллани учратсам, юзингда кўзинг бор демай, мен ҳам қарғайман деб юрарди, кейинчалик оёғига йиқилиб, қарғишни қайтариқ қилишни ялиниб-ёлворишни кўнглига тугди. Мақсад деганлари бунчалик ўзгариб турмаса. Ҳозир у алдов билан Бузимга ўзини танитмаслик йўлинигина ўйларди.

Ва бирдан бошини осилтириб йиғлаб юборди.

— Ёмон аломатларни айтманг, — бидиллади кампир, — ҳаммасини ўқиб ташланг. Биламиз, қўлингиздан келади.

— Чиқиб туринг, — деди Бузим.

— Менми? — кампир лаби-лунжини шалвиратди.

— Келинимдан бир қадам ҳам узоқлашмайман. Сиз ўқийдиганингизни ўқийверинг, бўлмаса...

— Бўлмаса, ўртада бир одам пайдо бўлиши мумкин, — огоҳлантирди Бузим.

— Ким? — қайнона йиғлаётган келинининг қорнига қаради.

— Буни вақт кўрсатади, — деди Бузим, — мен авлиё эмасман.

— Қариб қолганман, очиқроқ гапирмасангиз тушунмайман.

— Сизларга фарзанд керакми?

— Шунинг учун келганмиз, дўхтириям ёрдам беролмади, фақат сиз...

— Мен ҳам ёрдам беролмаслигим мумкин, лекин дардларингизни енгиллаштиришга уриниб кўраман. Нимангиз бўлса, чиқаринг, қаршимда бир нимани яшириб, қора ният билан ўтирманг. Аввало анави таёқни отиб юборинг.

Кампир таёқни эшик томонга улоқтирди, сўнг Бузимга атаган пулини кўрпача устига қўйди. Ёнида сандиқ

калитлари ҳам бор эди, уларни чиқаришни хоҳламади. Зебигулнинг ёнида эса ҳеч вақо йўқ эди, туморидан бошқа.

— Борингизни чиқаринг, — Бузим бош эгиб қўлларига тикилиб қолди, — юрагингиздагиларни айтаяпман. Қалб тоза бўлсин.

— Боримизни чиқардик, — деди қайнона. — Келинимда ҳеч нарса йўқ.

— Майли, ичингиздагиларни секин-аста бўшатиб олаверасиз. — Бузим Зебигулга ўткир нигоҳини қадади. — Туморингиз менга халақит бераяпти.

Зебигул ҳайрон қолди: либос ортига яширилган туморни қаяқдан билди? Кейин шошиб ортига бурилдида, туморни юлиб олди. Бузим ўқишни бошлади. У кўзларини юмиб, берилиб тиловат қилар эди. Суралар қўшиқ каби ажиб куйи ила таралар, руҳларга ором бериб, жонсиз нарсаларга жон ато этарди. Қачонлардир одамзот самоватдан тушиб келганини сўйларди бу оҳанг. Ёввойи табиат, йиртқичлар, маймун шаклидаги одамсимонлар хавфи остида яшашга маҳкум этилди. Тавба қилди, Аллоҳ кечирди. Улардан тоза қалбли муътабар авлод қолди. Бироқ то вафот этгунларича бойликларга эга бўлиб, айш-ишратда яшаш мумкинлиги айримларни қарғиш теккан йўлга бошлади. Ҳукмдорлар етишиб чиқди, қотил-каззоблар урчиди, фоҳишалик бутун дунёга тарқалди. Самоватдан тушган одам зурриёди орасида касаллар пайдо бўлди, қачонлардир қилинган гуноҳнинг маҳсуллари! Ахир, одам гўзал эди, одам ҳайвон каби йўталмасди. Аршда йўтал бор дейишга ким журъат этади, ақлга сиғадими? Бўғизларигача гуноҳга ботгач, парвардигори олам уларга аслида ким эканлигини эслатиб қўйишни жоиз топди ва пайғамбарларни юбора бошлади. Буюк сирлар дунёсига игнанинг тешигидай тирқиш очилди, холос. Қолганини билиш-англаш инсоннинг ўзига қолдирилди. Игнадай тешикни сўқирлик балчиғи билан чаплаб ташлаганлар қанча

бўлди. Ҳар куни одам ҳаётга келади, ҳар куни кимлардир чин дунёга кетади. Ҳар бири ўзини таниб олиши керак, мутлоқ ўзини таниган ҳолда ҳеч ким туғилмаган, туғилмайди ҳам. Худо: “Мен борман, менга ишон, манави туйнукдан қарасанг нариги дунёни кўрасан”, демайди, бу — ўзини таниган инсон дунёга келмаслиги билан айна бир ҳақиқатдир. Одам тупроқ, дунё тупроқ. Аммо одам қалбига илоҳиётдан бир зарра ҳажмича нур инган. Шу нурни сўндириб қўйма, одамзот! Сенга бошқалар ёрдам бериши мумкин. Хусусан, дуосираб қолганингда ўзинг ўқиёлмасанг, бошқаларга ўқи! Сенга бағишланган муқаддас каломлар оз-моз бўлса-да, ботинингни ювиб, оғирликлардан фориг этиб туради. Бироқ қалбингда бизга ёт нимадир бор экан, ундан қутулолмай яна нима истайсан? Сени мен эмас, Яратган кечирсин! Мени ҳам сен эмас, Яратган кечиради...

Илоҳий қўшиқ тугади. Зебигул кўз ёшларини сидириб ташлади.

— Энди нима қилайлик? — сўради қайнона.

— Кетинг, — деди Бузим ҳорғин товушда. — Келинингизни авайланг, сабр қилинг.

Зебигул қайнонаасидан олдин чиққан бўлса-да, қандайдир кўринмас қўл этагидан тортганини сизди. Шу аснода жийдазорга шамол урилиб, кишини элитувчи сархушлик таралди. Кўм-кўк осмон шамол сеҳрига сеҳр қўшиб сукут билан кузатарди.

— Осонгина топдик, — минғиллади қайнона икки йилдирки Зебигулга таниш оҳангда, — тезроқ юр, судралмай! Бугун ўнг томоним билан турган эканман. Айтгандай кучукни кўриб нега ўлик бўп қолдинг?

Кўз олди қоронғилашган келин йиқилмаслик учун сўнгги кучини тўплаб олға интилди. Дала четида қуриган дарахт қулаб ётарди. Кўзойнакли киши ҳеч қаерда кўринмасди. Зебигул амаллаб дарахтга етди ва кема ҳалокатидан сўнг уммонда бир парча тахтани учратганга ўхшаб осилиб олди.

— Юр-е, шарманда! — қистади қайнонаси. — Вой, нима қиляяпсан? Қучоқлама дарахтни, гаяк!

Зебигул уввос солиб йиғлади.

— Ота-энамни гўрга тикқан шу мулла! Мени етим қилган ҳам шу мулла! Болта беринг, чопиб ташлаб қутуламан ундан! Сўйиб ташлаб қутуламан ундан!

Кампир бақа бўлиб қолди. У келинидан қанчалик ирганмасин, мияси суюлиб гап-сўз бўлишни асло истамасди. Қути учиб, лўкиллаб борди-да, суяди. Худди ёқалашаётганлар сингари судрашиб ариққа етдилар, кавушлари тагидан чанг кўтарилди. Зебигулни энгаштириб юзига сув сепа бошлади. Ғўзанинг дори аралашган суви илиқ эди. Келини қурғур тинчигач, қарғади:

— Сени келин қилган менинг пешонам қурсин! Ҳали шу ҳунаринг ҳам бормиди?! Вой, энди дардимни кимга айтаман, кимга-а?! Келини тентак бўп қопти деб одамларнинг кулгисига қолганимдан кўра ажалим етса бўлмасмиди!

Орадан кўп ўтмай қайнона хасталикка чалинди. У Бузимнинг кулбасидан қайтаётиб ўз ўлимини чин дилдан чақирган эди. Тўшакда анчайин азоб чекиб ётди. Жони узиладиган фурсат келганда ой юзини булут қоплаб, олисларда бўри улиди.

— Бўри? — саволомуз тикилди Аҳмарга катта акаси.

— Мол-қўйни опкеганман, ака, ҳаммаси қамовда.

— Тунов куни келин далангдан ёлғиз қайтаётган экан, — деди ўртанча акаси Аҳмарга ёвқараш қилиб. — Бўрилар бурдалаб кетишини хоҳлаяпсанми? Қиш келмасдан улар овга чиққан, уқдингми? Шолғом билан турпинг чириб кетса ҳам, келинни ёлғиз жўнатма! Жарликдан ўтиши, тутзор оралаши керак. Кеч тушса мен ўтолмайман у ерлардан!

— Жин ҳам урмайди, — тўнғиллади Аҳмар.

— Айтмоқчи, эсимдан чиқаёзганини қара, — деди катта ака, — келинни мен ҳам кўргандим. Аввалига уни эркак

деб ўйлабман. Нега деганда, кўприкда қора кийимли чўлоқ кимса кўринди. Тракторда эдик. Кўприкдан ўтган одам тутзор ўртасидаги йўлдан келади, тўғрими?

— Тўғри, — деди Аҳмар.

— Лекин тутзордан Зебигул чиқиб келди. Тутзорнинг нариги бошидан эркак бўлиб кириб, бу томонидан аёл бўлиб чиқмайди-ку...

Кампир ўлим дардида ингғарди. У келинини тилга олди:

— Зеби... Зебигулни... ҳайдаб юборинглар... Аҳмаржонни бошқага... бошқага уйлантиринглар... Ҳаммаси уни деб бўлди!.. Вой, жоним...

## КУНДОШ

Қайнона вафот этди. Жанозадан сўнг Зебигул турмушида нимадир йўқолганини сизди. Бу ҳеч ҳам қайнона эмасди. Вақт ўтган сайин маъракалар ниҳоясига етди, таъзия билдириб келувчиларнинг қораси ўчди. Ҳаёт узилган жойидан давом этиши керак эди. Шундагина Зебигул эрини йўқотганини тушуниб етди. Кенг ҳовлининг қўтир босган ерида бир эркак ва бир жувон бир-бирига бегона бўлиб яшардилар. Энди айтса бўларди ўртада фарзанд бўлмайди деб.

Қиш бўйи Зебигулнинг ранги чиқмади. Қўшнилари унинг жилмайишини, очилиб гапиришини, жонини жабборга бериб юмуш бажаришини унутиб юборишди. Зебигул деганда кўз олдларига эзилган, тунд қиёфали, кимсасиз, ҳорғин бир келин келарди. Кўпинча унинг қоронғида ҳам ёлғиз тентираб юришини кўрганлар ёқасига туфлашарди. Зебигулни қарғиш урганмиш, ота-онаси ҳам яхши кун кўролмай кетганмиш, деган гаплар тарқалди. Қиш бўйи у ўн ёшга қариди.

Охир-оқибат Аҳмар ва Зебигулнинг совуқ турмушида яна бир аёл пайдо бўлди. Аслида у мол-қўй сотиб яқин йилларда бойиб кетган хонадоннинг Зебигулдан ўн ёш катта қари қизи эди. Гиёҳ битмайдиган тақир

қишлоқдаги сариқ тупроқли пастак уйларда яшашса-да, ўзларини осмон чоғлайдиган тоифа эмасми, тоғдаги сурувлари уч йил қаторасига мисли кўрилмаган даражада кўзилаб, тумшуқлари янада кўтарилиб қолди. Хонадон эркаклари бозорга қўй олиб чиқавериб чарчашди, сурув эса камаймади. Машинали бўлишди, томи конверт қилиб ёпилган, пойдеворига мрамар ёпиштирилган данғиллама уй қуришди. Молхонадаги новвослар тез-тез семирар, гоҳ оёқлай, гоҳ сўйиб сотиларди. Мебеллару чўғдай гиламлар эски калишга янги патакдай алланечук ярашмай турса-да, хонадон эгалари азалдан шундай шароитда яшаётгандай тутарди ўзларини.

Улар бошқа бир нарса ахтара бошлашди. Кўнгил батамом жойига тушиши учун оғилдан бери келмайдиган Чеҳрани куёвга шоҳона узатишлари керак эди. Оила аҳли мол-ҳол билан чунонам машғул бўлишиб, яккаю ёлғиз қизни унутиб юборишган эди.

— Чеҳра ўттизга кирди, — деди отаси кунларнинг бирида. — Совчи келса қалиниям керакмас, шундай беривораман. Камига ўзим қўшаман.

— Ҳа, қараб турармидик, — эрининг гапини маъқуллади хотин. — Ҳайла, ҳеч балоси йўқ ҳамсояннинг қизи ойдай жойга тушиб кетди, куёвлари яқинда машина олганмиш.

Оиланинг учинчи ўғли ва Аҳмар армиядош ўртоқ эди. Бир вақтлар иккови Москвадаги қурилиш багальонида икки йил тер тўкиб ишлашганди. Хизматдан сўнг кўп ўтмай борди-келдилари йўқолган, ҳар ким ўз ташвишига кўмилиб қолган эди. Бир куни Чеҳранинг акаси тракторида Аҳмарнинг ҳамқишлоғининг қўйларини тоққа, чўпонга олиб борадиган бўлди. Аҳмар ҳам трактор ахтариб юрганди, ўртоғига дуч келди. Чеҳранинг акаси охири пайтда ҳаётдан мамнун эди. Мамнунлик ва эзилиш бир-бирига эҳтиёжманд бўлади, улар қучоқлашиб кўришдилар.

— Қўйларимни тоққа қўшмоқчийдим, — деди Аҳмар.

— Юзга борми? — гердайиб сўради Чеҳранинг акаси.

— Қаёқда! Ўн битта.

— Қани? Телажканинг бир бурчагига ортиб кетаверамиз.

Улар шу куни икки телажкали тракторда тоғ ичкарисига қўй олиб боришди. Қайтишда Аҳмарнинг ҳамқишлоғи тракторни бир уйда тўхтатиб, флягада йигирма литрча вино олди. Аҳмарга ҳам икки бутилка берди.

— Уйга ўт ҳам демайсан, жўра, — ўпкалади Чехранинг акаси. — Мамашкадан айирилдим деб бунча чўкиб қолмасанг?

— Кетдик бизникига.

Зебигул дарров дастурхон ёзди. Бир зумда тухум ковуриб келди.

— Ишингни қип юравер, ҳадеб кириб чиқаверма, — Аҳмар меҳмоннинг олдида хотинини жеркиди. Зебигул миқ этмай чиқиб кетди.

— Нега аччиқ қиласан? — деди дўсти.

— Қўйиб юборсамми деяпман. Ифлоснинг қадами ёқмади.

— Унақа дема, жўра, ҳаммаси яхши бўлади.

— Энди ўйлаб кўрсам, энам шунинг касрига ўлган. Асли буларнинг оиласига қарғиш теккан экан. Неварали бўлиш умидида бир муллага олиб борганди, шундан мазаси бўлмади энам бояқишнинг. Шу касофат билан яшасам тирноққа зор бўп, ажалимдан беш кун бурун ўлиб кетаман. Охирги пайтларда бир нарсани ўйлайман: ўлиб қолсам у арвоҳга ўхшаб шу ерда яшайверармикан? Бошқа борадиган жойи ҳам йўқ.

Чехранинг акаси ўртоғининг елкасига қўл ташлади.

— Улсанг у эмас, сен арвоҳ бўласан. Кел, яхши гаплардан гаплашиб, шу бутилкани бўшатайлик.

— Сен бойсан, жўра, — Аҳмарнинг кўзларига ёш қуйилди. — Болаларинг ҳам бор, ота-энанг ҳам. Бошқа хотин оламан, ўлай агар, яна уйланаман. Энамнинг ўлимидан олдинги васияти ҳам шу. Хотин топиб бериш сенинг бўйингга! Қишлоғингдан битта есир чиқар? Чиқса, ўша куниёқ Зебининг жавобини бераман, эркакча

гапим! Болали бўлсам, суннат тўйда елкангга зар чопон ёпаман. Бу қасам, жўра. Қасам, қасам, қасам!

Чеҳранинг акаси ўйга толди. Аҳмар устма-уст кўтарилган қадаҳдан алжиб қолганга ўхшаса-да, чин гапни гапираётган эди.

— Тагин учинчи хотин бўларканман, деб чўчимасин, — давом этди Аҳмар. — Уй-жойим, мол-қўйим, ерим бор. Хотиним яхши чиқса, рўзғорга барака киради. Шунақа бўлмайди дейсанми, жўра?

— Худо хоҳласа...

— Кейинги шанба қишлоқларингга ўтаман, хушхабар билан кутасан. Келишдикми?

Фитнага уланган винохўрлик анчага чўзилди. Зебигул бадбўй ҳидга тўлган хонада тақдири ҳал бўлаётганидан беҳабар қўйхонани тозалаш билан овора эди. Бир пайт ширакайф меҳмон тракторига осилаётганини кўрди. Кўз кўзга тушди, аммо меҳмон бир оғиз “яхши қолинг” демади.

Чеҳранинг акаси шу кунийёқ онасига Аҳмар ҳақида гапирди. Сўнг:

— Чеҳрани жўрамга бошқарсак нима дейсиз? — деди. — Ҳовли-жой, мол-ҳол, гектар бор. Уйда жанжал қиладиган қайнсингил, қайнона, қайнота йўқ. Ўзи яхши йигит. Битта айби — икки марта уйланган. Тақдир-да, нима қилсин жўрам бечора.

— Қўй, унингга Чеҳра ўлса ҳам тегмайди.

— Чеҳранинг ёши ўтди, келган совчига рози бўлиши керак.

— Келсин, Чеҳра рози бўлса майли, — деди онаси қўй юнгини куч билан титар экан.

— Айтгандай, энг муҳими — унинг боласи йўқ.

— Лекин хотини бор деяпсан-ку. Ҳозир бирга яшаётганмиш. Тўғрими?

— Тўғри.

— Унда нимага бошимни қотирасан? Чеҳра хотин устига хотин бўп тушмайди. Уйи куйгандан келсин, хотини борлардан эмас.

— Хотини билан ажрашмоқчи. Хотин топилган куни уйидагини ҳайдаб юборади.

Шундан сўнг қари қизнинг онаси дилидагини айтди:

— Чеҳрага бўйдоқдан совчи келишига мен ҳам ишонмайман. Уйланган эркакка узатишга мажбурмиз. Совчи қўймиш бепарзанд, бехотин бўлиши керак. Аҳмар журанг менга маъқул. Билсанг агар, у сенданам бой, фақат билинмас бой. Агар яна уйланаман деб хотин излаётган бўлса, Чеҳрани бошқар, розиман. Нияти қатъий бўлса, барибир бизсиз ҳам бошқа хотин топади. Унингни отанг ҳам танийди. Фақат ажрашмасларидан туриб бир ишқал чиқарма.

Аҳмар ваъдасига биноан шанба куни Чеҳранинг қишлоғига келди. Сафдошининг уйини кўриб, танимади. Ҳарқалай, булутга қараб жойни аниқлайдиганлардан эмасди, йўл четидаги харсангтошни кўргач, ишончи комил бўлиб дарвозани тақиллатди. Ҳовлида бир неча ит вовиллади.

Аҳмарнинг қаршисида кир-чир кийимдаги бир қиз турарди. Даставвал уни аёл деб ўйлади.

— Янга, яхшимисиз? Журам уйдами? Мен Қорақишлоқданман...

— Ассалому алайкум, — у салом бериб, бурнигача ёпиб турган оқиш рўмолини янада юқорироқ кўтарди. — Уйга киринг, акам ҳозир келади.

У ғалати мулозамат қилганча бирдан ортига бурилиб кўздан йўқолди.

— Қизиқ... — деди Аҳмар.

Дарвозадан мўралаганида антиқа мезбон молхона томонда лапанглаб қочиб борарди. Ҳа, у Чеҳра эди. Аҳмаргина беҳабар эди бу хонадондаги умр савдосидан.

Бўлажак қайнота ўзини вазмин ва жиддий тутиб, меҳмонни ичкарига таклиф этди. Ошхона томондан келаётган ҳид қуюқ зиёфатдан дарак берарди.

— Мени танидингизми? — сўради Аҳмар сийлироқ меҳмон бўлиш умидида.

— Қорақишлоқлик Аҳмармисан? Бизнинг ўғил билан бирга хизмат қилгансан-а? Ана кўрдингми, танидим. Дим бўп кетган бўлсанг ҳам кўзимда суратинг қолган.

Улар кулишган бўлди. Аҳмар оила ҳақида суриштиришларини, ҳол-аҳвол сўрашларини ёқтирмасди. Дўстининг отаси бу мавзуда оғиз очмаганига суюнди.

— Журамни бир кўрай деб келдим, — деди Аҳмар бир тишлам нон чайнар экан. — Меҳр-оқибат узилмасин дейман-да, ака.

Мезбон боши билан тасдиқлади. У Аҳмарнинг юзига қарамасликка тиришарди. Трактор овози эшитилди.

— Келди, — деди ота енгил тортиб.

Аҳмар ошнаси билан қучоқлашиб кўришди. Келин патнисда уч коса қайнатма шўрва келтирган эди, чол юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

— Мен у ёқда ичаман, кампирим билан. Сизлар эса бемалол гурунглашиб ўтираверинглар.

Овқат ичаётганларида хўриллашдан бошқа барча шовқин бир лаҳза тинди. Шўрва дўрдоқ лабларни ёққа бўктирганча оғиз деб аталмиш жонли горга сўрилиб кирар ва ҳалқумдан сўлакка араллашиб, одамнинг тубига тушиб кетарди. Шу пайт Аҳмарнинг қулоқлари ҳовлидаги товушни илғади:

— Жувонмарг бўлгур, сенга айтмабмидим молхонага энди яқинлашма деб!

Чеҳранинг акаси деразадан мўралади. Кейин кулганча қайтиб ўтирди.

— Энам қизиқ-да! Синглимни уришиб ётибди.

— Нега? — деди Аҳмар шунчаки.

— Молларга қарама дейди. Боя сенга Чеҳра дарвоза очдимми?

— Танимадим. Синглингни?

— Ҳа. Молни бошлаб семиртиради, — кулимсиради мезбон, — профессионал бўп кетган. Очиғини айтганда, новвосларимизни ундан бошқа ҳеч ким томдай қилолмайди.

Аҳмар ўзига хуш ёққан алланиман! сизди. Ҳозирча ишонч водийсини қалин туман қоплаб ётарди. Милт этган чироққа умид боғлаб, сўради:

— Тўй бўлганми?

— Ким? Синглимми? Йўқ... Э, нега олмаяпсан овқатдан, ол катта-катта.

Улар бошқа мавзуга чалғиган бўлишди. Бироқ Аҳмарнинг хаёли Чеҳрада эканлигини ака сизди. Чойга навбат келганда Аҳмар тишининг ковакларига овқат қолдиқларини тозалади, сўнг пиёлани кўтариб, шу билан юзини яшираётгандай, деди:

— Бизнинг иш нима бўлди, жўра?

— Қишлоқда есир йўқ, — деди Чеҳранинг акаси.

— Қирнинг этагидаги бир чўпоннинг қизи ажрашиб келган, боласи билан. Барибир сен эна-болани олмайсан, тўғрими?

— Ишни нишитгансан деб умид қилувдим. Хотиним билан бутун-эртан ажрашмоқчи эдим-а, эсиз. Наҳотки, тагсиз-тугсиз махлуқдан мени қутқармасанг. Аёллардан ҳам сўрадингми ўзи?

— Бу ишни аёлларсиз битириб бўладими, Аҳмар. Энамнинг ўзи бош-қон бўлди. Эридан ажрашган ёки эри улган келинчак ҳеч қаерда топилмади.

— Бунақа бўлмайди-да... — Аҳмар ширин туйғуси ҳам алдамчи бўлиб чиқишидан қўрқа бошлади. — Энди нима қилсам экан?

Чеҳранинг акаси бош эгди. Аҳмар ундан садо чиқишини сонияма-сония кутар эди. Ахийри, мезбон хиёл қизариб:

— Умидсиз бўлма, — деди. — Энам сенга биттасини бошқармоқчи. Гап шу ерда қолсин.

— Сирми бу?

— Умуман олганда... сир эмас... — деди Чеҳранинг акаси қийналиб. — Агар айниб қолсанг деяпман-да, жўра. Кейин гапириб юрма. Бизнинг обрўйимизни ўйла.

— Тўшунтириб гапирсанг-чи! Сизларнинг обрўйларингни туширадиган иш қилиб аҳмоқманми?

— Энам сенга синглимни бошқармоқчи, — шартта қутулди-қўйди мезбон.

— Синглимни? — Аҳмар қувончини яшириш учун ўзини фидойи кўрсатиш йўлини танлади. — У турмушга чиқмаган дединг-ку! Мен икки марта уйланганман. Ёшим ҳам қирққа қараб кетаяпти.

— Чеҳра сендан бор-йўғи беш ёч кичик. Бошида бир-икки жойдан совчи келганди, бермадик. Бировида қиз узатишга тайёр эмасдик, бировининг оиласи ёқмади, хуллас, синглим ўттизни қоралаб қўйди. Уйланмайман десанг гап шу ерда қолсин, — такрорлади мезбон. — Жўрасини ажраштириб, синглисини ўртага тиқибди, деган гап менга умуман керакмас.

Аҳмар учинчи гал ҳам пешонасига қиз ёзилганидан ўзида йўқ хурсанд эди. У турмуш қурмаган қизга уйланишни катта обрў санарди. Қолаверса, биринчи бор дидига мос хотин топилди. Мол-қолга яхши қарайди, ота-онаси бой, ўзи ҳам наслдорлардан: жўрасининг онаси бешта ўғил, бешта қиз туққанини Аҳмар яхши биларди.

— Мен нима дейман? — Аҳмар отини қамчилади. — Синглинг розилик берса бас. Кўнмаса, аксинча, менинг обрўим бир пул бўлмасин.

— Бу ёғини энамга қўйиб бер, — деди мезбон Аҳмарнинг пиёласини олиб.

— Хўп, сизлар нима десаларинг шу.

Аҳмар кетмоқчи бўлганида, дўсти деди:

— Яна ўн минут қол, энамнинг сенда гапи бор, мен эса ўтинга кетишим керак, анча одам трактор қараб турибди.

Тракторнинг овози кўча томонга сингиб кетганида, эшик очилиб, Чеҳранинг онаси пишнаб кириб келди.

— Ассалому алайкум, — Аҳмар қўшқўллаб кўришди.

— Яхшимисан, болам? — сўрашди бўлажак қайнона.

Булар ичмаганмикан, чекмаганмикан деб дастурхонга зимдан қараб қўйди.

— Ҳаммасини эшитдим, — деди аёл, — ўтган ҳафта

ўғлим гапириб берди. Биз ҳам, энди-и, савоб иш қилайлик деяпмиз. Иложи бўлса, хотининг билан ажрашма... — Синовчан боқди дўстнинг онаси. — Балки болали бўлиб кетарсан.

— Йўқ, уни деб энам ўлди, у... у касал. Қисқаси, болали бўлолмади, дўхтирларга кўп кўрсатганмиз.

— Майли, майли, ўзинг биласан, — деди аёл.  
— Бахтингни излаётганингни эшитиб, ўзимизнинг Чеҳрани бошқарсакми деб ўйлаб қолдик. У тирликдан қочмайди, тани-жони соғ. Ака-опаларингга бугун айтиб кўр, маслаҳатлаш. Бизнинг қаршилигимиз йўқ, улар ҳам бир нима десин.

Одамзод фақатгина маънавият аталмиш жавоҳирдан жудо бўлгандагина ўзига хон, ўзига бек бўлишини Аҳмар англаб етиши учун бу дашт ўрмонга айланиши керак эди. Сўнгги янтоқ шамолда баттар хунук кўринган бефайз кун бўлди. Эрининг яширинча бошлаган фитнаси Зебигулга оғир келди. Аҳмар уйга қовоғи солиқ қайтган бўлса-да, бир ишни дўндирганини, аслида хурсанд эканини пайқади, юраги увишиб кайфияти тушгандан тушди. Ҳаётда одамни хурсанд қиладиган сабаблар шу қадар кўпки, бахтиқаро хотин эрининг ичидагини қаёқдан ҳам билсин. То ўзи ёрилмагунча нималигига ақли етмади.

— Зеби, — деди Аҳмар кечки овқатдан кейин хотинини ўчоқбошидан ахтариб топаркан, — шу юриш билан умрни ўтказмоқчимисан?

— Пешонада бори, — товоқ ювишда давом этди Зебигул.

— Менга қара, уриш-жанжал қилиб ўтирмайлик. Тинчгина ажрашайлик.

Зебигул ҳаммасини тушунди. “Ниҳоят, хотин топибди-да”.

— Уриш-жанжал қилмаймиз, қўрқманг, — идишларни зарда билан юваверди у.

— Гапиргани ҳам қўймайсан-а!

— Гапираверинг.

— Гапираверинг эмиш! Уйдан кетасан! Тамом!

Зебигул бир муддат тўхтади, аммо ювишда яна давом этди.

— Тоғанникига кетасан. Ўзим мошин гаплашиб бераман, эшигининг олдигача ташлаб қўяди.

— Қайтиб борганимдан кўра ўлганим яхши.

— Менга қара! — Аҳмар товоқни юлиб олди. — Битта гапга келишиб олайлик!

Зебигул ўрnidан секин турди. Оёғи остида ер, боши устида осмон бор эди ва шу оралиқда Аҳмардан бошқа ҳеч кимни кўрмаётганди.

— Қайси гапга? — мунғайди у.

— Сени урмайман, сўкмайман, индамайгина тоғанникига кетасан, — товоқни силтади Аҳмар. — Мен уйланмоқчиман! Бошқа хотин олаяпман, эшитдингми, бошқа хотин! Мен ҳам тўй қилишим керак боламга! Ўлигимни акаларимнинг фарзандлари эмас, ўзимнинг ўғилларим кўмсин, дейман! Сени деб бефарзанд ўтмайман!

Зебигулнинг кўзига милт-милт ёш келди. Аҳмар кўз ёшини кўргач, хотинини ургудай силтаб ташлади.

— Нега йиғлайсан?! Бўлмаса айт, нима қилай? Шунча нарсамни кимга ташлаб кетаман? Ким мени ота дейди? Сени деб бефарзанд ўтсам, энам гўрида тик туради!

— Ўлган одамни қўшманг, майли, розиман, — деди Зебигул.

— Қачон кетасан? — сўради Аҳмар.

— Кетаман, демадим, уйланишингизга розиман.

— Калланг жойидами! Сен шу ерда юрсанг.. Йўқ, гап битта! Кетасан! Хотин устига хотинликка, кундоши билан битта уйда яшашга ҳеч қайси қиз рози бўлмайди.

Зебигул бошини эгди.

— Эртан мошин гаплашаман, — уйга кириб кетди эр.

Зебигул товоқни лойга беланган ҳолда топди. Ичидан рашки тошиб келаркан, аламини забонсиз идиш-товоқларга сочди: жон-жаҳди ила ишқаб ювди.

Сўнг ҳамма ишини чала ташлаганча ўчоқдаги чўққа тикилиб узоқ ўтирди. Рашк тўфони тиниб қолганди ва кўз унгида бепоён ёлғизлик ҳувиллаб ётарди.

— Қаерга бораман? — сўради ўзидан. — Пешонам бунча шўр бўлмаса?! Бошқалар тўққиз ойга қолмай болали бўп кетишади, менга нима жин урди? Ё ота-энамга теккан қарғишнинг касофатимикан? Наҳотки етти пуштимизни қўшиб қарғаган ўша мулла... Бузим?

Зебигул жийдазор ичидаги кулбани, тиловат қилаётган муллани эслади. “Ўзини ҳам қарғиш урибди, — деди хаёлан. — Йигирма йилдирки, моховга ўхшаб яшаяпти. Кўрган кунни қурсин! Ўлиб қолса ким кўмади? Ким ҳолидан хабар олади?”

Ота-онаси Зебигулга бурунги хаёлларидагидан-да ёқимли, истарали кўринди. Улар неки гуноҳ қилган бўлса, аллақачон жазосини олишган, кечирилган, ҳозир нурга йўғирилиб аллақадан кузатаётгандек эди. Сен ҳам азобланасан, сўнг биз каби кечириласан, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, қарагин, азоб бир мерос, дейишаётгандай эди.

— Ўзимни ўлдирсаммикан? — деди Зебигул. — Таппихонада анчадан бери канистр ётибди, бензин сасигандай бўлувди... Йўқ, ўзимни ўлдирсам кимга фойда?! Ўзимни ўлдиришим — қарғиш.

Чўғ сўниб борарди. Зебигул тўсатдан бир нима кашф этгандай бўлди: “Чўғ қувватини ўтаб бўлгани боис сўнади, қарғиш теккани учунмас; менга ҳам ҳеч қандай қарғиш тегмаган, балки ҳаракат қилсам бахтли буламан..”

Эрталаб Аҳмар унинг ҳовли-жой тозалаётганини кўрди. Бундан “тўйингизга тайёрланаяпман” деган киноя зоҳир бўлиб, жон-пони чиқиб кетди.

— Тегма супургига! — бақирди у. — Кеча ўйин учун айтганим йўқ! Кетасан дедимми, кетасан! Тоғангникига сиғмасанг, ҳайла, катта куча! Қишлоқларга сиғмасанг, шаҳарлар кўп. Борсанг, эр ҳам топилади. Бундан

кейин сен билан ишим йўқ. Бугундан бошлаб бу ерда яшамайсан!

— Тўйгача молларингизга ким қарайди? — деди Зебигул. — Ким овқатингизни қилиб беради? Ҳеч ким сизга қайишмаслигини биламан.

— Ўлиб кетмайсанми! — Аҳмар маъно-матрасиз бақирчақирдан бўлак ҳеч нима деёлмади.

Зебигул юмушида давом этди. Супургининг шипиллаши қулоғига “яхшиямки, талоқ айтмади” деб шивирларди. Ҳафта охирида тўйга тадориг ваҳима билан тезлашди. Аҳмар бир талай қўйни, ҳали етилмаган новвосни бозорга чиқарди. Ола новвоснинг кунлик емини кўпайтирди, тўйга сўяман, деди. Опалар келди, акалар нос отиб, пишнаб ўтиришди. Зебигул уларнинг олдига чой ташиди, аммо ўтирмади. Меҳмонлар ҳам ўтир демади, ўқрайиб-ўқрайиб қарадилар.

Бир гал эшик тагида беихтиёр кичик қайнопанинг гапини эшитиб қолди:

— Аҳмар, айтганларинг тўғри, лекин Зеби кетмайман деса, уриб кетгизасанми? Унинг ҳам ҳурматини қил, иложини топ.

— Кетади! — деди Аҳмар.

— Яшайверсин у ҳам. Ота-бовамизнинг замонида икки хотинлилик айб бўлмаган.

— Фижинимни келтирманг, опа! Зеби шу ерда тимирскalaniб юрса, мен қандай яшайман янги оилам билан?!

Келин томон тўйга таппа-тахт эди. Бир куни туш чоғи Аҳмарнинг кичик опаси келди.

— Тўйга уч кун қолди, Зеби, бизни кига бориб тура қол, — деди у. — Тағин Аҳмар талоқ айтиб юбормасин.

Бир парча меҳр Зебигулни эритиб юборди.

— Кетаман, опа, — деб кўзёш қилди.

— Қаерга кетасан? — аччиқланди қайнопа.

— Бошим оққан томонга.

— Ҳозир ёмон кўп. Биронта ёмоннинг қўлига тушсанг,

шарманда бўласан. Бизга ҳам тўғри келмайди, келини ёмон ишлар қилиб юрибди деган гап.

— Агар... кетмасам-чи? — Зебигул кўзларини пирпиратди.

— Аҳмарни биласан-ку, еб қўяди сени! Қўй, тинчгина бизникига кета қол, болаларга қарайсан.

— Кейин-чи? Сизникида туравераманми?

— Барибир борадиган жойинг йўқ. Аҳмарга инсоф кириб қолса қайтиб келасан. Балки янги хотини унинг феълига чидолмай кетиб қолар, қаёқдан биламиз келажакни!

Зебигул алмаштириб кийишга бор-йўғи битта ортиқча кўйлак билан чиқиб кетди. Унинг кўрпа-тўшаги, кийимлари, ҳатто пайпоқлари ҳам шкафу сандиқларда қолди.

Чеҳранинг тўйи тўрт йил аввалги тўйдан анча қизиди. Аҳмарнинг ташаббусими ё Чеҳранинг акасиникими, армиядош ўртоқлардан ҳам иккитаси келди. Маст куёв чимилдиққа киролмади. Биров у деди, биров бу. Энг бижғиган гап Зебигулнинг кўрпа-тўшагию кийим-кечаги ҳақидагиси эди. Келин билан келганлар сепни ёйиш учун уйга кириб анг-танг бўлди-қолишди: гўё аввалги хотин сигир соғишга чиққандек бирон нарсага тегинилмаган эди.

— Чеҳранинг шўри қурсин, куёвнинг аввалги хотини кеп қолса нима қилади энди? — пичирлашди қуда хотинлар.

— Чеҳра ҳам анойи эмас, кўрасиз, эрини минади ҳали! Кундошга йўл қўядими!

Биринчи кеча Зебигул уйқу нима, билмади. Кўрпани бошидан ошириб ёпди, ўликка ёпилган мато эди гўё. Қани кўзи юмилса. Ўзида бу қадар рашк, эрини қизғаниш борлигини, азобларига чидаб бўлмаслигини тасаввур ҳам қилмаганди.

Эргалаб қайнопа чимилдиқ олишга кетди. Тушдан сўнг асабийлашиб қайтди.

— Ичиб олиб, ошхонада ухлаб қопти, алкаш! — деди у Зебигулга эшиттириб. — Борсам бошоғриқ қип ўтирибди. Чимилдиқда келинчак кутаётганда испиртга бало борми?!

Зебигул ич-ичидан қувониб, ичкари кирди. Бузимнинг қироати қулоғи тагида жаранглаб кетди. Мулла мени чин дилдан ўқиди, ғолиб бўлишим аниқ, деб умидвор бўлди. Бироқ умидворлик узоққа чўзилмади. Эртасига кимдир қайнопага тунги воқеанинг дарагини етказди: келинни кечаси туман шифохонасига олиб боришга тўғри келибди, бироз қон йўқотганмиш.

## ЖАНЖАЛ

Ўттиз кун Зебигулни кесиб-кесиб, тилиб-тилиб ўтди. Ҳар бир тун пичоқлари қайралган босқинчи эди. Зебигул ҳаммасидан омон қолди. Биргина юпанч — эрининг асал ойи ниҳоясига етиши эди. У билан учрашишни ўйлай бошлади. “Қандай кўринаман? Кўзига қандай қарайман?” — дерди ўзига. Аҳмарни бир кун ҳам бегона санамади бечора.

— Қийналаяпсанми, Зеби? — деди қайнопаси. — Сенга осон эмас, тушунаман.

— Хотин кишининг қўлидан нимаям келарди. Икки хотинли эрлар кўп, ҳеч қачон икки эрли хотин бўлмайди. Эркаклар аёллардан устун, демоқчиман, опа.

— Эркак ҳаммага нарсага чидаса ҳам, хотинининг яна бир эри борлигига чидолмайди-да. Аҳмар ҳам тоза рашкчи-я?

— Билмасам.

— У сени Соримтепадаги Бузим тентакдан рашк қилганини эшитувдим, ҳайрон бўлдим, кейин... — деди қайнопа. — Зеби, тўғриси айт, даладан қайтаётганингда у сени қувганми?

— Мени Бузимдан рашк қилган? — Қутилмаган гапдан Зебигулнинг кўзлари чақнади. — Биринчи эшитишим буни! Тухматга қолибман-да?

— Нега тухмат? Бу бор гап-ку.

Зебигулнинг ранги оқарди. Эрининг совиб кетишига бир фитна ҳам сабаб эканини тушунди.

— Мени ҳеч ким қувмаган, опа.

— Қувганми, йўқми, анигини ўзингдан сўрадим, Зеби. “Бор гап” деб Аҳмарнинг рашк қилганини айтаяпман.

— Менга бирон марта бу ҳақда гапирмаган, — деди Зебигул бошини ҳам қилиб.

Хаёли Бузим томон учди. “У мени таниган... — деди ичида. — Изимдан тушгани рост экан-да! Сезгандим-а... Мени кузатиб юрганидан нима фойда? Ё отам қилган жиноят учун ҳалигача ўч олиб тўймадимми? Бахтиқаро эканимни ўз кўзи билан кўрди-ку! Воҳ!..” Зебигул кўнглидан ўтган даҳшатли ўйдан тахтадай қотди: Бузим ёқтириб қолган бўлса-чи? Ахир, севгилисига эришолмади. Бир умрлик армон баъзан бошқа бир орзуларни — кирлаган орзуларни етаклаб келиши мумкин.

Бироқ шу заҳоти фикрнинг ишончсизлигини тан олди. Бузим ростдан ўша Баҳодирхон мулла экан, мажруҳ қилингани важдан уйланолмайди. Ўзини шарманда қилиб эрли жувоннинг изидан чопишидан не маъни? Бундан ташқари, эътиқоди мустаҳакам, имонли дейишганди, ахир.

— Гап бекорга чиқмайди, — деди қайнопа.

— Тўғри, қўшни хотинлар бир куни мендан сўрагандай бўлувдилар. Эркаклар уч-тўрт марта кечқурунлари изимдан келаётган ғалати одамни кўрган эканлар. Тутзоргача келиб, кейин йўқолиб қолганмиш. Кўчадан юрганимда биров чақирмаса орқамга қарамайман. Ким билибди, биронтаси тасодифан мен билан олдинмакетин уйига қайтгандир.

— Укам нега ўзингдан сўрамаган?

Зебигул ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди:

— Опа, энам ўлгандан кейин биз бегонадай бўлиб қолгандик, битта хонада ётмасдик, гаплашмасдик.

Зебигулнинг сабр-тоқати ўз умрини еб битирган эди. У охирги икки кеча миужжа қоқмади.

— Нима, мазанг йўқми? — қўрқиб кетди қайнопаси. “Ўлиб қолса ким кўмади?” деган ўй яшиндай чақнади.

— Яхшиман. Уйга кетсам деяпман... — Ерга қаради Зебигул.

— Бизникигами? Аҳмарнинг олдига?

— Ҳа.

— Аввал ўзим тушунтириб келишим керак.

— Гапингизни олмайди, биламан. Бирга борсак дегандим, — илтижоли нигоҳ ташлади Зебигул.

Қайнопа уф тортди.

— Опаси аввалги келинини эргаштириб келиб жанжал қилибди, деган гапга қоламан шекилли. Ундан кўра ўзинг бор.

Зебигул олдиндаги енгиб бўлмас тўсиқларни кўрди. Қайнопасиникида ўтиравериш ҳам мумкин эмасди. Ахийри, таваккал қилиб Қорақишлоққа жўнади. Баҳор беармон беаган дунёнинг фақат шу нуқтаси қорайиб кўринарди. Қоралик нима эканини ҳеч ким тузукроқ айтиб беролмаган. Кимлардир кўчаларга қорамтир тош ётқизилганидан, кимлардир бўғотлардаги ёғочлар қорайиб кетганидан дейди. Зебигул эса қисматига йўяди. У келин бўлиб тушиб, қора кунларни кўриш учун қишлоқ номи азалдан Қорақишлоқ деб аталган.

Учраган киши ажабланиб қараётгани Зебигулнинг бир чимдим журъатига ҳам гўр қазиди. Ҳеч кимнинг унга далда бергиси йўқ эди. “Ҳой, эрнинг уйида сенинг ҳам ҳақкинг бор, — демасди биров, — кет деса кетаверасанми? Ажрашмоқчи бўлса сенга ҳам уй олиб берсин, қонуний ажрашсин. Иккинчи, э-э, учинчи хотинга никоҳ ўқитиб, тўй қилиб яшаётгани билан “ЗАГС”дан ўтмаган, сен ҳозирча қонуний хотинисан. Бундай пайтда бир четда ётган қонунни чақир, оч итдай югуриб келмаса бизга айт!..”

Уйи кўринганда Зебигулнинг юраги қафасдаги қушдай

типирчилади. Во ажаб, уй чинни мисоли ярақларди. Ҳовлининг топ-тозалигини олисдан ҳам пайқаш мумкин. Дорга осилган кийимларнинг саноғи йўқ ва ҳар бири ҳафсала билан соатлаб ювилганига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Ит ҳурди. “Шу ит ҳам менга ҳураяптими?” деб Зебигулнинг бағри куйди.

Йўл четига чиқишини сўраб бир машина сигнал берганида Зебигул чўчиб тушди. Шалоғи чиққан машинадагилар ҳам ажабланиб қараб ўтишди. У ҳовлига етганида анча ҳолдан тойганди. Бахтга қарши илк қадамданоқ кундоши билан тўқнаш келди. Келинчак эшак сақланадиган айвонни супураётган эди, одамни пайқаб, илкис бош кўтарди. Зебигул унинг ҳусн-малоҳатдан кейин туғилган қари қиз эканини, ҳатто келинлик ҳам ярашмаганини кўрди.

— Мен... — деди Зебигул, аммо қолганини гапиролмади.

Чеҳра қаршисидаги ўзидан хийла ёш жувон қайси қўшинининг келини экан, нега ғалати қараб қолди, деб ўйлади.

— Мен... уйга кирсам бўладими? — сўради Зебигул.

— Кимсиз? — Чеҳранинг ичи шув этди, кундоши келганини сезгилари айтиб бўлганди.

— Оиласиман.

Зебигул кўзлар жангига ўзи ҳам, кундоши ҳам бардош беролмаслигини англаб, уй сари таваккал юрди.

— Қўрқманг, жанжал қилишга келганим йўқ, — деди у келинчакка. — Хўжайинимга фарзанд керак эди, уйланишига қаршилиқ қилганим йўқ, қарши ҳам эмасман. Тўғрисини айтсам, сизни душман санамайман, опа. Мен сизларга халақит бермайман. Аслида анча вақтдан бери у киши билан битта хонада ётмай қўйгандим. Сингил ўрнида кўрсангиз ҳам майли.

Чеҳра жойида қотди-қолди. Аламдан бўғриқаётганини, чинқириб юбормаслик учун лабларини тишлаб қонатиб юборганини Зебигул кўргач, уйга чўғ устида юриб бораётгандек бўлди. Эшикка етганида кундоши ундан

ўзиб кетди. Эшикни шарақлатиб очиб, келинлик уйига кирди-да, ўкириб йиғлаб юборди. Йиғи орасида “Оғзингдан қонинг келсин”, “Акамлар эшитса сўйиб кетади ҳали”, “Эшшаклар... итлар...” — яна алламбалолар деб қарғанар эди.

Зебигул ҳам шундай ғавғо кўтаргиси келди. Бироқ у етим эди, ҳайдалган эди, инсоний хурмат-иззат деган ҳуқуқларнинг анчасидан жудо этилган эди. Хонасига кириб, кундошининг йиғисига қулоқ солиб, тахмонга суянганча ўйга толди.

Кейин ихтиёрсиз ундов ила Чехранинг хонасига кирди. Келинчак ёстиқни ҳўл қилганча эркакдай бўкирмоқда эди. Қулочга сизмас елкаларидан, новвоснинг оёқларидай болдирларидан Зебигул ҳуркди. Агар ташланиб қолса борми, сочини юлиб қўлига берар, гарданига мушт солиб оғзидан ўпкасини чиқариб юборарди.

— Қўйинг... нега йиғлайсиз? — ёнига чўкди Зебигул.  
— Мен ҳеч нарсага даъво қилмайман... Ҳеч кимим йўқ... Айтинг, нима қилай?

— Кет! Кет деяпман! Иккинчи қадам босма! — ўшқирди Чехра.

— Опажон, қаерга кетаман? — деди Зебигул зорланиб.

— Нима ишим бор?! — Чехра алам билан ёстиқдан бош кўтарди. — Ўзингни етим кўрсатиб раҳмимни келтирмоқчимисан? Мени шарманда қилишга нима ҳаққинг бор?

Зебигул тўзғиган сочлар орасидаги товоқдай юзга қўрқа-писа қараб, деди:

— Сизни шарманда қилмаяпман-ку...

— Чиқ! Чиқ уйимдан! — Чехра жойидан сакраб туриб Зебигулни эшикка тортқилади. — Кундош билан яшагандан кўра бўғиб ўлдириб қамоқда чириганим минг марта яхши!

Улар ғавғо-тўполон билан бўсағага етдилар. Эшик ланг очиқ эди, иккисининг овози етти уй нарига эшитиларди. “Зебигул ўтиб кетувди, кундошлар юлишяпти, ажратиб

қўяйлик” деб қўшни хотинлар келиб қолишди. Уларни кўриб Чеҳра ҳайиқди шекилли, Зебигулни қўйиб кўбориб, хонасига кириб кетди. Хотинлар ранги мурдадай оқарган Зебигулга сув ичкизишди. Воқеа тафсилотини сўраб олишгач, Чеҳрани чақирришди.

— Чеҳра келин, — деди шаддодгина қорача хотин, — Зеби бизга келин эмас, қиз. Бечоранинг сағир қолганини ҳам яхши биламиз, доим яхши гапириб юрамиз. Унинг бошига тушган кўргиликларни душманзимизга ҳам раво кўрмаймиз. Бечоранинг кўнгли яримталигини ҳисобга олиш керак-да одам деган. Урнида бошқа бўлганида, аксинча, сизнинг ўзингизга тармашарди.

— Нега келади? Билади-ку! — йиғламсиради Чеҳра.

— Қонуний эри! — бўш келмади хотин. — Нега келмас экан?! Унга шу ердан бошқа уй йўқ! Хотин устига хотин бўлиб тушаётганингизда ўйламадингизми?

— Билмасдим!

— Вой, нима бало бўлди билмай! Аҳмар ўзини бўйдоқ қилиб кўрсатмагандир? Аввалдан танигансизлар, акангиз билан жўра-ку!

— Икки марта уйланган, иккови билан ҳам ажрашган, деганди.

— Кўрпа-тушаги, кийим-кечаги, сандиғию чойнак-пиёласи шундоқ турибди. Ажрашмаганини тўйга келган аҳмоқ хотин ҳам бир қарашдан фаҳмлади, сиз эса бир ойдан бери яшаб, беҳабармисиз? Фақат ўлган хотингина ҳамма нарсасини ташлаб кетади. Зебининг тарафини олаяпти, деманг. Икковингиз ҳам менга тенг. Ҳайла, қишлоқда икки хотинлилар иккита, сизлар билан учта бўлди. Одам иложсиз қолганда бунинг айби йўқ.

— Айби бўлмаса, эрингизга иккинчи хотин қилиб олиб кетинг!

— Нима дедингиз, келин? Вой тавба, тилингиз заҳарлигини ҳали келмасингиздан эшитгандим, ростлигини қаранг!

Чеҳра тумшайди. Нима деб гапирса гапирсинлар, ишқилиб кундошини ҳовлидан даф қилишса бас эди.

— Эрларингизнинг яна битта хотини пайдо бўлса кейин биласизлар, — деди Чехра “бопладим” маъносида кибрганиб.

— Ҳа, мана Зебигул ҳам билиб ўтирибди бунинг азоблигини, — чақиб олди бошқа бир аёл.

Чехра унга алам билан кўз ташлаб, яккаланиб қолганини тушунди.

— У кетмаса, мен кетаман! — деб уйга кирди. Ичкаридан йиғи аралаш овоз эшитилди: — Бунинг шундай қолдириб қўймайман! Ҳозир уйга бориб отамларга айтиб, кўзига кўрсаттираман!

Аёллар бир-бирига қараб елка қисиди. Зебигул ҳамон мўлтирарди.

— Кетса кетаверсин, — деди қорача хотин, — Аҳмар даладан қайтса ўзим тушунтираман. Келгандан менга айтиб, хўпми?

Зебигул дам қўшниларга, дам эшикка қараркан, келинчак кетиб қолса ёлғиз ўзи айбдор бўлишини фаҳмлади. Бунинг учун баджаҳл Аҳмар кечирармикан? Ахир, у Зебигулга қадамини босмасликни буюрган эди.

Хотинлар секин тарқалиша бошлади. Қорача хотин деди:

— Бемалол яшайверинг, Зеби. Хоналардан биттасини эмас, иккитасини эгалланг. Хотин устига хотин бўлиб тушишга чидаса рози бўлсин эди. Билмабман деганини қаранг! Неча кундан бери идиш-товоғингизда овқат еб ўтирибди-я!

Зебигул нимадир демоқчи эди, тили айланмади. Бирпасдан сўнг ҳовлида ёлғиз қолди. Хотинлар ҳув нарида, йўл устида Зебигулни кўрсатиб ўзларича алланималарни гапиришган бўлди, сўнгра бошларини чайқаб, уй-уйига тарқаб кетишди.

— Ўв, бу ёққа кел, — чақирди Чехра.

Зебигул остона ҳатламасданок:

— Бундай бўлсин демагандим, опа, — деб кундошига узрхоҳ тикилди. — Кетманг.. Гап-сўз бўлиб..

— Учир, писмиқ! Қилар ишни қилиб юпатма!

Зебигул келинчакнинг йиғидан қизарган кўзларига ҳадик аралаш ачиниш билан боқди. Савлатидан от хуркарди. Ҳойнаҳой, бундай савлат ичида камида бир шокоса кўз ёш бўлиши тайин эди.

— Менинг аҳволимни тушунмаяпсиз, — йиғлади Зебигул.

— Аҳмар ака қайтгунча қорангни учирасан, — шарт қўйди Чехра. — Майли, истаган нарсангни олиб кет. Биронта идиш-товоғинг керакмас! Бошимга ураманми!

— Нарсага келмаганман... — уввос тортди Зебигул. — Қаерда яшайман? Ким деган одам бўлдим? Эримнинг уйида яшолмасам... Шунча йил азоб чекканим камми? Йўқ, ҳеч қаёққа кетмайман... кетмайман...

— Чиллам чиқар-чиқмас бошимга кундошлик балосини солдинг-а! Йўқол, ҳайвон! Йўқол деяпман!..

Чехранинг қуёнчиғи тутди. Зебигулнинг сочидан тутамлаб полга отиб урди. Кўзларидан ўт чақнаб кетди Зебигулнинг. Шу кўйи оламни зулмат қоплаб, сукунат домига фарқ бўлди.

Ҳушига келганида қоронғи уйда ётарди. Боши лўқ-лўқ оғрийди, гўё у тахта устида-ю, тахта ҳавода чирпирак бўлаётгандек. Томоғи қақраб сув сўради. Ташқарида ит вовиллади. Нима воқеа бўлганини эслаган Зебигул сесканиб тушди: “Қаердаман? Вой ўлмасам, бу Бузимнинг кулбаси-ку! Вовиллаган ҳам унинг ити! Ким мени Соримтепага ташлаб кетди?” Гоҳида олислардан бир қизалоқнинг жарангдор кулгиси эшитилади. Кейин қизчанинг юзи кўринади, аммо қабристон манзарасига сингиб кетади...

Эшикда басавлат бир одам кўринди. Зебигул чинқириб бурчак томон судралиб қочди. Бироқ эркак қувмади. Бўсағада ҳайрон-ҳайрон қолганча, изига қайтиб кетди. Кечаси билан ит бўридай улиб чиқди. Зебигул минг азобда алаҳсиб ётарди. Иситмада ёнаётганини билар, тез орада жон таслим қилсам керак, деб оғзини қапа-қапа очарди.

...Ит улиса эгаси ўлади, деган мақолни эслади. Сўнгра: “Бузимнинг ити улиса, нега мен ўларканман?” — деди. Мияси тиниқлашган кезларда уй ўзиники бўлиб туюлар, бегона хотин дидсизлик билан кўрпа-тўшак ва шкафларни қалаштириб тахлаб ташлаганини фаҳмлар, “нокаслар, мени ўзимизнинг уйнинг етти болорли четдаги хонасига ётқизиб қўйишибди-ку”, деб жойидан туриб кетмоқчи бўлар эди.

Афсуски, у майиб қилинган эди. Нечанчидир кун гўнғир-гўнғир овозлар остонага ваҳм билан яқинлашиб келди. Сўнг эшик ланг очилиб, қизарган осмон кўринди.

— Зеби! — деди таниш овоз.

Зебигул саросима ичра овоз соҳибига гикилди. Шунча уринса-да, кўздан қолган каби таниёлмади.

— Зеби, нима қилди? Менга қара! Юроласанми? Зеби, туроласанми? Эшитяпсанми мени? Зеби... Зеби...

Ёнидаги хотин ҳам бир нималар деди. “Тоғамнинг хотини! — қувониб кетди Зебигул. — Буниси тоғам-ку!..”

— Тоғажон!

— Худога шукр-э! Мана, гапирди-ку!

Аҳмарнинг ҳовлисига қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар тўпланишди.

— Яримжон сағирни шунча қийнадингизларми?! — оломонга ғазаб билан кўз югуртирди тоға. — Кучларингиз шунга етдими?

— Икки кундошнинг жанжалига бизнинг нима алоқамиз бор? — деди кимдир. — Аёлларни пойлаб ўтиролмаимиз-ку, қуда бова!

— Шундай-ку-я, — истехзо билан кулди тоға, — аммо калласига уриб тентак қилиш, қоронғи томга қамаб, олдига нон-сув қўйиш, ўлгандан кейин “бу хотинларнинг иши” деб кўзни лўқ қилиш керакми? Ҳа, ростдан бу хотинлар иши! Ҳозир тўғри “район” касалхонасига ётқиздираман, экспертиза қилдираман. Аҳмарнинг ноқонуний хотини ҳам, Аҳмарнинг ўзи ҳам қамалади. Хотинларнинг иши деб қараб ўтираверинглар эса!

Одамлар жимиб қолишди.

— Кимлар урганини, кимлар қамаб қўйганини, қандай азоблашганини Зебига ўзим айтиб тураман, ёзади! Қуда хола ҳаёт эканида бир келганимла Зебининг оиласи бузилишини писанда қилганди. Ушанда айтадиганимни айтганман! Зеби туғишган жияним эмас, амакиваччамнинг оиласидан қолган биттаю битта зурриёд! Болалар уйига беришга ор қилиб ўзим қатта қилдим. Кунимни зўрға кўрган кунларим ҳам бир бурда нонимни қизғанмадим, миннат қилмадим! Лекин энди уйга қайтиб олиб кетмайман. Келин сизларники. Бу — устига хотин олинглар, калласига уриб тентак қилинглар деганимас!

Зебигул унсиз йиғларди. “Менга нима” дегандек қўл силтаб кетган одам бугун Қорақишлоқни зир титратди. Шифохонага йўл олган тоға-жиянни машина олдидан қайтаришди. Кимдир қишлоқ дўхтирини чақириб келган эди, Зебигулни текширди.

— Ҳеч нарса қилмаган, ваҳиманинг нима кераги бор? — деди шифокор. — Мия чайқалганда бунақа юролмасди, ҳозир дори ёзиб бераман.

Қоронғи тушиши билан ёмғир ёға бошлади. Зебигул эрини, Чехранинг акасини, ҳагто Чехранинг ўзини ҳам кўрди. Чехранинг акаси синглиси номидан кечирим сўраган эди, оғзидан чиққан ароқ ҳиди бутун хонани тутди. Ярим тунга яқин тоға ҳам кирди. У ҳам анча-мунча ичган эди.

— Ҳамманг чиқиб тур, жиян билан ёлғиз гаплашаман, — деди тоға.

Меҳри ийиган Зебигул яна йиғлади.

— Бугундан бошлаб уйнинг ярими сеники, — қўлини шипга бигиз қилди у. — Биронтаси финг деса судга бериб, қаматиб юбораман. Кундошингга кўпроқ тааллуқли бу! Урса индама, сўкса индама, секингина менга хабар етказ, қиёматни кўрасан. Айтгандай ажрашаман деса, ариза ёзма. Буниям менга етказ! Талоқ айтса, талоғининг ҳақини ўн баравар қилиб ўзига тўлатаман. Энг қиммат нархдаги муллани олиб келиб никоҳни

қайтадан ўқитаман. Бизнинг ютуғимиз, Зеби, сен билан қонуний ажрашмасдан уйлангани. Улар қопқонда. Қўлларидан тиррақи бузовнинг иши ҳам келмайди. Ёмонликка олсам уйининг ярими, мол-қўйининг ярими, гектарининг ярими кетади. Бизга нима керак? Шу ерда яшаб юрганинг яхши. Чинимни айтсам, жияним, анави хотини бадбашара экан. Бир-икки ойда Аҳмарнинг кўнгли айнимаса отимни бошқа қўяман. Кафолат бераман, Зеби! Сен эркакларни билмайсан-да... Хўп, яхши қол! Қўшниларинг сени оғир ётибди, деб хабар етказишди, қўшнимизнинг мошинини “заказ” қилиб, янганг билан келдик.

Тоғанинг хотини ҳам хайр-хўшга кирди.

— Зеби, мабодо бўйингизда йўқми? — шивирлаб сўради у.

— Бўйимда йўқ. Тушларимга бир қизча кираяпти, “мен яқинда келаман” дейди. Фақат совуқ кунларни, мозорларни кўраман.

Зебигул кўзлари олайиб, қўрқувдан титраб гапирди. Унинг ҳар лаб қимирлашида одамни сескантирадиган ниманингдир саси эшитиларди. Янга бош қимирлатиб, далда бергандай бўлди-да, бемордан узоқлашди.

## ҚАЙТИБ КЕЛГАН ВИСОЛ КЕЧАСИ

Апрель ойининг охирларида Зебигул соғайиб кетди. Аҳмар ва Чехра кўрарга кўзлари йўқлигини яшириб ўтирмас, иргангандек ўзларини четга тортишар, аммо ботиниб бир сўз айтолмасдилар. Бегоналикнинг сўнгги чизиқларидан ҳам нарига суриб ташланган Зебигулга ҳаётнинг маънисини йўқ эди. Ҳарҳолда эр уйида эканлиги, кўчада қолмагани унга бирмунча таскин берарди. Нима қилсин, Аҳмарнинг уйдан бўлак шапалоқдай бошпанаси бўлмаса. Тоғасининг гапини ҳам ҳар кунини эсларди. Чехра ҳақиқатан хунук, қўпол хотин эди.

Зебигул “менга бас келиб бўлсан” деб уй юмушларини

Чехрадан ошириб бажара бошлади. Кўзгу олдида ўтириб ўзига оро бераркан, ҳуснига ҳусн қўшилиб бораётганидан суюнади. Аҳмар келинчакнинг уйига ошкора голиблик билан кириб кетгувчи эди. Энди у худди биров мажбурлагандай бошини эгиб, судралиб ўтарди остонадан.

Бир куни Зебигул Аҳмардан пул сўради.

— Нима қиласан? — юзига қараёлмади эри.

— Кўчада савдогар қараб турибди, кўйлаклик мато оламан.

— Кўйлакларинг кўп-ку.

— Бўпти, ҳозир қўшнидан қарз сўрайман, эртага сизни беради, дейман.

Аҳмар пул чиқарди. Зебигул тикувчиникидан қайтган куни Чехра Аҳмарнинг бошида ёнғоқ чақди. Зебигул хонасида магнитофон эшитиб ўтирганди, бир зум овозини пасайтиб, жанжалга қулоқ солди-да, мийиғида кулиб қўйди.

Бу енгсиз, ҳилпиракли, орқа-олди хийла очиқ бежирим кўйлак эди. Ҳатто Чехранинг ҳам оғзи очилиб қолди. Ҳафта ўтмай у ҳам кўйлак тиктирди. Зебигулникидан уч баравар қиммат матодан бўлса-да, эгасига ярашмагани яққол кўринади. Зебигул кулиб юборишдан ўзини зўрга тийди. Турмушнинг ўнлаб кўчаларида унинг зафар қозонаётган орзулари байрам қилиб ётарди.

Зебигулга эркаклар зимдан қараб қўяётганини Аҳмар сезиб тишини тишига босар, ғинг деёлмаганидан ўзини ўзи қойирди. Кунларнинг бирида чидаёлмай:

— Ўв, охириги пайтларда юришинг ёқмаяпти, эрсираб қолган бўлсанг, судга арз қилиб, ажраш, — деди.

— Менга бошқа эр керакмас, — жавоб қилди Зебигул.  
— Бу уйга сизни деб келганман, кўз очиб кўрганим ҳам сизсиз. Эрсираб қолиш ҳақида яна оғиз очаяпсиз-а?! Хиёнатчи бўлганимда уйланганингизданоқ кетиб қолардим! — Кейин қўшиб қўйди: — Менга сиздан бошқа эр ҳаром.

Қатъиян айтилган гапдан Аҳмар томирларида илиқлик уйғонганини туйди. Бироқ бундан қўрқиб кетди. Уруғ-аймоғи ярим мингдан зиёд учинчи хотинга бас келиб бўлармиди.

Ўша кундан бошлаб Аҳмар ўзгарганини юз-кўзидан пайқаш мушкул эмасди. Ҳақиқатан, у Зебигулнинг ётоғига кириш ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди. Икки хотин билан ҳам тенг яшайверсаммикан, деб Чеҳрага гапнинг учини чиқарганди, яна жанжал қўпти.

— Ўласиз! Ўлибгина кетасиз! — деди Чеҳра бўздай оқариб.  
— Унга яқинлашиб кўринг-чи! Сизни ҳам, уйингизни ҳам йўқ қиламан! Эрим қасамхўрнинг қўйнидан қачон чиқса, чой дамлаб бераман, деб юраманми?!

Дарғазаб Чеҳра афтини бужмайтирди. Сўнгра ваҳшат билан эрига қайтадан заҳар сочди:

— Ўзи эркакмисиз?! Гапингизда турасизми, йўқми? Менга уйланаётганингизда эшакнинг калласидай ваъдалар берувдингиз! Қани ажрашганингиз?! Қани? Ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқди! “ЗАГС”дан ўтайлик деганимда, “шошма, ҳозир ҳужжатларим чала” десангиз чиппа-чин ишонибман, мен — бояқиш!

— Ростдан ҳужжатларим чала эди, — минғиллади Аҳмар.

— Ўзингиз чаласиз! — бақирди Чеҳра. — Чала эркак! Чала! Чала... Ахир, мен сизга — аввал икки марта уйланган эркакка — қиз бола ҳолимда тегдим. Ҳурматимни қилади дедим. Энамлар, отамлар, акамлар ҳам сизни ўйлади, эски танишлигингиз ҳурмати! Сиз эса нима қилдингиз? Битта етимчани уйдан кеткизишнинг, суд билан гаплашиб ажратиб юборишнинг иложини тополмаяпсиз! Агар отамлар ҳурматингизни билмаганида мени ҳеч қачон сизга беришмасди, эрсиз қолиб қари қиз бўлиб ўлиб кетганимда ҳам! Ҳа, кундошли бўлгандан кўра эрсиз ўтганим яхши эди!

— Чеҳра, ўзингни бос. Секинроқ.

— Кўчага чиқиб бақираман!

— Уни мен эмас, ўзинг урдинг-ку! Агар салгина эҳтиёткор бўлганинда аллақачон ҳайдаб юборардим. Энди эса икковимиз ҳам судга тушиб қолишимиз мумкин. Давлат молимнинг яримини унга олиб беради...

— Мол кетса кетсин!

— Қизиқмисан, молдан олдин сен кетасан! Тоғаси нима дегани эсингдан чиқдимми?

— Кимни молга тенглаштираяпсиз? А?!

Чеҳра эрининг устига бостириб борди. Агар хотини тармашса, Аҳмар сўколмаслигини, уролмаслигини тушунарди. Зебигулнинг олдида бундан оргиқ шармандаси чиқиши мумкинми?

— Чеҳра, илтимос, тўғри тушун. Зебигул гапларимизни эшитапти, устимиздан кулади.

— ‘Э-э, отасининг гўрига куладими?! Қачон у ҳам ота-энасига ўхшаб ўлибгина кетаркан? Ундан қутуларканманми ўзи?! Бу уйга келиб жанжалдан бошқа нима топдим? Қачон қарасам гурбат, қачон қарасам ёлғон-яшиқ ваъдалар!

Аҳмарга гап келди: “Сенга уйланишдан мақсад фарзанд кўриш эди, афсуски, сен ҳам бепушт кўринасан, гафто қилишинг ортиқча!” Бироқ тилини тийди.

— Бундан кейин унга гапирмайсиз, — деди Чеҳра. — Гаплашганингизни кўрсам, кетаман.

Аҳмар тескари қараб ўтирди.

— Кетсанг уни хурсанд қиласан-да, — деди тегишиб.

— Битта туғай, қандай “хурсанд” бўлишини кўраман! Шўртумшуқ!

Аҳмар афсус-ла бошини сарак-сарак қилди. Бу — Чеҳрани танқид қилиши эди.

Уша ҳафтанинг охирида Чеҳранинг холаси неварасини хатна қилдирадиган бўлди. Аксига олиб Аҳмар даласига мардикор солиб қўйганди, боролмаслигини айтди.

— Нега бормас экансиз, борасиз! — деди Чеҳра.

— Ишчиларга ким қарайди? Ким уларга ишни кўрсатиб туради?

— Ҳайла, Зеби бор! Бир кун қараса, ҳеч ким тегиниб

қўймайди, ёш қиз эмас! Борсин далага юраги ёрилмай!

— Унинг-ку юраги ёрилмайди, ёлғиз ўзи далага бориб юрган хотин. Ишчиларга қандай раҳбарлик қилади? Холангнинг қизи ўғлига катта тўй қилар, ўшанда борарман, кичик чупрон менга шартми?

— Шарт!

Аҳмар нима қиларини билмай ахийри депсинишга мажбур бўлди.

— Еб қўйдинг-ку “холамларнинг тўйи, холамларнинг тўйи” деб! Тўйдан бошқа ишим йўқми? Борсанг ўзинг бор, бўлмаса елим тўшаб ўтир ҳар кунги жойингда!

Чеҳра вазият ўз зарарига ўзгараётганидан қўрқди, аммо булар Аҳмарнинг далага астойдил жон куйдиришидан деб билди. Мардикорларни тўплагунча жони бўғзига тиқилганидан бохабар эди-да.

— Хўп, — деди бироздан сўнг ичкаридан кийимларини алмаштириб чиқаркан, — вақтингиз йўқлиги ҳисобга ўтади. Бундан кейин холамларнинг туғилган кунларини ҳам канда қилмай борасиз, келишдикми?

— Келишдик, — Аҳмар гижинди. — Бундан кейин тўй, туғилган кун, жаноза — биронтасини қолдирмайман.

— Қанақа жаноза? — Чеҳранинг лаби гезарди. — Кимнинг жанозаси? Сизга гапираяпман!

— Тавба, қариндошларинг минг йил яшамайди-ку!

Чеҳра ул-бул учун ичкари кириб, ярим соатча тунғиллади, қарғанди. Бир пайт йўлга шай бўлиб чиқиб, деди:

— Холамнинг уйи қаердалигини биласизми?

— Билсам Худо урсин.

— Кесатманг, йўл узоқ, келолмай қолишим мумкин.

— Анигини айт, кечқурун хавотирланмай.

— Эртага эрталаб йўлга чиқаман. Сиз ҳам бугун уйга келмайсиз.

— Мол-ҳолга ким қарайди?

— Зебига ҳамма ишни тайинлаб кетинг. Ўзингиз чайлада ётинг. — Чеҳра қўлини бигиз қилди. — Бир нимани сезсам, кўрасиз! Бир умр афсус қиласиз!

— Бу нима қилиқ, Чеҳра?

— Қилиқ эмас, аксинча, сизнинг қилиқсирамаслигингиз учун огоҳлантириш!

Аҳмар ғазабланиб, полни муштлашга чоғланди. Чеҳра бир муддат ўқрайди. Сўнг:

— Бўлинг, — деди. — Далага жўнамайсизми?

Аҳмар ўрнидан турди. Улар кўча охирида икки томонга айрилишди. Аҳмар ростдан ҳам бу кеч уйига қайтмаслиги мумкин эди. Бироқ кеч тушиб, ариқларда қурбақалар қуриллай бошлагач, оғир хўрсинди-да, бирин-кетин юлдуз тошиб бораётган осмон тоқига термулиб қолди. Дунё кундуз эмас, зулматда гўзал эди гўё. Юрагидан ўзи ҳам тушунмаган нимадир тошиб келди, қишдан кейинги илк илиқ оқшомларни, ёзнинг фараҳбахш кечаларини ва негадир Зебигулнинг келинлик даврини соғинди. Куёвлик уйида тутатилган исириқ, Зебигул фақат кечалари сепадиган ўткир атир ҳиди димоғига урилгандай бўлди. Кўзларини сархуш юмди. Солярка солинган чироқ хира нур сочаётган хона кўз олдига келди, нимқоронғида янги атласлар, зарлар нур сочади, оппоқ чойшаб, оқ либосли келин оҳанрабодай тортади. Шу тобда Зебигул Чеҳрадан минг марта авло кўринди. Бундан кейин бўрдоқидек Чеҳра билан ўтадиган аччиқ ҳаётини охиригача тасаввур этиб, беихтиёр:

— Қаёқдан ҳам уйландим, — деди ва жаҳл билан оёққа қалқди.

У Зебигулнинг ёнига боришга аҳд қилган эди.

— Ҳув Аҳмар ака, — чақирди қоровул бола, — кетаяпсизми?

— Ҳа.

— Қоламан девдингиз-ку.

Аҳмар жавоб бермади. Шарпаси уват томондаги толлар тагида ғойиб бўлди. У қонуний хотинининг ҳузурига эмас, жазманиникига кетаётган каби эди. Ҳовлига етгач, бир нафас тўхтаб, атрофга ўғринча қаради. Уйининг икки хонасида чироқ ёниқ эди. Бири Зебигулнинг ётоғи,

иккинчиси меҳмонхона. “Чеҳра қайтиб келган бўлса-я?” — юраги така-пука бўлди Аҳмарнинг.

Кейин дангал қадам ташлади. “Нима, ўз уйимга ҳам келолмай қолдимми? Кундошиникига бораманми, ўйнашимникигами, бу уйда Чеҳра хўжайин эмас-ку! Қўша-қўша бола туғиб, элнинг олдида юзимни ёруғ қилиб қўйган жойи ҳам йўқ. Келганига икки ой ҳам бўлмасдан бунча юрак олдириб қўймасам!..”

Остона ҳатлаб ойнаванд хонага — “терраска”га кирган ҳам эдики, меҳмонхона чироғи ўчди, қия очиқ эшикда шарпа кўринди.

— Кимсиз? — жонга оро кирадиган овоз жаранглади.

— Зеби, сенмисан? — деди Аҳмар.

Зебигул меҳмонхонадан чиқиб, ойнаванд хона тугмачасини босди, хона ёришиб кетди. Қиз билан бўйдоқ учрашгандек бир-бирининг кўзларига қараёлмай жиддий тортиб қолишди.

— Қорин оч, — деди Аҳмар ёлғондакам дағдаға қилиб.

— Келмайман деганингизга... ҳалиги... овқат қилмабман. Чайлада ҳеч нарса пиширмадиларингизми?

— Қоровулларга лойиқ овқат қилишди. Тухум-пухуминг бордир?

— Бор. — Зебигул баҳона топилганидан севинди шекилли, шошилганича ташқарилади.

Аҳмар унинг тезлигини чамалаб кўрққани ёки суюнганини билгич эди, ҳозир мияси ишламай қолди. “Йўқ, у севинди, севинди” деб ўзини ишонтира бошлади. Бир вақтлар офтобани илиқ сувга тўлдириб, елкада сочиғи билан пешвоз чиқарди. Аҳмарнинг онаси қанча қарғаб-нетиб юрмасин, у қуллар каби ҳар кунги юмушини бир маромда бажараверарди. Аҳмарнинг жонига тегиб, силтаб ташлаган пайтлари кўп бўлган. Зебигулни бир сония ҳам ўзига тенг кўрмаган, энди эса хотинининг нимасидир устунлигини тан олиб, бўйнини эгиб қолди.

Не тонгки, таом тайёр бўлганда илиқ сув аллақачон келтириб қўйилганди.

— Ювиниб олинг, — деди Зебигул ийманибгина.

Овқатдан сунг Аҳмар илиқ гап гапиргиси келди-ю тили айланмади. Телевизорга қараб, хўмрайиб ётди. Вақт ўтиб борарди. Шу ётиши бўлса, хотини ўз хонасига кириб кетиши, эшикни оч, деб ялиниши муқаррар эди. Янада илиқроқ гап айтишни кўнгли тусади, чўзилиб ётган жойида пешонаси оша ортига нигоҳ ташлаган эди, Зебигул этагини тортиб оёқ учларини бекитди.

— Зеби, — деди Аҳмар яна телевизорга қараб, — мени соғинмадингми?

Зебигулнинг қовоғи солинди. Шарт ўрнидан туриб дастурхонни йиғиштиришга тушди. Аҳмар биринчи довондан ўтганди. Ёнбошлаганча хотинига тикилди.

— Зеби дейман...

— Суюлманг.

— Сен... ўзимникисан-ку.

— Қочинг, коса-товоқ ювишим керак.

Зебигул идиш-товоқни кўтариб чиқиб кетди. Аҳмарга телевизор татирмиди. Хотинининг ошхонадан қайтишини интизорлик билан кутди. Калака қилаётган соат миллари сира олдинга силжимасди. Бир асрга тенг вақт ўтгач, Зебигул келди. Юзида келинчаклик давридаги ҳаяжон кўпчиганини сезиш қийин эмасди. Хийла тез қадам олгани боис Аҳмар гафлатда қолди: ётоқ эшиги ҳаво қисилиши оқибатида гуп этиб ёпилди.

Аҳмар ташқари эшикни қулфлаётиб, ҳовлига кўз югуртирди: сўлим кеча икковининг висолига бирон зоғ халақит бермаслиги учун кўзини юмиб, тилини тишлаб, табиатга қоришиб ётарди. Қулфнинг қулоғини бураб, ойнаванд хона чироғини ўчирди. Зебигулнинг ётоқ эшиги тирқишларида сарғиш нур товланарди. Эшикни тортган эди, очилмади. Қулоқ солган эди, гуп-гуп этган овозлар эшитилди. Ўрин тушаяпти.

— Зеби, — чақирди Аҳмар, — эшикни оч, гапим бор.

— Айтаверинг, — деди жувон.

— Ёпиқ эшикдан гапирилмайди, қизиқмисан.

— Чеҳра опа бир кун кетганига дарров айниманг.

Аҳмар жаҳл билан эшикни муштлади.

— Минг лаънат ўшангга! Исмини ҳам эшитишни хоҳламайман! Бола керак эди, Зеби! У менга ҳеч нарса бергани йўқ!

Ичкари жимиб қолди. Зебигул ё тушакни солиб бўлди, ё нафас олмасдан қулоқ соларди.

— Балки мени сабрсиз, ичи тор кимсага чиқарарсан, — деди Аҳмар, — лекин қачон бахтимни топаман? Нега ҳаётим силлиқ кечмаяпти? Уйланган одам бир йилдан кейин бола кўриши, яна бир йилдан сўнг бешик тўй қилиши, бу дунёда ҳар бир одамнинг ўғил-қизи, неварачевараси бўлиши керак. Ҳаммада шундай-ку! Мен эса учинчи марта ҳам уйландим, ҳеч нима ўзгармади. Қайтага битта бош оғриқ орттириб олдим. Душманинг бўлишини истасанг, ҳеч кимга ёмонлик қилма, хотинни иккита қил экан. Яхшиямки, анави биринчи хотиним қайтиб келмайди. Бўлмаса, учовинг уч томонимдан ер экансанлар!

Эшик лўкидони сурилди. Зебигул бир қадам чекиниб, деворга суюнганча бошини эгди. Аҳмар ичкарига кира солиб эшикни ёпди. Бир неча ойдан бери бош суқмаган бу хона келинчакнинг уйига ўхшатиб безатиб қўйилганди. Ўша ўткир атир ҳиди, сархушлик, ҳатто янги кўрпаларнинг хос ҳиди. Тўрлаги жавон устида эса иккисининг тўй куни тушган сурати.

— Мен учун шу ерда яшаяпсан-ку, тўғрими? — деди Аҳмар хотинининг елкасидан тутиб.

Айни дамда бировнинг уйида, бировнинг хотинини оғушига тортганга ўхшаб қўрқув ва ҳаяжондан қалтиради, томоғи қақраб, аччиқ ютинди. Зебигул ҳам бегона эркакнинг қаршисида тургандек эди. Кўзларини олиб қочди, “Қўйинг”, деди йиғламсираб.

— Сени яхши кўраман, Зеби. Чеҳранинг молдан фарқи йўқ, бефаросат, молнинг ичида юриб мол бўп кетган. Ҳеч кўнглим тўлмапти. Агар битта туғиб

берганингда асло уйланмасдим унга. Нима қилишни билмай гарангман.

— Мени кимдан рашк қилгансиз? — пичирлади Зебигул.

— Ҳаммадан.

— Бузим мулладан рашк қилганингизни эшитдим. Жиннисиз, Аҳмар ака! Унинг ёнига энам қўярда-қўймай олиб борганди, қайтиб учрашмаганман. Узоқдан ҳам кўрмаганман.

— Тентак, нега мени Аҳмар ака деяпсан?

— У сизни шундай дейди-ку.

— “У” деб анави новвосни назарда тутаяпсанми? Бир сирни айтайми, Зеби?

— Айтинг.

— Аввал чироқни ўчирай.

Баланд бир дўнгликда айни шу пайтда Бузим Қорақишлоқдан кўз узмай ўтирарди. Қишлоқдаги чироқлардан бири лип этиб ўчгач, ўрнидан турди. Қабристон томон йўл олар экан, ортига яна бир қараб қўйди. Ногоҳоний эсан шамол унинг тунги жандасидан гўр исини сидириб, қишлоқ устига сочди. Итлар баравар акиллай бошлади.

— Мана, ўчди, Аҳмар ака, энди айтинг, — шивирлади Зебигул.

— Ким менга биринчи бўлиб фарзанд туғиб берса, ўша қолади.

— Нима, олимпиада ўтказмоқчимисиз?

— Зеби, сен одаммисан ё фаришта?

— Турмушга чиқса ҳам етимлигидан қутулолмаган бахтиқароман, Аҳмар ака.

— Бўлди, мени Аҳмар ака дема, акс қолда сени Зеби опа деб чақираман, чидайсанми?

— Йўқ.

— Мени нима деб чақиршни истайсан?

— Дадаси деб.

— Э, шаҳарликларга ўхшабми?

— Йўқ, бахтлиларга ўхшаб.

Шу кеча уларнинг ҳаётида тўрт йил ичидаги энг бахтли онлар бўлди. Иккиси ҳам дostonлардаги ошиқ-маъшуқларга айланиб, шоҳ саройида висол шаробини симиридилар. Одам Ато ва Момо Ҳаво давридан бери ҳеч ким эркак ва аёлнинг севги санъатини бу қадар асалга қориштириб, гўзаллаштириб, тугёнлаштириб татиб кўрмаган эди. Тун янада қора бўлди, осмоннинг кўз илғамас зулмат қаърида юлдуз учди.

Соримтепа қабристони яқинидаги жийдазордаги кулбада Бузим ўлар ҳолатда иситмалаб ётди. Алоқ-чалок, ҳуш-беҳуш тушлар кўрди. “Кўзимга шарпалар кўринаяптими ё эсимдан оғаяпманми?” деб кунжакларга, деразага, фингшиётган итига қаради. Йўқ, у авлиёлардан эмас, ваҳий ҳам келмади, муъжиза ҳам юз бермади. Бузим яқин ойларда ғайритабиий ҳодиса воқе бўлишини сезди, юрагини ушлаб, калимасини қайтариб ётди.

Эртасига Чехра холаваччасиникидан кўзи кўкариб қайтди. Ҳовлига қадам босганиданоқ қарғанди. Молхона ёнидан ўтиб ҳожатхонага бориши керак эди. Тўнини тескари кийган хотиндан шу ерда ҳам омад юз ўгирди: янги калишида ҳўкизнинг гўнгини босиб олди.

— Ҳе ўл-а! — чўзиб қарғади у. — Шу ерга тезаклайсанми, мол, ҳайвон! Анави шўртумшуқ молнинг тагини тозаламай номаъқул еб ўтирибдими ўзи?!

Ҳожатхонадан ҳам унинг қарғагани эшитилди. Шу атрофдан бир чол эшак миниб ўтиб қолди. Зебигул секингина салом берди, аммо чолнинг ҳаёли ҳожатхонадан келаётган қарғишларда эди. Чол бароқ қошларини чимириб:

— Отангнинг чойчўмичига сенинг!.. — деб сўкинди. Бахтманд Зебигулнинг роса кулгиси қистади, ўзини зўрга тийди.

Аҳмар тушдан сўнг даладан қайтди. Зебигул мисоли гул бўлиб ўтирар, кечагидан фарқли ўлароқ бугун қошларига Аҳмар ҳали кўрмаган тарзда ингичка усулда қалам тортган эди. Хумор кўзларига лаб босгиси,

сочларини ҳидлаб ётгиси, ун саккиз ёшли қизларникига монанд ихчам вужудни бағрига сингдириб юборгиси келди. Бироқ...

Чеҳра эшикни шиддат билан очди. У ғазабига сиғмай ҳансирамоқда эди.

— Бу ёққа киринг! — деди хонасига имо қилиб.

— Ие, кўзингга нима қилди? — сўради каловланиб қолган Аҳмар.

— Йиқилдим! Ҳаммаси сизнинг дастингиздан! Чупронга борганим учун ёмон кўрдингиз, норози бўлдингиз! Кеча оқшом холамникидан чиқаётиб зинада оёғим тойиб кетди.

— Одамга туҳмат қилма! Нега менинг дастимдан бўларкан?

— Кеча қаерда эдингиз?

— Далада. Ўзинг тайинлагандинг.

— Унда ҳанов нима?! — Чеҳра эрининг тирсагидан тортиб дераза олдига судраб борди. — Кўраяпсизми?

— Нимани?

— Кафанига айлансин, илойим, оқ чойшабни кўрмаяпсизми? Ана, дорда ҳилпираб турибди!

— Ҳилпираб турса-чи?

— Нимага ўзингизни овсарликка соласиз?! У ифлоснинг тагига тушаб ётадиган матоси-ку! Билмайди дейсизми? Бу етимча келмасидан бурун ҳамма нарсасини титкилаганман!

— Чеҳра, гиди-бидиларинг жонимга тегди. Аканг келсин, айтаман.

— Бўпти, кеча хиёнат қилганингизни ҳам айтасиз! Эркаксизми? Тан олинг!

— Айтаман! Нега мени доим уйингдагилардан кўрқади деб уйлайсан? Сени чертдимми, сўкдимми? Уйнашим борми?

— Хотин устига хотин бўлиб тушишимни сир тутган қасамхўрсиз!

Шу пайт эшик очилди. Зебигул уларга тикка келди.

Кундошининг ётоқ эшигини очади, ичкарига қадам босади деб ким ўйлабди. Ҳатто Чеҳра ҳам бирпас анграйиб қолди.

— Жағингиз бунча тинмайди? — деди Зебигул. — Тавба, оғзингиздан қарғиш тушмайди-ей! Қарғиш нималигини биласизми? Ноҳақ қарғалса қарғаган одамнинг ўзини уради-ку, ахир! Менга осилганингиз етмагандай нега бу кишини ҳам тинч қўймайсиз? Сизга яхши ниятлар билан уйланганди, қишлоқчилик, ўзбекчилик, ўғил кўрай деб...

— Вой, вой, вой! Кимга гапираяпсан, ҳароми?! Қани, чиқ ташқарига!

Чеҳра кундошига ташланди. Зебигул бу сафар ҳам шундай бўлишини билиб чорасини кўриб қўйганди. Ойнаванд хонага чекиниб, аввалдан тайёрлаб қўйган заранг таёқни олди.

— Урмоқчимисан? Мен ҳам энди қараб турмайман! — деди у.

— Бас қилинглар! — Аҳмар вақтида ўртага тушди. — Икковинг ҳам хонангга кир! Икковинг ҳам ўчир!

У Чеҳрани итариб юбориб, Зебигулнинг таёғини тортиб олмаганида қонли жанг бўларди. Яна қўни-қўшни тупланарди, “Иккита хотин олмай ўл”, дейишарди. Шундоқ ҳам бақир-чақир бир соат тинмади. Чеҳра ваъдасида туриб, уйга ҳам, ўзига ҳам ўт қўйиб юбормаганига Аҳмар шукр қилди.

Тинимсиз давом этаётган жанжалли кунларнинг бири эди. Бобосидан қолган ташқаридаги темир сандонда Аҳмар кетмонни болғаларди. Чеҳра қовоқ уйганча куви пишар, электр кувини тузатиб бермагани учун ҳар замонда эрининг шаънига ёмон гап айтиб, ишида давом этарди. Ҳавода тутун ва мой иси сузиб юрар, ўтиннинг қисирлаб ёниши эшитиларди. Шунда ўчоқ бошида куймаланиб юрган Зебигул бўғиқ йўталганча бирдан уватга чопди ва ўтириб қолди. Бечора қийналиб ўқчий бошлади. Даставвал Аҳмар унга нима бўлди, деган

маънода Чеҳрага қаради. Чеҳранинг ранги мурданикидек оқариб куви дастасини тақ этказиб ташлади-да, уйига кириб, эшикни шарақлатиб ёпди. Аҳмар югуриб бориб Зебигулнинг ёнига тиз чўкди.

— Зеби! Зеби! Сен... янгилик айтмоқчимисан? Хурсанд қилмоқчимисан?

— Ҳа, — деди Зебигул зўрға бош қимирлатиб, — б... бўйимда буп қолганга ўхшайди.

— Нега бунақа оҳангда гапираяпсан, тентак! Ҳозир машина топиб келаман, дўхтирга борамиз. Бугуноқ анигини билишим керак! Қорнинг қимирляптими?

— Йўқ, ер қимирляпти, — деди Зебигул.

Аҳмар уни ўрнидан турғазди. Оталик туйғуси Аҳмар деган касга-да хуш ёқди. Дунё бойликлари ҳар қандай одамга берилиши мумкин. Яхши-ёмонга қараб тақсимланмас эди у. Ким бу дунёда бой бўлса, тақдир мени хуш кўрибди, деса адашади. Фоҳишалар ҳам бойиб кетади. Гоҳо жирканч жиноятчига фарзанд ато этилиб, пок инсон бефарзанд ўтади. Фарзандсизлик жазо эмаслигини, уч-тўрт йиллик синов эканини ўйлаб, Аҳмарнинг кўзларига ёш қуйилди.

— Чеҳра! — деб бақирди у. — Қаердасан? Қараб тур манавига! Мен мошин топиб келай!

— Нима ваҳима? Нима? Нима?! — Чеҳра бутун гавдаси силкиниб остонада кўринди. — У молмидики қараб гурсам? Бориб мошинингизни олиб келаверинг!

— Одам эмас экансан! — тишларини ғижирлатди Аҳмар.

Зебигул яна ўқчиди. Мен сабаб булар уришиб-негиб юрмасин деб эрига ёлворди:

— Қўйинг, яхшиман. Дўхтир шартмас.

Аҳмар ёш болага ўхшаб чопиб кетди. “Москвич”да қайтиб келганида Зебигул отдек эди, аммо Аҳмар уни орқа ўриндиққа эҳтиром ила ўтиргизди, ҳатто таксичи ҳам меҳрибончиликка ишонмай бош қашиб қўйди.

Машина овози тингач, Чеҳра остонага ҳолсизланганча

чўкди. У даҳшатли тарзда ютқазганини ҳазм қилолмай, пешонасини эшик кесакисига урди. Кундоши ундан олдин ҳомиладор бўлишини хаёлига сиғдиrolмади. Зебигулнинг ҳеч қачон бахти очилмаслиги керак эди-ку. Нега бундай бўлди? Нега?

Чеҳра кундошининг кўнгил айниши шунчаки нағма бўлиб чиқишига умид боғлади. Ундан-да ваҳшиёна хаёллар кўнглидан ўтди. Қанийди такси йўлда ҳалокатга учраса. “Зебигул ўлди, Аҳмардан ҳам ажраб қолдинг” деб уввос солаётган одамлар кўзига кўринди.

Шу пайт ўчоқ бошида олов гурлади.

— Мой ёнди! — Чеҳра ҳаллослаб югурди. — Олов шифтга етса, уй ҳам ёнади! Эгаси ўлса ўлсин, уйи ёнмасин! Уй-жойи керак! Жудаям керак...

## ЎЛИМ

Кундошнинг ўчоқда ёққан оловини ўчириш осон эди, аммо юракда ёнган адоват ўтини ҳеч ким ўчиrolмасди. Чеҳра кун бўйи дунёга сиғмай юрди. Аҳмар хотинчасини туман марказидаги шифохоналарга ишонмай шаҳарга олиб кетганини кўнгли сезди. “Бир парча эт деб одамнинг бунчалик итлик қилишини билмабман, — деди Чеҳра ўзига-ўзи. — Ҳали кўзига кўрсатаман! Атрофимда кучукдай айланиб, товонимни ялайди! Элга шарманда бўлиб, индамай қайтиб кетавераманми? Ўлсам ҳам кетмайман. Мен кўчада қолган, ҳеч кими йўқ бечора эмасман!”

Улар қайтгач, Чеҳра бир оғиз ҳол сўрамади. Аҳмар дўпписини ечиб, бир четга ўтирди. Зебигул дарров юмушга уннаб кетди. Ҳар бир тақур-туқури Чеҳранинг миясини эговларди.

— Эрсираб юргандан қўрқ, деган мақол бор, дарров илинтириб олибдими бузуқи? — чақди Чеҳра.

Зебигулнинг эшитиб қолишидан чўчиган Аҳмар кенжа хотинига олайиб қаради.

— Хайрият, мен ҳам ота бўларканман, — деди у. — Нега фақат Зебига ўчакишасан? Сен ҳам хотиниммисан?

— Бўлмаса эрингизманми? — чийиллади Чехра. — Пешонам қурсинг, ҳали унинг тарафини олиб, оғзимга урарсиз? Туғиладими, йўқми, элбурутдан отаман деманг.

— Чехра!

— Нима Чехра? Ҳақ гапни гапиришга қўясизми, йўқми?

— Шу ҳақ гап бўлса, тамом бўлибсан. Бориб ўзингни ўқит!

— Ким тамом бўлганини дўхтирга бориб текширтирамиз, розимисиз? Биринчи хотинингиздан бола бўлмади, иккинчисидан ҳам йўқ эди, мендан ҳам. Бир вақт лоп этиб иккинчиси қорнини ушлаб қолди. Мен соппа-соғман, Зебининг томошасига зиғирчаям ишонмайман.

Аҳмар гинекологнинг хулосасини айтганди, Чехра лаб бурди.

— Гап унинг бўйида борлигида эмас, кимдан бўлганида!

Аҳмарнинг хаёлидан “Қари қизга уйландим десам, қари иблис экан”, деган уй ўтди. Бундан ҳам баттари: қани ундан қутулиш йўли?

— Бу билан мени касал демоқчимисан? — сўради хотинидан.

— Касаллик айб эмас, — тўнғиллади Чехра.

— Қўй, сенга гапиришнинг фойдаси қолмабди.

Чехра эркакчасига дўриллади:

— Унингизнинг боласи бир ўқиса ҳомиладор қилиб юборадиган Бузим муллага ўхшаб қолмаса отимни бошқа қўяман! Менга “ўқит” дейсиз, сиз ҳам бориб ўқитиб келинг, кўрамиз кейин...

— Бусиз ҳам отингни бошқа қўйсанг бўлаверади, — деди Аҳмар ва эшикни зарб билан ёпмоқчи эди, Зебигулга кўзи тушди. Агар унинг гувоҳлигида Чехранинг эшигини қаттиқ ёпса, оловга мой сепиларди. Аҳмарнинг қўрққани ҳам шу эди.

Кўп ўтмай Зебигулнинг ҳомиладорлигини ҳамма

эшитди. Айниқса, қайнопанинг боши кўкка етди. Ҳар ҳафта икки марта келадиган бўлди. Чеҳра уни кўрса гижинар эди. “Зебижон, далага чиқма”, “Зебижон, сув кечма”.

– Бехосиятни бунча авайлади, касофати ўзига урсин, илойим, — деб бир четда тўнғилларди Чеҳра.

Кечаларнинг бирида қараса, ёнида эри йўқ. Жувонмарг чорпояда ухлаб қолдимиз, дея деразадан мўраласа, чорпоя ҳам бўм-бўш, эски шолча қайирилиб ётибди. Юраги аламдан зирқираб кетди: “У Зебигулнинг ёнида!”

Ойнаванд хонанинг деразаларини зириллатиб ётоқ эшигини очди-да, “терраска”нинг ўртасида туриб қолди. Кундошнинг эшигидек яқин, кундошнинг эшигидек олис эшик йўқ эди. Чеҳра Зебигулнинг остонасига дўрсиллаб борганини билмай қолди. Айни дамда бир соат аввал йўлга чиққан каби ҳансирар эди.

Бирдан ўзини бегона ҳис этди. “Нима қилаяпман? — деб сўради ўзидан. — Ярим кечада эр талашаманми? Кундошнинг қучоғидан тортиб олинган эрни бошимга ёстиқ қилармидим? Аввал ўн марта ҳаммомга тушсин, кийимларини алмаштирайсин. Йўқ, бу ҳам кам, барибир жирканаман. Қирқ кун бир хонада ёлғиз ётсин, ундан Зебигулнинг сассиғи арисин...”

Чеҳра ортига қайтди. Оғир уҳ тортганча ётоғига кирди, тушакка ағанади. Ичидан тошиб келаётган қайноқ алам бўғзини куйдирди. Йиғлади Чеҳра, кўзларидан қон тўкди у. Ёқтирган йигитлари уйланмади, орзусидаги шахзода келмади, қари қиз бўлиб эрга теккани етмагандай кундоши бор. Ва бу кундоши кўз ўнгида бир думалаб бахтли аёлга айланди. Шу кетиш бўлса, Чеҳрага эри умуман қарамай қўяди. Нафақат эрнинг уруғлари, ўз ота-онаси ҳам. Ҳа, Чеҳра бунга ишонади, шоҳид бўлган. Узоқ йиллик қари қизлик даврида арзимас хато учун онаси қарғарди, отаси сўкарди. Маъноси бир хил: “Сени шунинг учун эр олмайди”, “Шу қилиғинг билан эрга тегсанг, бир кунда ташлаб кетади”.

Чеҳра йиғидан тўхтаб бир нуқтага тикилиб қолди. Бостириб келган бахтсизликни даф этишнинг йўлини топган эди.

— Зебигул ўлиши керак, — пичирлади Чеҳра, — ўлиши керак! У бор экан, мен тинч яшолмайман, ҳеч қаерга сиғмаган... етимча у эмас, мен бўлиб қоламан! Лекин қачон ўлади? Қандай ўлади? Бу муаммо!.. Йўқ, муаммо эмас, уни ўлдираман, ўз қўлим билан! Эртагаёқ маргимуш бераман!

Чеҳра тонг-саҳарда туриб сигир соғди. Ширин сут тайёрлаб, сичқондори аралаштирди. Аммо хавfli иш қилаётганини фаҳмлади. Аввало Зебигул унинг қўлидан осонгина сут ичиб қўймайди. Заҳарланиб ўлганда эса дўхтирлар сабабни аниқлашади. Милиция Чеҳрадан бошқа кимдан ҳам гумон қиларди?

Сутни тўкиб ташлади. Ёстиқ билан бўғиб ўлдириш ҳақида бош қотира бошлади. “Кучим етади, — деди ишонч билан. — Аҳмар далага кетганида хонасига бостириб кириб ёстиқни юзига босаман. Ҳеч қаери тирналмай, из-пиз қолмай ўлади-қолади”.

Бироқ бундан-да чўчиди. Кундошини типирчилатиб бўғиб ўлдиргандан кўра кундошликка чидаб яшаган афзал кўринди. Қолаверса, экспертиза деган бало жуда синчиклаб текширишини эшитган эди. Не ажабки, қотиллик пайидаги Чеҳра ўзини кўнгли бўш деб ҳисобларди. Сездириб қўяман, деб қўрқарди.

Ўйлаб-ўйлаб ҳозир ўлдирмасликка қарор қилди. Бунинг учун шубҳа-гумондан холи бўлмоғи лозим эди.

Фитнадан беҳабар Аҳмар эрталаб Зебигулнинг ёнида уйғонди ва кун бўйи Чеҳра билан бўладиган жанжални ўйлаб афтини бужмайтирди. Аммо ташқаридан эшитилган радио овозидан сергакланиб, ёстиқдан бош кўтарди. Яқинда бир кино кўрганди. Шаҳар харобалари ичида қақшатғич жанг бўлади. Фашистларнинг навбатдаги ҳужумидан аввал қаердандир қўшиқ таралади.

Чеҳра ҳовлида туриб кимгадир баланд овозда гапирди:  
 — Акангиз ухлаб ётибди! Уйғотинг дейсизми? Бугун Зеби янгангизнинг уйида! Терраскадан чақиринг! Чиқади!

Аҳмар Зебигулга, Зебигул Аҳмарга қаради. Иккиси тўшакнинг икки томонидан сирғалиб бараварига деразадан мўралашди. Ҳовлида бемалол юмуш қилиб юрган Чеҳра эди. “Ё қудратингдан!” — деди Аҳмар. “Тушунгани рост бўлсин”, — деди Зебигул ҳам ичида.

Зебигулнинг ҳомиласи етти ойлик бўлди. Кўпчиликнинг фикрича, бола туғилишига икки ой бор эди. Ёз бўйи Чеҳра ҳам бир неча марта ўзини текширтириб келди. Ҳар гал кўнгил айниши ёки қорнида нимадир қимирлаши иккиқатликдан далолат бўлиб чиқмас, ҳаммаси кўп овқат ейиш асоратлари эди. Ҳадеб туман марказига чопиши Аҳмарнинг жонига тегди. Кечалари Зебигулни эркалатиб ётиб кенжа хотинидан нолирди.

— Кундошинг сенга меҳрибон бўлиб қолгани билан барибир ичида қоралиги бор, — деди Аҳмар. — Мен ҳам бўғозманмикан деб сал ўқчигандан дўхтирга чопади. Энағарни бир тоғора кулчатой билан иккита нон ўқчитади. Боя кўрдингми? Яна де, катта пиёзни қўшиб еди. Устидан энам раҳматлининг чойнагида уч чойнакни бостирди-ёв.

Зебигулнинг лаблари кулгига мойиллик билдирди. У ҳомиладорликнинг қийин кунларида эри инсофга кириб, ёнида эканлигидан беҳад севинарди. Чеҳра билан тинчгина яшасак бас, деб унга тугал инсоф тиларди.

— Қўйинг, егиси келса еяверсин, — деди Зебигул Аҳмарнинг пинжигга тиқилиб. — Кун бўйи оғир ишларни у қилади, новвослар Чеҳра опасиз семирмасди.

— Айтгандай ола сигирни соғаяпсанларми?

— Бир ҳафтадан бери сутининг тайини йўқ, соғмай қўйдик.

— Нега унда Чеҳра “бешта сигирнинг сутини қўл

кувида пишиш қийин, тўк кувини қачон тузатиб берасиз?” деб гиди-биди қилади?

— Аввал бешта эди-да, — Зебигул кундошига ён босди. — Лйтган бўлса, тузатиб беринг. Тўрттасининг сутини ёғ-қатиққа ажратиш ҳам осонмас. Чеҳра опа қийналиб кетганини кўриб ёрдамлашаман дейману, лекин ҳамма ишга аралаштиравермайди.

— Зеби, туғрисини айт, уни ёмон кўрасанми?

— Нима қиласиз?

— Ўзим, шунчаки сўраяпман.

— Тинч юрса, бас. Унга қийин, қиз бола боши билан иккинчи хотин, йўқ, аслида учинчи хотин бўлди. Фарзанд кўргиси келади.

— Ҳайдаб юборайми?

— Ҳайдаб юборолмайсиз, энди кеч.

— Нимага кеч деяпсан? Уртада бола йўқ-ку?

— Уртада менинг ҳаётим бор, туғилажак боламизнинг ҳаёти бор, — деди Зебигул. — Чеҳра опанинг қўлидан кўп иш келади. Инсофга кирдими, тинчгина яшаб юраверайлик.

Аҳмар шифтга тикилиб ётиб:

— Мен ҳам уйимда бомба бордай ҳадиксираб яшайман, — деди.

Эртасига Чеҳра эрига чой узатаётиб қовоғини уйди-да, амр этди:

— Бой бова, тўк кувини тузатиб берасизми ё устага ўйнаб бериб тузаттирайми?

— Ўйнаб бера қол.

— Ҳазиллашмаяпман. Тузатасизми, йўқми?

— Бир оғиз гапинг! Тузатаман дедим-ку!

— Минг марта айтсанг ҳам қулоғига гап кирмайди, — деди Чеҳра Зебигулга. — Буни қандай эр қилгансан? Латтадан ҳам баттар-ку! Эркак деган ҳам шунчалик мужмал бўладими?

— Э, эрталабдан ҳанградинг-да! — Аҳмар қўлартгич билан нари-бери артиниб, юзига фотиҳа тортди. — Далага кетдим.

— Уста-чи? — ўшқирди Чеҳра.

— Йўл-йўлакай кириб ўтаман.

Ўша куни қўшни қишлоқдаги сариқ мўйловли метис келиб, кувини тузатди.

— Тўк-пўк урмайдими ишқилиб? — деди Чеҳра мотоциклга минаётган устага.

— Урмайди деб умид қиламан, — жавоб берди уста сиполик билан. — Боболар “отни тепмайди дема, итни қопмайди”, деб бекорга айтишмаган. Эҳтиёт бўлиб ишлатинг, кувининг кўчага ташланадиган вақти келган.

Чеҳра қотилликни яна икки ой пайсалга солса, хонадонда чақалоқ йиғиси янграши аниқ эди. У ичкари уйга кириб қайсидир газетадан қирқиб олинган мақолани яна бир марта ҳижжалаб ўқиди: “...куви пишаётиб ток уриши натижасида оламдан кўз юмган...”

Имконият бир кунда келмади. Чеҳра жиноятчилик китобини ўқимаган бўлса-да, даставвал гумонни ўзидан йироқлатиш лозимлигини тушунарди. Шунинг учун кечки овқат маҳал эрига деди:

— Кувини тузаттириб бердингиз, ишимиз осонлашди. Нима дейсиз, бундан кейин куви пишишни Зебига топширсам, мен эса овқат қилардим. — У кундошига юзланди. — Сенга қайси бири маъқул?

— Майли, куви пишаман, — деди Зебигул.

Совуқ тушган, яланғоч далаларни туман қоплаган ҳувиллаган фасл эди. Зебигул эрталабданоқ юраги безовта бўлаётганини ҳеч кимга айтмади. Сал нарсага инқиллайверса, кундошига оғир ботишини биларди. Шундоқ ҳам ўртадаги илиқлик йўқолмаслик учун тиришиб юрган эмасми, Чеҳра сут соғишга кирган маҳал ёнига борди.

— Кечагини пишайми?

— Пиш, пишайвер, — деди Чеҳра унинг юзига қарамай, — шуни ҳам сўрайсанми? Ҳозир свет ўчиб қолса, қўлга қолади ҳамма иш.

Зебигул ошхонадаги қатиқларни олиб чиқиш билан

овора эди. Чеҳра сут челаги яримламаган бўлса-да, четга тортиб қўйди. Ҳовлига бир қур кўз югуртириб, куви томон юрди. Бу “Киргизия” номли бочкасимон кир ювиш машинаси эди.

— Опа, ўзим... — деди Зебигул куви атрофида куймаланаётган кундошига.

— Сими тегмаяпти шекилли, — деди Чеҳра сир бой бермай.

У бир зумда симнинг бир учини чиқариб, металл қопламага тиркаб қўйди. Кейин атрофга олазарак қараганча молхона томон юрди. Говмиш “Яна нега келаяпсан, лаънати?” дегандай ёвқараш қилди. Чеҳра то кундоши жон таслим қилгунча сут соғишга мажбурлигини мол қаёқдан билсин.

Бир пайт Зебигулнинг овози эшитилди:

— Ишламаяпти...

Чеҳра жойидан турди. У ток уланганини, ҳозир Зебигул кувига тегинса, ўлишини ўйлаб титраб кетди. Одам ўлдиришнинг осон тури йўқ эди дунёда. “Қоч, Зеби! — деган нидо келди бўғзига. — Тўк бор! Яқинлашма!..”

Буни у овоз чиқариб айтмоқчи эди, аммо молхона оғзида қоғиб тураверди. Кўрққанидан тили танглайига ёпишди. Зебигулдан қутулишим керак, дедими, билмади. Иккиси бирпас тикилишгач, ортига қайрилди. Зебигул ҳам ишга уннади. Шу пайт даҳшатли чинқирик эшитилди. Чеҳра сапчиб тушиб, сутли челакни ағдариб юборди. Сигир ҳам ҳуркиб, ўзини нари олди. Чинқирик билан бирга кучли чарсиллаш ҳовлини тутди.

Чеҳра молхонадан чиқиб, токни узиш учун лапанглаб чопиб бораркан, бояқиш кундоши кувига осилган кўйи қалтираётганини кўрди. Куюк ҳи.ци димоғига гуп этиб урилди. Токни узди Чеҳра қотил. Бечора Зебигул куви устида яна бир лаҳза осилиб турди, сўнг бўғзида қолган охириги товуш оғзидан кўпик аралаш гийқ этиб чиқди. Гуп этиб қулади у. Куйган халатидан, дўппайган қорнидан ачимсиқ тутун кўтарилди. Чеҳранинг назарида

кундошининг қорнидаги гўдак ҳам куйиб, жизганак бўлиб кетган эди.

Кўча томонда бир киши кўринди.

— Нима бўлди? — деб сўради у.

— А-а... у-у... — Чеҳра кундошига ишора қилди, аммо гапиролмади.

Кўчадаги киши ерда ётган хотинга кўзи тушгач, ёрдамга югурди. Орқасида қўни-қўшнилар ҳам кўринди. Чеҳрадан алланималарни сўрашар, сув ичкизишар, дўхтирга, қандайдир таксичиларга одам жўнатишар эди.

— Зах тўкни тортади, — деб чувиллашди одамлар. — Жони борга ўхшайди. Тупроққа кўмамиз.

Кимдир ер қазий бошлади.

Дўхтирдан сал кейинроқ Аҳмар келди. Бошидан телпаги учиб, кирза этикда югуриб келаётган оила бошлиғига йўл беришди. Шу аснода дўхтир қарорини айтди:

— Фойдаси йўқ, тупроқдан чиқаринглар, у ўлган.

Аҳмар ҳукмни эшитмаган бўлса-да, уйда фожа юз берганини, оқибати ўлим билан яқунланганини англади. Ерда чўзилиб ётган хотинини (яқинда кўзи ёриши кутилаётган севимлироғини) кўрганда:

— Нима бўлди?! — деб бақирди. — Нега бунақа ётибди? — Сўнгра у чийиллаган товушда бирваракайига ҳаммага олайди — Нима қилди бунга деяпман?!

— Тўк урибди...

Елкасига қўл ташлаб, гапиришга оғиз жуфтлаган одамни силтаб юборди-да, Зебигулнинг қошига чўкди. Юзини авайлаб силади. Эрта-индин туғаман деган хотин ўлиб қолиши мумкинлигини ҳеч ўйламаганди.

Туйқус электр кувига қаради, кейин нигоҳи Чеҳрани ахтариб топди.

— Тўкни тортадим деб захга кўмдик, — деди биров.

Аҳмар қўланса сўзлар билан сўкиниб Чеҳранинг устига бостириб борди. Атрофдагилар ҳозир кенжа хотинини тешиб-уриб ташласа керак, деб хавотир қилдилар. Урмади, лекин бор кучи билан эғнидан силтаб, деди:

— Кўзларингга қарасаларинг бўлмайдими, ҳайвонлар! Болани увол қилдинглар-ку!

Зебигулни ойнаванд хонага киргизиб, устига чойшаб ёпиб қўйишди. Ўликнинг қорни аянчли дўппайиб турарди.

— Чақалоқни сақлаб қолишнинг иложи йўқмикан? — куюнди хотинлардан бири.

— Қандай сақлайсан? — жеркиб берди шаддот қора хотин. — Ой-куни етган бўлса экан!

— Етти ойликда ҳам бола туғилади.

— Э, бўладиган гапдан гапиринглар, бечорани туғруқхонага эмас, жанозага тайёрлаш керак.

Ўзини йўқотиб қўйган Чехра бир четда тош қотган — кафанлик қаерда, аза кийим қаерда, ўз уйидан топиб беролмасди. “Аҳмарнинг келинчаги ўлиб қолибди”, деб (қишлоқда ўттиздан ошмаганлар “келинчак” дейиларди) кексалар ҳам бирин-сирин тўплана бошладилар. Мулла жанозани шу кунга, пешин намозига белгилади. Эрталаб ўлган одамни иккинчи кунга қолдириб, майитни куттириб қўйишни ҳеч ким истамасди.

Совуқ хабар оғиздан-оғиз тез тарқалди. Тумонат одам тўпланди. Тобут кўтариб савобга қолиш истагидаги одамлар кўп эди. Машиналилар Қорақишлоқда одам ўлгани ҳақидаги хабарни чор-атрофга, хусусан, Зебигулнинг олисидаги тоғасиникига ҳам етказдилар. Тоға чопон кийиб, бел боғлаб, ўлик чиқарилишига яқин етиб келди.

Зебигулни Соримтепага дафн этишди. Гўрковлар ер жуда юмшоқ чиққанини, бунақаси аввал учрамаганини гапиришди. Айниқса, лаҳадни қазийтганда гўр деворларидан нур таралганмиш.

— Келин қандай одам эди? — сўради оломон орасидан биров.

Қабристондан чиқаётганлар:

— Яхши одам эди, яхши одам эди, — деб жавоб беришди.

Зебигулнинг болалиги ўтган қишлоқдаги уни ёшликдан таниганлар ўлим хабарини эшитиб: “Ё алҳазар, наҳотки, Баҳодирхон мулланинг қарғиши раиснинг ўглининг охирги авлодини ҳам жувонмарг қилган бўлса?” дедилар. Зебигулнинг ўлгани ҳақиқат бўлса, раиснинг ўглидан авлод қолмагани ҳам рост эди. Қарғиш урган сулоланинг сўнгги вакили тоғнинг ортидаги Қорақишлоқда ўлган ҳисобланди.

Бироқ одамлар янгилишган эдилар.

### ГҲРХОЛНИНГ ТУФИЛИШИ

Хуфтон намозини ўқигач, Бузим ҳар кеч такрорлайдиган дуоларидан сўнг Худога узоқ муножот қилди. Бугун овга эртароқ чиқиш кераклигини эслаб, хотима ясади. Дунё моддийлик деб аталадиган ўткинчи унсурлар устига қурилган бўлиб, ким ҳаёт экан, моддийликка тобе эди.

Ўзига фотиҳа тортиб ўрнидан тураркан, кўзгуни кўриб, тўхтади. Негадир у тескари қаратиб қўйилмаган эди ва унда соқоли ўсган бадбуруш кимса — йигирма йилдан зиёдки, одамлардан яшириниб яшаётган Баҳодирхон мулла тикилиб турарди. Кўзгуни дарров тескари қўйгич эди, ҳозир биринчи марта ўзига бегона кўз билан қизиқсиниб қарай бошлади. У кўп йиллардан бери ўзига четдан қарашдан қўрқарди. Ким эди у? Ким бўлиб қолди? Шу юришлари билан нимага эришмоқчи? Қачонгача узлатда яшайди?

Кўзгуни буриб қўйди-да, ҳорғин чўкди. Шу ўтиришида ҳақиқатан телбани эслатарди.

— Мен... — дедию қолган гапни ичига ютди.

У отаси каби муллалик йўлини танлаб, охиригача илоҳий ишқдан бошқасини билмаганида бу кунлар бошига тушмасмиди? Шўро замонида ҳам комил инсон бўла олиш мумкинлиги Баҳодирхон мисолида исботланганида не ажаб эди. Бироқ гўзал қизга ишқи тушди. Қизнинг ошиқлари кўп эди. Ораларида раиснинг

ўгли ҳам бор эди. У “ҳеч нимадан қайтма” шиорига амал қилувчи кас эдики, кўрган одам юзини четга буриб кетарди.

Баҳодирхон эса барно йигит эди. Одми кийинса-да, тоза-озода эди; юзидан нур ёғиларди. Отасидан кучли мулла бўлиб етишишига ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ эди. Аммо бир хатога йўл қўйган бўлиб, кейинги ҳаёти шу хатога жазо сифатида қоронғи сўқмоқларга бурилиб кетганди. Ҳаммаси оғир, шарафли йўлни танлаганидан бошланган. Бу йўл — игнанинг тешигичалик хатодан туядай гуноҳ ўтиши мумкин бўлган илоҳийлик йўли эди. Оддийлар ўз йўлига: шайтон уларни истаган вақтда йўлдан уриб, қониқиши мумкин. Баҳодирхоннинг покликка юз тутиши шайтонни ҳар сонияда безовта қиларди. Бир куни муллаваччанинг кўнглидан бир ўй лип этиб ўтди: “Биз чиндан ҳам эволюция оқибатида милён йиллар ичида табиатнинг кучи билангина вужудга келган биологик мавжудот бўлиб чиқсак ва ўлимдан кейин ҳаёт тугаса, шунча ибодатларим, маишатлардан, ўйин-кулгилардан тийилишим қаёққа кетади?”

Шаккоклик учун дарҳол тавба қилди. Гўзал қизга ишқи эса борган сайин оловланиб борарди. Йигитнинг юраги гупиллаб урар, бўса олиш, тўйиб тикилиш учун дунёсини алмашиб юборишга тайёр эди. Шу тариқа муллавачча йил ўтган сайин қизга нисбатан уйғонган ишққа таслим бўлаверди.

Кейин фалокат юз берди. Муллани калтаклаб, ёвузларча бичиб ташладилар. Бузим бошига тушган кўргиликни кўп ўйлади. Кўнглида йилт этган шаккокликнинг жазоси ўрнида қабул қилди. Комилликка йўлида иккиланган эди: БОРми ё ЙЎҚ? Ҳатто, ишқда ҳам иккиликни кўрди: БУми ё У?

Бугун эса тирикчилик умидида Соримтепа қабристони атрофига овга отланди. Қаерга чиқса итини эргаштирар, фақат тулки овигагина олиб бормасди. Кулба эшигини ёғиб, жийдазордан чиқаётиб, итига деди:

— Уйда қол, тулки овига бораётганимни сезмадингми?  
Ит индамади.

— Сендан ақллилар билан учрашишга тўғри келади.

Ит тушунди. Зим-зиё, рутубатли тун қўйнида, далалар ортида милт-милт этаётган чироқларга қараб қўйди, ҳавони искади. Тўсатдан ғингшиди-ю чопиб кетди. Бузим ҳайвоннинг ҳаракатидан ҳайрән қолди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради қошини чимириб.

Ит тўхтаб, соҳибига маъноли тикилди. Бузим кечаги қопқонларни эслади. Одатда Соримтепа мозорлари атрофига қопқон қўйса, тонгга яқин олиб келарди, лекин гўрлар билан банд этилмаган (одамлар иложи борица қиблага интилардилар) кун чиқар томондаши шувоқзорда иккитаси қолиб кетганди.

— Майли, юр, — деди Бузим итига, — бугун мириқиб ов қиладиганга ўхшамайман, ўтган кунги қопқонлардан хабар оламиз. — Сўнгра кинояомуз қўшиб қўйди: — Виждонинг қийналмаса ҳам бўлади, ҳеч вақо тушмаган, кўнглим сезаяпти.

Ит думини ликиллашиб қўйди. Улар ғўзаларнинг чўпларигина қолган кенг дала ўртасида кетиб боришарди. Канал томондан сузиб чиққан туманнинг бир учи Соримтепага туташган, қабрлар узра сузиб юриши куз кечасини янада сирларга кўмган эди. Бузимдан бошқа одам бундай вақтда қабристонда кезиб юришни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бузим калима қайтаргач, қабристон симтўсиғидан ошиб ўтди. Ит қаерда ўтиш жойи борлигини биларди, дарҳол айланиб келди-да, эгасини қувиб етди. Жимжитлик шоҳ эди ўликлар шаҳрида.

Баъзан кечалари Бузим ёлғиз келарди-да, бирор қабртошга суяниб, атрофни кузатиб ётарди. Сомонийўлини томоша қилган одамларнинг неча миллионлари ҳозир тупроқ остида. Кексайганда жон таслим қилганлар, яшаб тўймаган болалару ёш қизлар ёки тўйга ясан-тусан қилиб жўнаб, ажали етганлару оғир дардга чалиниб, ўз ўлимини ойлаб кутганлар...

Тепаликда пайдо бўлган биронта тулки ҳавони хидлагач, мозорлар оралаб Бузимга яқинлашарди. Уттиз қадам нарида тўхтаб, ит каби бир оёғини кўтариб чоптириши Бузимни даставвал ҳайрон қолдирган. Тулки одам борлигини кўрди, атайин унинг яқинига келиб қабр устини булғади. Ким билади, балки юмронқозиқнинг инини кавлаш баҳонасида мозорнинг бир четини очиб кўрар. Бузим тулкилар одам ўлигидан кўрқади, деб ўйласа-да, улардан ҳар нимани кутарди.

Бугун Бузим қопқонларни тезда топди. Бироқ қопқонлар ёпилиб қолганини, ўлжа йўқлигини кўриб, ерга оҳиста чўкди-да, атрофни кузатди. Қоронғилик ва туман пардасида бир нимани пайқаш қийин эди. Лашлушини тўрвасига солиб, тўрт оёқли ҳамроҳини эркалаб қўйди.

— Уйга кетамизми?

Ит бир оз юрди. Шарпа каби зўрға кўзга ташланди.

— Нима бўлди сенга? Кетдик.

Бузим уч-тўрт қадам ташлаган эди, оёғи тагида қуриган шохлар қасир-қусур синди.

— Оббо, — деди Бузим, — тулкилар дала четидан қуриган шох опкелишибди-да. Ким тажрибалироқ эканлигини вақт кўрсатади.

Ит қимир этмасди. Бузим унга яқин борди ва кўзлари безовта эканини кўрди. У гап уқтирилган бола каби жим эди. Айни дамда жон қулоғи ила тинглаётгани, вовиллаган кўйи чошиб кетишни хоҳлаётгани сезиларди.

Бузим дарҳол сергак тортиб, теваракни кузатди. Шубҳали бирон нима пайқамагач, игни яна чақирди ва симтўсиқ томон юрди. Ортига қараганида итнинг шарпаси кўринмади. Бузим изига қайтганида ҳамроҳи ғойиб бўлган эди. Овчи гўристонда ҳуштак чалишни ўзига эп кўрмагани учун тахминлар етакловида қабристон ичкарасига кирди.

— Ҳой, қаердасан?

Шу пайт олдинда нимадир шитирлади. Бузим мозорлар

оралаб бораверди. Янги тупроқ иси келди. “Биронтаси бандаликни бажо келтирибди-да”, деб қўйди у. Аммо шитирлаган нима эди? Нега ит ўзини ғалати тутмоқда?

Бузим таққа тўхтади. Бир неча қадам нарида ғалати овоз қулоққа чалинди. Ит деса итникига, тулки деса тулкиникига ўхшамасди. Овоз такрорланди. Бузим на зулматдан, на табиат синоатларидан қўрқарди. Калима қайтариб, олдинга юрган эди, янги гўрнинг устидан чиқди. Ит тупроқни тирнашдан тўхтаб, эгасига қаради.

— Нега кавлаяпсан? — сўради Бузим. — Қабр-ку ахир!

Ит машғулотини давом эттирмоқчи эди, Бузим елкасига қўл ташлади.

— Нима гап?

Ит уч-тўрт одим чекиниб, мозордан кўз узмай чўнқайиб ўтирди. Шу он аллақердан — ер тагидан бўғиқ овоз келди. Бузим қулоқларига ишонмади. Осий бандалар қабр азобига чидаёлмай қичқирганларини тириклар эшитмас эди-ку. Бузимга марҳумларнинг нидоларини эшитмоқлик раво кўрилдими?

Мурда нажот сўраб қичқирди. Кейин овози ер қаърига сингиб, секин-аста сўнди. Ит жон-жаҳди билан ерни тирнай бошлади. Пешонасини совуқ тер босган Бузим тошдек қотган эди.

— Ким бор? — зорланди ер тагидаги банда. — Чиқаринглар бу ердан!

— Ҳой, тирикмисиз? — тиз чўкди Бузим.

— Ўлама-а-а-ан!.. Ёрдам беринглар..

— У тирик! — Бузим гўрковнинг кетмонлари сақланадиган кулба томон чопди. — Тирик! Эҳ, шошқалоқ қавм-а! Тирик аёлни кўмиб юборишибди-ку!

Бузим охирги йиллар касалманд бўлиб қолганди, ўпкаси оғзига тиқилиб зўр-базўр чопди. Яқин-атрофда кишлоқ йўқ эди, кимни ёрдамга чақирсин? Йиғим-терим тугаган, далаларда қоровул зоти ҳам учрамайди.

Кулба эшигини бузиб, кетмон ва белкуракни топди. Ҳансираганча қайтиб келганида, ит думини

ликиллатмади, маъюс боқди соҳибига. “Гўрдаги одам ўлиб қолдимикан?” — ўй ўтди Бузимнинг кўнглидан. Жон-жаҳди билан кетмон урди. Лаҳад оғзини бекитиб турган чимларга ҳаш-паш дегунча етди. Лаҳад очилдию ингроқ учди ҳавога. Бузим ҳам одам, бирдан ўзини ортга ташлади. Кейин лаҳад айвонига энгашиб сўради:

— Эй Оллоҳнинг қули, тирикмисиз?

— Ҳа, тирикман, — аёлнинг йиғлоқи овози эшитилди.

Ит вовиллаб ўзини орқага олди. Жониворнинг кўзи ҳам қоп-қора гўр оғзида эди.

— Ким сизни бундай ҳолда кўмди?

— Мен гўрдаманми?

— Соримтепа қабристонидасиз.

Шарпа қимирлади, ингроғи кучайди.

— Гугурт бор эди-я, — Бузим пўстинининг чўнтақларини титкилади.

Шу пайт... не кўз билан кўрсинки, лаҳаддан оқиш шарпа судралиб чиқиб келди. Одам тушунмайдиган ва ҳеч бир тирик зот эшитмаган бўғиқ, аянчли хириллаш бор эди шарпанинг бўғзида. Бузим шоша-пиша гугурт чақди. Оқ кафани йиртилиб, тупроққа қоришган жувон ёғарди. Юзи азобдан буришган эса-да, ёшлик ва гўзаллик уфуриб турганини билиш қийин эмасди.

Бузим иккинчи чўпни ёқди. Жувон даҳшатли азобни бошдан кечираётган эди. Қорни дўппайган, оёқ томонидаги матонинг қон ва суюқликдан шилтаси чиққан, жони қолмаган эди бояқишнинг.

— Бу дунёда яна нималарни кўрар эканман-а? — Бузим гўрдан чиқишга уринаётган жувоннинг қўлидан тортди.

— Ёрдам беринг, — ёлворди жувон. — Болам туғилмоқчи...

Кафанни сидириб юборгудай қоринга беихтиёр Бузимнинг қўли тегиб кетди, сўнг дарров қўлини тортиб оларкан:

— Пўстинимни ёпининг, — деди. — Исинасиз.

Дарқақиқат, совуқ кечада ташқаридан кўра гўр ичи

илиқ эди. Гўёки ер ҳам раҳмдиллик ила бор ҳароратини бераётгандек. Бузим уни шу ерда қолдириб энг яқин қишлоққа чопишни ўйлади.

— Узоғи билан ярим соатда келаман, — деди у. — Калима қайтаринг, асло қўрқманг! Одамларни чақирсам, касалхонага олиб боришади.

Жувон тирсакларига таяниб жон аччиғида қичқирди. Сўнг тупроқда тойғониб лаҳад оғзига бориб қолди. Бузим зўрға тутиб қолди. Жувон азобдан бўғилди. Унинг туғолмай азоб чекаётганини Бузим тушунди.

— Сиз Бузим мулламисиз? — деб сўради жувон.

— Ҳа, мен Бузимман.

— Ҳеч қаёққа кетманг. Мен барибир ўламан.

— Умидсиз бўлманг! Оллоҳ сизни...

— Йўқ! — жувон тўлғоқ азобига чидаёлмай Бузимнинг билагидан шундай қисдики, суяклари эзилиб кетди. — Боламни олинг! У туғилибоқ лаҳадга кирмасин! Илтимос!

Бузим аёлнинг туғишини умрида кўрмаганди. Одамнинг дунёга келиши осон, жон бериши қийин деб ўйларди, акси экан. Гўрға тушиб чақалоқни осонгина пўстинга ўрашга шайланди. Йўқ, ҳаммаси ўз-ўзидан амалга ошмади. Бузимнинг қўллари қонга бўялди. Тор гўрда аввал икки киши тиқилишиб турган бўлса, сўнг учинчи вужуд...

Чақалоқ оғзини қапа-қапа очиб, чинқириб йиғлай бошлади. У одам боласидан кўра бирор жонзотнинг зурриёдига ўхшарди, салмоғи ҳам мушукдек.

Бузим пиджагини ҳам ечиб, яхшилаб ўради. Жувон жимиб қолди. Чақалоқни қўйиш учун қабр ичида жой йўқ эди, Бузим дўппайган гўр панасига авайлаб жойлади-да, итига тайинлади:

— Тегма, бу тулки боласи эмас!

Ит гингшиб қўйди. Агар жувон ўлган бўлса, Бузим ажабланмасди. Аксинча, даҳшатли азоб ва қон йўқотишдан кейин дийдираб ётган аёлнинг тирик эканлиги кўпроқ ажаблантирарди.

— Синглим, — елкасидан оҳиста тутди.

Ёш она ингради.

— Яна бироз чиданг, ёрдам чақираман.

— Тўхтанг, — деди жувон, — мен Зебигулман...

Қайнонам билан жийдазордаги кулбангизга борганимиз эсингиздами?.. Бир вақтлар отамни қарғагансиз. Отингиз Баҳодирхон, тўғрими?.. Авлодимиз қирилиб битди. Фақат мен ҳаёт эдим. Етимлик тамғаси остида шу кунгача не-не кўргиликларга чидаб яшадим.

— Зебигул, — деди Бузим.

— Мана, мен ҳам ўлаяпман. Сиздан илтимос, бизнинг авлоддан қарғишингизни қайтариб олинг! Мозоротда туғилган шу гўдаккинам бахтли бўлсин... Ўтиниб сўрайман, мулла бова... Мен... мен ўлиб кетаверай, мулла бова...

— Зебигул, сиз... — дедию Бузимнинг томоғига нимадир тиқилди.

— Танидингиз-а?

— Танидим, мени кечиринг.

— Раҳматли энамни, отамни, раис бувамни эсладингизми?

— Эсладим! Нега эсламас эканман, Зебигул? Ўлмайсиз, яхши ният қилинг!

— Энамнинг дийдорига зор бўлиб етимликда яшадим. Турмушга чиқиб ҳам бахтим очилмади. Хор бўлиб ўлаяпман... Сабаб... сабаб нима? Қарғиш... сизнинг қарғишингиз... Уларнинг дийдорига жуда яқинман... Нега қарғиш авлоддан авлодга ўтади? Менинг... боламнинг айби нима?

— Кечиринглар, — йиғлаб юборди Бузим.

— Қарғишингизни қайтариб олинг, мулла бова! Биз бу дунёдан домангир бўп кетмайлик. Нима ўтган бўлса, кечиринг!

— Кечирганман! Аллақачон! Нега ҳамма бахтсизликларни мендан кўриб юрибсизлар?

— Боламни сизга топшириб кетаман...

— Менга?

— Ҳа, сизга! Лекин... лекин уни отасига кўрсатмайсиз. Мени йўқ қилган аёл бор у ерда... Кундошим... кундошим кувига нимадир қилаётганини кўрдим... Тўкни улабди...

— Болани кимга берай?

— Ҳеч кимга! У етти ойлик туғилди. Отаси шу бугундан сизсиз...

— Мен бир парча чақалоққа қандай қарайман?

— Увол қилмайсиз... қилолмайсиз... Вақти келиб, жаннати бўлишга ишонган одам чақалоқнинг бошига етмайди... Бир бечора банданинг васиятини бажаради.

— Милиция изимдан топади, бефойда.

— Ўлганимни ҳамма билади. Мени қайтадан дафн этинг,.. шу ерга! Умрбод сир тутинг! Тупроғимни аввалгидай уюб қўйинг... — Зебигул Бузимнинг қўлларидан маҳкам ушлади. — Мингдан-минг розиман, мулла бова...

Бузимнинг юзини кўз ёшлари ювмоқда эди. У жувоннинг бошини силаб ўтирарди. Наҳотки, йигирма йил бурунги қарғиши бу: ун бир авлодни қон қақшатиб, ҳатто тириклай гўрга тикқан бўлса? Шуни истагандими? Бунчалар гина-кудуратчи, разил, одамкуш эмас эди-ку? Тоат-ибодати куйиб-кул бўлганига ўзини-да шоҳид қилиш учун кўрқинчга қоришган фожиага дуч келдими?

— Қарғаган бўлсам, отангизни қарғандирман, — шивирлади у. — Қарғаб нима топардим, Зебигул? Мени кечиринг! Сиз жаннати аёлсиз!

Зебигул кўзини зўрға очиб, сўради:

— Болам ўғилми, қизми?

— Ҳозир айтаман! Ҳозир! Ҳозир!

Бузим пиджакка ўралган чақалоқни кўриш учун тупроқ уюми оргига ўтиб, гугурт чақди ва бир лаҳза тек қотди. Ит пиджак орасига тумшугини тикиб чақалоқни ҳузур қилиб яламоқда эди.

— Ялама уни! — Бузим итни койиди. Ит хафа бўлиб, ўзини четга олди, чақалоқ яна чириллаб йиғлади. Бузим йиғини кимдир эшитиб қолишидан кўрқинч ҳиссини

туйди. Аксинча, биров келиб ташвишлардан Бузимни халос этгани афзал эмасми?

Чақалоқ қиз эди. Бузим чақалоқни бағрига босиб, қабрга оҳиста тушди. Бироқ Зебигулдан инқ этган садо чиқмади.

— Қиз экан, — деди Бузим. — Бағрингизга босиб ётинг, синглим! Одамларни ёрдамга чақирмасам бўлмайди!

Бузим гугурт чақиб, юмуқ кўзларни кўрди. У Зебигулнинг устига энгашганча туриб қолди. Бир пайт ниманингдир чўлпиллашидан сесканиб тушди. Гугурт чақаетганида чақалоқни она қорнига ётқизиб, тиззаси билан суяб турганди. Не тонгки, гўдак фавқулодда чаққонлик кўрсатиб кўкракни топган ва очафотлик билан эмиб ётарди. Бузимнинг назарида чақалоқ кучук каби ириллаб қўйгандек, кўзларида яшил ўт ёнгандек бўлди. Ҳақиқатан, зулмат қўйнидаги изғирин қабристонда туғилган қизча оддий одам боласидан кўра бошқача эди.

— Астағфирулло! — Бузим қабр деворига суянди.

Гугурт ёққан эди, чақалоқ яхшироқ эмиш учун тиззачаларига куч бериб, олдинроқ интилишга чиранди ва лаҳад оғзига думалаб тушди. Бузим тутиб қолишга улгурди. Пиджакка ўраб, юқорига чиқарди-да, тупроқ уюми панасига ётқизиб қўйди. Бундан норози бўлган қизча кучаниб типирчилар, пиджакни бурда-бурда қилиш учун митти қўлчаларини ва оғизчасини ишга соларди.

— Қиёмат қизча, — деди Бузим. — Мени кечир, онангни дафн этишим керак. Уни қайтиб умрбод кўрмайсан! Биттаю битта бахтинг — онангнинг қорнида ўлиб кетмадинг!

Бузим атрофга беҳуш боқди, сўнг алам ва изтиробдан бор овозича:

— Ким бо-о-р?! — деб бақирди. — Ёрдам берадиган биронта тирик жон эшитаяптими? Биламан, ҳеч ким йўқ! Дунёнинг ярими ўлган, ярими уйқуда! Буларнинг бари менинг пешонамга битилган, ме-е-нинг!

Ит улий бошлади. Бирон киши келиб қолганида Бузим ҳаммасини ташларди-кетарди. Нима қилсин, тонг узоқ. Кун ёришганда чекка гўристонга одам келадими, йўқми, аниқмас. Майитни кўммаса виждони чидамайди. Чақалоқни-ку кулбасига олиб бориши шарт, бўлмаса совуқдан ўлиши муқаррар, ўлмасдан туриб шоқолларга ем бўлади бечора.

Бузим чақалоқни уйига элтиб, қорнини тўйгазиб, сўнг мурдани поклаб кўймоқчи бўлди. Зебигулнинг эри воқеадан хабар топса, қизчани тортиб олади. Оқибатда гўдак ўз онасининг қотилига қиз қилиб берилади. Яқинда кўзи ёрийдиган ҳомиладор кундошини ўлимга маҳкум этган ёвуз хотин етим қизалоққа қандай азобларни раво кўраркан? Балки қийноқлардан ранги чиқмай, болалик давридаёқ ўлиб кетар? Марҳуманинг васияти нима бўлади?

— Раиснинг охирги авлодини асраб қолганим бўлсин, — деди Бузим ва гўдакни бағрига босиб, кулбасига шошилди.

Жийдазордаги кулбасига етгач, гўдак чириллаб йиғлай бошлади.

— Бунга сут керак, — деди Бузим итига қараб қўяркан.

— Сени катта қилгунимча таъзиримни еганман. Кучуквачча эдинг, у эса одам.

Идиш-товоқларни тақир-туқур этиб егулик ахтарди. Ҳозиргина туғилган чақалоқнинг томоғига нимадир топилишидан умидвор эди. Ит эса кайфияти бузилиб, гўдакдан кўз узмай ётарди. Кутилар орасидан унинг косачаси топилиб қолди. Кучуквачча бир замонлар шундан сут ичган эди.

— Сени боқиш қанчалик осон эди, — деди Бузим итига. — Нима берсам еяверардинг.

Ит косани кўриб ютинди.

— Тушундим, — деди Бузим, — берса еяверганлар тирик қолади бу дунёда.

Ит ўрnidан туриб думини ликиллатди, ёшлиги эсига тушиб кетди чоғи.

— Бу дунёда тамшаниш бепул, — деди Бузим. — Ўнг қулоғинг билан ҳам, чапи билан ҳам эшитиб қуй: анави чақалоқ энди шу кулбамизда яшайди. Ёши сендан кичиклигини ҳисобга олсак, у сенга ука қатори, аниқроғи, сингил... — Бузим энтак-тентак гаплар сўйлаётганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. — Қон босимим ошди шекилли, алжираяпман. Ҳа-а, одам боласи билан ака-ука тутинолмайсан, гарчи беҳад садоқатли бўлсанг ҳам.

Бузим қозонни очиб, қайнатма шўрвадан ярим қошиқ ҳўплади. Илиққина экан. Ўрик данагидек думба ёғини ахтариб топди. Жойнамози тахланган токчада озода дока бор эди, бир парчасини йиртиб, ёғни ўради ва ҳар эҳтимолга қарши қайноқ сувга ботириб, микроблардан тозалади-да, уфлаб совитгач, чақалоқнинг оғзига солди. Бузим олисларда қолган ёшлик даврида янгалари гўдақларини шу тариқа овқатлантиришини кўрганди. Аммо чақалоқ туғилганига бир соат ҳам бўлмасдан думба ёғи бермасликларини ҳам биларди, албатта.

— Қорни оғриб қолса, ярим кечаси “район” марказидаги дўхтирхонага қандай олиб бораман? — деди Бузим.

Бироқ докани чақалоқнинг оғзига солган ҳам эдики, у очафотларча сўра бошлади. Бузим яна бир бор амин бўлдики, қизча бошқа чақалоқларга ўхшамайди. Одам боласининг кўзи бир неча кундан сўнг очилишини эшитган эди, бу эса сут кўзларини йилтилатиб кимнидир тинимсиз ахтарарди.

— Тавба, инсон боласими ё мен билмаган махлуқотларданми? — деди Бузим.

Чақалоқ пишиллаганча уйқуга кетгач, кўрпачага авайлаб ўради-да, итини қоровулликда қолдириб, қабристонга жўнади. Ўзи билан кафанлик мато, ўлик ювишда асқотадиган челақни ҳам кўтариб олганди. Шу тобда кўнглида иккиланиш ҳам йўқ эмасди. Воқеа ҳақида милицияга хабар бериш, чақалоқни болалар уйига топшириш, қотил ким экани ҳақидаги Зебигулнинг гапини аризасига киритиш...

У Соримтепа қабристонига яқинлашиб, пахта даласидан чиқди-да, симтўсиқдан ошмоқчи ҳам эдики, тепароқда, катта-катта қабртошлар орасида кимдир турганини пайқади. Шарпа узун бўйли бўлиб, қилт этмасди. Афтидан гўристон жойлашган тепаликнинг энг баланд жойига чиқиб, ё атрофга, ё чексиз зулмат қоплаган осмонга тикилганча ўй суларди. Бузим секин ортига ўгирилди. Пахтазор даласи қоронғилик қўйнида мудрарди, уватдаги яккам-дуккам гўзаларнигина зўр-базўр илғарди киши.

— Далада келаётганимда мени кўрмади, — деди Бузим ва қўлидагиларга қаради. — Шовқин ҳам солмадим. Мени чақирмаяпти, таъқиб ҳам қилмаяпти. Ким бўлди экан? Наҳотки, боя ёрдам сўраб бақирганларимни одамлар эшитди? Тикка боравераймикан? Йўқ, қандайдир ғалати кимсага ўхшаяпти. Яхши одамлар ярим кечаси қабристонда бунақа серрайиб турмайди.

Гўристон ичкарисидан:

— Кимон! Кимон! — деган хитоб эшитилди.

— Шериклари... — шивирлади Бузим ва беихтиёр яна орқасига, ҳувиллаган кузги далага қаради. — Бу ёқда ҳеч ким йўқ.

Қабристонга юзланганида эса шарпа ғойиб бўлган эди. Бузим бир неча дақиқа ер искаб ётгач, симтўсиқдан ошиб, қабрлар оралаб тепага кўтарилди. Юз берган воқеани мазорбошидагиларга ҳикоя қилиб, чақалоқ ҳозир жийдазордаги кулбада эканини айтмоқчи эди.

— Бўлиши мумкинмас, — деб юборди у.

Зебигулнинг мозори аввалгидек дўппайиб турарди. Янги, юмшоқ тупроқда итнинг кавлаганичалик ҳам ўйдим-чуқур йўқ эди. Бузим қўлларидагиларни ташлаб, тиззалаб ўтирди ва тупроқдан бир ҳовуч олди.

— Адашдимми, ё Раб? — деб у нариги гўрга тўрт оёқлаб борди. — Эски!.. Эски қабр! — Кейин яна бирига яқинлашди. — Қотган кесаклар!

Бузим шу кеча ҳаёт синоатларига тушунолмаб қабристондан оёқларини судраб қайтаркан, қулоқларидан

“Кимон! Кимон!” деган хитоб жаранглади, кўз ўнгида қабртошлар каби қилт этмаган шарпа муҳрланиб қолди. Зебигулнинг қабрида не синоат бор эди, ҳайрону лол эди у.

## ГҲРХОЛ – АЛОМАТ ҚИЗ

Бузим учоққа чой қўйди. Қабристондаги фарёдни эшитган йўловчилар очиқ мозорни ва майитни кўришгач, гўё ҳеч нима бўлмагандек дафн этишиб, йўлларида давом этишига ишонмади. Зебигул қон йўқотиш оқибатида ҳушидан кетган, йўловчилар уни шифохонага жўнатишган бўлса-чи? Ҳақиқатан, жувоннинг томирини Бузим ушлаб кўрмади.

— Қабр ҳеч ким тегмагандек дўппайиб турганди, — деди Бузим. — Зебигулни дўхтирга олиб кетишларидан аввал тупроқни уюб қўйишга кимнинг вақти, кимнинг ҳафсаласи бор? Кимга керак бу иш? Мантиқсизлик!

Иштаҳаси тинчлик бермаётган чақалоқ уйғонди. Бузим нонни шакарли чойга ивитиб едирди. Чақалоқ дарров ухлаб қолди. Жажжи қўлчалари мушт бўлиб тугилган, кўзлари ўрнида узун чизик пайдо бўлган эди. Кўкраги тез-тез кўтарилиб-тушиши касалмандларнинг нафас олишини эслатарди. Бироқ унинг ўлиб қолишидан хавотирланиш Бузимнинг хаёлини тарк этди. Тушагига чўзиларкан, деди:

— Гўрда туғилган қиз... Тавба, у гўр қизи...

Эртасига ҳеч ким жийдазорга чақалоқни ахтариб келмади. Атроф-жавонибда тинчлик ҳукм суларди. Бузим гўдак билан андармон бўлиб кун ўтказди. Чақалоқ латта-путталарини тез-тез булғаб қўяр эди. Уни тоғорада ювинтираётган Бузим катталарнинг егуликлари оғирлик қиляпти, сутдан қийналяпти, деган хаёлга борди.

— Қишлоққа тушиб келсаммикан? — деди итига. — Бунга кийимчалар, болаларбоп овқатлар керак.

Кийинаётиб гўдакка яна син солди. Бир кун ичида у уч ойлик чақалоқлардек ўзини тутиб олганди. Валинеъмат

уйдан чиқмоқчи эканини фаҳмлаб йиғламоқдан бери бўлиб ётгани-чи! Жонкуяр ит эса ўз ўрнини инсон эгаллаётганини тушуниб, хафа эканини ўпка аралаш икки марта вовиллаб билдирди.

— Балки сен ҳақдирсан, — тўхтади Бузим. — Уни биронта уй олдига ташлаб келганим маъқулдир?

Чақалоқ ҳиқиллади, лаблари йиғлашга ҳозирланиб, кўзлари қисилди. Ит аслида унинг чинқириб йиғлашидан хавотирда экан, лўкиллаб бориб юзини ялай бошлади.

— Бас, — деди Бузим мулойимлик билан, — уни кўп ялаб-юлқайверма. Қиз болани ит яласа, яхши бўлмайди.

Ит ортига тисарилди. Бузим гапида давом этди:

— Тушунсанг-чи, онаси шуни илтимос қилдики, уни мен вояга етказишим, тарбиялашим керак экан. Итларда қарғиш деган муаммо йўқ, бизда бор. Битта қарғишнинг дастидан шунча ташвиш! Болани отасига топширмаслигим шарт! Ўтган куни Қорақишлоқда киши билмас қотиллик бўлган. Умуман, буларнинг барига қўл силтаб воқеани мелисага айтишим мумкин эди, лекин... лекин Зебигулни илк кўрганимдаёқ кимнинг қизи эканини билгандим. Отаси ўлди, қизи ўлди, мана энди душманимнинг невараси қўлимда. Мелиса ниманидир сезса, Зебигулнинг гўрини очади, руҳини чирқиллатади. Кейин чақалоқни отасига топширадилар. Қотил кундош қамалиб, гўдаккина яхшиларнинг қўлига тушишидан ҳам умид йўқ эмас. Бироқ, фаҳмимча, Зебигул кундоши унинг боласига оналик қилишидан эмас, менинг қарғишимдан, авлоддан авлодга ўтиб келаётган тавқи лаънатдан кўпроқ қўрқди. Агар қиз менинг ҳузуримда улғайса, жин ҳам урмайдигандек. Қарғишимни аллақачон қайтариб олганман-ку, ахир! Бизга ноаён, бадкирдор ота бошқа бировлардан ҳам қарғиш олиб қўйганга ўхшайди.

Қизча ухлаб қолди, Эшик бир неча сония лиқиллади. Бузим Чўянга жўнади. Кун анча совиб қолган эди. Зебигул ва қайнонаси Бузимни ахтариб келаётганларида кўзойнакли одам қуриган дарахтни қулатаётганига

дуч келишганди, шу жойда бола кўтарган ёш эр-хотин учради. «Нима бўлса ҳам шу аёлга қизчани бир эмиздиришим керак, — деб ўйлади Бузим. — Билмаса билмайди, билса қизчанинг пешонаси... Мелиса эшитиб олиб кетади...»

— Саломалайкум, — деди йигит Бузимга иккала қўлини узатиб. Унинг кўзлари дунё ташвишларидан қизариб қолганди. — Сиз мулла бовамисиз?

Бузим саломга алиқ олди, аммо шахси борасида индамади, у янги режалар устида бош қотирарди.

— Ҳа, шу киши, — тасдиқлади йигитнинг хотини.

— Кичкинтойимиз “раддом”дан касал бўп келди, мулла бова, шунча қаратсак ҳам тузалмаяпти. Ёрдан беринг, нима хизмат бўлса қиламан.

Бузимнинг режаси пишди.

— Қани, гудакнинг юзини очинглар, — деди у. — Ўҳ-ў, бунинг учун ростдан ҳам еттилик ўқиш керак.

— Еттилик... нима у?

— Етти кун келиб, етти хил дуо ўқитасиз. Етти хил бола иштони, яна шунча кўйлакча олиб келасиз. Ҳар куни дуоларни ўқиб бўлганимдан сўнг болани оқ матога ўраб бераман, юзига қарамасдан эмизасиз. Иштаҳани ушанда кўрасиз. Қайтишингизда кийимчалар кулбамда қолади, нима ёмонлик теккан бўлса кийимчаларга ўрнашиб, болангиздан касаллик арийди. Шунга ихлос қилсаларингиз, бугундан келаверинглар.

— Бугундан келамиз, — деди йигит, — ҳозироқ қишлоққа қайтиб, дўкондан кийим топаман.

— Қишлоққа бир иш билан кетаётгандим, — Бузим чўнтагини кавлаштира бошлади. — Кунлар совияпти, адёл керак. Мабодо менга ҳам...

— Мулла бова, одамни хафа қиляяпсиз, ҳаммасини ўзим еъти қиламан. Сиз бемалол уйингизга қайтиб, тайёргарлик кўриб турунг, ярим соат-қирқ минутда етиб борамиз.

Бузим умрида биринчи марта таъма қила бошлаганди. Одамларни соддаларча авради-я! “Одам бор жойда

манфаат бор, — деди ичида. — Шундай қилмасам, қизча қийналади. Бечорада нима гуноҳ? Таркидунёчилик ҳам ниҳоясига етди...”

Йигит бежиз гердаиб юрмас экан, беқиёс даражада очикқўллик ила икки халтачада егулик ҳам келтирди.

— Мана, — деб у жойлаштира бошлади.

— Тўхтанг, — деди Бузим. — Анави бурчакка, парда ортига ўтманг. У ерда чилла сақлайман, сизларга ножоиз. Чақалоқни беринг. Тагин келгуси сафар ҳам бунақа тўлиб-тошиб келманг, мен қароқчи эмасман.

Бузим чақалоқни парда ортига ўтказиб, гўр қизи билан ёнма-ён ётқизди. Иккови ҳам уйқуни омонатгина урарди. Бузим уларнинг уйғониб қолмаслигини Худодан сўраб, парда ортидан чиқди-да, йигитга гап қотди:

— Одам ўзи учунгина яшамаслиги керак. Мулла эканимдан бугун илк марта фахрландим.

— Тўғри-да, қўлдан келса қилавериш керак, — деди йигит. — Сиз ўзи қишлоққа кўчиб ўтсангиз яхши бўларди. Хафа бўлмангу Робинзон Крузога ўхшаб яшайсиз, диний билимингиз кучли, нафасингиз ўткир, сизга ярашмайди бу кулба.

Бузим йигитга ажабланиб қаради. Орадан йигирма йилдан зиёд вақт ўтган, бир замонлар Робинзон Крузо ҳақидаги фильмни севиб томоша қилган эди. Робинзонга ўхшаб қолганини ўйлаб кўрмаган экан.

Хотини “қўп гапирмасангиз-чи” деб йигитни яниб қўйди. Бузимнинг баҳри дили очилди.

— Ўша фильмни ҳали ҳам қўйишаяптими? — Бузим жилмайди.

— Ҳа, Французлар ишлаган варианти ҳам бор.

— Бир кўрсам бўларкан.

— Дунёдан узилиб яшашга қандай кўниккансиз? Мен ўла қолсам ҳам рози бўлмасдим.

— Жим, — шивирлади қўрқиб кетган хотини.

Бузимнинг лабидан ҳамон қувонч аримасди.

— Биласизми, — деди у, — ёлғиз яшаш таркидунёчилик деб аталади. Мен ўзимни Робинзон Крузо йўлидаги

одам демайман. Қадимда ғорларда яшаган шайхлар бўлган. Ёлғизлик — уларнинг ибодатхонаси. Фақат шу ибодатхона орқалигина кўнгилни Оллоҳга кучлироқ боғлаш мумкин.

— Худо меҳрибон.

— Меҳрибон, — деди Бузим ҳам.

— Динни яхши тушунмайману, лекин отамдан эшитганманки, ёлғизлик Оллоҳга ярашади, одам кўп ҳам ёлғиз яшамаслиги керак, дейилган экан китобларда.

— Тўғри, ёлғизлик Оллоҳга хос, чунки одам истасастамаса, ҳеч қачон ёлғиз бўлолмайди.

Йигит итга маъноли қараб қўйди, Бузим пардага кўз ташлади. Болалардан бирининг инқиллагани эшитилди.

— Бошлаймиз, — деди мулла.

У биледи, бу жувон намоз ўқимайди, рўза тутган бўлса бордир (рўза очиқ-сочиқ кийинадиган, шаробдан татийдиган хонимлар учун эътиқоддан кўра урф-одатга яқин эди), аммо руҳни каломлар суви ила ювмаган, кирлаб кетгани аниқ. Шундай экан, касалми, соғми, суралар сеҳрига минг йил сув ичмаган каби чанқоқ.

— Кийимларни беринг, — деди Бузим.

Парда ортига ўтди-да, гўр қизининг қўл-оёғини чирмаб ўради. Ёш онани чақирди, қоронғида қўлига тутқазди.

— Сизга қарамасдан, шу ерда дуо ўқиб ўтираман, — деди Бузим. — Юз-кўзига қарамай эмизасиз. “Бўлди” деганимда ўртага қўясиз.

— Тушундим, мулла бова.

— Баъзи қишлоқлардаги “лўли сотди” ирими эшитганмисиз? Касалманд болани лўлига берган бўлишади-да, кейин пул тўлаб, сотиб олишади. Менимча, ўша хонадоннинг боласига ёпишган инс-жинслар “Э, бу бола лўлиларники экан”, деб тинч қўйишади, деб ўйлашадими, сабаби бошқами, билмадим. Аммо ҳозир ўз болангиз бегона туюлиши мумкин. Сиз ҳам бегонани эмизгандек эмизинг.

— Хуп.

Қизча ўғил чақалоқдан икки баравар енгил эди. Ҳаяжонланган жувон сезмади чоғи, терс ўгирилиб, индамай кўкрак берди. Бузим тиззасида касалманд ўғилни тебратди. “Уйғонмай тур, ўғлон! Сингилчанг сутга тўйсин!”

Жувон “вой” деб юборди, чапиллаш, ҳатто кучук боласиникига ўхшаш ириллаш эшитилди.

— Тинчланинг, келин, — деди Бузим, — сизни бежиз оғоҳлантирмадим.

Йигит парда олдига дурс-дурс юриб келди. Пардани очишга журъат этолмади ва изига қайтди. Бузим бошқа чақалоқни эмизишга мажбур қилаётгани уларнинг кўнглидан ўтган эди.

— Ўғлимиз тузалса бўлди, мулла бова, — норози оҳангда пўнғиллади йигит.

Парданинг бир четидан жувоннинг, иккинчи четидан ўзининг оёғи кўриниб тургани, ўртада бўш жой борлиги, албатта, йигитнинг нафсонияти қўзимаслигига важ эканидан Бузим умид қиларди. Эҳ, гўр қизи! Бунчалик очафот бўлмаса!

— Бўлди, етар, — деди Бузим ортиқ чидаёлмай.

У, гўр қизига кесак едирсам едираманки, бу майнавозчиликни йиғиштираман, деди ўзига. Шунга қарамай ёш эр-хотин етти кун қатнади. Бузим мўъжиза туфайли яна шон-шуҳратга эришди. Негаки, касалманд чақалоқ соғая бошлаганди.

Кейинчалик Бузим бу ҳақда бош қотирар экан, чақалоқни ўзи эмас, гўр қизи даволаганига ишонч ҳосил қилди. Айб она сийнасида бўлгандир, эҳтимол. Гўр қизи бўри боласи мисоли ғажиб, тамшаниб эмган ва хасталикни тарқатиб юборган. Бузим бунини тўлатқис тушуниш йўлида тиббиётни ёрдамга чақирмади. Кўп йиллар аввал тиббиёт Бузим учун фан сифатида аҳамиятини йўқотган эди.

Бир куни эрталаб Бузим безовта уйғонди. Кулбада нимадир қитир-қитир қиларди. Бошини кўтардию

кўзларига ишонмади: гўдак эмаклай бошлаганди. Унинг кўзлари итникидан оч, итникидан чақноқ эди.

Қизча итга яқин борди. Она қорнидан тушгач, аввало шу жонзот меҳр берганини, ялаганини эслаёлмади шекилли, юзини бужмайтириб, дарров йўлини буриб кетди.

— Ё алҳазар, — анграйди Бузим. — У эмакляптими?

Назарида кулба бўйлаб ажабтовур махлуқ кезиб юрарди.

— Улғайганда қанақа бўларкан? — деди Бузим. — Ишқилиб, ақл-ҳуши соғмикан? Тўк уриб ўлган она совуқ гўрда дунёга келгирди, бир валламат бўлади-ёв.

Қизча йўлида учраган нарсани оғзига солишни одат қилди.

— Ҳей, — чақирди Бузим. — Топган нарсангни шимиб кўришинг шартми?

Раиснинг сўнгги авлодига исм қўймаганидан Бузим ниҳоятда ажабланди. Ит-ку бир умр исмсиз яшаяпти. Бу эса одам.

Қизча гўдаклигига борди: тайинли егулик тополмай йиғлаб юборди.

— Тўхта, — дея Бузим уни кўтариб, тўшагига ётқизди. Боласига шифо истаган ёш эр-хотинлар келтирган кийимчалар уни рисоладагидай оиланинг ширинтойи қилиб кўрсатарди. Бузимнинг қўлига намлик тегди.

— Оббо, яна ҳўллаб қўйибсан-ку.

У иштончалардан бирини кийдирди. Кўйлакча ҳам кир бўлган эди. Бузим алмаштираётиб, қизчанинг елкасидаги қора холга кўзи тушди. Илгари кўрмаган эди. Нимадир ёпишган деб ўйлади, бу фаройиб хол эди, нўхатдек.

— Холли экансан-ку, — Бузим кулимсиради. — Отингни нима қўйсам экан? Холдон, Холбуви, Холида, Холнисо, Норхол, Холиса... Йўқ, Холиса бошқа маънода... Э, ҳеч ким қизини Гўрқиз деб чақирмайди-да. Бўлмаса исминг нақд эди-я!

Бузим соқолини силаб қўйди. Қизча соқолга талпина бошлади. Индамаса, соқолни ҳам оғзига солиб кўрарди.

— Пишт-е, бунча қитмир бўлмасанг! Сенга исм танлаяпман, тек турсанг-чи, шўрлик қиз!

Қизча норозилик ила чийиллаб юборди.

— Ҷар! — деди Бузим қулоғи шанғиллаб қолганидан аччиқланиб.

Қизча юлқинди. Агар бир ёшли бола бўлганидами, Бузимнинг қўлидан тутиб кетиши муқаррар эди. Унинг ўйинқароқлиги Бузимга биринчи марта алланечук хуш ёқди. Бузим бир вақтлар Баҳодирхон бўлган кезлари гўдақларини шундай эркалатиб ўтирганини эслади.

— Гўрхол, — деди у, — сенинг исминг Гўрхол бўлади. Қулоғингга шундай деб азон айтаман.

Қизча гапга тушуниб, Бузимнинг юз-кўзига термулди.

— Отанг ҳам, онанг ҳам менман, — деди мулла.

У Гўрхолни “қизим” деёлмади. Бировни болам дейишга тили бормаслигини энди пайқади. “Болам” деб гапирарди падари, “болажоним” дерди онаси. Қанча сувлар оқиб кетди, Бузим барибир бундай деёлмасди.

— Гўрхол, бирор кун Қорақишлоққа боришим керак, — деди чақалоққа. — Отангнинг уйидан хабар олай-чи, онанг бечоранинг орқасидан қишлоқ аҳли нималар деб гапираётган экан. Эҳ, хом сут эмган бандалар ўз қилмишини шайтонга тўнкаб қўйгани каби бахтиқаролик ҳам менга ағдарилди. Бобонгни қарғганим учун онанг жувонмарг бўлганмиш. Шайтон қаториманми? Бу ёмон, Гўрхол.

Бузим эшик тирқишларига эски чопонининг пахтасини тикди. Ўқитишга келганлар гўдак йиғисини эшитиб, гап-сўз кўпаймаслиги учун итига яна дам солди. Одамлардан чўчиса, жониворга дуо ўқиб қўйгувчи эди. Бир вақтлар у Зебигулга одам бўйи бўлиб кўринганининг, қайнонасини “еб қўйгани”нинг сир-синоати шу эди. Қолаверса, авом қачонки овлоқда чақалоқ йиғисини эшитса, инс-жинсларга йўйиши Бузимга аён эди.

Эшик олдида жийда шохини ташлаб, йўлга тушди. Зебигулни билганидан бери Қорақишлоқ ўзига оҳанрабо

каби тортарди. Зебигулнинг фожиасидан кейин ҳам қишлоққа талпиниши унга ёшликдаги муҳаббат учқунларини эслатди. Чорак аср илгари Байроқлига боргиси келаверарди. Зебигулнинг онасини узоқдан кўрса, кўчасидан ўтса, у нафас олаётган қишлоқ ҳавосидан ўпкасини тўлдирса...

## ҚАБРИСТОН ҲАҚИДА МИШ-МИШЛАР

Гўрхол Бузимнинг ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб, уни отага айлантириб қўйди. Муҳаббат туйғуси ўрнини аллақандай оғир ҳислар эгаллаётганди. Бузим Соримтепа қабристонига етгач, кучайиб бораётган беҳафсалалик, лоқайдлик кўнглини ўртаё бошлади. Зебигул бегона бўлиб туялди. Гўристон тепалигига чиқиб, мозорига тикилди. Жанозанинг эртасига қариндош аёллар мазор бошига келиши одат эди. “Гўр очилганини биронтаси сезмабди, — деган ўй ўтди хаёлидан. — Сезмагани яхши, сир ҳозирча сирлигача қолсин. Лекин ким майитни қайта дафн этди? Бу ҳақда ҳеч кимга овоза қилмаганини қандай тушуниш мумкин? Соғ одамнинг ҳадди сизмайди. Балки бунда ҳам кундошининг қўли бордир? Зах тупроқ кечаси тўкнинг заҳрини сўриб, Зебигул тирилса, айбимни фош этмасин, деб одам юбордимикан?”

Тиловат қилди. Қабристон дарвозаси томонга тушиб, панжара орасидан қўл ўтказиб, ҳалқаларнинг симини ечди. Ёғоч кесакиларга катта кўзли панжараларни қоплаб, қабристон учун қўлбола дарвоза ясашган эди. Бузим ташқарига чиққач, симни яна бураб қўйди.

Қорақишлоққа пиёда ўрлади. Аҳмарнинг уйи қаердалигини аллақачон билиб олганди. Қишлоққа кираверишда сариқ лой билан сувалган шиферсиз уйчадан дарча очиб қўйилган бўлиб, “Дўкон. Сартарош” деган лавҳ осилганди. Бузим дайдилар салтанатидан келган ажнабий мақомидан воз кечмоқчи эди, шу боис дарчага бош суқди.

— Ассалому алайкум, — деди у бинойи одамлар сингари.

Ҳамма бараварига бошини кўтарди. Бу ерларда Бузимнинг юзини танимайдиган киши йўқ эди. Умида бир марта бўлса ҳам, далада, зовур бўйида, қир-адирда, ҳайит байрамларида рўпара келгандилар.

— Келинг, бова, — деди ёш сартарош.

Бузим дўконни айланиб, эшикдан кирди. Бекорчиликдан вайсаб ўтирган йигитлардан бири дик этиб турди-да, жой берди. Бузимнинг оёғи оғримоқда эди, бажонидил ўтирди ва йигитга миннатдорчилик билдирди. Айримлар Бузимни “ҳаммомга йигирма йил тушмаган сассиқ” дейишганди. Бироқ Бузимдан ажабтовур ҳид анқиб, йигитлар бурунларини ишқаб қўйишди.

— Соқолимни қиртишлаб қўясиз, уста, — деди Бузим.

Ёнгинасида ўтирган бола мулланинг жағида тилла тиш ярақлаб кетганини кўриб, қўрқув билан кўзларини пирпиратди. Овлоқларда ёлғиз юрадиган кимса ўктам, чақноқ ва тилла тишли бўлиб чиқиши қишлоқ ёшларини ҳадик-хавотирга солди. Ҳар ҳолда, ҳеч ким ташқарига жуфтакни ростлаб қолишни истамади.

— Сиз у ёқда яшайсиз-а? — сўради сартарош йигит гўристон томон ишора қилиб.

Дўкондаги ёшлар Бузимнинг оғзига баравар тикилишди.

— Менинг ўз уйим бор, — деди сирли одам.

— Қаерда, бова?

— Аниғини билмайман.

— Сизни чет элдан келган дейишади, уйингиз ўша ёқдами?

— Уй деганда мазорни назарда тутдим, — деди Бузим.

— Мазордан бошқа уй банда учун омонат. Қаерга дафн этилишимни олдиндан айтолмайман.

Йигитчалар бир-бирига маъноли қараб қўйишди. Бузим уларни зимдан кузатаркан, фақат сочи олинаётган йигитгина ура қочишга тайёр эканини сизди. Кўзлари аланг-жаланг боқиб:

— Булдингми, Асли? — деб сабрсизланди.

Бузимнинг кулгиси қистади. Уйида диндан гап очилмайдиган оилаларда баъзан шунақа тоифалар шаклланарди. Улим, жаноза, тобут, қабрдан гап кетса ранг-қутлари ўчишади.

— Улимдан қўрққан одам ватанни севолмайди, — деди Бузим.

— Одам ўлгандан кейин ҳам яшайдими? — сўрали рангпар ўспирин.

— Яшайди, — деди Бузим.

— Буни қаердан биласиз? Ҳеч ким нариги дунёга бориб келмаган-ку? — гап қотди бурчакдаги қовоқдор йигитча.

Бузим унга табассум қилди.

— У дунёни кўриш оддий одамларга тириклик чоғларида насиб этмайди. Китобларни ўқисангиз, ким бориб келганини билиб оласиз.

— Йўғ-э, — деди йигитча қизариб. — Демак, кўриб келишган экан-да?

Қишлоқ аҳли ичида шундай одат бор: даврага янги қўшилган одам қайси касб, ғоя, тариқат эгаси бўлса, мавзу ўшанга қаратиларди. Ҳозир тракторчи келиб қолганида, шубҳасиз, трактордан гап кетарди. Бузим мавзу ўзгаришини кутди. Ибодат ҳам, амри маъруф ҳам, Бузимнинг наздида, ўз жойида бўлиши лозим эди. Агар йигитчалар уни атайин ахтариб борганларида соатлаб маъруза қилган бўлармиди.

Бир пайт дарчани бир кимса тўсди. Оғзидан буг пуркаб, деди:

— Опанг чечам бўлади, Асли, ароғинг борма?

Сартарош кўзи билан Бузимга ишора қилди чоғи, оний сукутдан сўнг кимсанинг капалаги учиб, бақирди:

— Э-э! Бузим бовам шу ерда экан-ку! Ассалому алайкум, тақсир! Кечирасиз-да, шишадаги оқ шайтон жуда зарил эди! Бир қошиқ қонимиздан кечинг, мулла бова!

Бузим алиқ олди ва ароқ шайдоси даф бўлишидан умид қилди. Анча-мунча отиб олган кимса уйни айланиб, эшикдан кирди. Кирганданоқ сартарошга буюрди:

— Бовамнинг сочини яхшилаб ол, тушундингми?

Сўнг Бузим билан қучоқлашиб қўришди. Белидан даст кўтариб қўймоқчи ҳам бўлдию, ҳарқалай, қучоғидаги одам армиядан қайтган аскар эмас, авлиёсифат инсон эканини эслаб қўйиб юборди. Бузим жой кўрсатган эди, у ташқарига имлаб:

— Тракторимдан бошқа нарсага ўтиролмаيمان, — деди беўхшов кулиб.

Бу одам Чеҳранинг акаси эди.

— Бир йилдан бери Қорақишлоқда ҳамма мени танийди, — деди Чеҳранинг акаси оғиз кўпиртириб.

— Манавиларнинг бари братишка бўлади, тўғрими, ойналар? Аслибой зўр сартарош, мужик бола! Сочим ўсса, шунга келаман. Лекин ҳазиллашаман ҳам. Опанг чечам бўлади, дейман! Шўхмиз-да, мулла бова. Қани, Аслибой, бовамнинг сочини навбатсиз ол!

— Соч олдиргани кирганим йўқ, — деди Бузим. — Эсимни таниганимдан бери соч ўстирмаيمان.

— Ие, дўконга келдингизми?

— Соқолимни эпақага келтирмоқчиман, ука, жа ўсиб кетди. Кўрганлар ёввойи деб нари қочишяпти.

Чеҳранинг акаси ваҳаҳалаб кулди. Зийрак одам унинг бир неча кундан бери байрам қилиб юрганини фаҳмлаши мумкин эди.

— Бунинг куладиган жойи йўқ, — деди Бузим.

Тракторчининг дами ичига тушиб, бўзрайди. Аммо хурсандчиликни биргина гапга бой бергиси келмасди. Йигитларга кўз қисиб қўяркан, нигоҳи сартарошда тўхтади.

— Асли, бир минутга...

Улар ташқарига чиқишаётганда, Чеҳранинг акаси қўлини кўксига қўйиб Бузимга енгил таъзим қилди. “Чао” дедими, “чойга ўтинг” дедими, ҳеч ким тушунмади. Сартарош тушмагур бир зумда қайтиб кирди. Қутиларнинг биридан ароқ олиб, қўйнига тикди-да, бўйнини қисганча чиқиб кетди. Яширинча ароқ олгани шу эди тракторчининг.



Сартарош-дўқондор изига қайтгач, тароқ ва қайчини қўлга олиб, деди:

— Одамларга ҳам ҳайронман, бова, синглизиникида таъзия бўлган, бу эса атайин келиб ичади, худди Зебигул янганинг ўлганини нишонлаётгандай.

Бузим сергак тортди. Қовоқдор йигитча тап тортмай сўзлади:

— Байрам қилса сизга нима, тоға? Синглизининг кундоши ўлди. Кундош ўлса байрам қиладиганлар сон-мингта.

— Зебигул янга, бечора, яқинда болали бўлмоқчи эди.

— Гап яхши ё ёмонлиги ҳақида кетмаяпти, — дея қовоқдор йигит Бузимга қаради. — Тўғрими, бова? Кундош ўлса қувонадими, йўқми?

— Одам ўлганда қувониш қиёмат белгиси, — Бузим уларга ғамгин кўз югуртирди. — Мен, ҳаттоки, душманам қазо қилганида ҳам оғир ўйлардан бош кўтаролмаганман. Ўлим — тирикларга катта синов, ўликларга эса синовнинг тугаши.

Дўқондагилар Бузимга ҳурмат-эҳтиром билан тикилишди.

— Айримлари ашаддийдан ҳам баттар эди, — давом этди мулла, — ота-онамни, қариндошларимни, бўлажак хотинимни мен учун умрбод йўқ қилишган.

— Вой-бўй, — дейишди йигитлар, — фашист экан-да, а?

— Мундай олиб қараганда яқинларимнинг баъзилари ҳаёт, лекин мен учун йўқ. Умрингнинг охиригача кўрмайсан, овозини эшитмайсан, хат-хабар келмайди.

Ниҳоят, мижоз сартарошдан қутулди. Пулни шоша-пиша бераркан, лом-мим демасдан чиқиб кетди.

— Ўтиринг, — таклиф этишди йигитлар Бузимга.

У кўзгу қаршисидаги бўёғи кўчган курсига чўкди.

— Шундай қилиб, бировнинг ўлиmidан хурсанд бўлмаслик керак, — деди Бузим. — Зебигул деб тўқ кувида ўлган, Соримтепага қўйилган келинни айтаяпсизлар-да, а? Кундошли бўлган экан-да?

— Ҳа, Чеҳра янга билан Зебигул янга битта ҳовлида яшайдиган кундошлар эди, — тушунтирди сартарош. — Аҳмар ака фарзандсизликдан қийналиб, ноилож яна бир хотин олганди. Ҳозир келган тракторчи акамиз билан Аҳмар ака армиядош жўра. Чеҳра янга тракторчи акамизнинг синглиси. Тақдир тақозосини қарангки, Чеҳра янга эмас, биринчи хотин иккиқат бўлди. Тўк уриб ўлишидан Чеҳра янганинг акаси хурсанд, деб одамлар бекорга гапиришмаяпти. Гапларида ҳам жон бор-да, бова. Кўрдингиз-ку, кайфи минг. Худди бизнинг қишлоқнинг одамига ўхшаб ҳамма билан қалин бўлиб кетди.

— Ўзи Чеҳра янганинг ота-боболари ҳам яхши одамлар бўлмаган, — гап қўшди қовоқдор йигит.

— Мелиса келгани ростми? — ўсмоқчилаб сўради Бузим.

— Ҳа, кўп келди. Кеча прокуратурадан ҳам бировлар юрувди.

— Шубҳа Чеҳра деган келиндан экан-да?

— Ким билади, — лаб бурди қовоқдор. — Қайсидир йили тоғамнинг қишлоғида бир келинчак ўзини осган экан, ўлмай қолибди. Прокуратура роса тергов қилганмиш, ундан кўра тинчгина ўлиб кетганим маъқулийди, дебди келинчак.

Сартарош Бузимнинг бошига энгашиб, қайчисини ғийқиллата бошлади.

— Бова, ароқ сотса гуноҳми? — сўради у ҳалим товушда.

— Ароқ тайёрлаган, дўконларга келтирган, уни қўриқлаган, сотган, олган, ичган, ичирган — ҳаммаси кетади.

— Қаёққа?

— Дўзахга.

— Йух! — Сартарош атрофдагиларга қараб бош чайқади.

— Иш дабдала-ку!

Йигитлар унинг устидан қиқир-қиқир кулишди.

— Мана, ҳозир милиция, прокуратура ҳақида гапирдиларинг, суд дегани ҳам бор. Билиб қўйинглар, сизлар

сўраган нариги дунёнинг сифатлари оз-оздан бу дунёни-  
кига берилган. Жиноят қилган киши ёруғ дунёдаги судда  
жасосини олгани каби гуноҳкор марҳум ҳам у ёқда ҳукм  
этилади. Ким охирги марта ич-ичидан қувонган?

Йигитлар саволомуз кўз уриштиришди.

— Айтаверинглар, бунинг нимаси қийин? Ишим расво  
бўлди, деганларингда бирдан омад кулиб дўппиларингни  
осмонга отганмисизлар? — деди Бузим.

— Э, бу кўп бўлган, — деди қовоқдор қаддини ғоз тутиб.

— Қабрга қўйилган майит ўзи ҳақидаги ҳақиқатлар  
билан юзма-юз келади. “Тамомман” деганида,  
кечирилганини билса, тириклигида қувонганидан  
милён баравар кучли шодликни ҳис этади. Бу шодликни  
тирик жон туйса, қувончдан юраги ёрилиб ўлиб қолиши  
мумкин. Одам ҳамиша тўғри йўлдан юриши керак. Осий  
бўлишдан сақланинглар, укалар.

— Қабрда ҳаёт бўлишини яқинда ўқидим, — деди  
чеккадаги ўспирин, — у “қабр ҳаёти” деб аталаркан.  
Қабрдан овоз чиққанини ҳамма ҳам эшитмас экан.

— Шундай. Биз — тириклар эшитмаймиз.

— Нега унда Мамат ака эшитган?

— Нимани эшитган?

— Зебигул янга ўлган куни қабристонда чақалоқ  
йиғлабди.

Бузимнинг баданига чумоли югурди.

— Балки у мушукдир? — деди Бузим.

— Тўйдан ёлғиз ўзи қайтаётган экан, — деди ўспирин  
дўриллай бошлаган овозини баландлатиб. — Анча ичиб,  
маст бўп қолибди. Бир қараса, мазоротнинг сеткасига  
суяниб турганмиш. Қорақишлоқнинг йўлига тушаман  
деб янтоқзор оралаб кетаётса, биров бақиргандек  
туюлибди. Қўрққанидан оёғини қўлига олиб чопибди.

Йигитчалар ҳиринглаб кулишди.

— Давом эт, Зувала, гапни боплайсан сен, — дейишди  
бирлари.

— Ғўзанинг оқоваси тупроқни ўпириб, чуқурлик

пайдо бўлган жойга йиқилиб, ҳушидан кетиб қолибди, — ўспирин ҳикоясини улади. — Қанча ётибди, билмайди. Бир амаллаб чиқибди-да, оёқ-поёғим синмадимикан, деб уватга ўтирибди. Қоп-қоронғи, совуқ тун экан. “Айтгандай, бугун Аҳмарнинг хотини ўлган-ку, — ўйлабди Мамат ака. — Бўйида бор экан, дейишганди, нима бало, чақалоқнинг арвоҳи қувдими мени?” У мазорот томонга яна бир қараган экан, Соримтепада олов ёнибди. Қандайдир шарпа машъала ёқиб, ниманидир қидириб юрганга ўхшармиш. Мамат ака мазоротга қайтиб қарамасликка ҳаракат қилиб, асфальт йўлга чиқибди-да, ура қочибди. “Бир миллион берсаларинг ҳам кечаси Соримтепадан ўтмайман”, деб бошини чайқармиш.

— Уша оқшом сиз қаерда эдингиз? — сўради сартарош Бузимдан.

— Жийдазордаги кулбамда бўлгандирман-да, — жавоб берди Бузим ўқрайиб. — Эртагига мени ҳам қўшибдими ўша Мамат деганларинг?

— Йўқ, шунчаки... — елка қисди сартарош. — Биттасидан эшитдим, сиз Соримтепа атрофида кечаси тулки овларкансиз.

— Тулки фақат Соримтепа атрофида бўлмайди, — деди Бузим. — Қишлоқнинг ичига, масалан, сизларнинг молхонангизга, сомонхонангизга, товуқхонангизга киради. Нафақат тулки, бошқа ҳайвонлар — бўри, чиябўри, шоқол, типратикан, илон, жайра, юмронқозиқ, ҳатто, сойга яқин қишлоқларга ондатра ҳам келади. Ёввойи ҳайвонлар овлоқ жойлардагина учрайди, деганлар бир нарсани унутмаслиги керак: овлоққа одамнинг қадами етадими, демак, қишлоқда ҳам ёввойилар кезиб юради.

Ҳамма унга ғалати тикилиб қолди. Бузимнинг хаёли мастда эди. Зебигулни гўрдан чиқарган кечада қабристон яқинидан Мамат деган одам ҳам ўтган экан-да! У кўрган шуъла кимники? Бузим ёққан гугурт чўпими ё ҳалиги шарпаники?

— Энди-и, укалар, ким нима деса ишонвермаслик керак, — Бузим ўзини бироз босиб олди. — Банданинг борар жойи ҳақида муқаддас китобларимизда кўп ва хўп ёзилган. Мамат деяпсиз, — мулла ўспириинни кўзгудан ахтариб топди, — доим маст бўлиб юрадимми?

— Ичмаган куни йўқ. Чўяндан пиёда келган вақтлари кўп бўлади. Божаларининг бари ўша томонларда.

— Бир гаплашиб қўйишим керак экан-да.

— Шу кунлари мелисахонада-ёв.

— Мелисахонада нима қилади?

— Шарпани кўргани учун бўлса керак.

Ёнидаги йигит туртди:

— Бекор айтибсан, кўчада муштлашганига ўн беш сутка олди.

— Гаров ўйнайсизми? Эрталаб Зебигул янганинг мозорига борган тоғасининг хотини қонли латта кўрдим, деган. Боринг, Жўжидан сўранг! Кўчада тепалашган бўлса, нима, жанжалини мелиса кеча ё бугун кўрибдими?

— Мен нега Жўжидан сўрайман?! Жўжи манавини билади! — қизиққон йигит бошмалдоғини уятли ҳолда кўрсатди.

Бузим сабр билан кутди. Йигитчалардан бошқа маълумот чиқмади. Суриштиравериш Бузим учун қимматли нарсага — узоқ йиллардан бери ўрганиб қолган тинчгина одамови умрига таҳдид солиши турган гап эди.

Пул узатган эди, сартарош олмади. Бироқ уста ҳақи бермаслик Бузимга тўғри келмасди: у ўтирган курсисига пул ташлаб, дўкондан чиқди. Йигитчалар жўжахўрозлардай чиранишиб, дўконни бошига кўтардилар. Ҳамманинг оғзида Зебигулнинг ўлими, ўша кеча қабристондан эшитилган чақалоқ йиғиси, олов, ҳуштак, қичқириқ — яна алламбало шарпалару шовқинлар эди.

Бузим Қорақишлоқ кўчасидан ичкарилаб бораркан, сири очилиб қолишдан ҳадиксиради. “Ҳуш, очилса нима

қиламан? — деди ўзига ўзи. — Қизчани олиб кетишади, мени тергов қилишади, сўнг яна эски тос, эски ҳаммом, яшайвераман-да ҳеч бало бўлмагандай... Хато! — деди яна. — Ҳа, хато! Ёлғизлик халқ ҳаётидан узиб, миямни айнитибди. Мудҳиш қотиллик ҳақида фақат икки киши билади: мен ва қотил. Шундай экан, қабристон воқеаси маълум бўлгач, бошим терговдан чиқмай қолади. Зебигулнинг кундоши саккиз-ўн йилга кетиши керак. Ким уни қамоққа тикади? Мен! Ахир, разилона жиноятини очиб ташлайман-да! Кейин жийдазорда тинчгина яшашимга қўйишармикан? Қўйишмайди. Уруғ-аймоқлари ёшидан қарисигача мунофиқ, ғаразгўй, гина сақловчи, ароқхўр кимсаларга ўхшайди, мени милициянинг “қулоғи”га, лайчасига, одамларни қаматишдан ҳузур олувчи ичиқорага, тухматкашга чиқаришади. Зебигул қотил кимлигини айтганига улар ишонишмайди. Ишонса-да тан олишмайди. Қишлоқ аҳли ҳам “Қорақишлоқни битта қотил шарманда қилди”, деб фақат қотилдан нафратланса-ку, майли. “Хоин” деб мендан ижирғанадиганлар ҳар қадамда учрайди. Аҳмарни яна хотинсиз қолдирган, Қорақишлоқнинг номини қора қилган келгинди ва ҳоказо гаплар кўпаяди... Йўқ, қўрқмайман! Йўқотадиган нима борми? Фақат Зебигулнинг ҳаққи-ҳурмати учунгина сир мазорда ётсин. Унинг васиятини бажо келтиришим керакми? Керак. Бечора бутун умр мени лаънатлаб яшаганга ўхшайди. Ёш, миллат, дин танламайдиган нарсалар кўп, аммо авлод танламайдиган бало-қазо, бу — қарғиш. Қарғиш уришига ишониш керак. Замонлар келиб Гўрхол ҳам нега қарғагансиз, деб сўрайди. Мен кимни қарғабман ўзимдан бошқа?”

## БУЗИМ МАЪРАКАДА

Аҳмарнинг уйи орқасида одамлар кўзга ташланди. Бузим юқорироққа — ҳовли бошига синчиклаб қаради. Ўша ёқдаги дўнглик биқинидан юрмабди-да.

Уй орқасида турган кишилар айнан бекорчиликдан безор ғийбатчилар бўлиб, Бузимни кўрсатиб ғўнғиллай бошладилар. Соримтепа авлиёси уларнинг назарида дарбадар, гадоё қатори афтодаҳол кимса эди. Гоҳо одам бировнинг ўйлашича ҳис этади ўзини. Бузим ҳам ўз ҳолидан уялди.

Сарғайиб сарғаймаган, қорайиб қораймаган малламтир ўт қовжираган томорқадан тўғрига йўл солиб, Аҳмарнинг уйига олд томондан бормоқчи эди, уй орқасидагилардан бири ҳуштак чалиб чақирди. Бузим одоб юзасидан улар томон юрди. Одамлар нос отиб, томоша илинжида кутишди. Яқинлашгани сайин қизил, сариқ, қора башараларда ҳайиқишга ўхшаш аломатлар зоҳир бўлди. Бузим озода кийимда, бошида дўппи, соқоли текисланган эди.

— Ассалому алайкум, — дея у бир-бир кўришиб чиқди. Кейин шундай нигоҳ ташладики, худойига келганлар носларини ютиб қўйишларига сал қолди.

— Ичкари киринг, ош сузади, бугун “қирқ” бўлаётувди, — деди биттаси.

Бузим уй ёнидан юрганди, ёшроғини йўл кўрсатишга қўшган бўлишди. Ғийбатчиларнинг дами ичига тушгани Бузим учун ғалаба эди. Неча йилки дала-даштда устидан кулувчилар, кулбасида эса бутунлай тескариси, яъники салкам сиғинувчилар билан учраштирди бу тақдир.

Қўлига офтобадан сув қўйишди. Сочик ҳўл эди ва у инсон обрў-эътиборига бўкканди гўё. Аллақандай хуштавозе киши “терраска”га йўл кўрсатди. Ўша хона, ҳар томонда эшиклар: бири Чехранинг ётоғи, бири марҳума Зебигулники, яна бири меҳмонхона. Вафот этган кишининг фотосуратини деворга осиб қўйгич эдилар, лекин Бузим ҳеч қаерда сурат кўрмади. Исломий қоидаларга риоя қилинганидан эмас, Зебигулнинг ҳурмат-иззати бўлмаганидан дарак эканини фаҳмлади.

Тўрда оппоқ соқолли мулла ўтирган экан. Меҳмонлар Бузимга ғалати-ғалати қараб қўйишди, мулла эса

зериккан товушда Қуръон тиловат қилишга тушди. Ташқарида “Терраскага битта ош! Битта салат!” деган хитоб эшитилди. Бузим одамлар сафига қўшилди, ҳаётга қайтди. Одам элга эл бўлгандагина одам ҳисобланарди Қорақишлоқ жойлашган воҳада.

— Чойдан ичинг, — деди бири қадок қўли билан пиёла узатаркан.

Бузим чой ичди, таом еди. Мулла томоқ қириб, деди:

— Отам қазо қилган йили сизни Соримтепа атрофида биринчи марта учратувдим. Эҳ-ҳей, ундан кейин неча замонлар ўтиб кетди. Асли қаерликсиз?

Кўп йиллардан буён гап ололмай юрган одамлар Бузимнинг оғзига маҳтал бўлишди, ёнма-ён ўтирганлар энкайиб ё қад ростлаб бир-бирининг елкасидан, ияги тагидан мўралашди.

Бузим тик қаради.

— Мен ҳам сиз каби оддий одамман, — деди у. — Бир вақтлар ўз қишлоғимда, уруғдошларим орасида яшардим. Таркидунё қилишимнинг ўз сабаблари бор. Қишлоғимдан чиққанимдан кейинги ҳаётимни узлатга чекиниш, ибодат мавсуми деб тушунинг.

— Худойига борсам Қорақишлоқ мулласи тергаб, тинчгина ўтиргани ҳам қўймади, демасангиз бир гап сўрайман.

— Булар иш бўлган, мулла, келган жойимни айтмай қўя қолай.

— Йўқ, қишлоғингизнинг отини сўрамайман, — мулла соқолини силаб, ўйга толди. Сўнгра деди: — Қўшни вилоятда, тоғнинг нариги томонида бир пайтлар йигирма ёшлардаги мулла йигит дом-дараксиз йўқолган деб эшитдим. Ота-онаси фарзанд доғида куйиб ўлиб кетишган. Масаланинг қизиғи, ўша йигит билан марҳум келинимиз Зебигулнинг ота-онаси сен-манга бориб қолишган экан. Шунақа воқеани эшитганмисиз?

— Эшитганман, — деди Бузим.

— Унинг бир белгиси бор дейишганди, Худойида айтиладиган гап эмас-да.

— Мулла, — Бузим норози боқди, — молнинг уятли белгисини айтиш ҳам андишали иш, одамникини-ку айтманг. Уша белгини биламан, биров сўраса гапирмаган бўлардим. Чунки сиз ва мен динни бошқалардан кўра яхши тушунамиз. Ҳадислардан хулоса қилинишича, пойгада ортда қолган туяни “чопоғон эмас” деганларида ҳам гуноҳга ўтиб кетиши мумкин экан. Чунки “чопоғон эмас” дейиш ҳайвонни обрўсизлантириш ҳисобланади. Кимга обрў бериш, кимни уятга қолдириш бандасининг иши эмас.

Чоллардан бири эчки соқолини силкитиб шанғиллади:

— Қизиқаяпмиз-да, Бузим жўра! Мол ҳам, одам ҳам Худонинг яратгани. Нега одамнинг белгисини айтмаслик керак экан? Эшмат сариқ, Тошмат чўлоқ десак одамлар тушуниб олаверади-ку.

Қишлоқ мулласи бу чолга хайрихоҳлик қилмади, бир дегандан Соримтепа авлиёсига ён босмоқчилиги сезилиб турарди. У Бузимни, Бузим уни тушунди.

— Балки эл орасида айтилса айб бўладиган белгидир, — деди мулла ҳалиги чолга.

— Қўтири бормикан? — сўради чол.

— Қўй-е, Боқи гаранг, булар диндан гапираяпти, сен ҳозир ҳам намоз ўқимайсан, аралашма! — қайтариб ташлади қарияларнинг бири.

Эл Зебигулнинг худойисига келиш сабабини суриштирмади.

— Раҳматли келин икки йилча аввал қайнонаси билан олдимга борганди, — Бузим дастурхондан кўз узмай сўзлади, — бефарзанд экан, билганимча ўқидим. Азайимхонликка даъво қилмайман, ўзлари келишади, ўқийман.

— Шифо топаяптими, ўқийверинг-да, — қишлоқ мулласи далда берган бўлди. — “Ихлос — халос” деган гап бор.

— Кейин эшитдимки, у яқинда кўзи ёриши керак экан, тўк уриб бандаликни бажо келтирибди.

Ўтирганлар орасида:

— Пешонасида бор экан-да.

— Иймонини берсин.

— Энди, бу палакат-да, — деган гап-сўзлар жонланди.

— Қаерда тўк урди? — сўради Бузим улардан.

— Анави томондаги айвонда, — деди ёнидаги киши. — Анча вақтдан бери кувиси ишламаётган экан. Аҳмар уста чақириб тузаттирган. Уста ичадиган бола, изалентани яхши боғламаганмикан, шу палакат бўлди-да.

— Дарров ўлиб қолганми ё...

— Икки юз эллик вольт тўк уради, одам қоладими? Захга кўмган, дўхтир қараган, ноумид шайтон деб роса ҳаракат қилишган.

Боқи гаранг:

— Бизнинг келиннинг айтишича, — деди, — эртасига мозор бошига борган хотинлар “мабодо зах тортиб тирилдимикан?” деб гўрга қулоқ солишибди. Қаёқда! Жимжит эмиш. Агар тирилса, чимни ёриб чиқолмайди, оғироёқ аёлнинг нима жони бор! Лекин қонли сурп бўлаги ётганмишми-ей...

Ёнидагилар уни турткилаб гап уқтиришга тушдилар.

— Эса, мелисалар Маматдан нега сўрайди? — аччиқланди Боқи гаранг.

— Э, Мамат ғирт аҳмоқ бола экан! — деди тўрдаги қорули киши дўриллаб. — Мозоротда ўт ёнганини кўрдим, овозлар эшитдим, деб юрибди. Қалласи жойидами ўзи унинг?! Кўтарсанг ич! Сигса ич! Одам деган мазорот билан ҳам ҳазиллашадими? Қайси тентак кечаси мазоротда ўт ёқиб, “шашлик” пишириб, “маёвка” қилади? Тўғрими, мулла бова?

— Ким сенга “шашлик” пиширди, деяпти? Отангга ўхшаб бунча қўшиб гапирасан? — шанғиллади Боқи гаранг.

— Маматнинг гапи шунга бориб тақалаяпти-да, ака! “Шашлик” пиширмаса, нега мазоротда ўт ёқиб, базму жамшид қилади? Жинлару арвоҳлар олов ёқмайди, тирик

одамлар ҳам бунақа номаъқулнинг ишини қилмайди! Мамат шунчаки товламачи, пиёниста, довдир! Мелиса унинг гапини жиддий олса, нима бўлади? Мозорни очтиради, ҳаммага касофатини урдириб! Кўрсам сўкамани уни! А, мулла бова, сиз гапиринг! Мозор очилса, юртга балои қазо ёпириладими?

— Маъракада шунақа гапларингни қўйинглар, — деди мулла. — Ҳар кимга иймон берсин.

Мулланинг кетадиган вақти бўлган экан, фотиҳага қўл очди. Бузим ҳам қандай турсам экан деб ташвишда эди, жойидан қўзғалди. Ўликнинг худойилари қишлоқ қарияларига зиёфат қатори эди. Бошқаники бўлганида, Бузим бундай маъракага қадам босмасди. Кўрдик, Зебигул чақалоқни дунёга келтирганини Қорақишлоқ халқи билмайди. Шарпа эса Мамат эмаслиги аниқ. Бузим шу тобда Кимон ҳақида суриштирмоқчи бўлди-ю тилини тишлади. Унинг қулоғига чалинган “Кимон” деган хитоб жонига оро кирадими, ҳалок этадими, қоронғи эди.

— Насиб этса яна кўришармиз, — жилмайди қишлоқ муллеси Бузимга, — тўй-маъракаларга қатнашиб туринг.

Бузим маъқул маъносида бош қимирлатди. Ташқарига чиққач, Чеҳрани бир марта кўриб кетишни истаб қолди. Зебигул яшаган ҳовлига кўз югуртирди ва ўзига ижирганиш билан қараб турган дўппили одамга кўзи тушди. У Аҳмар эди.

— Анави одам уй эгасими? — сўради Бузим.

— Ҳа, Аҳмар ака, — жавоб берди бир бола. — Чақирайми?

— Кўчада кутаркан де.

Аҳмар дастлаб тажанг тортди, сўнг белбоғига қўл солиб, чопонининг барини ҳилпиратиб кўчага йўл олди. Ҳозиргина ош еб чиққан кишилар қандайдир кулгили воқеани (эхтимол, Бузимни масхара қилиб) сўзлашиб, кулишиб борардилар.

— Чақирган сизми? — деди Аҳмар салом-аликсиз.

— Менга баъзи нарсалар маълум, — гап бошлади Бузим, — хотинингизнинг ўлими юзасидан бир гаплар айтмоқчиман, лекин... — У ўйланиб қолди.

— Негаки, сиз уни куф-суф қилгансиз, шундайми? — Аҳмар белбоғини чангаллади. — Дуоларингиз асраши шарт эди! Шуларни айтиб ўзингизни шайх қилиб кўрсатмоқчисиз! Топдимми? Куф-суфингиз шифо берса, ўшанда фарзандли бўлардик.

— Шайхлик ҳақида тушунчангиз йўқлиги кўришиб турибди. Қолаверса, марҳума ҳаётлигида... хулласи калом, эшитишимча, иккиқат бўлган...

— Шунинг учун пул сўрамоқчимисиз? Маъракага ким чақирди сизни?

— Маъракага чақирмайдилар...

— Бўпти, бўпти! Илтимос, уйимнинг атрофида ўралашманг! Нафаси ўткир экансиз, Зебигул ўлмас эди туғишига оз қолганида! Фожиа ҳам шунақа қўша-қўша келадими?! Ҳе, ўргилдим муллалигингиздан!

— Фикримча, у шифо топганди. Демак, умрига мен зомин бўлмаганман, бўлмасдим ҳам.

— Шифо топганмиди? Э, шунинг учун даладан қайтишда узоқдан кузатиб юрадиган бўлибсиз-да? Уни мен даволадим, энди рози қилиши керак, дегансиз-да? Эй, одаммисиз?! Замон кўтарганда сизни ўлдирардим. Мен учун авлиё йўқ! Каромат кўрсатган одамларни кўрмаганман! Эскилар айтарди, фалон жойда бир мулла сувни тескари оқизган деб! Чувринди, анқов, гўл, саводсиз, авомлар ҳар бало деяверади. Светни шайтоннинг чироғи деган аҳмоқлардан нимани кутиш мумкин? Сизга ўхшаган телбалар ҳозирги одамларнинг ўшалардай бўлишини орзу қилади. Дуо билан иш битганда Иккинчи жаҳон уруши қирқ биринчи йилнинг ўзидаёқ тугарди, милён-милён одам дуо қилган, ахир! Нега одамлар жувонмарг бўп кетди? А?!

— Сиз айтмоқчисизки...

— Айтмоқчиманки, мен бепушт эмасман! Икки

хотиним ҳам соппа-соғ эди! Тирноқдай хизматингиз йўқ, ҳеч нарсадан умидвор бўлманг! Зебигул ўлди, лекин Чеҳранинг бўйида бор! Келгуси йил ота бўламан! Қисқаси, оиламни тинч қўйиб, ҳаётимизга умуман аралашманг!

— Сизга бола керакми? — сўради Бузим.

— Тушунмадим! — Аҳмарнинг кўзлари ғазабдан олакула бўлди. — Нима демоқчисиз бу билан?

— Бола керакми, йўқми, деяпман, холос.

— Устимдан кулма, ҳўв! — сенсиради Аҳмар.

— Сиз отасиз, дўстим, — Бузимнинг кўзида телбалик кўринмас, аммо соғломлик ҳам сезилмас эди.

— Менга қара, энтак-тентак гапларингни йиғиштир! Бундан кейин Қорақишлоққа қадамингни босма! Агар у ёқ-бу ёқни ўйламаганимда, Зебигул икковинг гап бўлганиндаёқ чолдеворингга борардим-да, ўласи қилиб дўппослардим. Ҳе, сендақа муллани!..

— Ҳазабингизни босинг, дўстим! Бир хабар айтмоқчи эдим. Ярим ёмон, ярим яхши. Ёмон томони шундаки, яқин кишингиз икки марта ўлди. Биринчисида, ўлдирилди, иккинчисида ажали етиб, вафот этди.

— Хабарларингни пишириб е! — ўдағайлади Аҳмар. — Валдирама менга! Тушундингми?!

— Сиз бахтсиз эмассиз...

— Ким сенга бахтсизман деяпти?! Чеҳра билан... хотиним билан бахтлиман! Фарзандли ҳам бўламан! Сени эса қайтиб кўришни ҳам хоҳламайман! Эшитаяпсанми, кўргани кўзим йўқ! Ҳеч кимнинг худойисига қадам босмайдиган одам нега Зебигулникига келди ўзи? Касофатингни юқтирмоқчимисан? Кулбангга борганлар ўлди, энам ҳам, Зеби ҳам. Қани, қури бу ердан! Бир нима қилиб қўймасимдан туёғингни шиқиллат!

— Зебигул...

— Айтаяпман-ку сенга Зеби ўлди, деб! — Аҳмарнинг кўзлари қинидан чиқаёзди. — Гапирма уни! “Биринчи ўлим, иккинчи ўлим” эмиш! Бошингни анави симёғочга тўрт-беш марта ур, эсинг жойига тушади!

— Ҳа, майли... Худо сизнинг феълингиз билан менинг тилимни қисди. Марҳумнинг васияти васият, оғайни. Лекин битта илтимосим бор.

Аҳмар тишларини ғижирлатди. Бузим кечаси қабристондаги шарпа унинг ўзи ёки одамларимикан, деган хаёлга борди.

— Ҳақиқатан тентак экансан! — силтаб ташлади Аҳмар.

— Илтимосингни ўзингга ўхшаганларга айт!

— Ўлик чиққан уй эгаси худойига келган одам билан ёқалашиб юрса ярашмас...

— Ўв! — Аҳмар қўлини мушт қилди.

— Ураман десангиз қаршилиқ қилмайман, — Бузимнинг афт-ангориди ўзгариш бўлмади. — Марҳамат! Балки уришга ҳаққингиз бордир. Дунёнинг тубига тушганим сайин ҳақиқатни тополмаяпман.

— Уриш тугул ўлдиришгаям ҳаққим бор! — Аҳмар уни итариб юборди.

— Чеҳра билан бир оғиз гаплашсам, кетаман.

Аҳмар Бузимнинг тирсагидан туғиб, дўнглик ортидаги култепага судраб борди.

— ...гаплашиб олишим керак, — деди Бузим. — Акс ҳолда унга ёмон бўлади, ишонинг, дўстим.

Аҳмар агрофга аланг-жаланг боқди.

— Чеҳранинг бўйида борлигини бекор айтдим сенга! — заҳрини сочди у. — Қасам ичаманки, агар хотинимга ёки қорнидаги боласига бир нима қилсанг, сени сўяман!

— Қўрқма, шахсан мен ҳеч нарса қилмайман. Назаримда, Зебигулни уйингдаги кимдир ўлдирган, ҳа, уйингдаги кимдир.

— Нима? Сен бизни қотилга чиқараяпсанми?

— Йўқ...

— Уни тўк уриб кетди, барака топгур!

— Балки тўкнинг симини кимдир атайин очиб қўйгандир?

— Вой аблаҳ! Сен тухмат қилиб, Чеҳрани қаматишга келдингми? Йўқ, ниятингга етолмайсан! Оилам бузилса,

болам қамоқда туғилса, сени соғ қўймайман! Менинг уйимда одам ўлдирилмаган, эшитиб қўй шуни!

Чеҳранинг акаси уларнинг ёнига қизариб-бўзариб, лабларини ялаганча келди.

— Ие, Бузимми? — кўзларини чақчайтирди у. Бироқ ўзини ниҳоятда сохта тутаётгани ошкора билинди. — Муллани нима қилаяпсан, Аҳмар?

Тракторчи гандираклаб яқинлашаркан, “Бу мулла зўр”, “Урсанг қўлинг ўз-ўзидан синиб тушармиш”, “Нафаси ўтқир экан” деб алжиради.

— Чеҳрани чақириб берармишман, — ерга туфлади Аҳмар. — Жийдазорларда, мазоротларда юравериб, мияси айниб қолибди! Ўзи шунақа писмиқ, мужмал, тентаклар, қачон қарасанг, бировларнинг хотинларини ўйлайди! Хотин керак бўлса, ўзингга ўхшаганга уйлан! Қандайдир муаммоларни ўйлаб топиб, аёлларни ҳайратлантиришни кўзингга кўрсатиб қўяман! Томи кетган дарбадар! Ҳамма аёллар унинг гапларига ҳайрон қолса, шундан ҳузурланади. Хотин-халажни куф-суф қилиб юрганига сабаб ҳам шу.

— Боя сартарошхонада роса ўзига оро берганди. Сабаби бу ёқда экан-да! — Тракторчи кўзларини қисиб, кучанганча қаҳ-қаҳ отди, кулгининг зўридан бўйин томири бўртиб чиқди. Еган-ичгани оғзидан отилиб кетмагани муъжиза эди. Аҳмар ҳам ҳайрон бўлиб қаради қайноғасига.

Тракторчи тўсатдан қаддини ғоз тутиб, Бузимнинг юз-кўзи аралаш калла қўйди. Бузим кулнинг устига ўтириб қолди.

— Бекор бундай қилдинг, — хафа бўлди Аҳмар ва Бузимнинг туришига ёрдамлашди.

— Гапларингни тасодифан эшитиб қолдим, — деди тракторчи ҳансираб. — У Зебигулнинг ўлимини синглимдан кўраяпти! Қанчалар ифлослик! Мелисага оғиз очса, соғ қўймайман! Синглим ҳеч қачон одам ўлдирмайди. Бизнинг уруғдан одамхўр чиқмаган!

Чиқмайди ҳам! Қаматмоқчи бўлганларнинг эса ҳолига вой! Ҳеч нарсасини қолдирмай, молу жонигача йўқ қиламан!

Бузим Гўрхолни бу одамларга бермаслик ҳақида бир тўхтамак келди. “Ёмонларнинг жазоси Оллоҳнинг иродасида”, деди ичида.

## ГЎРХОЛНИНГ ҚЎЛГА ОЛИНИШИ

Бузим шу тариқа Қорақишлоқдан калтак еб қайтди. Бироқ калла қўйишганидан эмас, Аҳмар ва қайноғасининг бир фитнаси борлигидан кўпроқ эзилди. Қолаверса, Кимон ҳақида ҳам ҳеч кимдан сўраёлмади. Бу ҳам кўнглида тугун бўлиб қолди.

Гўрхол иштончасини ҳўллаб, оғиз-бурнидан сув оқиб, чинқириб йиғлаб ётарди. Бузимни кўргач, бағрини ерга бериб, шунақа жазаваси тутдики, қулоқлари шанғиллаган ит кулбадан қочиб қутулди.

Ўша кундан бошлаб гўдак Бузимга аччиқ қиладиган бўлди. У Бузимнинг соч-соқолидан юлар, қўлларидан тишлар, кичкина бармоқчаларини халоскорининг кўзига тикиб олиш ҳаракатида пайт пойлар, тинимсиз равишда “Аа-ууу!”, “Ва-ууу!”, “Вав-вав-ва-а-а!” деган овозлар чиқарарди. Бузим ҳолдан тойган дамларда Гўрхолни болалар уйига топширгиси ёки Чўян аҳлига ташлаб, олисларга бош олиб кетгиси келарди.

Орадан бир ой ўтиб, Чехранинг акаси ўлди. Баайни туғилган кунда трактори кичикроқ ўнгурга ағдарилиб, тумшуғи тикка бўлди. Маст тракторчи тирик қолиши мумкин эди. Темир-терсак тагидан бошини чиқариб, одамларни ёрдамга чақирди ҳам. Аммо моторнинг оғирлигини кўтаролмаган кабина майиша бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг мотор кабинани гижимланган қоғозга айлантириб қўйиши аниқ бўлди-қолди. Ўша атрофдаги бир уйда маърака бўлаётганди. Болалар чопиб бориб, фалокатни эркакларга айтишди. Бир тўда одам

ўнгурга етиб келганида Чеҳранинг акаси мажақланиб ётарди. Кўп ўтмай гап-сўз тарқалди: у Бузимга калла қўйган экан, қарғиш урибди.

— Бехосият Бузим билан ҳеч ким гаплашмасин, кулбасига бормасин! У ҳали кўпнинг бошини ейди, — дейишди одамлар.

Чеҳра учун ҳақиқий жаноза акаси ўлган кунда бўлди. Аёлларнинг айтишича, у ҳадеб ҳушидан кетиб қолаверган. Балки қайтар дунё эканлигини тушунгандир, балки ҳомиладорлиги вазидан дармонсизланган, ким билади дейсиз.

Орадан уч йил ўтди. Зебигул вафот этган куни ярим кечаси Соримтепа қабристонидан эшитилган чақалоқ йиғиси, Чеҳранинг акасининг ҳалокати, Бузим ва унинг жийдазори ҳақидаги афсоналар маъракаларда аввалгидек кўп тилга олинмай қўйди. Бузим ҳам Соримтепа атрофида, Чўян ва Қорақишлоқ томонларда кўринмай қолди. Жийдазорга энди ҳеч ким ўзини ёинки боласини ўқитишга келмасди.

Бу вақтда Бузим одамзот гафлатда қолганидан рози бўлиб жийдазордаги кулбасида дориломон кун кечирарди. Вақт ўтган сайин Гўрхол аразлашни унутиб, ажабтовур қизчага айланган эди. Қилиқлари-ю гаплари уч ёшли қизалоқни эмас, етти-саккиз ёшли қизни эслатарди. Ота-оналар фарзандларини нечун суйиб-эркалашини Бузим юракдан ҳис этди. О, қанчалар масрур дамлар эди! Гўрда туғилган қизча умрбод ёлғизликда яшашга аҳд қилган инсонга бахт берганди. Ундан айрилиб қолишдан қўрққан Бузим жийдазордан ташқарига чиқишни қизалоққа қатъиян ман этганди. Бошқа ота-оналар болаларига темирйўл устида, автомобиль йўлида ўйнашни қандай тақиқлаган, қандай қўрқитган бўлса, Бузим жийдазордан ташқарини шунчалик хавфли кўрсатишга тиришарди. Ўша пайтларда жийдазор шувоқ босган дўнглик, қалин жийдалар ва ковул ўсган жарлиги билан, нари борса, бир гектар келарди. Гўрхол уч ёшигача шу ерни дунё деб яшади.

Одамлар яна жийдазор атрофида ғимирлаб қолишганида, Бузим кулбага уларнинг яқинлаштирмади. Ҳатто қўчқор атаб сўйганларни ҳам қайтариб юборди. “Ҳужрасида ўқимас экан, касалларнинг уйига борармиш”, деган гаплар чиқди. Бузим пул йиғиб, бир хонали уй, ёнига ошхона қурди. Эшик-дерзани мустаҳкамлади. Итнинг қариб қолганини айтмаганда, овлоқдаги оила — Бузим, Гўрхол ва ит бахтли эдилар.

Кунларнинг бирида (ўшанда пахта даласида яғана бошланган бўлиб, ерлар хусусийлаштирилган эди) фермер мардикор ёллади. Мардикорлар ичида жиннитабиат йигит бўлиб, отаси гиёҳвандлик балосидан ўн йилдирки азият чекарди. У жийдазорга тикилиб, бирдан ўрнидан турди.

— Вой энағар! Анави жойдан тутун чиқаяпти! — леди носини тупуриб. — Қаранглар!

— Сўкма, — огоҳлантирди чўянлик йигит, — у ерда Бузим деган авлиё яшайди.

— Бузим? Эшитганман! Шунақа ташландиқ жойда яшайдими? Бир дуоси билан ўлаётган одамни сақлаб қолган, туғмайдиғанларни туғдирган деб эшитгандим, миллионер эмас экан-да?

— Куп пул олмайди, атаганингни берсанг кўнади, ортиқчасини қайтаради.

— “Пахан”имни опкеп ўқитишим керак, индамасам игнага ўтиради.

— Ўқит, лекин бу ерга опкема, Бузимнинг ўзини чақириб бор.

— Нега?

— Ҳужрасида ўқимай қўйган. Сабабини эшитсанг ўлиб қоласан.

— Ўлсам ўламан, айт!

— Жийдазорга кирсанг сирли уйга кўзинг тушади. Бузим билан бирга жинлар ҳам яшайди. Жинлар оддий одамни у ерга яқин йўлатмайди. Бовамнинг айтишича, қаҳратон қишда бўрилар ҳам келармиш, ўзларини ўқитиб кетармиш.

– Бор-е! Гапингни гап деб ишонарканман-да! – Шундай дея мардикор Бузимнинг кулбаси томон жўнади.

– Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман!

– Эҳтиёт бўл, ўвв! Чақалоқ йиғлаганини эшитганлар кўп. Яқинда бола арвоҳи деган гаплар ҳам чиқди. Қоқ туш пайтида жийдазорда сариқ қиз юармиш.

– Сариқ қиздан болалигимда қўрқардим. Ҳозир кап-катта эркакману, ака!

Мардикор огоҳлантиришларга қулоқ солмай жийдазорга жўнади. Қолганлар қизиқсиниш ва қўрқув аралаш қараб туришарди. Пахта даласи тугаб, жийдазорни ўраган кичик шувоқзор бошланди. Бузим шох-шаббани қалаштириб, четан деворга ўхшаш ихота барпо қилган эди. Мардикор минг машаққатда ихотадан ошиб ўтди. Бойликдан қуруқ қоладигандай шошиб олға интилди. Шувоқзордаги ўйдим-чуқурларга йиқилиши мумкин эди, йўқ, кесакларга суриниб юзтубан тушишдан ҳам сақланди. Тақдир шу тентаклиги учун ҳам йигитни мардикорга айлантирган, фермер билан учраштирган, Бузимнинг қароргоҳи ёнига улоқтириб келган эди. Ҳали ҳеч зоғ бундай шиддат ва сурбетлик ила бостириб кирмаган эди жийдазорга.

Тарвақайлаб кетган азим жийда ортидаги эниш жойда мардикорнинг қораси кўздан йўқолди. Бошқалар ҳозир минага учраб портлаб кетадигандай ҳайқиш билан кўз узмай турганларида ногаҳон даҳшатли қичқириқ жийдазордаги қушларни учириб юборди. Пахта даласидаги мардикорлар зўрма-зўраки кулган бўлишди. Қичқириқ иккинчи бор оламни бузганида пахтазордагилар бир-бири билан кўз уриштиришди. Тентак мардикор жўрттага бақираётганга ўхшамасди.

– Юринглар-чи, – деди чўянлик йигит, – у ҳазиллашмаяпти-ёв.

Мардикорлар кетмонларини ташлаб, Бузим жийдазори томон яқинлаша бошладилар. Улар жийдазорга шимол томондан бораётганликлари сабаб ҳадеганда Бузимнинг уйи кўринмади.

— Тутун тўхтади, — деди мардикорлардан бири.

— Тўхтади, — иккинчиси қўрқувдан гезарди.

— Таёқ-паёқ олмадик-да, жўралар!

— Бузим бовага қарши уришмоқчимисан? Таёғинг иш бермайди, ука.

Иҳотадан бирин-кетин ошиб ўтишди. Кимнингдир оёқ-қўли тирналди, кимнингдир шими йиртилди. Худди янтоқлар орасидан илон чиқиб, ҳамла қиладигандек аланг-жаланг боқиб, эҳтиёткорлик-ла бораётганларида чўянлик йигит бир қўлини кўтарди.

— Жим!

Сукунат чўкди. Дайди шамол жийда шохлари орасидан шитирлаб ўтганда, биров:

— Ана! — деди.

Шу пайт тентак мардикорнинг елкаси, боши, сўнг тиржайган башараси кўринди. Унга жин ҳам урмаган, аҳмоқона ҳазил қилган эди.

— Жийдазорнинг ичкарасига киришга қўрқдим, — дея уст-бошини қоқди. — Бақирмасам келмайсанлар-да!

Мардикорлар уни сўкдилар. Кейин қўл силтаб орқаларига бурилишди. Шу он ит ҳургани эшитилиб, ҳамма баравар қаради. Бузимнинг ити ҳақида эшитмаган одам йўқ эди. Ит бўлганда ҳам бузоқдек қора ит. Бироқ мардикорларнинг кўз ўнгида ҳозир жунлари тўкилган, эти суягига ёпишган, паст бўйли қари кучук намоён бўлди. Ҳамма уни қизиқсиниб томоша қилди. Тентак мардикор ҳуштак чалиб чақирди. Ит бечора касалманд эканига қарамай шунча одамга бас келишга ишониб, итларча таваккал қилиб, ириллади.

— Қўйинглар-е, кетдик, — деди чўянлик йигит. — Хосиятсиз жойда ўйин қилмайлик.

— Тўхтанг, яна биттаси борга ўхшайди, ҳайла, ҳайла.

Мардикорлар “қани, қани” деб бўйинларини чўзган маҳал томошани бошлаган мардикор лапанглаб қочиб қолди-да, ўн қадамлар нарида тўхтади.

— Қизча! — дея шерикларига олайиб қаради. — Нима,

кўрмаяпсанларми?! У ерда қизча бор! Алдасам отам ўлсин! Ана!

Шерикларидан яна сўкиш эшитди. Аммо бу гал ҳовлиқманинг гапи ёлғон эмасди. Шувоқлар орасидан бир қизча лип этиб чиқди-да, эмаклаган кўйи ақл бовар қилмас чаққон югу, иб, итнинг ёнига келди ва унинг панасидан одамларга еб қўйгудек тикилди. Агар Бузимга ўқитишга келган ота-онанинг қизчаси бўлса, шу ёшида ит билан жийдазорда ёлғиз ўйнаб юриши ҳақиқатга тўғри келмасди. Агар ёввойи бўлса, бор-йўғи бир гектар чиқадиган жийдазорда Бузим ҳамда аҳли дунё беҳабар ҳолда Маугли каби яшаши ҳам ҳақиқатдан йироқ эди.

— Ки... ким... кимсан? — сўради чўянлик йигит. — Мулла бованикига келдингми?

Қизча уларга ўтқир нигоҳини қадаб, кафтининг тескари томони билан бурнини артди, бир оғиз гапирмади. Шу ўтиришида у бўри боласини эслатарди. Сўнгра оғзига кирган шувоқ баргини ғазаб билан туфлаб ташлади-да, қаддини секин ростлаб, гик оёқда турди. Мардикорлар унга бошдан-оёқ кўз югуртириб, мурдадек оқариб кетишди. Жмитдеккина қизалоқнинг баданидаги ўнча жароҳатда қон қотиб қолган бўлиб, ҳар бирида илоннинг қуриган териси — оқиш ҳарир пўстлоқ энгил шамолда ҳилпирамоқда эди. Юз-кўзида на азобдан, на йиғидан асар сезиларди. Мардикорлар бир нафас ҳайкалдек қотдилар. Ниҳоят, чўянлик йигит:

— Сенга нима бўлди, сингилча? — деди қалтираб.

Қизча:

— Ҳеч нима! — дея чийилдоқ овозда жавоб берган эди, кути учган мардикорлар баравар сесканиб тушишди. Бузимнинг ити эса заиф ириллаб қўйди. У қари итдан кўра қартайган одамни эслатарди. Кўзларида “Ҳаҳ, безорилар-а! Жийдазорда нима қилиб юрибсанлар?” деган маъно зуҳурланган эди.

— Кимнинг қизисан? — бир оз энгил торгди чўянлик.

— Ишинг бўлмасин! — жавоб қайтарди қизча ва яна бир марта бурнини артди.

— Вой... ёмон экан-ку, — тилга кирди томошани бошлаган мардикор. — Одам қўрқади-ей, бундан!

— Сен ўзинг ёмонсан! — қизча шундай ўқрайдики, мардикорнинг юраги орқага тортиб кетди. — Мендан эмас, Худодан қўрқ!

Йигитлар кўз уриштириб, ёқаларига туфлашди.

— Юринглар, ота-онасига олиб борамиз, — деди бири.

— Бузим бова хужрасидами? — Чўянлик йигит қизча сари бир қадам ташлади. — Оёқ-қўлнинг бунча қонаб кетибди?

— Қонаб кетгани йўқ!

— Эса, нима қилди ҳамма жойингга?

— Илонларнинг қуриган терисини молнинг қони билан елимладим, аҳмоқ! Шуни ҳам билмайсанми?

— Ё тавба, нега елимладинг?

— Сенинг ишинг бўлмасин!

— Жаҳлинг ёмон экан.

— Ҳаммасига ўзим айбдорман, тушундингми?

— Тушундим, лекин нега сен айбдорсан?

— Кинода шунақа дейди, жинни!

— Э, узр, — ғарибларча илжайди чўянлик. Қаршисидаги қизча “р” товушини қийналмасдан талаффуз этиш у ёқда турсин, ўзини қўрқинчли кўринишга солган бўлиб, илонлар ҳақида ҳам, панд-насиҳат бобида ҳам устамон эди чоғи. Ғаройиб воқеа шоҳидлари фаҳмладиларки, у оддий қизча эмас: ё жин, ё бола қиёфасига кирган жодугар.

— Бузим бова жийдазорда эмас, — деди югуриб келган бир бола дала уватидан. — Эрталаб ўнинчи бригададаги тут ёқалаб кетиб бораётганди. Бу қизчани тунов куни биз ҳам кўргандик. Укам икковимизга ҳеч ким ишонмади. Ана, кўрдиларингизми?! Биз алдамадик.

Мардикорлар орасидан турли овозлар эшитилди:

— Ёввойи қизга ўхшайди!

— Ёввойилар қолибдими ҳозирги замонда!

— Ушласанг-чи уни!

— Аввал итига таёқ отиб, ҳайдаб юбор!

— Бор-е! Сенга керакми, сен ҳайда-да!

Чўянлик йигит қизчага қарата кўрсаткич бармоғини ликиллашиб, “Бери кел!” ишорасини қилди-да:

— Конфет бераман! — деди.

Қизча бошини оҳиста чайқаб, итни силади. Жонивор қизчанинг нима демоқчилигини англади ва иккаласи ортга тислана бошлашди. Мардикорлар дарҳол ярим доира ҳосил қилиб, уларга яқинлашишди. Қизча ҳам, ит ҳам вақт борида қочиб қолишни ўйлаётган эди. Садоқатли ит қоқсуяк вужуди билан қизчани бекитишга уриниб бутазорга чекинди. Жийдалар тагини қоплаган қалин буталар жонларига оро кирди: худди тажрибали қочқинлардай бир зумда кўздан йўқолдилар. Шу заҳоейиқ сукунат чўкиб, шитир этган овозни ҳам эшитмадилар.

— Ажинами, нима бало?! — деди мардикорлардан бири. — Оғзимиз қийшайиб, шайтонлаб қолмасимиздан кетайлик бу палакат жойдан!

— Ушлолмасам умрбод ўзимни сўкиб юраман, — шовқин кўтарди ҳовлиқма мардикор ва буталар орасини патир-путир ёриб ўтди. — Ер ютдими? Қани улар?

Балки ит ва қизчанинг изини топармиди, аммо пахтазор оралаб келаётган қорага кўзи тушган уватдаги бола:

— Бузим!.. Бузим бова келаяпти! — деб қичқирди.

Барчанинг юзига ташвиш аломатлари балқиб чиқди. Бузим уларни олисдан кўрган эди ва ҳаддан ташқари шошаётганини тушуңса бўларди. Шунча йилдан бери жонажон жийдазори ёв ҳужумини кўрмаган эди-да.

Мардикорлар бирин-кетин ихотадан ошиб ўтишди-да, пахта даласи этагига тўпланиб, ер чизишди. Яна бир дақиқа кутишгач, катта-катта кесакларга орқа бериб, ҳорғин чўкдилар.

— Чатоқ одамми? — шивирлади бирови.

— Йўқ, лекин ўзи йўқлигида жийдазорга кирган одамни жинидан ортиқ ёмон кўради, — деди чўянлик йигит. — Жийдазор унинг уйи, хотини, бола-чақаси, мозори.

— Сал экан-ку, — пичинг қилди машмашани бошлаган мардикор.

— Кечирасану, — зардали сўзлади чўянлик, — Бузимнинг биргина лаънатлаши бутун бир оилани йўқ қилиб юборган. Бир неча йил аввал қандайдир тракторчи унга калла қўйганида, қирқ кун ўтмай, трактор-практори билан абжағи чиқиб ўлган. Яна факт керакми?

— Керакмас! Оёғига ётиб, узр сўрайман, жўра, — ҳиринглади мардикор.

Бузим улардан ўттиз қадамлар наридан ўтиб кетди. Одатига хилоф равишда мардикорларга еб қўйгудек тикилиб, саломларига алик олмаган эди, ораларидаги кўнгли бушлар “тамом, ҳаммамизга қарғиш тегди” деган гумонда калимасини қайтаришди.

— Индамадими, биз ҳам жимгина ишимизга жўнайлик, — деди чўянлик.

Кўп ўтмай атроф-жавонибдаги қишлоқларда Бузим шайитида яшайдиган уч ёшлардаги фаройиб қизча ҳақида гап тарқалди. Гувоҳларнинг ҳикоялари маъракадан маъракага, қишлоқдан қишлоққа, мактабдан мактабга яшин тезлигида тарқалди. Бахтга қарши туманда уч ёшлардаги қизалоқ йўқолган бўлиб, йиғлайвериш кўзи кўр бўлаёзган ота-она қаердан нима хабар эшитса, чопиб боргучи эди. Янги миш-мишлар қулоққа чалинган куниеқ бир мошин бўлиб Чўянга келишди.

— Бузим дегани анави пахтазор этагидаги кўриниб турган тутлардан кейинги бригаддаги жийдазорда яшайди, — деди оқсоқол уларга. — Пахтазор оралаб икки-уч чақирим юриш керак. Миш-мишларни кўп эшитдик, бечора Бузим бола ўғриси эмас-ов. Яна ким билади дейсиз.

— Бекорга овлоқдан уй қурадимиз? Унинг бир сири борки, элдан яшириниб яшайди! — дод-вой солди онаизор. — Бизни бошлаб борингизлар! Бўлмаса, мелиса чақиртириб, сизларни ҳам безовта қилиб қўямиз, ака!

— Ҳайдангизлар қани! Бир гап бўлар, — розилик берди оқсоқол.

Оқсоқолнинг “Москвичи”и билан меҳмонларнинг “Жигули”си вангиллаб, лўкиллаб, йўлнинг яримини амаллаб босиб ўтди. Ғўза суғорилаётгани учун йўлнинг у ёғини сув босган, ариқлар қазиб ташланган эди. Машиналарни тутнинг тагида қолдириб, даланинг ўртасидаги қуруқ эгатдан пиёда йўл солдилар. Бузим хусусидаги ҳар қандай қўрқинчли афсона, илоҳий кароматлар ҳозир одамларни қизиқтирмасди.

Иҳотага етгач, бирдан тўхташди. Негаки, иҳота ортидаги шувоқзорда Бузимнинг ўзи қад ростлади.

— Ассалому алайкум! — деди “Жигули”нинг ҳайдовчиси бор овозида. — Узр, меҳмон олиб келаяпман!

Бузим паст товушда алик олди. Йўқолган қизчанинг онаси Бузимга эмас, ҳайдовчига нафратомуз боқди. Кейин Бузимга нигоҳини бурди.

— Қизим қани? — деди сафни ёриб чиқиб. — Қани деяпман?

— Қандай қиз ҳақида гапираяпсиз? — ҳайрон қолди Бузим.

— Шу ерда кўрганлар айтди! Агар уйингизга бизни қўймасангиз, ўзимиз ўтамиз!

— Қизингиз йўқолдимми?

— Ҳа, уч ярим ёш!

— Нега у жийдазорда бўлади? Қаерликсиз?

— Усмонтўпданмиз! Исми Робия! Йўқолганига бугун икки ҳафта бўлди.

— Қасам ичиб айтаманки, сиз йўқотган қизча бу ерларда йўқ.

— Ишонмайман гапингизга!

— Мен ёлғончи эмасман.

Аёл атрофидагиларга бақирди:

— Нимага анқаясизлар? Манави ўтинларни четга суруннгизлар! Уйини ўз кўзим билан кўрмасдан ҳеч қаёққа кетмайман!

— Тўхтанг! Катта хато қилаяпсиз! — яқинлашди Бузим.

Кўпчиликнинг ваҳмини келтирган авлиё касалманд эканлиги, эрта қаригани, нимадандир ҳаддан ташқари безовталиги маълум бўлди.

— Қизим шу ерда! — чинқирди аёл. — Нимага қаққайиб турибсизлар?!

Одамлар ихотани бузиб ташлашди. Бузим уларнинг йўлини тўсишга беҳуда уринди.

— Яхши одам халқдан қочмайди, — деди йўқолган қизчанинг отаси. — Халқнинг йўлига ҳам чиқмайди. Қизим уйингиздан топилса, сиз хато қилган бўласиз! Топилмаса, биз узримизни айтамыз, мулла бова!

— Мен мулла бовангиз эмасман! — изидан ҳаллослаб эргашди бечора Бузим.

— Хўп! Авлиё бова десам, кўнасимми?

— Авлиё ҳам эмасман.

— Мени кечиринг! — дарғазаб ота ўз кўксига муштлади. — Боламнинг дарагини эшитиб, шу ерга келдим! Унинг дарди олдида ҳеч кимни танимайман, кимлигига қизиқмайман ҳам!

— Болангиз уйимда бўлганида, қандай қилиб “йўқ” дейман, биродар! — куйиб-ёниб гапирди Бузим. — Алдасам, ҳозир борасиз, ёлғончига айланаман-ку!

— Бўпти! Шунинг учун бораяпмиз-да! Ким ҳақ эканини исботлаш керак!

Лойсувоқ уйнинг остонасида Бузимнинг ити ўлиб ётарди, қорни ич-ичига ботган, тўкилган жунлари орасидан қовирғалари саналган.

— Ит... — зорланди Бузим. — У ўлдими?

Келганларнинг нигоҳлари итнинг бошида ўтирган қизалоққа қадалган эди. Тузуккина кийинган қизча ҳадиксираётган бўлса-да, Бузимнинг ҳам шу ердалиги учунми, қочмади.

— Қачон ўлди? — сўради Бузим ундан. — Нега мени чақирмадинг?

Қизчанинг кўзларидан маржон-маржон ёш думалади. Бузим итнинг жасадига энгашмади. Қизча ўрнидан дик этиб турди-да, чопиб келди. Бузим бағрига босиб, пешонасидан ўпиб, юпатган бўлди.

— У менинг қизим, исми Гўрхол, — деди Бузим. — Тақдирнинг ўзи менга совға қилган. Сизларнинг

қизларингизни билмайман. Уни бошқа жойдан ахтаринглар, илтимос.

— Ҳа, бу менинг болам эмас, — дея аёл ичкарига отилди.

Бошқа ҳеч кимни тополмай чиқди.

— Мендан бунчалик шубҳа-гумонга боравермасангиз... — нолиди Бузим. — Бола ўғирлайманми? Бир дона игнага хиёнат қилмаган одамдан гумон қилиш...

— Нега гумон қилмас эканман! Менга болам керак, болам! Мана шундай эди... шу қизчадай эди... — ҳўнграб юборди онаизор.

Эркаклар уй ичкарисини текширмадилар ҳам. Вазифалари жабрдийда онани олиб кетишдан иборатдек олдиларига солиб йўлга тушдилар. Пахтазор аро бир аёлнинг нидоси қолди. Бузим унинг овозини Зебигулчикига ўхшатди. Зебигул қабристондан чиқиб шу кенг далаларга сингиб кетган, ҳозиргина келган ожизанинг овозига ўзиникини қўшиб узоқ-узоқларга узатган эди гўё.

— Гўрхол, — деди Бузим ерга ўтириб қоларкан, — сен одамлар орасига қайтадиганга ўхшайсан. Ҳадемай бу ерни милиция босади. Чунки ҳалигилар сени кўрганликларини албатта айтадилар. Майли, нима ҳам дердим. Улар сен ўйлаганчалик ёмон одамлар эмас.

— Мен ҳаммасини ҳайдавораман, — жажжи қўлчаларини мушт қилди гўр қизи.

— Йўқ, уларга қарши курашмасликка сўз бер!

— Сўз бермайман! — тумшайди Гўрхол.

— Вақт-соати келиб, сени одамлар орасига қўшмоқчи эдим, афсус, кутилмаганда улар сенинг борлигингни билиб қолишди. Етти ёшингда мактабда ўқитмоқчи эдим, ишон!

— Мактаб-пактабда ўқимайман!

Бузим синиқ жилмайди. У йўлнинг интиҳосига етган каби ҳис этмоқда эди ўзини. Ўн йил аввал бир неча участка нозирларига чап берган эди, энди эса иложи йўқлигини тушунди. Бузим уч йил бурса Гўрхолни

фарзандликка олган экан, қани ҳужжати? Нега уни уч йил эл-улусдан сир сақлади? Чақалоқнинг ҳақиқий ота-онаси ким? Оvloққа ташлаб кетишга нима мажбурлади уларни? Балки қизалоқ ростдан ўғирлангандир?

— Олисларга қочиб кетолмайман, — ўз-ўзига сўзлади у. — Итни кўмаман. Ҳозир қиладиган ягона ишим шу. Ит бечора бу айрилиқни кўрмай кетди. Кўрмагани ҳам яхши.

Тушдан сўнг Бузим ва Гўрхол чой ичишга ўтирдилар, тушлик қилиш эсларидан чиқиб кетган эди.

— Масала пишди, — деди Бузим. — Ўзи нега ўша куни ўт ёққандинг, Гўрхол? Эшитишимча, пахта даласида ишлаётганлар тутунни кўргандан кейингина жийдазорга киришган. Ўт ёқма, жийдазордан чиқма, деб сенга тайинлабмидим?! Ақлли қиз бўлганинг учун, дорбозларни томоша қилдирганман, вокзалларни кўрсатганман, бозорлардан кийимлар олиб берганман.

— Тушимни айтишга қўрққандим, — бош эгди қизча.

— Тушингда нимани кўрдинг, оппоқ қизим? Қўрқма, айтавер! Кимдир ўт ёқсанг, раҳмат айтаман, дедими?

— Бир йигит келди, — деди у. — Туманли тун экан, совуқ, жудаям совуқ. Мен умуман совқотмабман. Йигитнинг жўралари шунчалик кўп экан, айримларининг оёқлари бўриникига ўхшармиш. “Ҳаммамиз гўрда туғилганмиз, — дебди у, — лекин фақат сен қизлардансан”. Бирдан уйғониб кетдим. Ўт ёқсам, ҳаммасидан қутуламан, деб ўйладим.

— Гўрда туғилгансан, деса, ишонавердингми?

— Тушим эди, ўнгим эмас, ота.

— Унда нега ўнгингда ўт ёқдинг?

— Менга шундай туюлса, нима қилай? — Гўрхолнинг кўзлари чақнади.

— Ҳаммасидан қутулиш учун ёқилган олов аслида қўлга тушиш бўлиб чиқди.

Хулласи калом, Бузимнинг жийдазориде яшайдиган Гўрхол исмли қизалоқ ҳаммага маълум бўлди. Эртасига туман ички ишлар бўлими ходимлари икки машинада

келдилар. Бузим ва қизча уйда йўқ эди. Милиция овчаркаси жарлик томон вовиллади.

— Улар анави ёқда! — деди гуруҳ бошлиғи. — Кетдик! Бизни узоқдан кўриб, қочиб қолган шекилли. Эҳтиёт бўлинглар! Қизчага зарар етмасин!

Милиционерлар қалин жийдазорнинг нариги чеккасидаги жарликка етгунларича, юз-қўллари тирналиб, шапкалари бошдан учди. Очиқ жойга чиққач, таққа тўхтадилар. Жарлик лабидаги ковуллар орасида Бузим бош эгган кўйи тиззалаб ўтирарди. Шу ўтиришига қараганда, бир фалокат юз берган эди.

Ит вовиллади. Милиция ходимлари югурдилар ва Бузимнинг билакларидан тутдилар. Ўрнидан турғизишгандан кейингина Бузим забт этувчиларга қизарган кўзларини тикди.

— Қизча йўқ! — жарликка аланглади сержант.

— Пастга тушамиз! Анави ерда ковакни кўраяпман! — деди иккинчиси.

— Тан олмайман деб хомтама бўлманг, қани у? — тергади бошқа бир ходим Бузимни.

— Нега тан олмас эканман? Гишт қолипдан кўчди, — деди Бузим. — У менинг асранди қизим. Уйимда уч йилдан бери яшайди. Исми Гўрхол. Елкасида холи бўлгани учун шунақа от қўйганман. Фарзандим йўқ эди, Гўрхолни топган куним ота бўлдим.

— Уни топганмисиз, бошқа йўл билан келиб қолганми, ҳали бўлимда кўп гаплашамиз. Ҳозир бизга қаердалигини айтинг!

Жарликка тушганлар дарҳол қайтиб чиқишди. Қизчанинг изини топишга овчаркани сафарбар этишди.

— Сизларни кўриб шу ёққа қочди. Жарликдан ўтиб, ҳув анави ёқда кўздан йўқолди. Мен касалман, қувиб етолмадим.

— Уйлаб гапираяпсизми? Қанақасига уч ёшли қизча ковул босган жарликдан ўтиб, қочиб кетади?

— У оддий қизча эмас, гайритабиий хислатларга эга.

— Биз жийдазорга афсона тинглашга эмас, хизмат

вазифамизни бажаришга келдик, — деди ходим аччиқланиб.

— У ҳолда хизмат вазифангизни бажариб, қизимни ушлаб беринг, илтимос, — Бузим янада маҳзун тортди. — Акслиги тутиб, қочиб юраверса, жондор-пондор чақиб олмасин, дейман-да. Болани ўғирлаган деб ўйлаяписизлар, сизларни ҳам тушунаман. Менинг битта хатойим — Гўрхолни қонуний фарзанд қилмаганим. Энди сизларнинг баҳоналарингизда, ҳужжатини тўғрилайман.

Орадан уч соат ўтгач, милиция ходимлари ҳолдан тойишди. Улар пахта даласи-ю тиканзорларни, ит тушишга сесканадиган тор жарликларни тинтув қилишга тайёр эмасдилар. Уст-бошлари чангга беланиб, қоринлари пиёзнинг пусти бўлди. Бузимни туман ички ишлар бўлимига олиб кетишга, жийдазорга қўшимча гуруҳ жўнатишга, атрофдаги қишлоқлардан кўнгиллилларни чақиришга қарор қилишди. Овчарка қизалоқнинг изини топган бўлса-да, пахта даласидан жарликка оқиб тушаётган бир ариқ сув — лойқа шаршара бўйида йўқотиб қўйди. Ариққа йиқилиб ўлиб қолмадимикан, деган ҳадик ҳам уйғонди. Ариқ бир чақирим наридаги сойга қўшилларди. Сойдан жасадни ахтариш учун икки-уч кун вақт керак эди.

Туман ички ишлар бўлими терговхонасида Бузимнинг шахсини аниқлашди. Майор ҳам келди.

— Ҳуш, исм-фамилияси нима экан Бузим деганларининг? — хонага кирган бошлиқ стол устидаги қоғозга қаради. — Муҳаммадиев Баҳодир Умархонович. Туғилган йили... Туғилган жойи... ҳм-м... Уйдан қачон чиқиб кетгансиз? — Бузимга кўз қадади у. — Мени алдашга уринманг. Шахсингизни қандай аниқлашган бўлса, бошқа маълумотларни ҳам тез орада, ваъда бераман, шу бугун столимга ташлашади. Қизчани ҳам топишади.

— Топишин, илойим, — юзига фотиҳа тортди Бузим. — Уйни ташлаб чиққанимга йигирма беш йилдан ошди. Етти йилга яқин узлатда яшадим, кейин ғордан чиқиб, бир неча йил дарбадарликда турли вилоятларда

гоҳ чўпонга, гоҳ овчига ёрдамчи бўлиб юрдим. Охири чарчадим. Бузим шайитига келиб, бир умр қолишга қарор қилдим. Халқ менга жойнинг номини берди. Тинчимни бекорга буздингизлар, биродарлар! Кўрасиз, жиноятчи эмаслигим исботланади. Гуноҳдан қўрқан одам жиноятга қўл урмайди. Жиноятга қўл урган одам гуноҳкор. У кимгадир ёрдам бериш учун қилган бўлса ҳам.

— Жийдазорга қайтиб бормайсиз, — деди майор.  
— Тўғриси айтсам, бизнинг йигитлар бир неча дарбадарларни ушлаб, уйларига қайтаришган. Улар ниёнисталик оқибатида қип-қизил дайдига айланганлар эди. Сиз эса эски замонлардагидек ичмасдан, чекмасдан гаркидунё қилибсиз. Авлиёлар, шайхлар, девоналар, мажнунлар ҳақида ўқигандим. Ҳозирги замонда шунча вақт қўлга тушмай яшаганингизга ажаблანаяпман, гарчи бунда участка нозирларимизнинг айбини кўраётсам ҳам.

— Мен учун ҳеч кимни айблamanлар, — Бузим бош эгди.

— Сиз образга кириб қолгансиз. Муаммонгиз шуки, образдан чиқолмаяпсиз.

— Қанақа образ?

— Дунёдан кўнгли совиган, ҳаммадан хафа шахс образи. Аслида тузуккина инсонсиз. Образга тақлидлик кўпларнинг бошининг ейишини биздан сўранг. “Мен гаркидунё қилганман, холос” деёлмайсиз. Чунки уч йил олдин қаердандир чақалоқ топиб, ташқи дунёдан узгансиз-да, ўзингиз хоҳлаганча “тарбиялагансиз”. Образингизнинг бундан ҳам хавфли, зарарли жиҳатлари терговда очилади, деган умиддаман. Опкетинглар уни!

Бузимни алоҳида камерага қамаб қўйишди. Кўшни вилоятдаги чекка туманга терговчи юборишди. Терговчи ўша тумандаги ички ишлар бўлими ходимлари ёрдамида Бузимнинг она қишлоғидан унинг ўтмишига доир маълумотлар тўплаши лозим эди.

Кечқурун Бузимни яна терговхонага киритишди.

— Қариндошларимга мен ҳақимда хабар бериб

бекор қиласизлар, — хўрсинди Бузим. — Улар учун ўлганман. Қизимни топиб берсаларингиз, у билан бирор қишлоқда одамлардек яшашга ваъда бераман. Ёмон тарбияламаганман. Ойда бир марта кечаси жийдазордан чиқиб, тонг отгунча тепаликда ухлардик. Сўнгра бекатга тушиб, шаҳарга борардик. Бир неча кун ижара уйда яшардик. Кино тугул театрға ҳам олиб кирганман. Яқинда ҳарф ўқитишни бошламоқчи эдим. Етти ёшга тўлса, мактабга қўярдим. Дарров ҳукм чиқариш яхшимас. Оталикка нолойиқ деб ўйласаларингиз адашасизлар. Чақалоқни бир парча этлигидан кап-катта қизча даражасигача ўстирган бир банда нега оталикни давом эттиролмади? Уни мактабга бераман, институтда ҳам ўқитаман. Вақт-соати келса, оила қуради.

— Тарбия беришингиздан хулосаки, — деди майор, — у сиздан бошқа ҳаммани ўзига душман ҳисоблайди. Жарлик, тошқин сув, ковак, қоронғилик, қор-ёмғир — ҳеч нарсага қараб ўтирмай ёлғиз яшашга интилади. Бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Сиз уни зулматда яшашга ўргатиб, ағайлаб қочириб юборгансиз. Худо кўрсатмасин, агар ўн саккиз ёшлардаги бақувват, эпчил, қуролланган қизга айланса борми, одамлар ҳалок бўлиши турган гап.

— Ким уч ёшли қизчани зулматда яшашга ўргата олади? Ахир, бу ақлга сифмайдиган иш-ку! У чақалоқлигидаёқ гаройиб эди. Кароматларини ўз кўзим билан кўриб мен ишоналмаганимда, сизлар қаёқдан ҳам ишонардингиз.

— Менга қаранг, ўртоқ авлиё! — столни муштлади майор. — Агар уни бирор жойга тириклай кўммаган бўлсангиз, соғ-омон топилса, ҳеч қачон тарбиянгизга бериб қўймаймиз. Уни тарбиялайдиган меҳрибонлик уйлари, томи кетмаган тарбиячилар бор! Эртагача қизчанинг дараги чиқмаса, сиз нафақат бир неча йил аввал гўдак ўғирлашда, балки уч ёшли қизалоқни ўлдиришда ҳам айбланасиз.

— Мен қонхўрни тарбияламаганман! Ўзим ҳам қонхўр эмасман! — зор қақшади Бузим.

Кечки соат ўнда қидирувни тўхтатишди. Гўрхолнинг шаршарагача қочиб боришига, сув бўйида атайин изини йўқотишига, олисларга отланишига ҳеч ким ишонмади. Икки тахмин кучда қолди: қизча ё сувда оқиб кетган, ё Бузим бирор ўрага яшириб қўйган.

— Тергов изоляторига юбориш керак, электрошок билан қийнашса, қаерга яширганини айтади, — деди дарғазаб капитан.

— Йўқ, — деди бошлиқ, — гап шу ерда қолсин, бу чол рост гапираётганга ўхшайди.

Эрталабки саккизда жийдазордан ўн беш чақиримлик доирадаги жамики қишлоқларга милиция ходимлари жўнатилди. Ўн олти чақирим наридаги дамбагача чўзилган сойдан жасадни ахтаришга йигирма кишилик гуруҳ тузилди. Атрофдаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ва қишлоқ кўнгиллиларидан иборат, тахминан, икки юздан зиёд ахтарувчи ҳар бир тутзор, шийпон, ҳовли, омборхоналарни кўздан кечиришга киришдилар. Вилоят марказидан қўшимча итлар келтирилди. Бузим жийдазорининг ҳар бир қаричи синчиклаб текширилди. Фаройиб қизча на ерда, на кўкда бор эди. Яна бир тергов гуруҳи тузилиб, уларга уч йил ичида йўқолган гўдакларнинг рўйхати ва фотосуратлари, шунингдек, уч йил бурун чақалоғи вафот этганларнинг таржимаи ҳоллари, ҳомиладор бўлиб қолган қизлар ҳақида маълумотлар тўплаш топширилди.

Фермернинг даласида ишлаган мардикорларни ҳам келтиришди. Болалигидан милициядан қўрқиш руҳида тарбияланган шўрлик мардикорлар уйларига ола-чипор кийимдаги милиция ходимлари келиб, машинага босиб кетишгач, “ўлдик” деб ўйлашди. Хотинлари йиғлаб, болалари бўзлаб, қишлоқлар қий-чувга тўлиб қолаверди.

— У шунчалик тез кўздан йўқолдимми? — сўради майор мардикорлардан.

— Ҳа, лип этиб йўқолди, — дейишди йигитлар. — Биз саккизта эдик, ҳаммамиз тоғни урса талқон қиладиганлармиз, лекин ундан қўрқдик, орқасидан

чополмадик. Ҳаммаёғи қон эди. Қонга илон пўстлари ёпиштирилганди. Қизча баданига молнинг қонини суртиб, илон пўстларини ўз қўли билан ёпиштирганини айтди. Ишонасизми, у қочиб қолганида, жийда тагидаги буталар шитир ҳам этмади. Худди арвоҳга ўхшарди.

— Тўппа-тўғри, бутанинг орасига ўзини урди-ю ит-пити билан гум бўлди, — шерикларининг гапини маъқуллади ўша машмашани бошлаган мардикор. — Битта мен бир оз ичкарироққа кириб, у ёқ-бу ёққа қарадим, қизча ҳам, ит ҳам кўринмади. Ёмон сескандим. Қандайдир, сиз Бузим бованинг гапига ишонманг. Қизча уч ёшда эмас.

— Неча ёшда? Бешдами?

— Камида ўн еттида.

— Қанақасига? — жиғибийрони чиқди майорнинг. — У ерда ёш бола бўлган, ҳеч ким катта қизни кўрмаган. Ё сен учратганмидинг?

— Кўринишидан уч ёшли бўлса ҳам, аслида ёши катта. Эҳтимол, элликдадир. Бузим бова жодудан хабардор. Иссиқ-совуқ, кинна-пинна қилиш, жин ҳайдаш — бундай ишлар у кишига чўт эмас. Менимча, бирор бечорани жодулаб, уч ёшли қиёфада кўринадиган қилиб қўйган.

— Ҳамманинг мияси айниб қолган! Қайси асрда яшяпмиз ўзи?! — фиғони фалакка ўрлади майорнинг. — Қани, қури баринг бу ердан!

— Раҳмат, раҳмат, — мардикорлар ички ишлар бўлимидан чиқиб, деҳқон бозоридаги кабоб тутуни буруқсиётган ошхонага кирдилар-да, милициядан эсон-омон қутулганлари шарафига икки сихдан кабоб, пиёзли салат, битта нон ва икки шиша ароқ буюришди.

— Қизча ҳақида лоф уриш керак эди, — деди машмашани бошлаган мардикор икки пиёла ичгач. — Ўлсин, мелисалар роса ваҳима билан изласин ўша қизчани!

— Гап тарқатиш қочмайди, — кулди мардикорлар.

Яна бир кун ўтди. Гўрхоннинг тириги ҳам, ўлиги ҳам чиқмади. Бузим ҳибсда сақланаётган туман ички ишлар

бўлими олдига кечқурун иккита машина келиб тўхтади. Давлат рақамларига қараганда, иккаласи ҳам қўшни вилоятдан келганларники эди. Ҳайдовчилар ўттиз ёшлар атрофида, йўловчилар эса эллик-олтмишларни уриб қўйган уламолардек кийинган савлатдор, жиддий, босиқ кишилар эди. Ароқ ичмайдиган, сигарет чекмайдиган, яхши овқатланадиган, суякдор, иликдор қавмдан экани аён эди. Улар милиция бўлимига ҳам салобат-ла қадам қўйишди. Ходимларга худди мактаб ўқувчиларига ёинки шогирд болаларга мурожаат қилаётгандек меҳр ва сал кибр билан нигоҳ ташлаб, бирма-бир саломлашиб ўтдилар. Терговчилар уларни маҳбуслар сақланаётган тош камералар жойлашган йўлакка туширишди. Шу ердаги катта, чароғон хонага ҳаммалари киргач, соқчи Бузимни бошлаб келди.

— Баҳодирхон! Акажон! — ўрнидан туриб Бузимнинг қучоқлаб олди ёшроғи. — Оллоҳга шукр, тирик экансиз!

Бошқалари ҳам касалманд маҳбусни бир-бир кучдилар.

— Баҳодирхон иним!

— Жияним, қаерларда юрибсиз?

— Наҳотки, бу ўзимизнинг Баҳодирхон бўлса! Кўзларимга ишонмайман!

— Ҳа, чорак аср ўтса ҳам кўзлари ўзгармабди!

— Раҳматли Умархон акамизнинг кексалигини кўраяпман, биродарлар!..

Бузим қариндошлари билан унсиз қучоқлашди.

— Бундан кейин ҳам ўз ҳолимча яшамоқчиман, — деди у суҳбат охирида. — Мени олиб кетиш учун овора бўлишларингизнинг кераги йўқ. Жуда ёрдам бергиларингиз келса, қизимни топганларидан кейин қонуний фарзандликка олишимга ёрдамлашингизлар. Булар мени савдои деб ўйлашяпти. Ҳеч кимни “болам” демаганман. Шу.. Гўрхолдан бошқа... Илтимос... Ақл-ҳушим жойида...

— Қиз ўлган деган тахмин бор, — атрофдагиларга бургут қараш қилди соқолли қариндош. — Тирик топилса бўлди, ёрдам биздан. Аммо-лекин, Баҳодирхон, гапни тескари

олма. Қизинг икковинг қишлоққа қайтасан, ҳамма шароитни тўғрилаб берамиз. Худога шукр, фермамиз, цехларимиз, дўконларимиз ишлаяпти. Ўтган йили Ҳажга бордим. Хоҳласанг, келгуси йил сени ҳам юбораман.

Бузим полдан кўз узмади. Унинг қорайган, ажин босган, яноқ суяклари бўртиб чиққан юзидан қандай маънони уқишни билмасди киши. Пиёнисталарга ҳам, шайхларга ҳам ўхшамасди.

— Йўқ, мен Ҳажга нолойиқман, — букчайди у. — Сиз берадиган шарт-шароит ҳам баҳойим эмас, амаки... Баҳойим паст, жуда-жуда паст...

— Ўша воқеадан кейин кимдан уялдинг? Ҳамқишлоқларингданми? Ахир...

— Бузим шайитига тақдир шамоли учириб келди. У ерда кўп воқеаларни кўрдим. Ҳаётимдаги қайси ип чувалашган бўлса, ўтган йиллар мобайнида ҳар бир калаванинг ўз учи топилди.

— Нима учун дунёдан воз кечаётганингни ўйлаб одам даҳшатга тушади, Баҳодир! Сени дунёга нима боғлайди ўзи? Инсоний туйғуларми ё ҳайвонларда ҳам бўладиган зоҳирий нафсми? Кимлардир нафс туфайли рисоладаги, соғлом, бола-чақали эркак ҳолатида шарманда бўлаяпти, сенинг воқеанг шармандалик эмас-ку, ука?!

— Бу мавзуда гаплашишни бас қилайлик, — деди Бузим полдан нигоҳини кўтариб. — Мен дунёдан узилмаганман. Одамлар дунё эмас. Сизлар билан бир маҳаллада яшашдан кўра Гўрхол эсон-омон топилишини сўрайман... Камерамга кузатиб қўйишсин, ёлғиз қолмоқчиман...

Бузимни ҳозир қўйиб юборишмас эди, албатта. Қариндошлар қизчанинг соғ-саломат топилишидан умидвор бўлиб, ҳибсхонани тарк этишди. Кўпчиликнинг фикрича, Гўрхол ўлган эди. Юзлаб изтопарлар бир иш чиқаролмагач, нима ҳам дейиш мумкин? Уч ёшли қиз овқатсиз, бошпанасиз, овлоқ жойларда яшириниб яшашига Бузимдан бошқа ҳеч ким ишонмасди.

Ниҳоят, учинчи кун, эрталабки тўққизларда туман

шифохонасига қонга беланган овчини келтиришди. Жарлик яқинидаги қўйхонасида унинг бир хонали муъжазгина кулбаси (ҳам қоровулхона, ҳам нашахона вазифасини бажарали) бор экан. Овчи эрталаб эгар-жабдуқларни олиш учун кулбага кирса, стол тагида нимадир қимирлаганини сезибди. Қайрилиб қарагунча қўшотар милтиқдан ўқ узилибди. Овчи кулбага кирганида милтиқни столга суяб қўйган экан. Яраланган овчи ташқарига судралиб чиқибди. Милтиғи эса ер ютгандек ғойиб бўлган эмиш. Бу ҳақда туман ички ишлар бўлимига хабар беришди. Маълумотлар тасдиғини топгач, майор шошилишч йиғилиш чақирди.

— Мактаб ўқувчиларини ва барча кўнгиллиларни қизчани ахтаришдан зудлик билан четлатинглар! — деди у бўғриқиб. — Бuzим ҳаммамизни чув туширганга ўхшайди! Унинг бошқа сири бор! Биз излаётган қочоқ ҳам ҳақиқатан оддий қочоқ эмас! У ўта хавфли. У қуролланган. Қидирувга ҳарбийларни ҳам жалб этамиз.

Вазият янада жиддий тус олди. Барча йўллар тўсилиб, улкан ҳалқа ҳосил қилинди. Орадан етти соат ўтгач, қош қорайгандагина аскарлардан бири Соримтепа қабристонининг чеккасидаги баланд қабртош панасида бўридек тикилиб турган қизчани кўриб қолди. Аскарлар гўристонни қуршаб, бошлиқлар келишини кутишгунча қоронғи тушди. Шунда қабристондан битта эмас, уч-тўртта қизалоқнинг мунгли йиғиси эшитила бошлади. Аскарлар ва милиционерлар ҳайронлик-ла бир-бирига қарашар, елка қисишар, кўпчилиги пичирлаб калима қайтарган қўйи қовоқ солганча мазоротдан кўз узишмасди. Йўқолган қизалоқ Соримтепа қабристони ичкарасига қочиб киргани ҳақидаги хабар рациядан тарқалиб бўлганди. Бошлиқлар ва қўшимча куч етиб келди. Бу вақтда қизалоқларнинг овозлари тиниб, дўппайган гўрлар узра ўлик сукунат чўккан эди.

— Қизчани ким кўрди? — аланглади майор.

— Мен, — деди гувоҳ.

— Қуролланмаганмиди?

- Қизчами? Йўқ.
- Ёши нечаларда?
- Уч-тўртларда.
- У ўзига ишонч билан тез югуриб қочдими ё кимдир чақирдими?

– Мени кузатиб турган экан, кўз кўзга тушганида, бир оз энгашди. Бўрининг боласидай қилт этмай бир неча секунд турди, кейин қабртош панасига ўтди-ю кўздан йўқолди. Бизга қочоқнинг ўн олтинчи калибрли қўшотар ов милтиғи билан қуролланганини айтишган, қарасам, милтиқ отолмайдиган кичкина қизча экан.

– Бир неча қизалоқнинг овозини қандай тушунай? Улар нечта бўлиши мумкин?

- Бошқа ҳеч кимни кўрмадим.
- Изидан ҳеч ким қувмадими?
- Йўқ, мен “сетка”гача бордим, – аскар сал нарида турган катта сержантга қаради.

– Овчини ёш қизча отмагани аниқ, – деди катта сержант. – Унинг шериги борлигини биз ҳам тахмин қилаяпмиз. У эркак киши. Ов милтиққа нишон бўлмаслик учун шошма-шошарликка рухсат бермадим. Аскарлар бронжилетсиз.

- Нечта қизчанинг овози эшитилди ўзи?
- Учта ё тўртта овоз келган жой ҳув анави ер, қабристон “чўққиси”. Аниқ бир нима дейиш қийин. Лекин ёввойи мушук, чиябўри ё бошқа жонзотнинг овози эмасди.

– Қўлга олиш операциясини тезроқ бошлаш керак, – майор аскарларга қўмондонлик қилаётган лейтенантга яқинлашди. – Қабристонга бронжилет кийганларнигина киритинг. Ишни ҳар икки томондан қурбонсиз тугатиш шарт! Ёритиш учун қанча машина керак?

– Прожекторлардан фойдаланамиз, – деди лейтенант. – Қабристон ҳудуди кундузгидек ёритилгачгина аскар киритамиз, акс ҳолда кутилмаган воқеалар содир бўлмаслигига кафолат бериб бўлмайди.

Йўл бўйидаги симёғочлардан кабел тортиб, уч

томондан прожекторлар ўрнатдилар. Ҳўқутмас каска ва бронжилет кийган йигирмата аскар дарвозадан киришга тараддуд кўришди.

Қабристонга бекинганларни овозкучайтиргичдан сўнгги марта огоҳлантиришди:

— Чиқишларингни илтимос қиламиз! Овчи шифохонада ётибди, аҳволи яхши. Ҳозирча ҳеч ким ўлгани йўқ, демак, вазият оғир эмас! Ваъда берамиз, ҳеч ким сизларга ёмонлик қилмайди. Одамлар дафн этилган муқаддас жойда ўйин қилманглар!

Сукунатга чўмган гўристондан жавоб бўлмагач, буйруқ берилди. Махсус гуруҳ қабристонга пусиб кирди. Ҳаяжонли онлар бошланди. Ҳар бир дўппайган қабр, ҳар бир қабртош, шувоқлару янтоқлар билан қопланган пастак дўнгликларни кўздан кечирган чипор кийимлилар эҳтиёткорлик-ла юқорига интилдилар. Соримтепа қабристони дала ўртасидаги қадимий тепаликда жойлашгани важдан аскарларни атрофдан кузатиш имкони бор эди. Улар тепаликнинг баҳайбат қабртошлар қаққайган бошига етгач, бир-бирига ишоралар қилиб, тўхташди. Четдан кузатиб турганлар сездиларки, тепалик бошида аскарлар фаройиб ҳодисага дуч келишди. Қуролли кимса учраганида, ҳайратланиш ўрнига автоматларини ўқталардилар.

— Қизчани кўрдик, қабристон ўртасига қочди! — рациядан ҳисобот берди катта сержант. — “Чўққи” атрофидаги қабрларни “тозалаб”, фақат “чўққи”нинг ўзинигина қуршаб оламиз.

— Рухсат!

Аскарлар ўт-ўлан оралаган чумолилардек бир зумда қабртошларни айланиб чиқишди. Энди фақат Соримтепанинг устки майдони қолди.

— “Чўққи”га бир томондан кўтарилинглар! — буюрди лейтенант. — Ниҳоятда, эҳтиёткорлик билан “ишланглар”!

— Менимча, бу ерда фақат битта қизча! — жавоб эшитилди рациядан.

— Ишончингиз комилми?

— Ҳа, уни кўраяпман! Қабр ёнидаги чуқурчадан бизни кузатапти. Бу ерда бошқа яширинадиган жой йўқ.

— Ушланглар!

— У гўрга тушиб кетди, — гириллади рация.

Бошқалар ҳам Соримтепага чиқишди. Оддийгина қабртош қўйилган мазорнинг ёнида тулки уясига ўхшаш кавак кўринди. Теграсида янги тупроқ сочилиб ётарди. Ҳақиқатан, уяга уч-тўрт ёшли бола сиғарди, айни дамда бунга ишонишга ақл монелик қиларди.

Уя туби лаҳад томон бурилганини кўрганларнинг эти жимирлади. Мулойим товушда: “Гўрхол, у ерда ўтирма. Биз яхши одамлармиз. Сенга конфет берамиз. Отангга ҳам олиб борамиз”, дедилар.

— Жинни буп қоламан, — ёқасини бўшатди майор. — Шу ёшга кириб бунақа воқеани чет эл газеталарида ҳам ўқимагандим.

— Кавак лаҳадга туширади, астағфирулло, — ковакка фонарь тутган капитан ҳам ўзини лоҳас ҳис этди. — Бузимни шу ерга келтириш керак, чақирсин қизини! Яна денг, исми ҳам мослигини! Гўрхол! Отни ҳам топиб қўйган экан-да! Шунча кундан бери у қабристонда пусиниб ўтирганмикан-а? Нима еб, нима ичиб?

— Эртага роса тўполон бўлади, — тишларини гижирлатди майор. — Тошдаги ёзувга қараганда, Зебигул деган аёлнинг қабри экан. Уруғ-аймоғи милицияга ҳам, прокуратурага ҳам бостириб боради. Шу етмай турувди бизга.

Бузимнинг ёрдамидан фойдаланиб қизчани чиқаришгач, кавакни кўмиб ташлаш қароридан тўхтадилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай милиция машиналари қуюндек етиб келишди. Кишанланган Бузимни Соримтепа сари етакладилар.

— Уйингизда нечта қиз бор эди? — йўлини тўсди майор. — Аскарлар нега бир неча қизчанинг овозини эшитишди?

— Гўрхолнинг шўхлиги бўлса керак, ҳар хил овоз беришни ўрганиб олганди, — ҳаяжондан тез-тез ютинарди Бузим. — Бошқа қиз йўқ! Бор-йўғи битта эди

менда! Овчини ҳам у отмаган. Отмайди, ахир! Менга қизиқ... ҳайронман! Нима учун у Соримтепага қочиб келган? Тезроқ кўрсатинглар!

— Охирги марта ишонишим! — бармоғини бигиз қилди майор. — Воқеаларнинг оқибатлари учун сиз жавоб берасиз!

Бузим кавакка шошилди.

— Бу... Қорақишлоқдаги Зебигулнинг қаб... қабри... — ранги докадек оқарган Бузим чўк тушди. — У... наҳотки, шу ердан... топилди? Кавакни кенгайтириб, кириб олибди-да, бечора қиз!

— Мабодо лаҳаддан чиқмаса, биз гўрни бузамиз, — деди майор. — Можаронинг каттаси кейин бошланади. Шунинг учун қизингизни ковак орқали чиқариб олинг. Биз нарироқ турайликми?

— Ҳа, — бош силкиди Бузим. — Кетинглар! Проекторларни ҳам ўчириглар! Ҳеч ким шовқин солмасин!

— Қоронғида ноқулай эмасми?

— Гўрхол қоронғиликни ёқтиради! Мен ҳазиллашиб, уни “Зулмат маликаси” деб эркалайман. Ҳамма гапларим сизларга бачкана, бўҳтон, алаҳсираш бўлиб туюлди. Ўз кўзларингиз билан кўриб ҳам яна ҳайрон қолишларингиз нимаси?

Аскарлар ҳалқаси кенгайиб, Соримтепадан хиёл пастлади, ўткир кўзли чироқлар сўнди. Бузим сажда қилаётгандек кавакка бош қўйди, кўзларини юмди, ҳидлади.

— Алла-ё, алла, — унинг кўзларига ёш қуйилди. — Одамлардан қочиб, онасининг бағрида ётган болам-ей...

Жавоб ололмаган Бузим яна алла айтди. Бошқа сўзга тили айланмади, айланмасди ҳам. Кўп ўтмай қизлоқнинг заиф йўтали қулоққа чалинди.

— Қўлимдан келса, мен ҳам ёнингга кирардим, — деди Бузим. — Иложим йўқ, болажоним. Чиқа қол, сени соғиндим.

— Менга алла айтманг, — овоз берди Гўрхол.

— Катта қиз бўлганинг учун шунақа деяпсанми?

— Аллани она айтади. Сиз онам эмассиз. Билдим, отам ҳам эмассиз.

Бузим ҳар сафар жавоб бергувчи эди, ҳозир Зебигулнинг мозори қошида нима дейишни билмади. Кўзларидан қонли ёш оқаётгандек туюлди. Гўрхолга эмас, Зебигулга раҳми келди. Сўнг:

— Менинг ҳам болам йўқ эди, сени топдиму “болам” дейишга ўргандим, — деди. — Бу ёққа чиқсанг, ҳаммадан қутқараман, менга ишон.

— Улар ёмон эмасми? — кавак ичида алланима питирлади; Гўрхол юқорига тармашди шекилли.

— Ҳечам ёмон эмас, зулмат маликаси! Кел, кела қол! Қўлингни бер!

— Нима учун ҳаммалари мени қувлади, ота?

— Нега тўхтаб қолдинг? Ўзингга ўхшаган чиройли қизчалар билан бирга ўссин, ўқисин дейишяпти. Ҳеч замонда ёш болани ҳам қийнайдами? Ҳатто, чимчиламайди ҳам!

— Уйга кетмаймизми?

— Хоҳласанг кетамиз, — унсиз йиғлади Бузим. — Барибир битта оила бўлиб яшаймиз. Тўғри айтдинг, сенинг ҳақиқий отанг мен эмасман. Чақалоқлигингда топиб олганман. Балки гапларимни онанг... қаердадир эшитаётгандир... дийдорингни кўраётгандир... Унинг олдида берган ваъдамни бузмадим...

— Қанақа ваъда, ота? Сиз онамни кўрганмисиз?

— Бу ҳақда катта бўлганингда гаплашамиз, хўпми? Мени кўп интиқ қилмай, чиқсанг-чи! Қара, касалман. Бошимга кафтингни қўйиб даволардинг-ку, Гўрхол!

— Сизни опкетиб қолишгач, бир ўзим яшамоқчи бўлдим... Нега йиғлаяпсиз? Онамни эсладингизми?

— Йиғламадим, Гўрхол... Мен йиғлаб бўлганман, кўп йиллар аввал... Нима единг шунча кун?

— Қорним очқади, ота!

— Хоҳлаган овқатингни пишириб бераман, болажоним, кавакдан чиқсанг бўлди. Қабристонга кирма, деб минг марта тайинлаганман-ку! Сен эса қабристон у ёқда

турсин, гўрнинг ичига кириб олибсан. Шунақа ҳам ўжар қиз бўладими дунёда?

— Ҳамма айтганларингизни қиламан, ота, улар бизнинг уйимизга қелмасин. Майлими?

— Гап уларнинг келиш-келмаслигида эмас. Дунёдаги энг мард қиз қилиб тарбиялайман сени. Ҳеч кимдан қўрқмайдиган, оқила, шижоатли бўлишингни истайман. Биздан ташқаридаги дунёда ҳам яхши одамлар кўп. Шаҳарда кўрганларинг эсингдами?

Гўрхол қавакдан бошини чиқариб, ҳавони ҳидлади.

— Сассиқ ҳидлар, ота. Қизиган темир, машиналарнинг тутуни, сигаретнинг иси... пуф-ф...

— Гўрхол, — дея кўз ёшларини артди Бузим, — қавакнинг тубида ҳеч нарса емадингми?

— Йўқ, уч кундан бери ариқдан сув ичиб, чириган беҳи едим.

— Ариқдан сув ичиб, чириган беҳи единг? Қорнинг оғримаяптими?

— Ҳозир оғримай қолди. Кеча қаттиқ оғриди.

Гўрхол егулик умидида Бузимнинг кийим-бошини тинтиб, чўнтақларига жажжи қўлчаларини сола бошлади. Бузим уни бағрига босган эди, иссиқ кўз ёшлари қизалоқнинг юзига, бўйнига томди. Гўр қизи ҳам бирдан хомуш тортиб, ўксинди.

Шу заҳоти чор томондан одамлар чиқиб келишди. Зулмат маликаси ўзини ҳар ёнга отди, юлқинди, чинқирди, Бузим қўйиб юбормади. Бу кеча тутинган ота-бола қон йиғлаган кун сифатида тарихда қолди.

## МАШҲУР ФОЛБИННИНГ АСРАНДИСИ

Уч ёшигача овлоқдаги жийдазорда, Бузим лақабли авлиёсифат кишининг кулбасида яшаган Гўрхол исмли қизалоқ ҳақидаги шов-шувлар, турли миш-мишлар, газета хабарлари эл аро ёйилди. Орадан йиллар ўтгач, бир асарда шундай ёзувлар битилди: “Туман ички ишлар бўлимига келтирилган Бузимнинг шахси аниқланди

ва чорак асрки дом-дараксиз йўқолган одам топилди. Гўр қизининг кейинги тақдирига қизиқиб, сўраб-суриштиришганимизда шундай дейишди:

“Чеҳра қамоқдан чиққанида, меҳрибонлик уйида тарбияланаётган Гўрхолнинг бўйи чўзилиб қолганди. Бир куни ҳовли четидан Чеҳранинг мурдасини топишди. Ким ўлдиргани тезда аниқланди. Бу — Гўрхол эди. Уни бир йилча ахтаришди. Туманли кечада бир йигит билан кетиб бораётганини кўрганлар бор эди. Ниҳоят тўққиз ойдан сўнг қайсидир туман туғруқхонасига бир жувонни оғир аҳволда келтиришди. Бояқиш туғолмай ўлди. Шундай қилиб, Гўрхол қабрда туғилиб, туғруқхонада вафот этди.

— Бузим-чи? — деб сўрадик.

— У ўзи қаргаган сулоланинг сўнгги вакили оламдан ўтганини эшитганда ўлим тўшагида ётган эди. Қариндошларининг айтишича, кўзидан бир томчи ёш думалаб, жимгина жон берган. Ҳозир қаердадир Гўрхолнинг қизи вояга етаяпти. Агар ёмонларга дуч келмаса, у бахтли бўлади...”

Бироқ аслида Гўрхол тарихи бундай якун топмаган эди. Уша кеча Бузимни ҳам, Гўрхолни ҳам туман ички ишлар бўлимига келтиришди. Қизалоқ учун махсус жой тайёрлаш буюрилган эди. Қанчалик шарт-шароит яратилмасин, Гўрхол ўз озодлиги ва жийдазордаги лойсувоқ уйини барчасидан афзал биларди. Афсуски, уни қўйиб юбориш ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Терговда ойдинлашишича, Гўрхол ростдан ҳам овчининг қоровулхонасига кирган, стол тагига бекинган, милтиқ эса тасодифан огилиб кетган. Овчининг милтиғи пол тагидан топилди. Бир кун аввал бир тўйда тентакнамо мардикор билан ичкиликбозлик қилган овчининг эс-ҳуши ёввойи қиз ҳақида шов-шув кўтариш бўлиб қолган экан.

Гўрхол ҳақида милицияга хабар етказганлар Усмонтўп қишлоғидаги қизи йўқолган ота-она эди. Юзлаб одамлар қизалоқларни ахтараётганини эшитган

бола ўғрилари қўрққанларидан эртасига Усмонтўп қишлоғида ўғирланган қизчани уй олдига ташлаб кетишди. Тонгга яқин эшик тақиллашидан уйғонган она бўсағада қизчасини кўриб, қувончдан бор овозича йиғлайверди, маҳалласидагилар “Ҳойнаҳой, қизининг ўлиги топилганини мелисалар хабар беришди-ёв”, деб дўппи кийиб, чопон устидан белбоғ боғлаб, таъзияга келишди.

Ўша воқеадан сўнг:

— Усмонтўпдаги қизча Гўрхолнинг шарофати билан топилди, — деб гапириб юришди одамлар.

Бузимнинг қариндошлари яна ташриф буюришди. Маҳбус озод этиладиган, Гўрхол шаҳардаги психиатрия шифохонасида маълум вақт даволангач, меҳрибонлик уйига жўнатиладиган бўлди. Уни Бузимнинг тарбиясига бериш мутлақо тақиқланди. Ҳатто, кўришиш ман этилди. Гўрхол мамлакатнинг қайси шаҳридаги нечанчи рақамли меҳрибонлик уйида тарбияланаётгани ҳам сир сақланишига келишилди.

— Охирги марта хайрлашишга рухсат беринглар, — ялинди шўрлик Бузим.

— Йўқ, — дейишди Бузимга, — сиз уни ўнғурдан топиб олган чоғингиздаёқ катта хатога йўл қўйгансиз. Қамалмаётганингизга шукр қилиб, қишлоғингиз қайтинг, қариндош-уруғ даврасида ёшингизни тинчгина яшаб, ошингизни ошаб юраверинг.

Гўрхол бир йилча психиатрларнинг назоратида бўлгач, ёз кунларининг бирида шимолий вилоят марказидаги меҳрибонлик уйига юборилди. Худди шу меҳрибонлик уйдан бола асраб олиш учун бефарзанд аёл — фолбинлик ва жин ҳайдаш билан шуғулланувчи бир доғули хотин ариза ташлаб қўйган эди. У барча айёр хотинлар каби кўчадагиларга бағоят хушмуомалада бўлар, неки дард-ҳасрати борки, жон қулоғи ила тинглаб, мушкулликларни тарқатувчи ўз куч-қудратидан фойдаланишни таклиф этар, лекин меҳрибон эмаслиги юз-кўзидан сезилиб турарди. Қулфия фолчи (уни атроф-жавонибдагилар

шундай аташарди) келди деса, мутасаддилар зигирча хурсанд бўлишмасди. Бу аёл қонун-қоида аталмиш ўз қолипларига ҳаддан ташқари бино қўйганди, аҳён-аҳёнда кўчада маст ҳолда кўрингувчи мўйловли, қоқсуяк эрини уйдан сўроқсиз бир қадам чиқмайдиган қилиб тушовлаганди. Унга фарзандликка ўтган боланинг ранги чиқмаслиги аён эди. Балки бошқа важлар бордир, балки бола асраб олиш осон эмасдир, ҳарҳолда Гўрхол олис вилоятдан келтирилган чоғ машҳур фолбин дам туман ҳокимияти қошидаги васийлик кенгашига, дам меҳрибонлик уйига зир қатнаб, саргардон юрган дамлар эди.

Дастлаб унга Гўрхолни тавсия этиш ҳақида ҳеч ким ўйламади. Бунга Гўрхолни топширгувчиларнинг алоҳида буйруқ-кўрсатмалари ҳам сабаб эди. Улар қизчани ҳозирча ҳеч кимга фарзандликка бермаслик, ҳеч қандай меҳмондорчиликка юбормаслик, ҳеч ким билан учраштирмаслик борасида алоҳида гайинлашди. Шунингдек, Гўрхолни сўраб келган ҳар қандай бошқа шахсларга унинг шу ерда тарбияланаётгани сир тутилиши ҳам таъкидланди.

— Нима бўлган унга? — сўради директор аёл.

— Ўтган йили мазаси қочиб, шифохонада бир йил даволанган, — деб жавоб беришди. — Чақалоқлигидан бошлаб нобоп муҳитда қаттиқ эзилган, шунинг учун алоҳида меҳр ва алоҳида диққат-эътибор билан қаранглар. Айниқса, кечаси ҳовлига ёлғиз чиқмасин.

Жавоб мудирани қониқтирмади. У Гўрхолнинг “шахсий варақаси”ни титкилаб, касаллик борасида тузукроқ маълумот тополмади. Жанубий вилоятда бир таниши бор эди. Унга қўнғироқ қилиб, ёрдам сўраганди:

— Нариги дунёдан қайтиб келган қиз эмиш, фаройиб хислатлари бор экан, — деб жавоб берди таниши.

— Клиник ўлимми?

— Йўқ, қабрда уч кун яшаганмиш.

— Худойим-ей! Уни тириклай кўмиб юборишганми?

— Тарихи қуйидагича, дугона... — Таниши Гўрхол хусусида тўқиб-бичиб сўйлади.

Қулфия фолчи яна бир марта совға-саломлар билан остона ҳатлаб, ўзи ҳам бир пиёла чой ичиб кетгач, меҳрибонлик уйи мутасаддилари ўйланиб қолишди. Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда унга бола беришни тезлатиш керак, аммо кимни? Муаммо бир йилдирки, ечимини топмаётганди.

– Гўрхолни берамизми? – таклиф ташлади директор. – Иримчи эмасману, бу қиз, очиги, мени сескантираяпти. Унинг тарихи яхшимас, этни жунжиктиради.

– Қанақа тарих экан? – кўз уриштиришди воқеадан беҳабар бошқа мутасаддилар.

– Сир сақлашга ваъда берасизларми?

– Вой, сиз айтасизу, биз сотамизми, опагон! Ўзимиз ҳам билиб турибмиз, Гўрхол Баҳодированинг қандайдир сири бор. Бизга ўзгача «ҳурмат-эҳтиром» билан топширганларидан ҳам маълум.

– У руҳий касаллар шифохонасида бир йил ётган экан. Қандайдир илмий-текшириш институти ҳам роса текширибди. Бизга тўғридан-тўғри ўша ёқдан ташлаб кетишган. Қизча жиддий касал эмас, сал ғалатироқ, холос. Сезилади-я? Дўхтирлар ғайритабий томонларига қизиқишган. Қарасалар, айтарли ҳеч нимаси йўқ. Кеча қўнғироқлашдим. “Биронта оила сўраса, берсак бўладими? Гўрхол ўзини яхши тутаяпти” дегандим, у ёқдагилар “Шошилманглар! Ўзимиз айтамиз”, деб қуруққина жавоб қайтаришди. Бу ишга милициянинг ҳам алоқаси борга ўхшайди.

– Қулфия фолчининг қанақалиги маълум-ку, – дейишди мутасаддилар. – Бир қаср чиқса, бошимизда ёнғоқ чақишмасин. Ҳартугул, рўйхатда турадиган қиз экан.

– Менга очигини айтишмади, – шивирлади директор. – Энди бу ёғига қулоқ солинглар! Бир танишим орқали билдимки, томи кетган қандайдир тентак Гўрхолни чақалоқлигида ўнғурдан топиб, одам оёғи егмас овлоқ макондаги чайласида катта қилибди. Уч ёшга етганида, гувоҳлар милицияга хабар берибди. Унгача

қизча Мауглига ўхшаб ёввойи бўлган. Телба отани ушлашибди-ю аммо қизча... хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ёлғиз ўзи қочиб кетибди. Кап-катта эркаклар уч кун қувишибди. Учинчи кун аскарлар қабристонда қўлга олибдилар. Қабристоннинг қаеридан денглар! Нақ гўрнинг ичидан! — Кўзларини олайтирди директор. — Тулкиларми, шоқолларми, ерни қазиб, уя қурган экан. Қизча уяга тушиб, кавлаб-кавлаб, лаҳадгача борибди. Тентак отасини қамаб қўйишган экан, дарров “КПЗ”дан келтиришибди. Қизини алдаб-сулдаб уядан чиқариб олибди. Бўлмаса, қабрни очишга тўғри келаркан. Уч ёшга кирган жимитдеккина қизалоқ қандай қилиб қабристонда яшириниб яшайди-ю лаҳадгача кавлаб боради? Мурда билан битта жойда ётгани-чи! Бўлиши мумкинмас!

— Ҳа, бўлмаган гап, — дейишди мутасаддилар.

— Фикрим шуки, унга тезроқ ота-она топиш ва қутулиш керак. Органдан, ҳокимиятдан ёки шифохонадан сўрашса, ҳаммаси жойида, ўзини оддий қиздек тутаяпти денглар, бирор оилага фарзандликка берсак, янаям яхши бўлади, деб миясига қуйинглар. Келишдиг-а?

— Мозорга тушиб, мурда билан ёнма-ён яшаган бўлса... ҳар қандай одам сесканади... Унинг бир балоси бор! Ҳақ гап! — маъқуллашди мутасаддилар.

— Қулфияга мос келади-да, ахир! Тўғрими?

— Албатта! Қулфия опа қачон қарасангиз, инс-жинслардан гапириб юради. Баҳорда бир аёлни ун йил аввал вафот этган эрининг арвоҳи билан гаплаштиргани қанча шов-шув бўлди, эҳ-ҳе!

Улар бир қарорга келган ҳам эдиларки, хонага ёши улур тарбиячи хотин кирди. Муҳокамадан хабардор этишгач, директорга эътироз билдирди:

— Бундай шошиш яхшимас. Ҳеч бўлмаса, олти-етти ой шу ерда яшасин. Қанақа қиз эканини кўрайлик, тўлиқ ўрганайлик. Қулфия ўшани оламан, деса, берамиз. Шу вақт ичида касаллиги ошиб кетса, келган жойига қайтарамиз. Биз меҳрибонлик уйимиз, даволаш маскани

эмас. Худо кўрсатмасин, фолбинникида бир ишқал чиқса, биз ҳам жавоб берамиз.

Кунлар ўтаверди, Қулфия фолчи гоҳ васийлик кенгашига, гоҳ меҳрибонлик уйига қатнайверди. Айниқса, Гўрхолни кўрсатишганида, яшнаб кетди.

— Мозоротдан топилган қиз бўлса нима қипти?! — деди у тўлқинланиб. — Оддий болачалар овлоқларда юролмайди, чунки онасидан ажрамайди, қоронғидан кўрқиши-ку ғирт табиий ҳол. Гўрхол чекка кулбада онасиз ўсган экан, демак, ўз-ўзини эплаб ўрганган. Шуниси маъқул эмасми, меҳрибонларим?

— Ростдан қиз қилиб олишга розимисиз?

— Вой, нега рози бўлмас эканман! Биринчидан, менга худди шундай қизча керак. Иккинчидан, яширмай қўя қолинглар, бу бечорадан бошқасини бермоқчи эмассизлар. Бир йилдан бери югуриб, товоним тешилиб кетди-ку!

Мутасаддиларнинг талаблариига кўра Қулфия фолчи жин ҳайдашу фолбинлик каби шубҳали амалларни йиғиштирадиган бўлди, эри ҳам маст ҳолда кўча-кўйда кўринмай қолди. Фақат юқорининг рухсати тегса бас, Гўрхол тоғ этагидаги гавжум қишлоққа — Қулфия фолчининг болохонали уйига жўнаши тайин эди.

Учинчи ойда шифокорлар Гўрхолни қайтадан текширишди. Бу вақт ичида қизча бошқа тенгқурлари орасида ўзининг рисоладагидек тутиб, бирор ғайритабиий ишга қўл урмаган эди.

— Исминг нима? — жилмайди психиатр аёл. — Дарҳол унутиб қўйдим, кечирасан.

— Гўрхол, — дея тикилди қизча. У шифокорга ишонмагани аён эди.

— Ёшинг нечада?

— Тўртда.

— “Карра-карра”ни ёдладингми?

— Ҳаммасини билмайман.

— Икки карра икки неча бўлади, Гўрхол?

— Тўрт.

— Беш карра беш-чи?

— Йигирма беш.

— Түрт карра түкқиз?

Гүрхол елка қисди. Шифокорлар бошқа фанлар бүйича ҳам синовдан ўтказишгач, ғайриоддий ўзгаришларни кўрмадилар.

— Отагни эслоласанми?

— Йўқ, — жавоб берди Гүрхол.

— Алдаяпсан-а?

Гүрхол лабини тишлаб, кўзларини пирпиратди, аммо йиғламади. Бузим ёдига тушганини ҳамма пайқали.

— Унинг кўриниши қанақа эди, менга айта қол, — қулоғига пичирлади психиатр. — Ҳеч ким билмайди, кўрқма. Истасанг, суратини чизиб беришинг мумкин. Майли ўхшамаса ҳам.

— Эслолмайман, — бош чайқади Гүрхол. — Чизгим ҳам келмаяпти.

— Исми ҳам ёдингда йўқми?

— Йўқ, — танглайини тақиллатди у.

— Ие, танглайингни тақиллатишни ким ўргатди?

— Болалар.

— Улар яхшими?

— Ҳа.

— Бирортасини тишлаб ёки юлиб ташламадингми?

— Биз дўстмиз.

— Баракалла... Фақат жаҳлинг чиққанида тишлагинг келадими?

— Йўқ, мен ҳеч кимни тишламайман.

Кейин спортзалга кириб, арқондан чиқиш, югуриш, узоққа сакраш машқларини бажартиришди.

— У бошқаларга ўхшаган оддий қиз, — деди шифокорлардан бири ҳамкасбларига. — Бекорга овора бўлаяпмиз. Нима керак унинг устида тажриба ўтказиб, одамзотдан бездириб? Жийдазордан чиқиб, қабристонда уч кун яшган экан, сабаб ўша: чақалоқлигидан бошлаб табиат қўйнида ярим ёввойи ҳолда ўсгани. Энди одатдаги ҳаёт тарзига қайтди. Хавотирга ҳожат йўқ. — Кейин

пичинг қилди: — Ғайритабиий ҳодисалар Америкада бўлади, бизда эмас.

— Тўғри, у бир оз зеҳнли ва бир оз чаққон, — деди бошқаси. — Бу ҳам ноодатий шарт-шароитда ўсиб-улғайганидан. Текширувлар шуни кўрсатаптики, Баҳодировада ғайритабиий ўзгаришлар йўқ. Фикримча, бўлмайди ҳам.

Кул ботди. Қоронғи хонадан туфлисини келтиришни буюришган эди, Гўрхол бир зумда бажарди. Шифокорлар ҳайратланиб қараб туришганини кўргач, хатога йўл қўйганини тушуниб, юз-кўзида ташвиш зуҳурланди. Айрим хислатларни бекитишга уринаётганини сезаётган бўлишса-да, тилидан илинтиролмаган нўноқ қозидек мағлуб эди шифокорлар.

— Қоронғида қўрқмалингми?

— Туфлим қаерда эканини биламан, — бошини эгди қизча. — Ўзингиз жўнатдингиз-ку.

Тўрт ёшли шўх бола бор эди. Унга ҳам топшириқ беришди. Болакай “Хўп бўлади”, деб йўлак охирига чопиб кетди ва хона эшигини очиб, бирдан тўхтади-да:

— Вў далли! — деб чийиллади.

— Ҳа, нима? — деди шифокор. — Қирмайсанми?

— Қоронғи экан!

— Ҳа, у ер қоронғи, жуда ҳам қоронғи, — дейишди шифокорлар бир-бирига қараб.

Эртасига қон таҳлили-ю турли руҳий, жисмоний, ақлий синовлар натижалари муҳокама қилинди. Ниҳоят, шифокорлар ўз ишини яқунлашди. Меҳрибонлик уйи директори уларнинг қаршисида бағоят назокат-ла ўтирарди.

— Бизда қоладиган бўлибди-да, — деди у “начора” деган сўздан тилини тийиб.

— Ҳа, — томоқ қирди гуруҳ бошлиғи. — Агар фарзандликка олмоқчи бўлишса, бераверинг. Исмини ўзгартиришсин ва албатта ўзларининг фамилиясига ўтказишсин.

Яна ойлар алмашди. Июннинг ўн учинчисида

Қулфия фолчи эрининг сариқ “Жигули”сида келди. Гүрхолга қизил холли чиройли оқ күйлак кийдиришди. Сочига ҳарир тасмадан капалакнуса бант тақилди. Гольфчиларникига ўхшаш оқ пайпоқ тиззага қадар чўзилганди. Локланган бежирим қизил туфлиси эса ярақларди. Гүрхол янги ота-онаси айрим ҳужжатларга имзо чекиб чиқишини миқ этмай кутди. Болалар қоронгиликдан қўрқмайдиган, қора кўзларида доим ўт шуълаланадиган ғалати қизалоқни индамай кузатишарди.

Ораларидаги энг жасури сўради:

— Бизни кўришга келасанми?

— Менимча, қайтмасам керак, — катталардек жавоб берди Гүрхол. Бу вақтда у беш ёшга тўлган эди.

— Ҳалитдан яхши кўриб қолдингми?

— Кимни?

— Анави ота-онангни.

Гүрхол икки қадам ташлади. Бола қўрқса-да, қочмади.

— Улар менинг ота-онам эмас, — деди Гүрхол овозини пасайтириб. — Ақлинг етмаган ишларга бурнингни тикма!

Бола беихтиёр бурнини ушлаб, у ёқ-бу ёққа қаради. “Қаерга бурнимни гиқаяпман?” деб ўйлаган бўлса керак.

Шу пайт Қулфия фолчи ва эри тишларининг оқини кўрсатганча ҳовлига чиқишди. Орқаларида меҳрибонлик уйи директори, васийлик кенгаши мутасаддилари, тарбиячилар ҳам кўринишди.

— Сен билан хайрлашамиз энди, ўртоқ Гулсара Сойтошева, — қўлини чўзди директор. — Янги оила, янги исм-фамилия, янги ҳаёт муборак!

— Раҳмат десанг-чи, — имо-ишора қилди орқароқдаги тарбиячи.

— Раҳмат, — Гүрхол директор опанинг қўлини маҳкам кисди. — Сизни унутмайман.

— Вой! — дея директор қўлини тортиб олди. — Кафтингда игна борми, нима бало?

— Тўк урдими? — парвона бўлишди теграсидагилар. —

Унинг қўлида тўқ бор, демаганмидим?!

— Ҳечқиси йўқ, — Гўрхолни етаклади Қулфия фолчи. — Ҳаммангизга хайр! Бизни бола билан бахтли қилганларинг учун бир умр дуодамиз!

Қулфия фолчининг эри Узоқ исмли ўлгудек беғам, беташвиш, тепса тебранмас киши эди. “Жигули”нинг пешойнасидан орқа ўриндиққа тез-тез қарар, Гўрхолнинг нигоҳига дуч келса, дарров кўзини олиб қочиб, қурт шимаёгганга ўхшаб бир-икки тамшаниб қўярди-да, мўйловини силарди. Ёнида — олд ўриндиқда ўтирган фолчи йўл ўргатувчилик қилавергани сабаб уни машина ҳайдашни ўргатувчи муаллим деб ўйлаш ҳеч гап эмасди.

Йўлда тўхтаб, овқатланишди. Гўрхол туғилиб-ўсган қишлоғидан янада олисга, бутунлай тескари томонга кетишаётганини фаҳмлаб, хўрсиниб қўйди. У Бузимни ахтариб топиши учун пою пиёда етиб боролмаслиги аниқ эди.

Кечга яқин баланд тоғ этагидаги қишлоққа киришди. Кўчалар кенг, асфальтланган ва гавжум бўлса-да, светофорлар кўзга ташланмасди. Йўл белгилари безори болалар томонидан тошбўрон қилинган ёинки майиштириб ташланган эди. Қишлоқдаги энг баланд бино — уч қаватли мактаб ёнидан ўтишаётганида, Узоқ тилга кирди:

— Шарпани ҳув анави ерда, спортзал томи билан учинчи қават деразаси туташган жойда кўрган.

— Битта қўчқорга даволайман, десам, йиғлайди, қурумсоқ, — деди Қулфия фолчи. — Беш йил аввал ярим кечаси мактаб ёнидан ўтаётган Адҳам ака иккинчи қаватда ўзига тикилиб турган оқ шарпани кўрганда, саккиз ой алаҳлаб ётди. Адҳам акани энди... бир сақлади сақлади-да, жўрангиз нимасига таваккал қилаяпти?

Гўрхол бу гаплардан алланечук ҳаяжон оғушида қолди ва машина ойнасидан ҳайбатли мактабнинг учинчи қаватига кўз ташлади. Спортзал бўғотига тизилган каптарлар ҳавога кўтарилиб, футбол майдончаси узра айланиб, учинчи қават томига қўнди. Машина

олдинга интилгани сайин Гўрхол мактаб деразалари товланаётганини кўрди. Қуёшнинг қизил шуъласи жилоланаётган ойналар ортида ҳақиқатан ҳам сир-синоат бскингандек эди. Қонталаш шуълаларга ёнма-ён ҳолда оқиш осмон ҳам акс этарди шаффоф пардада. Балки кимларгадир ярим кечадаги ой акси шарпа бўлиб кўрингандир, балки баайни оқ шуъла ортига бекинган шарпа эҳтиётсизлик ила ўзини сездириб қўйгандир...

Гўрхол олд ўриндиқдаги ота-онага нигоҳини бурди. У бошқа сирли маконга бораётган эди — мана шу эр-хотиннинг хонадонига. Бир оғиз рад этганида, фарзандликка беришмасди. Гўрхол меҳрибонлик уйидан ташқарида яшашни ва Бузимни ахтариб топишни ўйлади. Меҳрибонлик уйида мутасаддилару шифокорларнинг тинимсиз назорат қилишларидан, чалғитишларидан, ўтмишдан узиб ташлаш кўйида жонларини жабборга беришларидан чарчаган эди. Ичкаридаги тавакқалдан кўра ташқаридагини афзал билди. Меҳрибонлик уйидан қочса, изидан яна юзлаб одамларни ташлашади. Кимдир тушунди, кимдир йўқ, ҳарҳолда қизалоқ пайт пойлашга қарор қилганини фаҳмлаш қийин эмасди.

Қулфия фолчининг уйи қишлоқнинг тўрида, тоғ томондан олганда пойгакда эди. Оқланган, болохонадор, кўк дарвозали уй. Ундан кейин экинсиз дала ястаниб ётар, ҳув нарида пастак тоғ қирларининг этаги. “Қишлоқнинг қабристонни қаерда экан?” деган ўй ўтди кўнглидан, илло сўроқни тилига чиқармади. Меҳрибонлик уйида гўристонни суриштириб, боши балога қолаёзганди-да.

Бузоқнинг бошидек қулфга калит солган фолчи дарвозани инқиллаб-синқиллаб очди. Моллар мўнграб, товуқлар қақаглаб, қўйлар маъраб юборди. Фолчининг эри машинани ванфиллатиб ҳайдади. Гўрхол умри бино бўлиб бундай ҳовлида яшамаганди. Шунингдек, бошқаларникига ўхшаган оила бағрига бош қўяётганидан суюнмади ҳам.

— Тамлуз! — бақирди Қулфия фолчи ҳовлига аланглаб.  
— Қаердасан?

Гўрхол яна биров борлигини ўйламаганди, ялт этиб молхонага, сўнг болохона деразасига қаради. Жониворларнинг шовқин-сурони ва машина моторининг овозидан уйғонмаган банда ким экан? Ҳойнаҳой, саксон ёшли тентак чол ёки бир гаранг йигит. Фолчининг беписандлик билан сенсирашига қараганда...

— Ҳой Тамлуз! — сомонхона томон юрди фолчи. — Яна қоронғи бурчакка тиқилиб ухлаб қолдингми? Уйқуси қаттиқ дейишганди-я!

Шу пайт айвондаги охурда сариқ бош кўринди.

— Ана у, ҳе-ҳе-ҳе... — кулди Узоқ.

Гўрхол ўн ёшлардаги сариқ болани кўрди. Уст-бошини қоқиб, бурнини тортиб қўйгач, калишини оёғига илдида, Гўрхолдан уч-тўрт қадам нарида тўхтади. Гўрхол унинг кўзлари кўк эканини кўриб ҳайратланди. Миллати рус эмаслигини ҳам фаҳмлади.

— Ухлайдиган бошқа жой йўқмиди? — фолчи койиган бўлди, лекин шу заҳотиёқ сумкасидан ширинлик узатди. — Ма! Тез уйингга чоп! Қоронғида қолиб кетсанг кўрқмайсанми?

Бола ширинликни истар-истамай оларкан, Гўрхолга кўз остидан қараб қўйди.

— Ё поччанг ташлаб келсинми?

— Ҳе-е, бунинг отини бекорга Тамлуз деб қўйганми! — норози пўнғиллади Узоқ. — Тескари ўқисанг, Зулмат дегани. Роҳиб муаллимдан ҳар нарса кутса бўлади. Тўғрими, Тамлузбой?

Бола ширинликни қисимлаб, очиқ дарвозадан ўзини кўчага урди.

— Тавба, тавба-я! — деди Қулфия фолчи. — Боласи тушмагур нега бунақа ёввойи? Роҳиб муаллим қанақа бола тарбияляпти-я!

— Энди сенинг ҳам қизинг бор, — деди дарвозани ёпишга кетаётган Узоқ. — Бировларни танқид қилмаганинг маъқул.

— Мен Гулсарани тўппончанинг ўқи қилиб тарбиялайман.

— Икковинг икки томондан отсанг, ўлар эканман-да!

Қулфия фолчи мол-ҳолларининг олдидан ўтган чоф ҳаммаси емиш ейишга тутинди. Товуқлар мамнун қақоғлаб, тумшуқларини дон ва сувга урдилар.

— Ҳатто, улар ҳам ойингдан кўрқади, — Узоқ Гўрхолга гап қотди. — Дарвозадан кирган пайтда бечоралар қандай саломлашганини кўрдингми?

Гўрхолнинг хонаси болохонада жойлашганди. Даҳлизни ҳисобга олмаганда болохона биргина хонадан иборат эди. Тахмонда кўрпачалар тахланган, шкафга чинни идишлар терилган, ўнгда катталарнинг симкаравоти. Кечки овқатдан сўнг шу каравотга жой қилиб беришди. Гўрхол тушакнинг ўртасига чуқиб кетди. Кичкина боши гулдор кўрпадан зўрға чиқиб турарди. Фолчи чироқни ўчириб, эшикни қулфлагач, Гўрхол хийла вақт ўйланиб ётди.

— Хуш келибсан янги қамоқхонангга, Гўрхол, — деди у ўзига-ўзи.

Қишлоқнинг номи Қасамбой эди. Ўшанда Қулфия фолчи, ўттиз саккизда, Узоқ қирқ ёшда эди. Орадан ўн йил ўтди. Қишлоқдагилар Гўрхолнинг ҳақиқий исмини билишмасди. Орқаваротдан Гулсара ҳам дейишмасди. У Қасамбой ва атрофдаги қишлоқларга “Фолчининг асрандиси” номи билан танилди. Аслида одамлар ҳеч кимга бежиз лақаб қўйишмас, “асранди”, “ўғай”, ҳатто “ўзиники эмас” каби жумлани ҳам ишлатишмасди. Аммо Гўрхолга келганда... Қулфия фолчининг ўзи айбдор эди. Жин ҳайдатишга, фол очтиришга келганларга ҳамда тўй-маъракада суриштирганларга ҳам “Хўжайинимдан болали бўлмаганман, қизимни “детдом”дан асраб олганман”, деб бемалол гапираверарди. Гўрхол уни “ойи”, Узоқни “дада” дерди. Ўзидан катта аёлни “опа”, эркакни “ака” деган каби ҳиссиз айтишини атрофдагилар ҳам сезишарди.

Фолчининг хонадонига беш ёшида келган Гўрхол бирор марта бошидан рўмол ечмади, коса-товоқ ювди, уй супурди. Қизиғи, у ҳеч ким билан дугона тутинмади, ўйинчоқ ўйнамади, эркаланиб ҳам, кўрқиб ҳам йиғламади.

Бузимнинг ташқи кўриниши ва жийдазордаги кулба, шу билан бирга Соримтепа қабристонини хаёлидан ўчиб кетмаслигига тиришди.

— Гулсарани йиғлатганга беш юз сўм бераман, — деди биринчи синфда ўқиётганларида бир бола.

— Мен йиғлатаман! — қўлини баланд кўтарди кемшик бола. — Қани, пулингни чўз, кал бош!

Гаров ўйналди. Қизалоқлар синфга киргач, кемшик пайт пойлади-да, Гўрхолнинг бошидан рўмолини юлқиб олди ва бўйнидан ўтказиб: “Мў-ў! Менинг бузоқчам келаяпти! Мў-ў!...” — деб икки қадам етаклади... учинчисига эса улгуролмади. Гўрхол кемшикнинг сочидан чангаллаб, парта остига улоқтириб юборди. Ўшанда парталарнинг қасир-қусури, кемшикнинг чинқириғи мактаб чордоғигача эшитилиб, ғу-ғулаб юрган каптарлар тирқишлардан патир-путур учиб чиқишди. Шу-шу ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам Гўрхолга гапирмай қўйди. Кўпчилик ота-оналар “Қулфия фолчи уни ўқиб ташлаган, зомбига айлантирган, эс-ҳушини кирди-чиқди қилиб қўйган” деса, бир тоифа кишилар “Дунёга келтирган ота-онаси валлаамат бўлган, фолчининг тарбияси одамни бунчалик ўзгартиролмайди”, дейишарди.

Қулфия фолчи жодугар эдими? Йўқ, албатта. Унда айрим хислатлар бор эди, холос. Масалан, косадаги сувга, супрадаги унга қараб, кишининг феъл-атворини ва қилиқларини айтарди. Оқ, сариқ, қора товуклар билан беморни қоқиб, чилдирмасини чалса, айрим кишилар, айниқса, ихлос қўйган аёллар соғайиб кетишарди. Айримлари Қулфия фолчи учунгина касал бўлишарди, яъники шу аёл киннасини олса олинади, йўқса, дарди бедаво.

Тозаликка, тартиб-интизомга, режали ишга муккасидан кетган фолчи ва ҳеч қандай қонун-қоидаларни тан олмайдиган ғайриоддий қизалоқ она-бола бўлиб яшаётганини тушуниш ҳам осон эмасди.

— Тайёр чўри қиз учради-да, — дерди бир қўшни.

— Ҳа, бошқа мундайроқ қиз бўлганида, аллақачон ўлиб кетарди, — маъқулларди иккинчиси. — Тунов уни артезиан ўчганда, кечаси Гулсара бир қарич бўлиб қудуқдан сув ташиётганини кўрган хўжайинимнинг лабидан учуқ тошиб кетди.

— Мен Қулфияникига қадам босмайман, кўрмайман ҳам, куймайман ҳам, — қўлини чалиштирди учинчи қўшни. — Шуни айтиб қўяй, қизнинг деви бор. Кўрасизлар, у ҳали бир каср чиқаради.

Гўрхол қўллари ёрилмаслик учун вазелин суришни ҳам унутмасди. Негадир териси шусиз ҳам ҳеч тўр ташламас, қавармас, ёрилмас эди. Ўтган йиллар мобайнида Тамлуз ҳақида анча-мунча маълумотлар эшитди. Тамлуз қўшни қишлоқдаги Роҳиб муаллимнинг тўнғичи экан. Онаси вафот этгач, отаси ҳозирги хотинига — Қулфия фолчининг дугонасига уйланган. Тамлузнинг сингиллари бошқаларга ўхшаш оддий қизлар эди. Тамлуз эса...

— Нега Тамлуз ака мактабда ўқимади? — сўради Гўрхол ўн йилдан сўнг.

— Уни кўрдингми?

— Йўқ, шунчаки сўраяпман.

— Бешинчи синфдан кейин мактабни ташлаб кетган. Пода боқади, боғ қарайди. Кўрсанг, гаплашма. У руҳий касал.

— Сиз даволашга уриниб кўрганмисиз?

Қулфия фолчи қошига янги сурилган ўсмани кўзгудан кузатаркан, деди:

— Мен шифокор эмасман, соғайишни хоҳлаганларни тузатаман. Шунда ҳам йўлимдаги касаллик бўлса!.. Тўхта, сен “ойим уни тузатади”, деб ўйлар экансан-да?

— Уйламайман.

— Писмиқ десам писмиққа, камгап десам камгапга ўхшамайсан. Мен онангман. Сен ҳам шунча йилдан бери бундоқ кўнглингни очиб гапир-чи! Ниманидир ўйлайсанми?

— Нима ҳақида ўйлашимни айтайми?

— Қулоғим сенда, — қайрилиб қаради фолчи. — Сен фақат уйим-жойим дейдиган, ўз вазифасини камчиликсиз уддалайдиган, вақтини қўни-қўшниникида беҳуда ўтказмайдиган қизсан. Бизни дейсан. Биз ҳам фақат сени... Шулар ҳақидами?

— Ҳақиқий ота-онамни бир марта кўрсам...

— Улар ўлиб кетишган, — фолчи қошини чимирди. — Сенга ётиғи билан тушунтирганман. Менда бола йўқ эди, сенда она. Бу ўткинчи дунёда бир-биримизга суяниб яшайлик, деб сени фарзандликка олдим. Ё қисматингдан рози эмасмисан?

— Розиман...

— Бир кун келиб онанг ўз туққан онанг эмаслигини билсанг яхши кўрмай қолмайсан-ку, шунақами? Бу одамгарчиликка ҳам номуносиб. Сени “детдом”дан олаётганимизда, турли шартлар қўйишган. Шулардан бири ўзимга шогирд қилмаслик. Хоҳлайсанми одамларнинг мушкулини енгиллатишни?

Гўрхол бошини сезилар-сезилмас чайқади.

— Бир умр шу ерда қоласан, — деди фолчи. — Турмушга чиқсанг ҳам! Шундай экан, мендек бўлмай кимдек бўлмоқчисан?

— Яна бир орзуйим бор.

— Қандай орзу экан? Нега мен беҳабарман?

— Уч ёшимгача катта қилган кишини ҳам бир кўрсам дейман.

— У ҳам аллақачон вафот этиб кетган, — ранги ўзгарди фолчининг. — Уч ёшингача катта қилган одам ҳеч киминг эмас. Менга айтишганки, у таркидунё қилган исқирт дайди бўлган экан. Ушанда сени қабристондан бир аҳволда топиб, дўхтирга ётқизганларида, ўша одамни милиция қамаб қўйган, роса тергов қилган. Сендан юз баравар тажрибалилар аниқлаёлмаган аслида кимнинг қизи эканингни... Вой жоним-а! Қўйсанг-чи шунақа ташвишларни! Тинчгина яшайлик! Ота-онанг, уйинг-жойинг бор. Ҳадемай совчи келса, куёвга узатаман.

— Элас-элас эсимда. Биз билан битта ит ҳам

яшарди. Жийдазорнинг атрофи пахтазор эди. Ерни шудгорлаётган тракторларнинг овози ҳали ҳам қулоғим остида жаранглайди. Қарғаларнинг қағиллаши, пахтазор ариғининг суви жарликдан шилдираб тушиши...

— Ҳаммасини эслаб юрасанми?

— Эслайман ҳам, соғинаман ҳам.

— Агар сени дунёга келтирган ота-она қаердалигини билганимда, ўзим олиб борардим, кўрардинг, гаплашардинг. Кейин яна шу ерга қайтиб келардинг. Чунки чақалоқлигингда овлоқ жойга ташлаб кетган аёлни, “қизим бор” деб бир марта суриштирмаган эркакни яхши кўришинг мумкин эмас.

— Нега айнан мени танлагансиз?

— Болалигимда бир қўшнимизнинг асраб олган қизи бўларди. Сенга қўйиб қўйгандай ўхшарди. Дадаси билан ойисининг хонасидаги сандиқда умр бўйи йиққан дуру жавоҳирлари сақланишини кейин билганмиз. У ҳар куни ота-онасининг хонасини супуриб-сидирарди. Бир куни кўчамизни милиция босди. Қизни бир ҳафта деганда аллақаяқдан ушлаб келишди. Ота-она ҳам ўз боласини қаматади, деб ўйлайсанми? Улар қаматиб юборишди. Тўғри, туққани эмас, аммо... аммо ўзи туққан, туғмаган, нима фарқи бор, гап ота-оналик, фарзандлик туйғусида эмасми? Ўйлайман, ўйлайман, — Қулфия фолчи Гўрхолга маъноли боқди, — қиз айбдор эмасди, уйдан сариқ чақа ҳам ўғирламаган. Унинг биргина айби — туққан ота-онасини ахтариб топгани, улар билан учрашгани, уйдан қочиб кетгани.

— Ҳа, қиз айбдор эмас экан, — деди Гўрхол чой қайнатишга тураркан.

Қулфия фолчи асранди қизга келгусида қандай қисмат таҳдид солишини илк бор писанда қилди, ҳеч қаёққа қочиб кетолмаслигига ишонди, Гўрхолнинг эса фолчидан яна бир марта кўнгли қолди.

Айтишларича, Қулфия фолчи Гўрхолни кўп калтаклаган, қоронғи хоналарга сувсиз, нонсиз қамаб қўйган, уйдаги жамики юмушларни бажартиргани етмагандек кечалари оёқ-қўлларини уқалатган, бадавлат

инсонларнинг пулини шилишда айбоқчи урнида ҳам фойдаланган. Узоқ унга хотинининг тўрт-беш сумини ўғирлаш, дўкондан яширинча сигарет ва вино келтириш каби ишларни бажартирган. Хуллас, Гўрхол бир етим қиз инсофсиз эр-хотин қўлида қанча азоб чекиши керак бўлса, шунчасини кўрган. У истаган вақтда қочиш кета оларди. Уйда ҳеч ким йўқлигида чордоққа тирмашиб чиқиб, қаптарлар билан сўзлашиб утиришни, шифер синигидан мактаб томини кузатишни, чордоқ бурчагида қўнишиб ўтирган кўйи соатлаб хаёл суришни ёқтирарди. Одамлар орасида бировдан арз қилиш учун яшамаянман, деган фикрда эди у. Ҳақиқатан ҳам зулматдагина узини бахтиёр ҳисобларди ва кимнидир кучли иштиёқ билан кутарди. Фолчиникидан кетиб қолса, ўша кимдир олис вилоятларда учрамайдигандек эди.

Шуни унутмаслик керакки, Гўрхол кутаётган киши Бузим эмасди.

## МАКТАБДАГИ ВОҚЕА

Ниҳоят, Гўрхол кутган кун келди. Ушанда у 8-синф ўқувчиси эди. Мактаб фарронларига синфхоналар учун маош тўланмайдиган бўлди. Директор "Ҳар бир синф ўзининг хонасини ювсин" деган буйруқ чиқарди. Синф раҳбари дарсдан сўнг тўрт ўқувчини навбатчиликка қолдирди. Гўрхол сув тўла икки челакни кўтариб, учинчи қаватнинг чекка хонасига етиб келганида, навбатчиликка қолган синфдошлари парта устида ҳиринглашиб ўтиришарди. Бир вақтлар калтак еган кемшик:

— Сенга бир илтимосим бор, — деди Гўрхолга илжайиб. — Муаллим мактаб музейининг калитини ташлаб кетган. Музейнинг деразаларига қора парда тутиб қўйишган, чироғи ишламайди. Тўғриси, би-либ кетган одамларнинг кийимлари сақланадиган қоронғи хонага киришга сесканамиз. Мана калит. Музейга кириб, паранжилар илинган бурчакдан пол таёқни ошкелгин, хўпми? Унгача биз синфни супуриб турамиз

Гурхол мактабнинг муъжаз музейига киришга чўчимасди, аксинча, ақл-ҳуши доим шу — охириги эшикда бўларди. Деворларига паранжилар, желаклар, нимчалар илиб қўйилган хонанинг ўзига хос иси, салқин ҳавоси, ҳисларни қўзғовчи ажиб сеҳри бор эди. Уртадаги ойнаванд столда пичоқ, танга, қулф, кишан, аллақандай қўнғироқчалар каби кўҳна замон буюмлари терилган, девор тагидаги тахта устида эса “Зингер” тикув машинасидан тортиб, тепаликдан қазиб олинган кўзагача учратиш мумкин эди. Албатта, кийим-кечаклар қирқ йил бурун қишлоқ қарияларининг сандигидан чиққанди ва ҳозирда ҳеч қайси либос соҳибини фоний дунёда учратиб бўлмасди.

— Дилрабо, сен ҳам юр, — Гурхол сув ташиб келган заҳоти иккинчи юмушга уннашдан уялди.

— Э, унда юрак борми, ўзинг кира қол, — кемшик маҳмадоналик қилди. — Дилрабо шу ерда, парта устида оёқларини ликиллатиб ўтиради. Мабодо музейга кирса, қўрққанидан юраги пақ ёрилиб...

— Улади демоқчимисан? — эркаланди Дилрабо. — Навбатчи-павбатчи бўлмайман! Уйга кетаман! Эртага раҳбар сўраса, қўрқитганингни айтаман!

— Музейга кирмоқчимисан? Кир унда! — кемшик дарҳол қизнинг қўлларидан тутди.

Гурхол уларнинг нозли айтишувларига тоқат қилолмай йўлак охирига жўнади. Икки йигитча музей эшигини очаётганида, Дилрабо синфхонадан мўраллади.

— Марҳамат, — деди кемшик Гурхолга. — Биз коридорда кутамиз... Вой, Дилини қаранглар! Қўрққанидан синфдан ҳам чиқолмаяпти.

Гурхол музейга қадам босган ҳам эдики, эшик ташқаридан қулфланди.

— Кечир, Гулсара! — қулф тешигидан қичқирди кемшик. — Эшикни сал кейинроқ очаман. Раҳбарга чақмайсан, деб умид қиламан, чунки синфни сенсиз тозаламоқчимиз. Бу сенга ёқадими? Ёқади! Ахир, ишламасдан ўтирасан, музейни бепул томоша қиласан! Мен, Суннат, Дилрабо

сенинг олдингда сирлашолмаймиз-да!.. Ҳой, нега индамайсан? Тирикмисан?

Гўрхол чироқтугмачасини босган эди, ишламади. У музей ўртасида тўхтади. Буюмлар худди мультфильмлардагидек одам кирган ондаёқ тош сингари қотганга ўхшарди. Парданинг бир чети тешилибди: офтобнинг ингичка нури стол ойнасига тушиб, қозиққа илинган паранжининг қора чимматига шуъла ташлаганди.

Музейга биринчи марта ёлғиз кириши эди. Ҳар бир топилмани синчиклаб, баҳузур томоша қила бошлади. Ниҳоят, паранжи олдида тўхтади. Қуёш нури ғойиб бўлган эди. Паранжини қизиқиш-ла силади, чачвонни очди. Кейин қозиқдан олди-да, шошилмасдан ёпинди. Паранжи унга узунлик қилди. Этагини судраб у ёқ-бу ёққа юргач, ҳомуза тортган кўйи бурчакдаги курсига ўтирди. Паранжи дағал бўлса-да, эркалаган каби ўз оғушидан кўйиб юбормасди.

Юзига чимматни туширди. Шу тобда кимдир музейга кирса, бурчакдаги паранжи қимирласа, ўтакаси ёрилиши турган гап эди. Қаердандир, йўлак охиридан синфдошларининг қийқириғи қулоққа чалинди-ю кимсасиз мактабга сукунат чўкди.

— Кетишди, — деди Гўрхол.

У деворга суяниб, кўзини юмди. Қулфия фолчи хизматкор истаганди, ниятига етди. Ҳозир Гўрхол уядан озодлик осмонига учиб чиқишни охириги марта ўйлаб кўрмоқчи эди. Минг йил аввал йўқолган игналар бир уюм тунроқ тагидан топилади, Гўрхол ўн беш йил муқаддам чақалоғидан кечган аёлни ва унинг оқибатсиз жуфтини аниқлаёлмайдими?

— Исми Бузим эди... — пичирлади Гўрхол. — Мен туғилмасимдан аввал ҳам жийдазорда яшаган. Қўлига қандай тушиб қолганман? Бузим ота юзлаб чақирим наридан чақалоқ кўтариб келмайди. Демак, онам ўша атрофдаги қишлоқларнинг бирида яшайди.

Гўрхолнинг юраги дукиллаб ура кетди.

— Наҳотки, онамни кўрсам?

Паранжига қулайроқ бурканиб, мушоҳада қилди:

— Кимдир мени ўлдирмоқчи бўлгани учун овлоққа бекитган бўлса-чи?

Юраги аламдан ўртанди.

— Душманим ким? Онамнинг ўзимикан? Шарманда бўлмаслик учун... Охир-оқибат Бузим ота учраган ва... асраб олган.

Қуёш ботди. Мактаб қоронғилик қўйнида қолган бўлса ҳам гўр қизи қилт этмади. У узоқ ўйлади. Ухлаб қолдими, туш кўраяпти, ўзи ҳам англолмасди. Қачонлардир жийдазордаги туши ҳам хаёл саҳнасига чиқди: туманли кеча, совуқдан эт жунжикади, аммо Гўрхол совқотмайди. Барно йигит боғ этагига дўстлари билан ташриф буюради. Гўрхол бир-бирига қиёфадош ўнлаб йигитларни аввал ҳеч кўрмаган. Айримларининг оёқлари бўриларникига монанд. “Ҳаммамиз гўрда туғилганмиз, — дейди йигитлар сардори, — лекин фақат сен қизлардансан...”

Бир пайт қитирлаган овоз эшитилди. Гўрхол кўзини очди, қулоқларини динг қилди. Дастлаб овоз қаердан келаётганини билолмади. Сал ўтмай дераза ортида бир йигит товуш берди:

— Фиу!

Гўрхол қулоқларига ишонмади. Кечаси учинчи қават деразасига ким тирмашиб чиқди? Спортзал тоmidан музей деразасига деворга қапишиб ўтиш мумкин, оёқ-қўлнинг тирноқлари темирдан бўлса, албатта. Қасамбойда эса бундай махлуқ йўқ. Қайси ўғри жонидан тўйди?

— Фиу! Фиу! — овоз такрорланди.

Дераза яна қитирлади, ойна ғижирлади. Сўнгра қора парда шишди ва музей полига алланима унсиз тушди. У бир сакраб, ойнаванд стол устига чиқди. Гўрхол ғаройиб мавжудот баҳайбат қора мушук эканини кўрди. Мушукнинг кўзлари чўғ мисоли ёнарди.

— Фиу! — деди деразадаги йигит.

— Миёв-вв... — бўғиқ, палағда овозда жавоб қайтарди мушук.

Гурхол нафас олмай кузатмоқда эди. Парда сурилиб, бир йигит музей ичига сакради. Мушукнинг эҳтиёткорлигини такрорлаёлмади: қўли мис товоққа тегиб, ағдариб юборди. Бироқ эпчиллик ила тутиб қолди ва чангини артиб, жойига қўйди-да, йўталганга ўхшаб қисқа кулди. Мушук думини асабий ўйнатиб, соҳибининг буйруғига маҳтал бўлди.

— Фиу, биз буни уддаладик, — деди йигит ўктам овозда. — Ишқилиб ишдан қайтаётган бирор деҳқон кўрмаган бўлсин. Акс ҳолда, мактабда арвоҳ изғиб юрибди, деб шайтонлаб қолади.

Йигит ойна қопланган кўргазма столига энгашди.

— Қани эди-я? Нариги қатордамиди?.. Кел, Фиу, чақноқ кўзларинг билан ёрит!

Мушук қимирламади.

— Ҳой, сенга айтаяпман!

Мушук ҳурпайди. Унинг икки кўзи бурчакдаги паранжига найзадек қадалганди. Йигит ҳам сергак тортиб, паранжига тикилди. Сўнг оёқ учида яқинлаша бошлади. Мушук ҳам эгасининг ҳаракатига тақлидан вазоҳатли одимлади. Гурхол ортиқ бекиниб ўтиролмасди.

— Тўхта! — дея чимматни кўтарди. — Яқинлашма икқовинг ҳам!

Йигит сесканиб, ўзини орқага олди. Орадан бир неча сония ўтди ҳамки, қимир этмади. Мушук эса ойна устида думини гажак қилиб, оппоқ тишларини намоиш этганча биғиллади.

— Кимсан? — Гурхол паранжини ечиб, столга ташлади-да, йигитга яқин борди.

— Астаффирулло...

— Исмингни сўраяпман, галварс! Йўқот мушугингни! Бирор жойим тирналса, икқовингни ҳам ейман!

— Мен Тамлузман. Сен-чи? — қаддини хиёл ростлади йигит.

— Гурхолман.

— Нима хол?

— Гурхол, — деди қиз гўдаклигидаги исмини эслаганидан ҳайрон бўлиб.

– Тушунмадим, исминг шунақами? – Иккови бир-биридан кўз узмай кичик доира ясаб айланишди. – Исминг бунча совуқ? Кимнинг қизисан?

– Танимадингми? – тишларини гижирлатди Гурхол.

– Қаёқдан танийман?! Исмингга ҳам, жисмингга ҳам биринчи марта дуч келишим!

– Охурда ухлайдиган одатинг борми, десам, кечалари мактабга ҳам кириб юраркансан-да?

– Охурда? Қанақа охурда?

– Айвондаги мол охурида.

– Гулсара? – дея Тамлуз қизнинг билакларидан тутди.

– Қулфия холанинг қизи!? Танидим сени! Вой, шум-ей! Сени арвоҳ дебман-ей!

– Гулсара эмасман.

– Қўйсанг-чи! Фолчи холанинг болохонасида яшайсан. Шу мактабнинг саккизинчи синфида ўқийсан. Сени ҳам менга ўхшаб овлоқдан топиб олишган.

Гурхолнинг чимирилган қошлари асл ҳолатига қайтди.

– Буларни қаердан биласиз, Тамлуз ака? – сўради у ювош тортиб.

– Баҳорда уйларинг орқасидан тоққа ўтгандим. Кўпинча кечаси юраман. Шунга... сени кўриб қолгандим. Қишлоққа келганингдан бери онанг мени хизматга чақирмай қўйди. Бировнинг асрандисидан ўзиникини афзал билди. Шуниси яхши. Юмушларим камайди.

– Мени овлоқдан топганларини қаёқдан билишингизни сўраяпман!

– Онам айтган.

– У менинг онамдан эшитган, шундайми?

– Ҳа, фолчидан эшитган.

– Бузим ҳақида ҳам гапирдимми?

– Нима “зим”?

– Довдирамасангиз-чи! Бузим деган кишини гапирдимми, йўқми?

– Уни сендан эшитиб турибман. Бошқа ҳеч қандай маълумот билмайман. Менга қара, кечаси мактаб музейида нима қилиб ўтирибсан?

– Бугун навбатчи эдим, ухлаб қолибман.

– Бўлмаган гап. Уйингдан қочдингми?

– Ростини айтсам, бебош синфдошим устимдан кулфлаб кетди. Паранжини ёпингандим, кўзим илинди. Сиздан ҳам баттар уйқучи эканман, Тамлуз ака.

– Ушанда бир ҳафта мижжа қоқмагандим. Ишларимни тугатиб, фолчи холанинг охурига чўзилдиму донг қотдим. Аслида кечаси ухлолмайман.

– Асл исмим Гўрхол эди. Елкамда катта хол бор. “Гўр” деган сўзни нега қўшишган, билмайман, – Гўрхол эгини қисди. – Сизнинг исмингиз ҳам ғалати. Отангиз Роҳиб муаллим нега тескари от қўйган? Ростдан ҳам зулмат одами экансиз-да, а?

– Бунинг тарихи оддий. Зулматли кечада шаҳардан пиёда қайтаётса, дарахтзордан чақалоқ йиғиси эшитилган. Дарахтзорга кириб, оқ латтага ўралган гўдакни – каминани учратган. Улар бефарзанд бўлишган. Худо етказди, деб мени уйига опкелган. Сигир сути билан боқишган. Зулмат масаласига келсак, ёлғизлик ва қоронғилик жону дилим. Кунларнинг бирида онам вафот этган. Ҳозирги онам учта қиз туғиб берди. Мени ёқтирмайди. Меҳрига зор ҳам эмасман. Ёлғизлик билан қоронғи кечалар мени ташлаб кетмайди.

– Барибир меҳрга зорсиз, яширманг.

– Ўзингдан қиёс қилаяпсанми?

– Мен меҳрга зорманми? Насиб этмаган нарсани излаш кимга керак!

– Музейда аразлаб ўтиришинг меҳр етишмаслигидан. Ҳаммадан кўнглинг қолган. Топдимми?

Илгари ҳам шу вазият бўлгандек туюлиб, Гўрхол яна қошларини чимирди. Қулфия фолчиникига келгандан бери синфдошларидан бошқа ҳеч бир йигит билан гаплашмаган эди-ку... Эслади! Бу – уша! Жийдазорда тушида кўрган йигит. Дустларининг оёқлари бўриларикидан эди.

– Мен сизни анча йиллар аввал тушимда кўрганман, – деди Гўрхол.

— Тушга ишонасанми? — истехзоли кулиб қўйди йигит.

— Аҳмоқона савол! Сизни ўн йиллар олдин кўрганман, деяпман, Тамлуз ака! Алдаб зарилми!

— Яхшиси, ҳозир сенга эшикни очиб бераман, уйингга кетасан. Холам роса хавотирланаётгандир.

— Мени ҳеч ким ахтариб келмади, демак, ҳеч кимга керак эмаслигим...

— Адашаяпсан! Сени қулфлаб кетган бола сир сақлаётган бўлиши мумкин. Бу ердан тезроқ кет! Уйингга жўна!

Гўрхол тушини жамики тафсилотлари билан сўзлаб бергач, Тамлуз янада асабийлашиб, уни эшикка етаклади ва тирқишдан мактабнинг зим-зиё, ҳувиллаган йўлагига мўралади.

— Биринчи қаватга тушиб, мактаб қоровулига учрашасан, — деди у дона-дона қилиб. — Синфдошинг устингдан қулфлаб кетганини, ухлаб қолганингни айтасан. Мен ва мушугимни сир тутишинг виждонингга боғлиқ.

— Ўғрини яшириш виждонга тўғри келмайди. Ҳолингизга вой, Тамлуз ака.

— Жигимга тегиш учун ўғри деяпсан, — ёлгондан аччиқланди Тамлуз. — Мен эски қўнғироқчага келганман. Ундан нусха ясаб, эртага жойига қайгараман.

— Директордан сўраш керак.

— Илтимос, ақл ўргатма! Бу жуда қаттиқ сир тутиладиган иш. Сиримни сотмаслигинг ҳам виждонингга ҳавола.

— Тушимни айтганимдан сўнг ўзгариб қолдингиз, Тамлуз ака.

— Гўрхол, жиддий гапираяпман! Уйингга жўна! Мен кундуз отамдан бошқага гапирмайман. Ишонмасанг, эртага танаффусда қишлоғимнинг болаларидан-сўра! Ҳеч бири гапирганимни эшитмаган. Иккимиз ҳам кечаси топилганларданмиз. Ўзимга яқин олдим, ахир! Сен қиз боласан, мен эса...

— Тўхтанг-тўхтанг, — завқланди Гўрхол. — Тушимдаги гапни сал ўзгартириб айтаяпсиз.

— Гўрхол, хоҳласанг дўст тутинамиз. Кечаси уйингдан чиқсанг, сенга тунги далаларни, боғларни, гепаликларни, қабристонни сайр қилдираман. Лекин... ҳозир кет! Мени кўрганингни, гаплашганингни ҳеч кимга айтма! Қўнғироқча шунчалик зарурки, маъно-моҳиятини тушунмайсан.

— Юз йил аввал ясалган қўнғироқча нега керак эканини айтсангиз, сиз билан дўст бўламан, келиндикми? Мен ҳам қоронғиликни ёқтираман. Шунча йилдан бери кундуз бу қишлоқда бирорта дўст-дугона топмадим. Сирингизни кимга соғаман? Чўридек қарайдиган ота-онамгами ёки устимдан қулфлаб қочадиган синфдошларимгами?

Мушук полга сакраб тушиб, иккисининг ўртасида келди.

— Майли, эшит, — деди Тамлуз овозини пасайтириб. — Тоғ ичкарасидаги майдонда отамнинг олма боғи бор. Мол-қоллар ҳам ўша ёқда, мен ҳам. Бундан роппа-роса қирқ кун бурун ярим кечаси ёмғир ёғди. Отамнинг оқ эшаги чайла орқасидаги қозиққа арқонланганди. Панага ўтказай деб чайладан чиқсам, эшак йўқ. Чақмоқ чақди ва пастликдаги жилға бўйида ўтлаётган эшакни, унинг ёнидаги қора шарпани кўрдим. Тунда ҳеч нимадан қўрқмайман. Жилға бўйига чопиб тушдим. Шарпа олтмиш ёшлардаги чўпон экан. Тоғнинг нариги томонидан пиёда келаётганмиш. Исми Худойназар бўлиб, лақаби Кимон экан. Анча йиллар аввал олис вилоятда юрганида, бир аёлни мазордан кавлаб олганмиш. Аёлни электр токи уриб юборган, одамлар уни ўлди деб, дафн қилишган.

Мушук миёвлади ва Гўрхолнинг оёғига суйкалди.

— Кейин-чи? — Тамлузнинг ҳикоясига қизиқиб қолди Гўрхол.

— Кимонга икки киши ҳамроҳ бўлган экан. Улар қабристон ёнидан ўтаётганида бир шарпани кўриб қолишган. Шарпа алланимани қучоқлаб, пахтазорда кўздан йўқолган. Кимон ва шериклари ҳам сен билан менга ўхшаш зулмат одамлари. Шарпани қувиб, бир

зумда етиб олишлари мумкин эди, лекин гўрлардан бири очилгани уларни йўлдан қайтаради. Дунёда шундай разил кимсалар яшайдики, тилла тишлилар вафот этишса, кечаси қабрни қазиб, тишларини ўғирлашади. Кимон ғазабланганча югуриб борса, бир аёл кафанга ўралиб, тупроққа беланиб ётганмиш. Унинг тишлари ўғирланмаган, балки... фарзанд кўрган экан.

— Фарзанд кўрган? Қабристондами?

— Ҳа. Юрагига қулоқ солса, заиф ураяпти. Уч эркак тоғу тошларда яшайдиганлардан эди. Бири дуо ўқийди, иккинчиси юракни уқалайди, учинчиси ҳар доим ёнида олиб юрувчи доридан ичиради. Туғишига яқин қолганда ток урган аёлга пахтазор оралаб қишлоқ томон кетган шарпа доялик қилган. Сўнг аёлни ўлди деганми ё чақалоқни иссиқ уйга жойлаштириб, одамларни чақириб келмоқчи бўлганми, менга аён эмас. Кимон “Биз аёлни мўъжиза туфайли сақлаб қолдик”, деди. Кимондан бошқа киши учраганида, ўлган деб гумон қиларди ва кўп қон йўқотган аёл чиндан ҳам уларди.

— Унга қўнғироқчанинг нима алоқаси бор?

— Шошмасанг-чи! Ушанда аёл кўзини очмаган, аммо хириллаб нафас ола бошлаган. Кимон уни шифохонага олиб бормоқчи бўлади. Шу пайт аёл кўзи юмуқ ҳолда чақалоғини сўрайди, Кимон бўлган воқеани сўзлаб беради. “Мен учинчи марта ўламан, — дейди аёл, — ҳақиқий ўлим билан кўришаман, сизлар эса мозоримни очилмагандай дўппайтириб қўйинглар. Кўммасангиз, жасадимни экспертизада ёришади, кейин кундошимнинг уйида қайта кафанлашади, мен буни хоҳламайман. Агар ҳеч нима бўлмагандай қайтадан кўмиб қўйсаларингиз ёруғ дунёдагилар чақалоғим ҳаёт эканини билишмайди. Биз улар учун ўлганмиз”. Кимон ҳайрон бўлиб: “Чақалоқнинг ҳам душмани борми? Уни қишлоққа олиб кетган киши ҳадемай қайтади. Сизни ҳам, гўдакни ҳам элдан яширишнинг иложи йўқ”, дейди. Аёл: “У ёлғиз келадими, қишлоқни оёққа турғазадими, мени

кўминглар, чунки бизда қабрни очиш осон иш эмас, мен гўрдан чиқиб, фарзанд кўрганимга ва яна ўз-ўзидан дафн этилиб қолганимга ким ишонади?” деб жавоб беради-ю қайтиб оғиз очмайди. Орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам бирор марта гапирмаган, ўзининг кимлигини ҳам эслолмаган. Гўрдаги даҳшатли азоблардан кейин эсини йўқотган бўлса керак. Кимон кечаси қабристонга келган киши аёлнинг чақалоғини қишлоққа олиб кетмаганини, ҳадемай майитни дафн этишга келишини тушунади. “Мен аёлни ёруғ дунёдагилар рўйхатидан ўчираман”, дея Кимон бўм-бўш лаҳадни кўмишга, мозорни дўппайтириб қўйишга қарор қилади.

— Кимон деганингиз нима учун милициягами, қишлоқдагиларгами хабар бермаган? Аёлнинг гапларига осонгина ишонганми?

— У бир қарашда ҳаммасини тушунган. Доялик қилган киши гунда қабристонда нима қилиб юрганди? Демак, доя ҳам зулмат одами. Аёл уни яхши танийди. Гўр ўз-ўзидан дўппайиб қолса, халқ гувоҳни тентакка чиқаришига ҳам ишонади. Хуллас, лаҳадни кўмишган, қабрни дўппайтириб, атрофидаги изларни йўқотишган. Аёлни галма-гал кўтариб, тоққа чиқишган. Кимон ва ҳамроҳлари кундузлари дам олиб, кечалари йўл босиб, минг чақирим наридан келаётган эдилар. Манзилга етгунча уч юз эллик чақирим масофа қолган эди. Кимон шериклари билан тоғда хайрлашади. Шундан сўнг аёлни бир йилча чайлада даволаган, кейин бошқа вилоятга, ўзининг доимий қароргоҳига олиб кетган. Аёл секин-аста соғайган. Ҳозир уй юмушларини қила оларкан. Одамлар уни “Худойназар чўпоннинг гунг хотини” дейишармиш. Кимон тоғдан тушиб, ўша қабристонга борганида, гўрга ҳеч ким тегинмаганини, атрофдаги қишлоқларда мазоротда туғилган қиз ёки йўқолган майит ҳақида миш-миш чиқмаганини билиб олади. Чақалоқни ахтариб ўтирмайди. Шартта тоққа жўнаб, аёлга бор гапни айтади. Аёл индамайди. Тарихи шу.

Аслида музей ташқарида, бу ерда ҳаёт яшайди. Мен бугунни ўтмиш билан эмас, ўтмишни бугун билан боғламоқчиман.

— Хўп, ишондим ҳам дейлик, аёл қўнғироқчани бўйнига осиб юрарканми?

— Сен ўзи қўнғироқчага синчиклаб қараганмисан?

— Кичкина олмурутга ўхшаш нарсанинг нима каромати бор?

— У алла айтади.

— Бўлмаган гап! — деди Гўрхол. — Хоҳлайсизми, мен бир вақтнинг ўзида бир неча жойда йиғлаб бераман.

— Сени қара-ю! Йиғини Фиу ҳам ёқтирмайди. Шарча солинган пластмасса ўйинчоқни бешигингга, бурнинг устига осиб қўйишганда роса ўйнагандирсан?

— Бешикда ётмаганман.

— Агар бешикда ётганигда ва қўнғироқча илиб қўйишганида, бемаъни савол бермасдинг. Чунки одамлар эсларини танигандан бери ота-онаси қадрлаган нарсаларни яхши кўради.

— Мен қоронғиликни нега яхши кўраман?

— Сени овлоқдан топган одам уззуқун қоронғи жойда ўтирган, тушундингми? Ёки онанг...

— Онамни гапирмоқчимисиз? Менга ҳеч ким туққан онам ҳақида ҳеч нима айтмаган.

— Айтмоқчиманки, балки у, яъни онанг ҳаётида кўп хўрликлар кўргандир? Уни қоронғи хоналарга қамаб қўйишгандир?

— Нега қоронғи хонага қамаб қўйишади?

— У ҳам етимликда ўсган бўлса, ўгай онаси болалигида қамаб қўйган бўлиши мумкин. Ёки отанг... шундай қилгандир? Вақт-соати келса, буни аниқлаб бераман. Кечир, ҳозирча сен ҳақингда кўп нарса айтолмайман.

Улар бир зум жим қолишди. Мушук эркаланиб хуриллади.

— Бешикда ётмаганман, — деди Гўрхол ҳазин товушда. — Пластмассадан ясалган шақилдоқни ҳам эслаёлмайман.

— Тушунаман...

— Ўша аёл чўпонга турмушга чиқиб, фарзанд кўроқчи, кейин қўнғироқчани бешикка осиб қўймоқчи эканми? — деди Гўрхол негадир рашк ҳиссини туйиб.

— Бунақа эмас. Кимон уни қўнғироқчалар орқали даволашини кашф этибди. Турли русумдаги қўнғироқчаларни тўплабди. “Бачақўнғироқ”ни топишни ўзим айтдим унга. Бир вақтлар айрим оилаларда бешикка тумор билан бирга осиб қўйишган.

— Биринчи эшитишим.

— Одамлар минг йиллар давомида омовда ер ҳайдаб, яйловда чорва боқиб, шаҳарда косибчилик қилган деган хаёлдамисан? Тарих хароб эмас. “Бачақўнғироқ”нинг жаранги бошқача.

— Балки шу ерда чалиб берарсиз?

— Мени тушунмадинг чоғи. У музейга келтирилганда, аллақачон бузилган бўлган. Овозини ҳозирги тирик одамлардан ҳеч ким эшитмаган. Ундан нусха кўчирсам, жаранглайдиган капгирчасини ўзим ясайман. Мен Кимон билан дўст тутиндим. Дўстлигимизни ҳозирча сендан бошқа ҳеч ким билмайди. Ўрнингда бошқа одам учраганида, ўзимни учинчи қаватдан ташлаб, қочиб кетардим. Нега қочмадим? Нега сирларимни айтдим? Сезгиларим паранжи ичида яқин сирдошим, дўстим ва албатта керакли инсоним борилигини айтди.

— Вой, менга шунчалик ишондингизми?

— Сен ёлғизланиб қолганингдан хабардорман. Сабаби ҳам менга аён, уни айтдим. Одатда қизлар сенга ўхшаганлар билан дугона бўлмайди, йигитлар эса севмайди. Биз иккимиз орзу-ҳавас қилинмайдиганлар тоифасиданмиз...

— Тўхтаг-чи! — Гўрхол Тамлузга ўдағайлади. — Фолчи аямникига келганимдан бери кечалари мени кузатиб юрган бўлманг! Менда ҳам сезги сизникидан қолишмайди. Ҳар доим қоронғилик менга одамдек туюларди. Демак, унинг ичида сиз бор экансиз-да?

Тамлуз айбдорона бош қашиб, тан олди:

– Сенга уйланмоқчиман, Гурхол. Бор-йўғи ун йил бўлди кузатиб юрганамга.

Гурхол тарсаки туширмоқчи эди, улгуролмади.

– Ҳозир саккизинчи синфсан, – деди Тамлуз қўлидан тутиб қоларкан. – Турмушга чиқишинг учун уч йил ўтиши керак. Агар бугун тасодифан учрашмаганимизда, сени яхши кўришим тушингга ҳам кирмай юраверардинг. Биз бир-биримиз учун яралганмиз.

– Вой, сурбет-ей! – дув қизарди Гурхол.

– Бахтли бўламиз...

– Қўйворинг, уйга кетишим керак, – силтанди Гурхол.

– Мени ким деб уйлаяпсиз, а?

– Ўртамиздаги севимли Фиу ҳам гувоҳ, – севинчини яширолмади Тамлуз. – Қора мушук бахт аломати, ахир! Ҳар кеч мени болохона орқасида кут!

– Бас! Эшикни очиб беринг! – йиғламсиради Гурхол.

– Одам ҳам шунчалик уятсиз бўладими?

– Уятсиз эмасман! Эшик очиш ҳам чўт эмас!

Тамлуз ортига тисланиб, эшикни бир тепган эди, омонат қулф синиб, эшик ошиқ-мошиқларидан узилиб полга учиб тушди. Гумбурлаган овоз ҳувиллаган мактаб биносини ларзага солди, деразалар зириллади.

– Қулфни очишни биледи, десам... нималар қилиб қўйдингиз? – деди Гурхол.

– Кўзимни очсам, музейда ётибман. Учинчи қават деразасидан тушишга қўрқиб, ўзимни эшикка урдим дейсан, жонгинам!

– Жонгинам? Мени “жонгинам” дедингизми? Уятсиз! Йўқолинг-е!

– Фақат дераза орқали йўқоламан, хўпми?

– Жинни!

– Паранжи!

– Э, боринг-е! – дея Гурхол зинапоя сари шошилди.

Биринчи қават зинасида қоровул йўлини тўсди:

– Кимсан?

– Гулсараман! Қулфия фолчининг қизи!

– Одамнинг юрагини ёриб юбординг-ку! Кечаси мактабда нима қилиб юрибсан?

- Музейдан чиқдим.
- Музейдан?!! Эсинг жойидами сен қизнинг?
- Айб менда эмас.
- Тепада нима гумбурлади?
- Утмиш эшиги.

Қоровул ғалати тикилиб турган қизнинг кўзлари тубида чўғ ёнганини кўриб, тилига калима келмай ортига тисланди.

- Яхши қолинг, – Гўрхол йўлак бўйлаб чошиб кетди.
- Ё алҳазар, – қоровул ёқасига туфлади.

## ҲОЙИБ БЎЛГАН КЕЛИН-КУЁВ

Қулфия фолчи инс-жинсларни ҳайдашу келажакдаги ҳодисаларни башорат қилишни яна авж олдирган йиллар эди. Вилоятнинг нариги четидаги қишлоқлар аҳли унга ихлос қўйиб, бир замонлар нураган шон-шуҳрати тикланди. Фолчилар ҳам эл орасида худди кийим ёки машина сингари урф бўлишарди. “Қасамбойдаги Қулфия фолчи йўқолган сигирнинг қаердалигини айтибди”, “Қасамбойдаги Қулфия фолчи тавсия қилган амалларни бажарган экан, ун йилдан бери фарзанд кўрмаётган келин иккиқат бўлганмиш...”

Фолчининг ҳовлисида мол-қўй кўпайди. Бу – Гўрхолнинг гарданига янада оғир юк тушди дегани эди. Уша куни Гўрхол эрталаб мактабга жўнаётганида, остонада бир нафас тўхтади. Одатда, Қулфия фолчи ёки эри ўзлари тушуниб унга тушлик пули тутқазишлари ёки бир бўлак нон олиб кетишга рухсат беришлари керак эди.

– Эртароқ қайт, – шанғиллади фолчи. – Келганингдан кийимларингни алмаштир-да, молларни суғор, товуқларга дон бериб, тухумларни териб чиқ. Қўй боқишга чиқишдан олдин битта тухумни қовуриб е! Агар иккита тухум пўчоғини кўрсам, ўласан, тушундингми? Қиз бола кам ейиши, чаққонгина бўлиши керак... Бор, жўна тезроқ мактабингга! Саккизинчини тезроқ тугатсанг, ташлайсан мактабни! Университетни

битирганлар менга бош уриб келади, жамоат орасида эса фолчиларни ёмонлашади. Фолнинг ёрдамимда дарди арийди-ю фолни гуноҳ деб жар солади... — У хаёлий рақибига сўзлади: — Қаёқдан биласан, балки тақдиринг мен орқали сенга етказилаётган бўлса-чи!

Узоқ сигаретини тутатиб, Гурхолнинг изидан бемаъно қараб қолди...

Кечаси мактаб музейидан чиқиб, уйига югуриб келганида, Узоқ ҳамон сигаретини тутатганча турганини кўрди. Қўшнилари уйда чироқ ёниқ, ғала-ғовурга қараганда, нимадир рўй берганди. Гурхол англадики, бу ерларда унинг бахти қадрланмайди, ҳозир қиёмат кўпади.

Қиз дарҳол баҳонасини айтди. Узоқ сигаретини ташлаб, эринмасдан эзди ва:

— Аянгни тушдан кейин фол кўришга Ваянганга олиб кетишганди, — деди. — Йўл яқин бўлса экан. Ҳозир келиб, тревога кўтарди. Уйда йўқмидинг? Эрталабки гаплар ҳавога учибди-да! Сенга ишониб, мен меҳмонга кетибман.

Гурхол ортига ўгирилди. Қулфия фолчи ва қўшнилари кириб келишди.

— Мана-ку! Мактабдан қайтмабди, деб бунча юрагимизни ёрдингиз-ей! — чуғиллашди хотинлар.

— Қаерларда йўқолиб юрибсан? — ўшқирди фолчи.

— Йўқолиб қаёққа йўқолади, — дейишди эрақлар. — Аям меҳмонга кетганда мен ҳам дугонамникига борай, дегандир-да! Бошқа пайт Қулфия остона ҳатлатиб кўчага чиқармаса!

— Қаерда эдинг? Сендан сўраяпман! — тутақди фолчи.

— Мактаб музейида ухлаб қолибди, — изоҳлади Узоқ энсасини қотириб.

— Уйга кир! — фолчи Гурхолнинг қўлидан судраб, бўсагадан силтаб ўтказди-да, ичкарига итариб юборди. — Қўшнилари кетсин, гўштингни гўштбарак қиламан сен дайдининг! Қонингда бузуқлик борлигини, кечалари тентирашга ишқибозлигингни муштдайлигингда

сезганман. Менинг уйимда яшаяпсанми, ҳаром қонингни зулукдай сўриб, туфлаб ташлайман! — Сўнг қўшниларга юз бурди: — Мен уңи тарбияли бўлсин деб тарбиялайман. Қиз болани қаттиқ олиш керак! Шу вақтгача биров билан етаклашиб юрганини ким кўрган?! Мактабни битирсин, куёвга узатаман.

— Қулфия, ҳеч кимдан сир яширмайсиз-а? — дейишди хотинлар. — Қаердан асраб олганингизни-ю қачон эрга беришингизгача ҳаммага айтасиз. Сал кўнглига қаранг ёшгина Гулсараойнинг, вой-бў...

— Э, кўнгли бўлса қарайманми?! — шанғиллади фолчи.

Тўй кутилмаганда тезлашиб кетди. Гўрхолнинг мактабдан кечаси қайтгани эмас, Қулфия фолчининг ҳовлисида юмуш ҳаддан ташқари купайгани сабаб эди. Фолчи маош туланадиган хизматкор ёллаёлмасди. Бир аёл маълум вақт хизматини бажаргач, қарз сўраган эди, маош талаб қилаяпти, деган гумонда жавобини берди. Қўни-қўшни-ю мижозларни ҳашарга чақиравериб, шундай безор қилдики, мабодо фолчи бошқа масала бўйича Гўрхолни кимникигадир юборса ҳам, юраги безиллаганлар сўралганни “уйда йўқ” дейдиган бўлишди. Айниқса, буқаларнинг семириши эркак хизматкорга талабни оширди.

— Ўғил бола ҳам асраб олишимиз керак экан, аттанг, — кечаси эрига нолиди фолчи.

— Роҳиб муаллимнинг омади чопганмиш, — деди Узоқ. — Унинг ўғли... ҳалиги Тамлуз мактаб-пактабни ташлаб, иккита мол, иккита қўйни тоққа олиб кетган экан, ҳозир бугун бошли ферма ташкил қилганмиш. Роҳиб муаллим пенсияга чиқиб, “Дамас” оламан, деганмиш. “Дамас” деган машина чиққан, буханкага ўхшаш. Ким олиб беради? Тамлуз-да, албатта!

— Гўрхолни Тамлузга бераман.

— Бор дастёрингдан ҳам айрилиб, Роҳибнинг “Дамаси”ни “Нексия” қилмоқчимисан? “Нексия” деган машина ҳам чиққан, “Волга”дан учқур.

— Йўқ, — деди фолчи, — маҳалла-кўй менга ён

босишига Гулсаранинг ёлғиз фарзандимиз эканини пеш қиламиз. Тамлуз билан Гулсара тўйдан кейин бизникига кўчиб келади.

Эр-хотиннинг кўзига уйқу илиниб, орадан бир соат ўтгач, тоғ томондан қашқир ноласи эшитилди. Ой чиқмаган зим-зиё кеча эди. Чойшабни оҳиста сидирган Гўрхол қулоғини динг қилди. Қашқир яна улиди. Юраги ҳаприқиб деразага талпинган эди, тунука қопламали раҳда қора мушук пайдо бўлди. Кўзлари булут ариган осмондаги ой сингари балқиди.

— Фиу, — деди Гўрхол деразани очиб жониворни силаркан, — эганг қани?

Қоронғилик қўйнида чигиртка чириллади. Гўрхол ҳарир либоси устидан чит кўйлагини кийиб, сочини бир зарбда орқага турмак қилди-да, болохонанинг нақшинкор ғиштларига осилди ва ерга сассиз сакради. Мушук унга йўл бошлаган каби олдига тушиб югурди. Қиз ҳам қолишмасди. Эллик қадамлар наридаги тизза бўйи янтоқ панасида ўтирган Тамлуз ногоҳон оёққа қалққан эди, мушук чап берди, аммо Гўрхол йигитнинг бағрида кўрди ўзини. Қўнғироқча жиринглади.

— Намунча? — шўх қизга айланган Гўрхол ошиқнинг юзига авайлаб уриб қўяркан, дарров нари қочди.

Тамлуз бир ҳатлаб, қўлидан тутди. Улар қўл ушлашиб адир сари юришди.

— Ёримнинг ўпкалаши нимадан? — сўради Тамлуз.

— Бир қашқир бўласиз, бир чигиртка. Юборган элчингиз эса қоп-қора мушук.

— Бизда сигир, қўй-эчки, эшак, товуқлар ҳам бор. Бу сафар улардан қайси бирини юборганим маъқул?

Қўнғироқча яна жиринглади.

— Тўхтанг, нима у?

— Қўнғироқчадан яна битта ясадим.

— Мен ҳам чалай.

Гўрхол қўнғироқчани авайлаб ушлади. Қўнғилни қитиқлайдиган нафис жиринг-жиринг ҳавога ёйилди.

— Тилдан қолган аёлни бунинг нимаси билан доволайди?

— Менимча, — деди Тамлуз, — аёл қўнғироқчаларни жиринглатиб, ўз ўтмишини сўзлаб берса керак.

— Нега “менимча” деяпсиз? Кимон бободан аниғини сўрамадингизми?

— Бировларнинг сирларини сўраб-суриштиравериш одобдан эмас.

— Қўнғироқча учун мактабга ўғирликка кирдингиз, учинчи қават деразасига тирмашиб ҳаётингизни хавф остига қўйдингиз, бободан унинг сир-синоати ҳақида ҳеч вақо сўрамаганингизга ишонмайман.

— Гўрхол, мен қўнғироқчадан ҳам муҳим савол бердим.

— Қандай савол? — қўнғироқчани узатди Гўрхол, лекин Тамлуз олмади.

— Мендан сенга совға, — деди у. — Кимонга сен ҳақингда гапириб бердим. “Кундуз одамлар орасида бахтсиз кўринадиган, дўстсиз яшайдиган, ҳеч ким менсимайдиган, кечаси бахтли қизга айланадиганлар кўп, сен улардан бирига учрабсан, бахтингни қўлдан бой берма”, деди. Бошим кўкка етди.

— Сир сақлолмас экансиз.

— Гўрхол, ундан нимани сўраганимни айтайми?

— Хўш?

— “Бузим деб эшитганмисиз?” дегандим, Кимон ўйга толди, хотирасини узоқ титкилади, сўнг “Бузим одам эмас, жой номи”, деди.

— Қанақа жой номи? У одам эди.

— Кимон “Қайсидир вилоятда Бузим деган жой бор деб эшитганман, адашмасам, у ё жийдазор, ё қабристон бўлса керак”, деди.

— Жийдазор... Тўғри, мен жийдазорда яшардим, қора итим бўларди.

— Меники қора мушук, — кулиб қўйди Тамлуз. — Ўхшаш тақдирлар!

— Нега куласиз? Жиддий гапираяпман! Ҳозироқ

Кимон бобо билан учрашишим керак. Чайласига олиб борасизми?

— У тоғнинг тепасига, сурувига кетди. Жуда узоқ. Боришга ва қайтишга икки кун керак. Аянг жавоб берадими?

— Осмон узилиб ерга тушса ҳам кўнмайди, — қўлларини чалиштириб, қовоқ солди Гўрхол.

— Бузимни топишинг шунчалик зарилми?

— Бузим ота ўз ота-онаминг кимлигини аниқлашда ёрдам берадиган сўнги умидим.

— Гўрхол, биз кимнинг насл-насаби эканимизни барибир аниқлаёлмаймиз. Йиллар ўтди, эндиликда ўзимиз насл-насаб яратишимиз керак. Бахтли авлодларнинг бобоси ва момоси бўлишимиз учун муҳаббатдан ҳам, ҳалолликдан ҳам, меҳнатсеварликдан ҳам қисмаган. Биздан кейин авлодларимизнинг ҳеч бирининг бошига бахтсиз болалик тушмайди, деб умид қиламан.

— Туғилмасимдан аввалги ўтмишни билишни хоҳлайман, шунчалик хоҳлайманки... — йиғламсиради Гўрхол.

— Йиғламоқчимисан? Сендан воз кечган ота ва онанг учун-а?

— Бас қилинг! — депсинди Гўрхол. — Зулмат одамлари бўлсак ҳам, сиздан фарқим — мен ўз ота-онамни кўрмоқчиман! Ҳаққим бор бунга! Ё сиз ҳам анави уйдаги ота-онага ўхшаб эркимни хоҳламайсизми? Нега мен кечаси адирда сиз билан юрибман? Тунни ёқтирганим учунми? Йўқ, эрксизлигим сабабли!

— Сенга эрк беришса, кундуз одамларнинг кўз ўнгида учрашармидинг?

— Вақт-соати келса учрашардим. Янгалар қайнсингилларини кундуз шаҳарга учрашувга олиб чиқишади-ку! Юз йил аввал, паранжи ёпиниб юрган даврларда ҳам кундуз учрашишган. Бўлажак хотинини тўйдан олдин кўрмасин, деб ҳеч қайси китобда ёзилмаган.

— Узр, эрк деганингни бошқача тушунибман.

— Ҳақиқий ота-онамни топиш учун бугуноқ уйдан қочиб кетишим мумкин, лекин бу ҳам эрк бўлолмайди.

— Улар бизни қулга айлантирса, қочиб кетишга ҳақлимиз, Гўрхол, — тўлқинланди Тамлуз. — Мен ҳам, сен ҳам ҳозир ўз оила бошлиқларимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни бажараяпмиз. Агар сени менга бермаса, бирга қочамиз.

— Бемаъни орзу, Тамлуз ака.

— Фолчи аянг совчиларимни умидсиз қайтармаслиги учун қўлимдан келганча тиришаман. Турмуш қурганимиздан кейин мустақил оила бўлишимизга йўл қўйишлари керак. Агар ўшанда ҳам бизни хизматкор ўрнида кўришса, тамом, мустақил бўлиш учун бу ерларни тарк этамиз. Авлодларимиз...

— Ўтмишимни топмасдан туриб оила қурмайман!

— Ҳазилми бу?

— Қасам ичайми, Тамлуз ака?! Сиз билан ҳозирча дўстмиз, холос. Ким бўлсангиз ҳам менинг орзуйимга беписанд қарамаслигингиз керак.

— Кечир, — деди Тамлуз, — орзуйингга тил теккизиб қўйдим. Сенга яхши бўлсин деб гапиргандим, жаҳлингдан туш. Мен ҳам ҳақиқий ота-онамни бир бора кўришни хоҳлайман. Ҳар гал ўзимни “Овлоққа ташлаб кетган онани, уни шундай қилишга мажбурлаган отани кўришга шунча муштоқмисан?” деб овутаман

Улар адир бошидаги харсангтош устида хаёл суриб ўтирдилар. Мушук ҳам чўнқайиб, олисларга тикилди.

— Ойга айланиб қолсам, — деди Гўрхол кўкка боқиб.

— Ёқтирмайман, — тумшайди Тамлуз. — Ой итга ҳам, битга ҳам кўринадиган чўтир юзли мақтанчоқ йўлдош. Ўзини ҳаммага кўз-кўз қиладиган қизга ўхшайди.

— Ҳаммага кўринса, ҳозир қани у, Тамлуз ака? Ой уятсиз эмас.

— Ой чиқмагани учун уни иболи демоқчимисан? Ер шарининг нариги томонига бора олсайдинг, хиёнатига гувоҳ бўлардинг. Бундан ташқари у бизни бошқаларга кўрсатади, сиримизни ёяди. Қишлоқда “Фолчининг

қизи ёмон экан, кечаси Роҳиб муаллимнинг ўғли билан адирда юрганмиш”, деган гап тарқалади. “Кўр кўрни қоронғида топибди-да”, деб кулишади инсофсизлар. Нима, осмонда Ойдан бошқа сайёралар йўқми? Биз кўрмайдиган, пайқамайдиган миллион-миллион сайёралар мавжуд.

– Нега сиз шуларни бошқаларга гапирмайсиз?

– Ҳурмат қилмайдиганлар билан нимани гаплашиш мумкин?

– Ойга айлансам эди, – деди Гўрхол яна. – Онамни топардим. Уни топиш учун зулмат дунёсидан умрбод кетишга ҳам розиман. Онам мenden воз кечган бўлиб чиқишига ҳеч қачон ишонмайман. У менинг онам... онажоним! Бошига қандайдир кўргулик тушиб, мени йўқотиб қўйган.

– Онанг топилмаса турмушга чиқмайсанми?

– Тамлуз ака, ҳақиқий онамни топишим керак. У кишисиз тўй бўлса булар, биз... бир уйда алоҳида яшаймиз.

– У ҳолда ўзим топиб бераман.

– Ростданми? Қандай қилиб?

– Ҳеч бўлмаса, Бузим жийдазори қаердалигини аниқлайман. Фикри ожизимча, сен айтган Бузим деган киши билан шу номдаги жийдазорнинг боғлиқлиги бор.

Улар яна бир йил учрашиб юрдилар. Ойдин кечаларда қояга чиқиб, олис шаҳарларнинг чироқларига термулиб ўтиришарди, зим-зиё тунларда кўпинча дарё бўйига тушишар, гирдобларнинг қулқуллаб овоз чиқаришини тинглашарди. Қариялар бу қулқуллашлар кечалари қурбонликка одам чақиради, фалон-фалон кишиларнинг қизлари ё ўғилларини кечаси дарё чақирган ва улар чўкиб ўлишган, деб афсоналар тўқишганди. Албатта, афсоналар Тамлуз ва Гўрхолнинг кулгисини қистатарди. Айниқса, энг кулгилиси мактаб музейи жойлашган учинчи қаватда оқ шарпаларни кўрган кишиларнинг хасталикка чалиниб, ўзларини турли азайимхонларга ўқитишлари эди. Қулфия фолчига қатнаганлари қанча.

Ўйлаб кўришмайдики, ўша шарпа худди шу уйда — фолчининг асранди қизи бўлиб яшаяпти.

Кўпинча Гўрхол ва Тамлуз жарлик тагида, дарё лабида гирдобга термулиб ўтиришарди. Ярим кеча. Атрофда улардан ва балиқлардан бошқа тирик жон йўқ. Кундуз қандай бўлса, тунда ҳам шундай макон. Энг мароқлиси, қабристоннинг орқа томонидаги девор устида оёқларини осилтириб ўтириб, довучча еб, бир-бирига қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлашлари эди.

Умрлар ўтиб борарди. Бузим жийдазори қаердалигини ҳеч ким айтиб беролмасди. Кимоннинг ҳузурига бориш ёки олис вилоятларни кезиб, кафтдек жийдазорни ахтариш учун Тамлузга ҳам, Гўрхолга ҳам, ҳатто икки-уч кунга-да рухсат беришмасди.

Кунларнинг бирида Қулфия фолчиникига совчи келди, Гўрхолни Тамлузга фотиҳалашди.

— Бунчалик ёш қизни турмушга бериш қонунга зид, — деди биров.

— Момомни ўн олти ёшида узатишган, — бидиллади фолчи. — Мен ҳам мактабни битирар-битирмас эрга текканман. Нима жин урибди бизни? А?!

Тўй арафасида Қулфия фолчиникида “Сабзи тўғраш” маросими бўлди. Қўшни эркаклар кечқурун чорпояни тўлдириб ўтиришди. Ўспиринлар қопдаги сабзини корсонларга ағдариб, ҳовли этагидаги ариқча сувига ювиб, чорпояга ташишди. Эркаклар пичоқларини чиқаришди: кимдир сабзи арчиса, кимдир тахтачаларни тақиллатганча завқ-ла тўғради. Эртанги ошга бир уюм сабзи керак эди-да.

Чорпояга эгилган олма шохига 220 вольтли чироқ илинганди, кабель эса ошхонадан тортиб келинганди. Чорпоя четида ўтириб, ҳеч кимга гап бермаётган Узоқ қўлини совуқ сувга ҳам урмай дам-бадам нос чекар, райҳонлар орасига туфлаб, яна гап сотишда давом этарди. Сабзи тўғровчилар унинг гапига ишонганларидан эмас, ишонмаганларидан кулишарди.

Одатда эртага келин бўладиган қизларникига яқин

дугоналари келишарди. Гўрхолни ҳеч бири йўқламади. Бир замонлар унинг онаси Зебигулнинг тўйига уч синфдош қиз келган, ада-қада тугагач, дарҳол жўнаб қолишганди. Гўрхол ҳеч кимдан хафа эмасди. Унга сохта дугоналик ҳам, манфаатсиз урф-одатлар ҳам керак эмасди. Қиз эркисизлик ичидаги эркни англаб ётди. Уйинчоқ кишан тақиб, “Бу менинг қулим” деб мақтаниб юрган қулдорнинг арзандасини эслатарди теграсидагилар. Аслида на бахтсиз, на тутқун эди гўр қизи.

Қулфия фолчи ўчоқбошида сув қайнатиб, хотин-халажга чой ташишни буюрди. Гоҳида сув қайнашини кутиб Гўрхол ҳам худди онаси Зебигул каби ўчоқ бошида бир зум ўйга толганча ўтириб қоларди. Бироқ ҳеч кимга, ҳеч нарсага қурбон бўлмаётган қизлардан эди у. Хўш, тўй-томошалар билан узатишаётган экан, маъно-моҳият нимада? Гўрхол атрофдаги катталарни мактаб муаллимига ҳам ўхшатди. Ўз вазифасини аъло бажарган ўқувчига “беш” қўйишади. “Беш” — аъло баҳо. Бироқ ўқувчи баҳога эмас, илмга интилиши керак. Шунингдек, турмушда атрофдагилар қўядиган баҳо ҳам шу қадар нисбий эди.

— Э-э, Узоқ ака, бўлмайдиган гапларни қўйинг, — деди чорпоядаги эркаклардан бири. — Нуқул гапни олиб қочасиз, чувиллоқ деган ҳайвон йўқ. Агар бўлганида эди, олимлар ўз китобларига киритишарди.

— Чувиллоқ бор нарса, — қўлини силтаб гапирди Узоқ. — Уруш даврларида маккажўхоризорларда, бўғдойзорларда кечаси кўп учраган. Овози шоқолникига ўхшаган, кўриниши одамнинг нақ ўзи. Қариялардан эшитганман-ку, оғайнилар! Нега ишонмайсизлар?

— Ўзга сайёраликлар ҳам йўқ экан, — деди бошқа бир қўшни. — Америкаликларнинг махфий ҳарбий самолётларини одамлар учар ликобча деб шов-шув кўтаришган. Аммо Узоқ аканинг гапида жон бор. Чувиллоқ деганларини мен ҳам эшитганман. Улар уруш даврларида маккажўхори-ю бўғдой ўғирлаб кўн


кечирганларнинг иши. Катталар урушда бўлган. Демак, ўша даврдаги йигитчалар ёки урушга бормаган кишилар. Зулматда чувиллоқ яшармиш, дуч келган одамнинг бўйнини ғажиб кетармиш, деб гап тарқатишган. Мабодо ўғирликлари устига кимдир келиб қолса, қўлга тушмаслик учун шоқолдек чийиллаб, қўрқитишган. Одам сесканадиган жарликка, кечаси ҳеч ким бормайдиган мазоротга қараб қочишган. Балки у боласи учун бир ҳовуч буғдой ўғирлашга келган аёл ҳам бўлиши мумкин. Ким билади, бечоралар оиласини боқиш учун шундай қилишганми ёки ўспиринлар кундузги оғир ҳаётдан чарчаб, кечалари шўхлик қилиб хумордан чиқишганми, қиёматда биламиз. Ҳақиқатан чувиллоқ деган ҳайвон йўқ. Чувиллоқ, бу — одам.

— Қишлоғимизнинг мазороти атрофида ҳам, дарё бўйида ҳам ҳозиргача чувиллоқ яшайди, — ўз гапини қўймади Узоқ. — Чувиллоқ нима ўғирлайди? Ҳеч нима! У оғир замонларда эмас, ҳамма замонда яшайди. Шоқол ҳам, арвоҳ ҳам, бирор ўғри ҳам эмас. Мендан кафолат! Эҳтиёт бўлиш керак кечаси овлоқ-повлоқларда!

Одамлар яна Узоқнинг устидан кулишди. Ўчоқдаги чўгга тикилиб ўтирган Гўрхол бошини кўтарди. Тамлуз иккови кечалари сайр қилишганида, кимлардир олисдан шарпаларини пайқашган экан-да. Демак, зулмат одамлари аввалдан бўлган...

— Биз ҳам сизлардек одаммиз, — шивирлади Гўрхол ўзига-ўзи. — Агар одам одамдан меҳр қизганмаганда эди, дунёда мен ҳам, Тамлуз ака ҳам бўлмасдик. Ўрнимизга сизлардек, йўқ-йўқ, сизлардан ҳам бахтли инсонлар яшарди.

Эртасига қўни-қўшни-ю қариндошлар фолчининг ҳовлисига келишди. Улар бечора келин-куёвнинг тўйига мажбуран қатнашаётгани сезилиб турарди. Тамлуз саноқли куёвнавкар билан келганида, оқсоқол томонидан куёвнавкарликка мажбур этилганлар ва келин томон пинҳон-пинҳон кула бошлашди. Тамлуз



ўткинчи томошаларга эътиборсиз эди. Гўрхол паранжи ёпиниб, фолчининг уйидан чиқаётганида, шивирлади:

– Сизга хотин бўлмаслигимдан хабарингиз борми?

– Албатта, – деди Тамлуз. – Бугун ярим тунгача менга Бузим жийдазори қаердалигининг хабарини етказишади.

– Ким?

– Музейдан олинган қўнғироқча.

– Қанақасига?

– Кимон келди. Мен совға қилган қўнғироқча жиринги орқали уйдаги аёл ўз ўтмишини ҳикоя қилибди. Қўнғироқ тилини тушуниш осон бўлмабди. Ҳарҳолда уддалайдиганга ўхшайман, деди Кимон. Аёл ўз ҳаётини ҳикоя қилолмайди, қилмоқчи ҳам эмас экан. Лекин ўтмиши хаёлотида яшайди. Ёлғиз ўтирганида қўнғироқчаларни хаёлларига мос қилиб жиринглатаркан. Ҳар бир жирингнинг маъносини тушуниш айтишгагина осон...

– Тушунмадим, аёлнинг хаёлида Бузим бормикан?

Тамлуз саволга жавоб бермоқчи эди, Қулфия фолчи уларни ҳовли ўртасида тўхтатиб, атрофдагиларга қарата шундай хитоб қилди:

– Тамлузни куёвим эмас, ўғлим дедим! Шу бугундан бошлаб, уй-жойим, мол-қўйим, курка-товуқларимгача Тамлуз билан қизимники! Тўйдан сўнг шу ерга кўчиб келиб, ҳайҳотдек қасрда яшайверадилар. Қудам Роҳиб аканинг қизлари кўп. У кишига ҳам келажакда ўзлари орзу қилган куёвлар тилайман! Ёлғиз қизим ва ёлғиз куёвим ўзимнинг қанотимда яшаб, ували-жували бўлишсин! Қўша қаришсин! Бир умр хизматимни қилиб, дуоларимни олиб юришсин!

Бўлди қарсак, бўлди қийқириқ. Гўрхол аввал-бошдан фолчи онаси меҳрибончилик кўрсатиб қолгани-ю тўй ташвишида елиб-югуришидан мақсад-муддаони тушунганди. Тамлузни кимга уйлантириш масаласи Роҳиб муаллимникида ҳам нега айнан ўзига бориб тақалганига-да ақли етарди. Куёв томонга Гўрхолдек хизматкор керак эди. Бироқ Қулфия фолчи ҳам Тамлузни

Ўз хизматкори деб эълон қилиши қуда-андачилик ришталарини чувалаштириб юборди. Келин-куёвдан ўз юмушларини бажарадиган хизматкор ўрнида баб-баравар фойдаланишлари учун қудалар битта хонадонда яшашлари, мол-қолларини битта молхонада сақлашлари лозим эди. Албатта, бу ақлга сиғмайдиган иш бўларди.

— Ҳа, опа, тўппа-тўғри айтасиз, — деди фолчининг синглиси. — Бировнинг бошини силаш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Айниқса, уй-жой бериш осонми? Уларга мол-мулкингизни тағ-томири билан совға қиляпсиз! Сиз жаннати аёлсиз!

Улар қучоқлашдилар, ўпишдилар.

— Тўғри! Кулфия опа мардлик қилди! Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди! — деган хитоблар эшитилди.

— Вой, нега унақа дейсиз?! — келинни олиб кетишга келган хотин оломонни ёриб ўтди. — Тўйда ҳазилни ҳам қойиллатар экансиз-да, қуда хола!

— Қандай ҳазил, айланай? — ўгирилди фолчи.

— Келин-куёвга биз уйимизни бермоқчимиз! Сиз жаннати бўлсангиз, биз дўзахийми? Энди қизингиз куёвники! Куёвингизга ўз ота-онаси эгалик қилади! Кўнглингиз тусаганда меҳмонга бориб тураверасиз. Таомил шунақа! Бузманг!

— Роҳиб қудамнинг Тамлуздан бошқа фарзандлари бор-ку! — деди фолчи. — Менда-чи? Ёлғиз шу қизим! Нега энди куёвим билан қизимни кўчиртириб келмаслигим керак? Биз ҳувиллаган ҳовлида сўппайиб яшамаймиз-ку! Тамлузни таниганимдан бери неча йил ўтган бўлса, орзуйим ҳам шу эди. Бекорга қиз асраб боқдимми, қоқиндиқ!

— Хе йўқ! Опам Тамлузни сизга бериш учун уйлантираётгани йўқ! Бошида айтмагансиз-ку, уни ичкучуёв қиламан деб! Ҳозир эшитаяпмиз, ҳа, ҳозир! Бўлди, қизингиз билан хайрашинг! Тўй кутиб қолди!

— Тўйни тўхтатсам тўхтатаманки, қизимни у ёқда яшаттирмайман! Шундай ҳовли-жойда яшаш учун қайси йигит қизимга уйланмайди? Жон-жон дейди! Лекин мен Тамлузжонни ўғлим деганман...

— Ё тавба, — ёқа ушлади қуда вакили. — Шунча харажат қилиниб, етти юзта меҳмонга дастурхон ёзилган кунда ичингиз оғриб қолди-ей!

— Э, тўйда тортишувга бало борми? — даврага кирди эркаклардан бири. — Ҳой янгалар! “Ёр-ёр” айтасизларми ё ўзим бошлайми? Келин-куёвни машинага чиқаринглар! Қудаларни Роҳиб укамизнинг ҳовлисидаги данғир-дунғир тўй дастурхонида кутамиз!

Тамлуз ва Гўрхол машинага ўтирдилар. Ёшу қари дуога қўл очди. Сўнг тўй карвони Роҳиб муаллимниқига жўнади.

Қулфия фолчининг эълони қуда томонга яшин тезлигида тарқалган эди.

— Одам ҳам шундай писмиқ бўладими! — деди Роҳиб муаллимнинг хотини. — Тамлузни тайёр хизматкор қилиб олмоқчи экан-да! Чучварани хом санабди фолингга ўт тушгур товламачи! Дугона бўлганимдан бери қасамхўрликдан бошқа нарсани билмайди. Қудачиликни ҳам қон қилмаса гўрга эди, дегандим-а! Кўрамиз! Қизини ҳатто меҳмонга ҳам жўнатмайман!

Тўйдаги гаплар икки томонга зув-зув етказилди. Роҳиб муаллимнинг ҳовлисидаги тантанага ташриф буюрган қудалар орасидаги Узоқ ва Қулфия фолчи қовоғини очмади. Роҳиб муаллим ва хотини ҳам қовоқларидан қор ёғдириб, нон-чой ташиётганларни бўлар-бўлмасга койий бошлашди. Бетараф ароқхўрлар “Бизга нима? Вазифамиз еб-ичиш-ку!” деб идишларни бўшатишга зўр бердилар.

— Шунча йил боққан қизимни тайёр чўрилиқка берадиган аҳмоқ йўқ, — деди фолчи ён-веридагиларга. — Буларнинг мақсади келин тушириш эмас, чўрили бўлиш! Қудам муаллим, лекин Тамлузни ўқитмай, тоғдаги молхонасига юборди. Қизимнинг ҳам умри гўнг тозалаш билан ўтсинми?

Аммаси шанғиллади:

— Тўғри айтасан, гўнг тозалайман деса, ўзингнинг молхонангда ҳам етарли! Тоғда бало борми?!

Тўй тугади. Келин-куёвнинг чилласи чиқмагунча

кўчиртириб кетолмаслигини Қулфия фолчига ёнидагилар тушунтиришди. Яхшиси, ишни қирқ кун ичида Гўрхолни аврашдан бошлайди. Гўрхол Тамлузни кўндиради. Бир ой жанжал бўлар, икки ойга чўзилар, фолчи ниятига етмасдан қўймайди...

Бироқ никоҳ кечасида икки томонни ҳам доғда қолдирган воқеа содир бўлди. Келин-куёв ичкарига кириб, чироқни ўчиришгач, қўшни хонадаги янгалар ҳам ўринларига чўзилишди.

— Хўш, Кимон бобоникидаги аёл Бузим отани ўйлармикан? — сўради Гўрхол.

— Кимон ҳеч қачон ёлгон сўзламайди, — жавоб берди Тамлуз.

— Кетдикми?

— Қаёққа?

— Ота-оналаримиз бизга талашиб тўйимиз кунийёқ уруш бошлашди, — деди Гўрхол. — Бугун ҳаммасига нуқта қўямиз. Сезаяпман, онамнинг бахтсизлигига ҳам бемаъни орзуларнинг қуллари — худбин кишилар сабабчи бўлишган. Сирнинг тагига албатта етишим керак. Қўнғироқлар орқали гапирадиган аёлни жуда-жуда кўргим, гаплашгим келаяпти. Жуда бўлмаса, Кимон бобога ўхшаб тоғларда эркин яшаймиз.

— Қўлингни бер!

Келин-куёв қўл ушлашди. Кўз кўзга қадалди.

— Сени севаман, Гўрхол.

— Мен ҳам сизни... — деди келинчак.

Тонг-саҳарда янгалар эшик тақиллатишди. Келин-куёвдан садо чиқмагач, ичкарига мўралашди. Чимилдиқда ухлаб қолишган шекилли, деб пардани четга сурган заҳоти кўрққанларидан қичқириб юборишди. Чимилдиқда келин-куёдан ном-нишон йўқ эди. Кўрпада ғужанак бўлиб ётган баҳайбат қора мушук важоҳатли миёвлаб ўзини эшикка урди.

## ХОТИМА

Ўша кеча Тамлуз келинчакни етаклаб, тепаликка чиқди. Кимон уларни кутмоқда эди.

— Бировларни ортиқча харажатга тушириш яхшимас, — деди у. — Ниятларинг бор экан, тўйга тайёргарлик кўрилмасдан қочишларинг ёки ошкора кетишларинг керак эди.

— Мени Бузим деган киши боқиб олган, — гап бошлади Гўрхол. — У кишини топиб, ҳақиқий ота-онам кимлигини аниқламоқчиман.

— Яхши, — Кимон соқолини силаб, Гўрхолга нурунийларча нигоҳ ташлади, — лекин нега зулмат одамларига иснод келтириш орқали ота-онангни топмоқчисан, қизим? Сен ҳам, мен ҳам, Тамлуз ҳам ўз вақтида меҳр кўрмаган бандалармиз. Одамлар миш-миш қилишганидек, на шарпа, на чувиллоқ, на алвасти, на пари, на арвоҳмиз. Қачонки, кимгадир яхшилик қилишни истасак, бунини бошқаларнинг бахтсизлиги эвазига бажармаслигимиз шарт. Акс ҳолда, зулматда улғайганимиздан тарихга нима фойда?

— Иккита хизматкордан бошқа ҳеч ким йўқолмади у ёқда, — қишлоқ тарафга қўлини бигиз қилди Тамлуз. — Биз бир-биримизни севамиз, улар эса бир оғиз ҳам сўрамай тўйни бошлашди.

— Бир-бирингизни севар экансиз, бошларингизни қовуштирган кишилардан хурсанд бўлишларингиз керак.

— Мабодо севмаганимизда-чи?

— Бундай бахтсизлик юз бермади-ку! — деди Кимон.

— Аввал юз берганига имоним комил, — деб Тамлуз Гўрхолнинг қўлидан тутди. — Мен ва шу қизнинг қисмати меҳр-муҳаббат етишмаслигидан бунёд бўлганига ишонаман. Яъни ота-оналаримиз ҳаётида тасодиф рўй бермаган. Улар кабилар севишса, ажратиб юборишган. Севишмаса, мажбуран никоҳлатишган. Охир-оқибат чақалоқлар ё туғилмасдан аборт қилинади, ё овлоқларга

ташлаб кетилади. Келинг, бизнинг кутилмаган қароримизни маъқулланг! Қолаверса, келинингиз Бузим деган одам орқали ота-онасини топмаса, мен ҳам ўз ваъдамни бузган бўламан. Биламан, сиз ва тоғдаги аёл бизга ёрдам берасизлар.

Кимон бир муддат ўйга толди.

— Икковингизга ҳам оқ йўл, — дея келин-куёвга яқинлашди. — Қўнғироқчаларнинг айтишича, Бузим, бу — одам. У Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг қўнғир тоғлар бўйлаб чўзилган чегарасида яшаган. Қароргоҳи Бузим жийдазори. Гўрдан тирик чиққан аёлга мен Дунё деб исм қўйганман. Дунё Бузимни танийдими, демак, бир замонлар Дунёнинг чақалоғини қабристондан олиб кетган киши Бузим бўлиб чиқади. Эҳтимол, ўша чақалоқ Гўрхолдир. Буни аниқлаш учун ҳақиқатан Бузимни топишларинг керак.

— У ҳолда сиз Дунёни қайси қабристондан топганингизни айтинг, — деди Тамлуз. — Шундан сўнг Бузимнинг қароргоҳи бир қадам бўлади.

— Соримтепа қабристони эди.

— У қаерда?

Кимон айтди. Келин-куёв шу кечанинг ўзидаёқ олис вилоятга жўнадилар. Учинчи кеча Чўян деган қишлоқдан ўтиб, дала четидаги дарахт тўнкасига ўтирдилар. Пахта даласи этагида жийдазор қорайиб кўринарди.

— Кимсизлар? Нима қилиб юрибсизлар? — сўради тут ёқалаб келган қария.

— Бузим жийдазорини суриштириб юрибмиз, — деди Тамлуз. — Бузимни топишимиз керак, лекин жийдазорда ҳозир ҳеч ким яшамаслигини йўлда эшитдик. Бирор нима билсангиз айтинг, бобо!

— Вой-бў, — деди кекса киши, — отам замонидаги одамни келинчагинг билан алламаҳалда ахтариб келдингми? Йигирма йилча бурун шу ерда бир бақувват дарахт бўларди. Бир ҳафта деганда қулатганман. Ўша бир ҳафта ичида Бузимни ахтариб кимлар ўтмади бу тупроқ йўлдан, эҳ-ҳе! Ҳаммасининг дарди бор эди. Бузимни

ўша йиллари милиция олиб кетган, қайтиб келмади девонаси тушмагур.

— У уч-тўрт ёшлардаги Гўрхол деган қизалоқни боқиб олганди... — деди Гўрхол.

— Ҳа, хабаринг бор экан-ку, қизим. Унинг исми ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди: Гўрхол, Гўрхол...

— Соримтепа қабристони қайси томонда?

— Хув ана, — даланинг бошқа томонига ишора қилди қария. — Икки-уч чақирим...

— Ток уриб ўлган аёл қабрда чақалоқ туққани ҳақида эшитганмисиз?

— Йўқ, қизим, — деди қария, — Бу атрофларда ҳеч кимнинг қабристонда кўзи ёрмаган, Худо сақласин!

— Бузим ота ҳозир қаерда бўлиши мумкин? — саволлари қайнардиган Гўрхолнинг.

— Ўша алғов-далғовдан кейин эшитдик, Бузим дегани тоғнинг сиртидаги Байроқли атрофидаги қишлоқларнинг биридан экан. Ота-боболари мулла ўтганмиш.

Тамлуз ва Гўрхол яна йўлга тушишди. Бешинча кун кечқурун Бузим туғилиб-ўсган қишлоққа кирдилар. Бузим Гўрхолдан айрилгач, укасининг ҳовлисидаги ҳужрада танҳоликда умр ўтказиб, уч йил бурун қазо қилган экан.

— Мени ахтардимиз? — сўради Гўрхол Бузимнинг оппоқ соқолли укасидан.

— Кўп суриштирарди, кўп эсларди, — деди ука. — Афсуски, сизни ҳеч қаердан топиб бўлмади. Акам раҳматли битта хат қолдирди. Қизим барибир мени ахтариб келади, омонатни унга беринглар, деган.

Ука сандиқдан елимланган конверт олди. Гўрхол мактубни очди. “Ассалому алайкум, Гўрхол қизим, — деб бошланганди хат, — мажолим йўқ, хатим қисқа... Сен Қорақишлоқдаги Аҳмар деганнинг қизисан. Отангнинг икки хотини бўлиб, онанг тўнғичи эди. Туғилишингга оз қолганда, Чехра деган кундоши ток урдириб ўлдирди... Ўлди деб кўмишганида, кечаси дунёга келдинг. Онангга мен доя бўлдим... Елкангдаги хол ва туғилган жойингга

нисбат бериб сенга Гўрхол деб исм қўйдим. Уч ёшингда ўз онангнинг қабрига бекиндиг. Кейинчалик ўзим қиз қилиб оламан, Аҳмар ва Чехра хабар топмасин, деб миқ этмадим... Сенинг олдингда ёлғончи бўлиб қолдим. Мени кечир, қизим!.. Лаҳад ичидан чиққанинда, у ер бўм-бўш эканини кўзларингдан билдим. Онанг қабрда йўқ. Уни сен туғилган кеча Кимон лақабли инсон олиб кетган. “Кимон!” деган хитобни эшитганман, шарпасини кўрганман, аммо у ва ҳамроҳлари ғойиб бўлишгач, изидан қувмаганман. Менимча, улар ҳам мени пайқашган ва изимдан қувишмаган... Онанг ҳаётлигига то сен қабрга тушиб чиқмагунингча далилим йўқ эди... Чехрадан қасос олма! Уни қарғама! Мен ҳам бировларни қарғамаганман... Одамларнинг бошига уларнинг ўз кирдикорлари етади, қарғаш шарт эмас... Сен мактабда ўқимайман, деб уч ёшингдаёқ жаҳл қилганингни эслайсанми? Йўқ, ўқи, қизим! Мактабда ўқисанг, бахтингни топасан!.. Бахтинг мактабда! Буни кўнглим сезиб турибди... Мозоримни бир марта зиёрат қил, сўнг ўз бахтинг билан бахтли бўл... Ҳаёт – эрк майдони. Эрк эса ҳалоллик, ҳақ-ҳуқуқ ва муҳаббат дегани! Ҳар қандай нопоклик, бу – қуллик, шуни унутма, жон қизим... Агар ҳозиргача қоронгиликда яшаган бўлсанг, шу бугундан ёруғликка талпин... Қиёматда кўришгунча...”

Гўрхолнинг кейинги ҳаёти нима бўлди дерсиз?

Бу ҳақда турли гап-сўзлар юради. Ҳақиқат қуйидагича: у мактубни ўқиган заҳоти важоҳатли тусга киради, юпатмоқчи бўлган Тамлузнинг қўлини силтаб, кўзида ёш билан қабристонга жўнайди. Бузимнинг мозори бошида узоқ кўз ёш тўкади, “Отажоним” деб қабр тупроғини силаб, тонг оттиради. Кейинги кун кечаси Гўрхол ва Тамлуз Қорақишлоқда пайдо бўлишади. “Дукон. Сартарош” деган лавҳ қийшайиб турган дукон соҳибидан Аҳмарнинг уйини сўрамоқчи бўлганларида, қишлоқнинг маст-аласт йигитлари йўлини тўсишади. Катта жанжал чиқади.

— Сени дарахтга яланғоч осиб, бир умр уйланолмайдиган қиламан, — дейди қишлоқ зўравони Тамлузга. — Манави ҳурлиқо менга хотин бўлади. Ишонмайсанми?

— Бир замонлар худди шундай воқеа бўлган, — Тамлуз хотиржам сўзлайди. — Адашмасам ўшанда икки ошиқ йигит бир қизни талашган. Сен қандай махлуқсанки, бир марталик ишрат учун бировнинг номусига тегмоқчисан?! Бундай жирканчликни қаердан ўргандинг? Ҳатто ошиқ ҳам эмассан-ку! Ўзингдан аввал яшаб ўтган гумроҳлардан ҳам тубанлашишга қачон улгурдинг? Ақалли бу қизнинг исмини билсанг ҳам майли эди.

Тамлуз бир зарб билан зўравонни ерга қулатади. Ун киши Тамлуз ва Гўрхолга ташланади. Кучлар тенг эмасди, аммо зулмат одамлари — Тамлуз ва Гўрхол кучсиз эмасдилар. Орадан беш дақиқа ўтгач, зўравонлар оғиз-бурунлари қонга беланиб, куча ўртасида чўзилиб қолишади.

Не тонгки, қишлоқ зўравони Аҳмар ва Чеҳранинг ўғли, Гўрхолнинг ўғай укаси эди. Бир вақтлар Чеҳра унга ҳомиладор бўлганида, Аҳмар худойида Бузимга ўшани тилга олганди. Ўз қишлоғида калтак еганига чидаёлмаган йигит уйдан пичоқ кўтариб чиқади. Чеҳра ортидан лўкиллаб, уй орқасида унга етади. Ўғлини қайтармоқчи эди, холос, лекин нобакор ўғил ўз онасини ўлдириб қўяди.

Гўрхол отаси билан учрашганми? Йўқ. Қотиллик юз бергач, Тамлуз Қорақишлоқдан кетиш кераклигини айтади. Ахир, тоғ бошида Гўрхолни ўз онаси — Дунё, яъни Зебигул кутмоқда эди.

Тамлуз ва Гўрхолнинг авлодлари ҳам овлоқ маконда яшашадими?

Йўқ. Бир йил ўтиб туман марказидаги туғруқхонада Гўрхол қиз туғади. Гўрхол гўрда туғилиб, туғруқхонада ўлди, деган гаплар ёлғон. Айтишларича, палатага

кирган шифокор чақалоқ қорни билан ётганини кўриб, ёш онани койийди, Гўрхол унга тегинмаганини айтади. Қарасалар, чақалоқ туғруқхонадаёқ ағдарилишни уддалаяпти. Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлайди. Олти ойдан сўнг поликлиникага қизчани эмлашга олиб келадилар.

– Мамаша, – ҳазиллашади шифокор, – гўдакнинг ҳаракати қандай? Қўл-оёғини бемалол кимирлатаяптими?

– Ҳа, – дейди Гўрхол гўдакни полга қўйиб, – мана, кўринг.

Гўрхолнинг қизи қувонганидан қийқириб, йўлак охирига қараб чопади.

– Ты что, мамаша! – қичқириб юборади шифокор. – Нега уни юришга ўргатдинг, каллаварам?! Оёқ суяклари қотмаган, бир умр ногирон бўлиб қолишини хоҳлайсанми? Ушла! Ушласанг-чи, уни!

Уша куни поликлиникада роса томоша бўлади. Тамлуз ва Гўрхол бош шифокордан танбеҳ эшитиб, жилмайиб тураверишади. Уларда нима айб? Қизчанинг ўзи туғилганданоқ ҳаракатчан эди-да.

Уларни кутиб қолган Кимон ва Зебигул хонага киришгач, оила ташқарига бирга чиқади. Мусаффо осмонда қуёш порлаб турарди.

Кейинчалик эшитишларича, Аҳмар яна уйланибди. Хотиннинг қадрига етмайдиган бу одам бахтни уйдан ҳам, кўчадан ҳам тополмай еттинчиси билан яшаётганмиш.

## МУНДАРИЖА:

Муқаддима .....	3
Гўрхолнинг онасига совчи келди .....	4
Ҳалокатга учраган оила тарихи .....	12
Тўй .....	21
Бахтсиз келинчак.....	24
Жийдазордаги мулла .....	32
Кундош .....	46
Жанжал .....	59
Қайтиб келган висол кечаси .....	69
Ўлим .....	83
Гўрхолнинг туғилиши .....	93
Гўрхол — аломат қиз .....	106
Қабристон ҳақида миш-мишлар .....	114
Бузим маърақада.....	124
Гўрхолнинг қўлга олиниши .....	134
Машҳур фолбиннинг асрандиси .....	161
Мактабдаги воқеа .....	179
Гойиб бўлган келин-куёв.....	193
Хотима .....	209

*Адабий-бадий нашр*

**Азамат ҚОРЖОВОВ**

# **ЗУЛМАТ МАЛИКАСИ**

*Қисса*

Муҳаррир: О.Қанаев  
Тех.муҳаррир: Н.Қодирова  
Бадий муҳаррир: Р.Ташматов  
Саҳифаловчи: Г.Курбанбаева  
Рассом: М.Тухтарбоев

Босишга берилди 17.11.2016. Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

“Virtec Times Uz” гарнитураси.

Шартли босма табоғи 12,75. Нашр босма табоғи 13,5.

Адади 4000. Буюртма № 44.

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

Нашриёт лицензияси: АИ №270

«Dizayn-Print» МЧЖ УИЧК босмахонасида чоп этилди.

100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй